

ЖОНДОР ТҮЛАНОВ



ТОШКЕНТ-«ЎЗБЕКИСТОН»-1998

10

Тақризчи: Түрғун САҚСАНОВ, фалсафа ғанлари доктори

Махсус Абдусалом УМАРОВ, филология
муҳаррир: ғанлари номзоди

Муҳаррир: Зухра ҲАҚИМОВА

Тўланов Ж.

«Узбекистон», 1998. — 236 б. Қадриятлар фалсафаси. —
Т.:

ISBN 5-640-02286-8

Таниқли файласуф олим Жондор Тўлановнинг мазкур китоби-да қадриятларниң моҳияти ва асосий турлари, табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятларниң ўтмишдаги аҳволи, уларниң мустақиллик шарофати билан тикланиши, истиқболи, қадриятларниң ислоҳотларни чуқурлаштириб, жамиятимизни янгилашдаги, иясон маънавий баркамоллиги, унинг дунёқараси, бунёдкорлик фаоллигини, юксак инсоний фазилатларини шакллантиришдаги ўрини, миллий, миңтақавий ва умуминсоний қадриятларниң муштараклиги, миллий қадриятларимизнинг жаҳон ҳамжамиятига киришдаги воситачилик роли каби долзарб масалалар ёритиб берилган.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, миллий маданият, маънавият, қадриятлар билац қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

ББК 60.55+66.3(5У)

№ 650—97

Алишер Навоий номидаги
Узбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси

4702620106—70 98
T M 351(04)97

10 27280
394

H-1
T-96

1998 O'zb. Res. DK

1420

© «УЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1998.

ПОДР

Бу китобни падари бузрукворим
Сати ўғли Тўлан ва мунис онам
Эдил қизи Ҳайитжоннинг нурли
хотиралигига бағишлайман.

Муаллиф

МУҚАДДИМА

Қадим замонларданоқ Турон, Туркистон халқи ўзининг кўхна тарихи, бой мероси, ранг-баранг ва юксак маданияти, урф-одат ва анъаналари билан ажralиб тургац. Бу халқнинг буюк сиймолари миллий ва жаҳон илм-фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келганлар.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнida халқимизнинг юкеак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислом дини таълимoti билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий-ахлоҳий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди»¹.

Улуғ бобокалонларимиз буюк мутафаккир, алгебра фанининг асосчиси ал-Хоразмий, иккинчи муаллим, Шарқ Аристотели деб тан олинган Абу Наср ал-Фаробий, улуғ ҳаким Шайх-ур раис Абу Али Ибн Сино, қомусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, астрономия фанининг етук юлдузи Мирзо Улуғбек, ўзбек адабий тилининг асосчиси, даҳо шоир Алишер Навоий, беназир муҳаддис Исмоил Бухорий, тасаввуф илмининг буюк алломалари Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Фаззолий, Баҳовуддин Нақшбанд, Маҳмуд Замахшарий ва бошқаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан ҳанузгача ҳурмат билан тилга олиниб келинмоқда.

«Туркияда хизмат сафарида бўлганимда, — деб ёза-ди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳу-

¹И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 7-бет.

Зўридаги Диний ишлар қўмитаси ходими Омонулла Муталов,— биз 12 кишидан иборат уламо, дин арбоблари икки ҳафталик сафар чоғида дин ва диний сиёсат, масжиду мадрасалар ҳамда уларнинг аҳволи билан яқиндан танишдик, тажриба алмашдик.

Анқарадаги Жомиъанинг Илоҳият куллиётida бўлганимизда табаррук ёшли бир мударрис билан учрашдик. Бу нуроний инсон қучоқ очиб кўришаркан, ҳар биримизни қайси вилоят ёки шаҳардан эканлигимизни сўради. Жавобимизни эшитиб, «Э, у ерда, дарвоҷе, фалончи зот ёки фалончи аллома ўтганлар», деди ғоят мамнунлик билан. Энг охири ҳамроҳларимиздан Раҳматуллоҳ ўзини Хивадан деб таништириди. Муаллим эса ёнидагиларга қараб англамадим, дегандек ишорат қилди. Шуида бошлиғимиз яқинроқ бориб, қулогига пичирлади «Хоразмданман деяпти. Замахшарийнинг юртидан...» Шу чоғ домланинг кўзлари чараклаб «Замахшарий», «Замахшарий» дея ўрнидан туриб, Раҳматуллоҳ билан қайтадан қучоқ очиб кўришди¹.

О. Муталовнинг ёзишича, Туркияда тахминан ҳарйили бир миллиондан ортиқ Қуръони Шариф чоп этилар экан. Уларнинг ҳар бири Диёнат бошқонлигига тузилган ўн кишилик Ҳайъат, илми зўр қорилардан иборат маҳсус назоратчилар кўригидан синчиклаб ўтказилиб, қусур ва хатолардан холи бўлса, чоп этишга рухсат берилар экан. Мабодо нашр этилган Қуръонда озгина бўлса-да ихтилоф сезилса, у 1222 йили Самарқанд шаҳрида Муҳаммад Қарим бин Мулла Муҳаммад Раҳим Тайфур Самарқандий томонида қўчирилган Қуръони Карим билан солиштирилиб, бартараф этилар экан.

Шу биргина мисолдан бизнинг юртимизда яратилган асардан кўчирилган нусханинг нақадар мўътабар саналиши, бебаҳо обида сифатида қадрланиши аён бўлиб турибди. Марказий Осиё мутафаккирлари яратган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига таъллуқли нодир асарлар, қимматбаҳо фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолатига хизмат қилиб келмоқдаки, бундан биз қанчалик фахрлансак арзийди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ўзбек халқининг узоқ

¹ О. Муталов. Маънавиятимизнинг мангу булоқлари, «Халқ сўзи», 1995 йил 12 май.

тариҳий тараққиёти дәврида моддий ва маънавий маданияти бир текисда ривожланган эмас. Үнда биз уйғониш, юксалиш билан бир қаторда депсиниш, турғунлик ҳолатларини ҳам кузатишимиз мүмкін.

Марказий Осман халқлари ўтган минг йиллар мобайнида хитой, юноң араб, мұғул, рус истилочилари томонидан забт этилган. Истилочилар хилма-хил бўлса ҳам уларнинг мақсади ўҳаш, яъни кўҳна маданият ва маънавиятга эга бўлган туб аҳолини миллий қадриятлардан бегоналаштириш, ўзлигини англашга йўл қўймаслик, тарихини сохталаштиришдан иборат эди. Шу боис бизнинг ҳудудимиздаги бирон бир кўҳна шаҳримиз, катта-кичик дарёмиз, баланд-паст тоғимиз йўқки, у бир неча ном билан аталмасин. Бу истилочиларнинг манфур сиёсати, ўз халқининг тили ва маданиятини ўстун қилиб кўрсатиш, маҳаллий халқнинг тарихи ва маънавиятини камситиб, сохталаштириб ёки инкор этиш оқибати эди.

Халқни ўз маънавияти ва маданиятидан мосуво қилиб, хотирасиз манқуртларга айлантириш сўнгги қарийб бир ярим аср мобайнида чоризм ва большевизм мустамлакачиларининг ҳам бош сиёсати бўлиб келганини ҳаммага аён. Мазкур сиёсат оқибатида биз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизга беписандлик билан қарадик, ўтмишимиznи зўр бериб қоралаш ва камситиш йўлини тутдик. Бир неча минг йиллик маданий меросимизни, миллий тарихимиз, миллий анъаналар, урф одатларимизни унута бошладик. Жаҳон халқлари маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом таълимотини кўр-кўrona инкор этдик. Диндорлар маънавий таҳқирланди, уларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди, байрамлар оёқ ости қилинди, тарихимиз бир томонлама ва юзаки ўрганилди.

Мустақиллигимиз туфайли, буларнинг ҳаммасига барҳам берилди, маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғуури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, лекин шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, миллий ўз-ўзини англаш, ўзбекчилик — миллатчилик деган маънони билдиrmайди. Миллий уйғониш, миллий ғуур, миллий туйғунинг тикланиши — бу миллий ривожланиш

билан узвий бөглиқ бүлгән табиный қонуний жараёндир.

Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлни шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни Республикашимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етук, фидойи кишилар этиб тарбиялаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

«Бугун биз ўтказаётган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб қолмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодиётини қуриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта, барпо этамиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромади яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки, менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади»¹—дейди И. А. Каримов. Президентимиз ўзининг ана шу нуқтаи назарини изчиллик ва событқадамлик билан ривожлантираётганини «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» чиқарган Фармонида (1996 йил 9 сентябрь) яна бир бор намоён қилди. Унда «Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлатсиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин»,—дека аниқ кўрсатма берилган.

Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий меросни авайлаб-асраб, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини ошириш — мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир.

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 25 ноябрь.

Хеч бир халқ, ўз-ўзини англамасдан миллий маданияти, миллий қадриятларини авайлаб-асраб сақла-масдан туриб бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат-иззат билан қарай олмайди. Шунинг учун миллий қадриятларнинг тикланиши умуминсоний қадриятлар сари ривожланишининг яккаю ягона йўлидир.

Мустақил Узбекистонимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир. «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак,— деб ёзди И. А. Каримов.— Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажralиб қолиши мумкин эмас»¹.

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғулашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу қадар кенг имконият очилади. Бу ҳаётий ҳақиқатдир.

Мазкур асарда йистиқлол туфайли жамиятимизда миллий қадриятларимизнинг тикланиши, миллий қадриятлар тушунчасининг кўп қирралилиги, миллий ўз-ўзини англаш, миллий психология, миллий туйғу, миллий маданият, тил, урф-одат, удум ва анъаналар, уларнинг инсон маънавий баркамоллигини таъминлашда, дунёқарашини шакллантиришда, бунёдкорлик фаоллигини оширишдаги ўрни, шунингдек, миллий, миңтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги, ижтимоий-сиёсий, табиий, моддий қадриятлар ҳамда юксак миллий маънавиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишдаги воситачилик роли каби долзарб муаммолар фалсафий нуқтан назардан таҳлил этилади.

Қадриятлар масаласига бағишлиланган мазкур илк фалсафий асар айrim камчиликлардан холи эмас, албатта. Ҳамкасбларимиз ва ҳурматли китобхонларнинг ушбу асар хусусидаги фикр-мулоҳазалари келгуси илмий ишларимизда шу мавзуни янада чуқурлаштиришга имконият яратади, деган умиддамиз.

¹ И. А. Каримов. Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, «Узбекистон», 1992, 73-бет.

ҚАДРИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

1. I. ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, АСОСИЙ ТҮРЛАРИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий фуур», «миллий ифтихор» каби истилоҳлар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, зотан, мустақиллик айни пайтда миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, қатағон сиёсати ва тузуми даврида бу атамаларни ишлатиш у ёқда турсин, уларни ҳатто ўзбекча луғат бойлигидан суреби чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йили Москвада «Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти» томонидан чоп этилган, 40 мингдан ортиқ сўздан иборат «Ўзбекча — русча луғат»га ҳам, 1988 йили ЎзСЭ Бош редакцияси чиқарган «50 минг сўзлик «Ўзбекча — русча луғат»га ҳам «қадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби тушунчаларнинг киритилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, улар 1981 йили Москвада «Рус тили» нашриёти томонидан чоп этилган, 60 минг сўзни қамраб олган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам учрамайди. Шуниси борки, ҳатто баъзи русча—ўзбекча луғатларда ҳам «қадрият» сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»да «ценность» сўзининг 4 та маъноси алоҳида луғат мақоласи тарзида

берилгани ҳолда уларнинг бирортасида «қадрият» маъноси ўз ифодасини топмаган.

Лекин луғатларда «миллатчи», «миллатчилик» сўзлари бор. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? Фикримизча, бундай вазият ўз-ўзидан, ёки тасодифий туғилгани йўқ. Бу оқ ва қизил мустамлакачиларнинг минтақамиз халқларини ўзларининг кўп асрлик тарихи, бой ва ноёб миллий мероси, қадриятларию, маънавиятидан жудо этиб, манқуртларга айлантириб қўйишга қаратилган сиёсати натижасидир.

Ҳукмрон сиёсат тарафдорлари ва уларнинг маддохлари «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий «фурур» каби атамаларни кишида миллатчилик кайфиятини уйғотадиган тушунчалар деб ҳисобладилар ва уларни истифода этувчи маҳаллий миллат вакиллари миллатчиликда айбланиб, тазиқ остига олинди. Шунинг учун ҳам мазкур тушунчалар кўп йиллар давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ишлатилмай келинди. Ҳатто уларни сўз бойлигимиздан чиқариб ташлаш хавфи ҳам туғилди десак, ҳақиқатдан узоқ бўлмайди.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда илгари ишлатилиб келган кўпгина миллий тушунчаларни ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «қадриятлар», «мустақиллик», «истиқлол», «миллий ифтихор» каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичидаги теран илдиз отиб кетишида муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг хизматлари катта. Унинг асаrlари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида рўй берадиган туб ўзгаришлар, жумладан миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизнинг тикланиши, миллий «фуруримиз, миллий ўзлигимизни англашимизнинг тобора юксалаётганлиги фахр-ифтихор билан қайд қилиниб келмоқда. «Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, — деб ёзади И. Каримов, — жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон

цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги—мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирики, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади.»¹

Шундай қилиб, мустақиллик миллий маънавиятимизнинг заминини ташкил қилувчи «қадриятлар», «миллый истиқол», «миллый ифтихор», «миллый фурур», «миллый онг» каби тушунчаларнинг ижтимоий-сиёсий ва кундаклик ҳаётимиздаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тиклаб берди. Бу бизнинг маънавий ҳаётимизда қўлга киритган катта ютуқларимизданdir.

Хўш, қадриятлар ўзи нима? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало шуни қайд қилиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун ва кўп қирорали тушунча. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчага турлича ёндашувларни учратишимиш мумкин. Масалан, «Фалсафий энциклопедия»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қўйидагича тавсифланган: «Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор обьектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи—баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари) ни ифода этади. Шунга кўра обьектив (ашёвий) ва субъектив (онг) қадриятлари бир-биридан фарқланади.»²

Мазкур манбада ёзилишича, табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузликлар; тарихий ҳодисаларнинг прогрессив ёки реакцион аҳамияти; ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи мозийнинг маданий мероси; илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти; кишиларнинг хатти-ҳаракатларида ифодаланувчи ахлоқий яхшилик ёки ёмонлик; табиий ва ижтимоий обьектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик жиҳатдан

¹ И. А. Каримов. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Узбекистон», 1995. 140-бет.

² Философская энциклопедия. М., 1970, т. 5. с. 462.

тавсифланиши; саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради.

Онг қадриятларига норматив тасаввурлар (яхшилик ва ёмонлик, адолат, гўзаллик ва хунуклик ҳақида-ги, тарихнинг маъноси ва инсоннинг вазифаси ҳақида-ги тасаввурлар, идеаллар, ҳаракат нормалари ва принциплари тарзида ифодаланган ижтимоий кўрсат-малар ва баҳолар, талаб ва таъкилар, мақсад ва ло-йиҳалар киради.¹

Кўринадики, «Фалсафий энциклопедия»да русча «ценность» тушунчасига кишилар томонидан ё ижобий, ё салбий баҳоланадиган, уларнинг моддий ва маъна-вий ҳаётига ижобий ёки салбий таъсири кўрсатадиган барча нарса ва ҳодисалар киритилган.

Ана шунга яқин нуқтаи назар Ўзбек Совет Энцик-лопедиясида ҳам баён этилган: «Қадрият (фалсафа ва социологияда) — воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. ...Қадриятларни мазму-ни ва характеристига кўра прогрессив ва реакцион тип-ларга ажратиш мумкин.»² Бу эса мазкур категорияни ўта сифимдор қилиш билан бирга уни изоҳлашни муш-куллаштиради. Турли чалкашликлар келтириб чиқа-ради.

Шу жиҳатдан таниқли файласуф олим В. П. Тугариновнинг фикри эътиборга лойиқдир: «қадриятлар муай-ян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларнинг моҳияти (ёки ҳоди-санинг бир жиҳати) дир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейишлишига сабаб—кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасарруфларидағи қадриятларни ҳимоя қиласидилар ва ўзлари учун мақсад ёки идеал бўлган қадриятларни амалга оширишга интиладилар.

Қадриятлар ичida энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзиидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради...

¹ Философская энциклопедия, М., 1970, Т. 5. с. 462.

² Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-жилд. Т., 1980, 7-бет.

қолган қадриятлар, аслини олганда, ҳаёт неъматлари-
нинг моҳиятидир, маданий қадриятлардир».¹

В. П. Тугаринов «қадрият» ва «баҳо» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш зарурлигини уқтиради. Қадрият реал ёки орзудаги ҳодиса (бор нарса ёки идеал)дир, баҳо эса шу ҳодисага муносабатни билдиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларга мансуб ҳисоблаш, яъни уни қадриятларга қўшиш ёки қўшмаслик ана шу муносабатга—ижобий ёки салбий баҳога боғлиқ.

Қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳо-
лаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг
эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишлари-
дан келиб чиқади. Маълумки, жамият аъзоларининг
эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма-хил бў-
либ, кўпинча улар бир-бирига зид келиши мумкин.
Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий гуруҳлар, миллат-
лар, синфлар учун олий қадрият бўлиб ҳисобланиб ке-
линган табиат ва жамият ҳодисалари бошқалар учун
қадрият бўлмаслиги ҳам мумкин ва аксинча.

Фикримизни исботлаш учун қуидаги мисолга муро-
жаат этамиз. Маълумки, собиқ СССР давлати ҳукм
суреб турган кезларда КПСС мафкурасининг таъсири
остида диний таълимотлар, шу жумладан ислом таъ-
лимоти ҳам, меҳнаткаш халқ оммаси онгини заҳарловчи
афюн деб ҳисобланиб, диний қадриятлар оёқ ости қи-
либ келинган эди. Айни чоқда марксизм-ленинизм
таълимоти олий қадрият деб олқишиланиб келинди. Со-
биқ СССР пароканда бўлгандан кейин эса кўп йиллар
мобайнида сажда қилиб келинган марксизм-ленинизм
таълимоти илғариги аҳамиятини йўқотди. Миллат ва
халқларнинг диний эътиқоди, маросим ва анъаналари,
миллий қадриятлар сифатида ўзининг асл ҳаётий сифа-
тини тиклаб олмоқда.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: табиат ва
жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва
киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари,
орзу-истаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун
аҳамияти бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳ-
ларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласди-

¹ В. П. Тугаринов, О ценностях жизни и культуры. Л., 1960, с. 3.

ған табиат ва жамият ҳодисалари мажмуй тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда кўлтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуй билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадриятлар деб ҳисоблаш ноўриндир. Масалан, табиатдаги қазилма бойликлар инсон эҳтиёжларини қондириш учун ишлатила бошлагандан кейингина қадриятга айланади. Шунгача уларни табиий бойликлар деб ҳисоблашимиз лозим.

ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Жумладан инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирон нарсанинг қадр-қиммати ҳақида сўзлаш бемаънилиkdir. Шунинг учун ҳам инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиасини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераетган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси кишилар ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суворен Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни ҳар бир фуқаро шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айни мана шу олий мақсадда

эришишга—ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, мұнда сибороқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган»¹.

Истиқлол туфайли жумҳуриятимизда кейинги йилларда инсоннинг шахсий ҳақ-хуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини муҳофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Имзосиз хатлар ёзиш, бўхтон, туҳмат уюштириш йўли билан кишиларни ноҳақ безовта қилиш, уларнинг қадр-қиммати ва ор-номусига тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан тақиқланган. Асосли, адолатли танқид учун ўч олишга ҳаракат қиласидиган шахслар, кимлигидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади. Вазифасини сунистеъмол қилган мансабдорлар файриқонуний хатти-ҳаракатлари учун қонун олдидаги жавоб беради.

Ногиронлар, руҳий касал кишилар, меҳнат қобилиятини йўқотган, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, қарияларнинг ҳақ-хуқуқлари давлат йўли билан муҳофаза қилинади, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шахсий ҳаётлари, уй-жойининг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалар почта ва телеграф орқали жўнатилган нарсаларнинг сирсақланиши кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари фуқаролар орномуси, қадр-қимматини сақлаш ва муҳофаза этишга муҳим вазифалардан бири сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ фуқаролар ўз ҳаётлари ва соғлиқларига, мулкрага ва шахсий эркинликларига, орномусларига ва қадр-қимматларига тажовузлардан суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

Кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш масаласида ҳам Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг энг асосий масалаларидан бири уларни уй-жой, ичимлик суви, газ, электр энергияси, радио ва телевидение билан таъминлашдир. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар қўйилди. Кишлар ҳақолисига шахсий хўжаликларни кенгайтириш ва

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 247—248 бетлар.

үй-жой қуриш учун ер ва маблаглар ажратилди, қўрилиш материаллари билан ёрдам берилди.

Жумхуриятимизда яқин-яқинлардан бошлаб пахта теришга қўшимча ҳақ тўлашнинг жорий этилганлиги, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳарид нархини ошириш устида иш олиб борилаётганлиги, бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқат, ҳомиладор, бемор аёлларни қўшимча юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилганлиги, ветеранларнинг нафақасини ошириш, ногирон, ёлғиз қолган қариялар ва уй-интернатларининг шароитларини яхшилаш учун қўшимча маблаг сарф этилаётганлиги—ана шуларнинг ҳаммаси инсонга бўлган муносабатлар яхшиланаётганлигининг амалий исботидир.

Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Табиий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон замини хилмаяхил қазилмаларга бой. Ер юзасига яқин ётган қазилмаларнинг аксарияти очилган ва улар ҳалқ хўжалиги, фан ва техника тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Шу билаҳ бирга ҳали очилмаган, рўёбга чиқмаган конлар ҳам кўп. Бу конларнинг жуда оз қисми бевосита ер юзига чиққан бўлса, аксарияти ер ичкарисида яшириниб ётибди.¹ Иктисадий аҳамиятга эга бўлган табиий хомашё уюмлари—«фойдали қазилмалар» Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, унинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистон беҳисоб табиий бойликларга, қулай географик муҳитга эга.

Табиат табиий ресурслар манбайдир. Табиий ресурслар, яъни ёнилғи, ҳар хил металлар, рудалар, ҳаво, сув, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси бўлмаса инсоният яшай олмайди. Табиат биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи сифатида ҳам, соғлиқ, шодлик, турмушга меҳр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларнинг битмас-туғанмас омили сифатида ҳам ўзининг ғоят зўр аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Она—Ер кишилар учун моддий неъматлар манбаи, дастлабки меҳнат воситаларининг ҳазинасиdir, инсоният тараққиётининг бешигидир. Ердан инсон ўзи учун

¹ (Қаранг) И. Ҳамробоеев. Кўз илғамас ҳазиналар. Т., «Фан», 1990.

зарур нарсалярниң ундиради. Ер инсонни боқади. Таныкли инглиз иқтисодчи олими Вильзм Петти айтганидек, меңнат бойликнинг отаси бўлса, Ер унинг онаси-дир. Инсоннинг кундалик ҳаёти ва севинчлари ҳам Ер туфайлидир. Шундай экан, инсон учун ғоят даражада муҳим ва зарур бўлган ҳаёт манбай—Ерни қадрламаслик, эъзозламаслик мумкин эмас!

Зотан, Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида ёзиб қўйилган: «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир»¹.

Инсон меңнати, ҳатти-ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган «иккинчи табиат», яъни турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, тураржой, мол-мулк, ноз-неъмат ва шу кабилар моддий қадриятлар ҳисобланади.

Маълумки, моддий қадриятларнинг асосини жамиятимизнинг моддий-техника базаси ташкил қиласди. Инсоният жамиятининг ҳар бири ўзига хос моддий техника базасига эга. Улар бир-биридан сифат жиҳатидангина эмас, балки миқдор жиҳатдан ҳам фарқ қиласди. Тош ва ёғочдан ясалган содда қуролларни ишлатиш, ёйнинг ихтиро қилиниши ва ов қилиш, оловдан фойдаланишнинг кашф этилиши, металлдан меңнат қуролларини ясаш ва бошқа шу кабилар ҳаммаси ибтидоий жамият моддий-техника базаси учун характерлидир. Бироз такомиллашган меңнат қуролларини деҳқончилик, ҳунармандчилик ва қурилиш ишларида қўллаш, оғир жисмоний меңнат талаб қиласидан барча соҳаларда қулларнинг меңнатидан шафқатсизларча фойдаланиш қулдорлик жамиятининг моддий-техника базаси учун хос белгилардир. Шамол ва сув тегирмонларидан фойдаланиш, металларни эритиш ва уларни қайта ишлаш йўлларини яхшилаш феодал жамиятига тааллуқли моддий-техника базадир. Йирик ва кучли машиналарни ихтиро қилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги технологияни жорий этиш, табиий, моддий ва меңнат ресурс-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 19-бет.

ларидан ҳар томонлама фойдаланиш индустриал жамиятнинг моддий-техник базасини ташкил этади.

Жумҳуритимизда тараққий этаётган машинасозлик, металлургия, кимё, иссиқлик энергияси, транспорт ва алоқа, капитал қурилиши, енгил, озиқ-овқат, аграр саноати ва бошқа миллый бойликлар мажмуаси мустақил Ўзбекистон халқининг моддий қадриятларини ташкил этади.

Моддий қадриятларнинг негизини мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.¹

Президентимиз таъкидлаганидек, мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичida қатъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

«Мулкнинг,—дейди И. Каримов,—мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаронлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

Ана шундагина пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча имкониятларни яратади»².

Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий қадриятлар катта ўрин өгаллайди. Унга илмий техникавий ва интеллигентуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, миллый мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, ҳалқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва ҳоказолар киради.

Марказий Осиё азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг адабиёт ва санъатнинг марказларидан бири бўлиб кел-

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 9-бет.

² И. А. Каримов. Юксак малакали мутахассислар—тараққиёт омили, Т., «Ўзбекистон», 1995, 9-бет.

ған. Бу ўлкада етишиб чиққан буюк мутафаккирлар жаҳон илм-фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитиб, юқори чўққига кўтардилар, унинг кейинги тараққиётига самарали таъсир кўрсатдилар. Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сўнгари мұхташам шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғвўрлигига ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдиримоқда.

«Ўзбекистонда юз бераётган прогрессив ўзгаришлар,— дейди И. Қаримов,— ўнинг жуда кatta табий бойликлари, ишлаб чиқариш, илмий техникавий ва интеллектуал имкониятлари, ноёб миллий маданий мероси, халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳёти билан қизиқаётган дўнёниг барча минтақаларидаги сиёsatчилар, бизнесчилар, оддий одамларни ўлкамизга тобора кўпроқ жалб этмоқда».¹

Эндиликда минтақамизнинг бой маънавий маданияти, унинг ноёб миллий қадриятлари, бебаҳо фалсафий ва маънавий мероси халқимизнинг руҳияти, маънавиятини янада юксак даражага кўтариш учун хизмат қилмоқда.

Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз, дейди Президентимиз И. Қаримов. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, норма, қоида ва принциплар мажмуасидир. Ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън (ор-номус), бахт, адолат, идеал кабилар киради. Инсоннинг оила, жамият, халқ манфаатларини англаш қилаётган ҳар қандай хатти-ҳаракати яхшилик категорияси нуқтаи назаридан баҳоланади. Бурч — кишининг Ватан, халқ, жамоа, оила билан ўзаро муносабатларида ўз олдидаги мажбурият ва масъулиятини сезиши, уларга нисбатан

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни туқурлаштириш йўлида, 7-бет.

садоқатини ифодалайди. Виждон—кишининг хатти-ҳаракатига ўзининг муносабатини, кишининг ўз хулқодоби учун маънавий масъулият ҳиссини ифодалайди. Шаън—тушунчаси шахсга жамият берадиган ижтимоий баҳони белгиловчи ва шахсий қадр-қумматини ифода қилувчи категориядир. Бахт тушунчаси инсоннинг ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги ўз фаолияти, рӯёбга чиққан орзу-истак ва мақсадларидан мамнунлигини билдиради. Ахлоқ категориялари инсоннинг юриш-туршига баҳо беради, уни жамиятда мавжуд, кўпчилик маъқуллаган хатти ҳаракатга чорлади.

Шарқ фалсафаси ва юлом таълимотида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига доимо катта эътибор бераб келинган.

«Қадимги аждодларимиз,—дейди И. Каримов,—комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка,adolatsizlikka nisbatan murosasiz исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бироннинг ҳақига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди»¹.

Ахлоқ маънавиятнинг шираю шарбатидир. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ—бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозлаб, қадрланиб келинган.

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шуҳрати ва қадр-қуммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тўғрида шундай сўзлар ёзилган: «Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қуммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисадий истиқболининг асосий тамойиллари, 53-бет.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»¹.

Жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси»га мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир инсоннинг фуқаролик, шаҳсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланинг, фуқароларнинг бурчлари бўлгилаб қўйилған.

Жумҳуриятимиз барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Конституцияда ёзиб қўйилганидек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»².

Бошқа халқлар, миллатларга нисбатан дўстлик, биродарлик муносабатида бўлиши — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа мазхаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган. Президентимиз таъкидлаганидек, биз миллий белги бўйича ҳар қанақа фарқлашларга қатъиян қарши чиқамиз. Жаҳонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йўқ. Уларнинг ҳар бири асрий барқарор ва тенги йўқ анъаналари билан, тарихий месорининг бойлиги билан, миллий руҳининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир. «Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдиди учун, уларнинг ўзига хос маданий маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир.

Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро то-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 11-бет.

² Шу манба. 9-бет.

тұвлик ва дүстлик, уларни сақлаш ва мустақамлашга инилиш доимо халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда»¹.

Ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичидаги истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.

«Кўп миллатли жамиятимизда,—дейди И. Қаримов,—ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди.»²

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик булар ҳавлатчилигининг янги биноси барпо қилинадиган пойдевордир. Бу бизни эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир. Тинчлик ва барқарорлик—булар халқаро ҳамжамият билан бирлашувчи воситадир. «Инсонпарварлик, яхшилик, соғдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда барҳам кўрган мамлакатгина, халқгина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин»³.

Юқорида биз қадриятларнинг асосий турларига тўхталиб ўтдик, халос. Қадриятлар шулар билан чегараланиб қолмайди, албатта.

Қадриятлар субъектини инобатга олган ҳолда, турли шаклдаги мулкдорларга тегишли бўлган моддий ва маънавий қадриятларнинг мавжудлигини эслатиб ўтиш жоиздир.

Маълумки, жумҳуриятимиз иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунга 1993 йил 7 майда қилинган қўшимчага мувофиқ, ҳозир мамлакатимизда беш хил мулк шакли мавжуд. Уларга қўйидагилар киради: 1) хусусий мулк; 2) ширқат (жамоа) мулки; 3) давлат мулки; 4) аралаш мулклар; 5) бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, 262—263-бетлар.

² Ўша асар. 167-бет.

³ Ўша асар. 170—171-бет.

Юқорида кўрсатилган мулк эгаларининг тасарруфи-даги моддий ва маънавий бойликлар—турли мулк эгаларининг қадриятларини ташкил этади.

Хусусий қадриятларга оила ва оила аъзоларининг мулклари, уларнинг хусусий тадбиркорлик асосида ортирган моддий ва маънавий бойликлари киради. «Хусусий тадбиркорлик ва ташабусни қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши туфайли кейинги икки-уч йилда жумҳуриятимизда кичик тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланиб бормоқда.

Конституциямизга мувофиқ, «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидайдир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади».¹

Жамиятнинг негизини ташкил қилувчи оила — энг улуғ қадрият бўлиб ҳисобланади. Унда одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. «Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруглари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий дараҷада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».²

Жамоа, кооператив, фермер хўжаликлари, ўрта ва кичик корхоналарнинг фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган моддий ва маънавий мулкларнинг мажмуаси, уларнинг орзу-умидлари, иймон эътиқодлари ширкат (жамоа) қадриятлари туркумини ташкил этади.

Давлат қадриятларига унинг тасарруфида бўлган ер ости ва ер усти бойликлари, моддий ва маънавий мулклари, суверенитет ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсиалиги, давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳияси, қуролли кучлари, молия, пул, кредит тизими кабилар киради.

Ҳар хил мулк эгаларининг, МДҲ ва хорижий мамлакатлар, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналарнинг мол-мулклари, моддий ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 19-бет.

² И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т., «Ўзбекистон», 1993, 47-бет.

маънавий бойликлари—аралаш мулкни, қўшма қадриятларни ташкил этади.

Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулклари ҳам алоҳида қадриятларни ташкил этади. Уларнинг дахлисизлиги қонун билан кафолатланади. Республика изда барча фуқаролар ва юридик шахсларга ишбилармонликини ривожлантириш, хўжалик фаолиятининг қонун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратиб берилган.

Қадриятлар амал қилиш доирасига кўра миллий, минтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Миллий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақида ги тасаввури фақат ғоягина эмас, балки тўйғу ҳамдир. Бу тўйғу кишида миллатнинг тарихи, руҳияти, ҳозирги ҳолати ва хусусиятини тушуниш, ҳисб қилиш шаклида мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, унинг миллий қадриятларни англашини тасаввур қилиш қийин. Токи, миллатлар, миллий мафкуралар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий ҳисб-туйғулар ҳам, миллий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Миллатни миллий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният олдидаги энг катта жиноятдир.

Ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз. Миллатнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Миллий қадриятларнинг эъзозланиши ва кучайиб бориши зинҳор миллий маҳдудликка, миллий худбинликка, манманликка олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам бу масалада хушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, бағрикенглик, саҳоват талаб қилинади. Зотан, миллий қадриятларнинг ўзиёт айни пайтда минтақавий ёки умуминсоний қадриятларнинг узвий қисми сифатида намоён бўлади.

Минтақавий қадриятлар иқтисодиёти, маданийти, тарихи, тили, дини, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиласидаган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуасини ташкил этади.

Минтақавий қадриятларга мисол сифатида Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман халқларига хос бўлган қадриятларни эслатиб ўтишимиз мумкин. Буюк Турон диёрида униб ўсган мазкур халқларнинг тарихи, тили, маданийти, дини, урф-одат ва анъаналаридаги жуда кўп умумийлик мавжуд. Улар ҳамиша бир-бирларига оға-ини, қуда-қудағай бўлганлар, ҳозир ҳам баҳамжиҳат, тутув ҳаёт кечирмоқдалар. Мазкур халқларнинг иқтисодий, маданий, маънавий, савдо-сотиқ муносабатлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимдан нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг, айниқса, бугунги масъулиятли даврида ақл, заковат ва шижоат, дунёвий салоҳият ва миллий гурур талаб этадиган бир паллада яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Минтақавий қадриятлар туркумига Марказий Осиёда ягона иқтисодий ҳудудни ташкил қилиш, Орол муаммоларини ҳал этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, минтақамизда яшовчи халқларни тиббий, социал жиҳатдан ҳимоялаш, бой тарихий, маънавий меросимизни авайлаб асрар қабилар киради.

Умуминсоний қадриятлар миллий ва минтақавий қадриятлардан мазмуни жиҳатдан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадриятлар барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишларига мувофиқ келади. Шуни таъкидлаш керакки, жаҳондаги биронта халқ ва миллат ўзидан бошқа халқ ва миллатлардан, умуми жаҳон цивилизациясидан мутлақо ажралган, алоҳида маданиятга эга эмас. Миллатлар бошқа халқларнинг маданий-маънавий ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Шу сабабли барча халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ривожланиши, тарихи бир-бири билан чамбарчас бўлиб кетган.

Умуминсоний қадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган умумбашарий муаммолар киради. Улардан энг асосийлари

Ер юзида илм-фани тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, ядрорий қуролларнинг пойгасини тұхтатиши, халқаро хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва саводсизликка бардам бериш, саноат хом ашеси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, коннотни ва жағон океани ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар киради.

Қадриятларнинг жамият тараққиёти, инсон ҳәётига кўрсатадиган таъсири нуқтаи назаридан прогрессив ва реакцион қадриятларга ажратилишини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Жамиятимизнинг иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятининг илгари қараб ривожланишига, миллий ахлоқ, одоб, урф-одат негизларida комил инсонни тарбиялашга, мустақил республикамизни ҳар томонлама равнақ топтириб, жағон цивилизациясига қўшишга астойдил ҳизмат қиласидиган қадриятлар—бу прогрессив қадриятларни ташкил этади. Аксинча, жумҳуриятимизнинг олдида турган ижтимоий-сийёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қиласидиган ҳодисалар реакцион қадриятларга киради.

Прогрессив қадриятларнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳәёт кечиришини, эркин яшаши, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиласидиган восита-лар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни авайлаб асраш, юксалтириш инсон шахсий ҳәётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ҮРНИ

Қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг миллий ифтихоримиз. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш — барчамизнинг бурчимиздир. «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир»¹, деб ёзиб қўйилган Конституциямида.

Миллий қадриятларга ҳурмат билан қаращ — миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғини-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., 18-бет.

дир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратылған маданий-маънавий бойликлар билан құшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлаш-га күмаклашади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авай-лаб асраш, уларни құриқлаш, юксалтириш алоҳида инсон ҳәётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг энг олий маҳсулі ва қадрияты бўлмиш Инсоннинг қадриятларга муносабати ҳеч қачон бир текис бўлган эмас. Бир томондан инсон қадриятлар бунёдкори сифатида қанчадан-қанча моддий ва маънавий қадриятларни юзага келтирган бўлса, иккинчи томондан у мавжуд қадриятларга ёвуздарча муносабатда бўлиб, уни талон-тарож ҳам қилиб келган. Буни биз инсоннинг табиий-моддий қадриятларга бўлган муносабатларида яққол қўришимиз мумкин.

Одам пайдо бўлган даврдан то ҳозирга қадар табиатга таъсир қилиб, уни ўзгартириб юборди. Кейинги минг йиллар давомида инсон меҳнат фаолияти натижасида Ер шари юзаси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кескин ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Эътироф этиш керакки, инсоннинг истиқболни ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари, туфайли табнат беҳад озор чекди, кўп нарсалардан агадий жудо бўлди. Маълумки, яқин-яқинларгача инсон табиатга ҳоким, уни истаганча ўзгартириши, ўз иродасига бўйсундириши мумкин, деган нотўғри фикр устунлик қилиб келди. Натижада табиатни иқтисодиёт талабига мослаштириб ўзгартириш авж олиб кетди. Қанча-қанча лойиҳалар пайдо бўлди. Дарё ва кўллардаги балиқлар, паррандалар, ҳайвонлар эҳтиёждан ортиқча овланиб, кўпчилиги ҳозир йўқ бўлиб кетди. Бир пайтлар Амударёнинг ўзидагина 140 дан ортиқ балиқ тури бўлганига энди бирорни ишонтириш қийин. Республика изда Турон йўлбарси, йўлли сиртлон каби ҳайвонлар қирилиб кетди. Оққуйруқ, қорақулоқ, Устюрт қўйлари, жайрон, Бухоро бугуси, оқтироқли қўнғир айиқ кабилар эса йўқ бўлиш арафасида турибди. Үрмонлар, тўқайлар йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Инсон табиатдан ўзига керакли нарсаларни олиш билан бир қаторда унга ҳар хил ишлаб чиқариш чиқиндиларини ташлаб, табиатни заҳарлантирмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳар йили атмосферага 200 миллион

тоннадан зиёд карбонат ангидрид (ис гази), қарийб 150 миллион тонна олтингугурт оксиди, 53 миллион тонна нитрат ангидрид, 50 миллион тоннадан ортиқроқ ҳар хил углеводородлар чиқарылмоқда. Жаҳон саноати ҳар йили табиатга 32 миллиард куб метр ифлосланган сув, 70 миллион тонна заҳарли газлар ва 250 миллион тонна чангни ташламоқда. Оқибатда биосфера ўз-ўзини тозалашга ожиз бўлиб қолмоқда, ҳозир атмосферадаги заҳарлангац карбонат ангидрид газининг миқдори қарийб 20 фоизни ташкил этади. Бунинг ҳаммаси инсон соғлиғига таъсир этиб, рак ва бошқа касалликлар йилдан-йилга кўпайиб кетмоқда. Ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар йили 500 минг киши рак билан касалланган бўлса, унинг 60 фоизи атроф муҳитдаги ҳар хил концереген-моддаларнинг кўпайиши натижасида келиб чиқсан. Атроф муҳитнинг радиоактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларнинг, дарё ва кўллардаги, сув омборлари ва океанлардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер юзининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса цивилизация ҳалокатга учраши мумкин дейишмоқда.

Сув таъминотининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, кўллар, музликлар, ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овқат манбаи бўлган жаҳон океани ҳам ҳозирги вақтда цивилизациянинг қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанига ўн миллион тоннагача миқдорда нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушмоқда.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиб кетишини Орол денгизининг фожиасидан ҳам кўришимиз мумкин. Орол бўйида экологик вазият кейинги вақтларда шу қадар кескинлашиб, фожиали тус олиб кетдики, ундан нафақат Марказий Осиё ҳалқлари, балки бутун курраи замин бирин-кетин зарар кўрмоқда. Кейинги йилларда Орол денгизининг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, майдони икки баравар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашув даражаси тўрт баравар ошиди, ҳайдаладиган икки миллион гектар ерни қум босди, чанг-тўзонлар бўрони 300 километр ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси миңтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ эксперталарининг фик-

рига кўра Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатдан XX асрнинг энг катта оғатларидан бири бўлиб қолди.

Бугунги кунда Орол денгизи атрофидаги 35 миллиондан ортиқ аҳоли экологик фалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида ёқ иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Орол денгизини сақлаб қолиш, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, баҳамжиҳат, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш лозимлигини англаб етдилар. 1993 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ана шу мақсадда Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда вилоятида йиғилдилар. 1994 йили эса Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишланган иккинчи учрашув ўтказилди.

Давлат раҳбарларининг ушбу икки учрашуви давомида Орол муаммоларини ҳал этиш экологик таназзул минтақасидаги аҳоли турмушини яхшилаш борасида таълай силжишлар рўй берди. Жумладан Орол денгизини қутқариш бўйича халқаро жамғарма, давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органлари ташкил этилди. Нукусдаги учрашувда давлатлараро кенгашнинг «яқин 3—5 йил ичиде минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожлашишини таъмин этган ҳолда экологик аҳволни барқарорлаштириш бўйича аниқ чора тадбирлар дастури» қабул қилинди.

Ушбу жамғарма бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги, халқаро молиявий ташкилотлар эътиборини тортмоқда. Жаҳон банки Орол бўйи ҳудудида табиий мувозанатни тиклаш, аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга рози. Европа иттифоқи, EXXT каби нуфузли ташкилотлар ҳам жамғарма фаолиятини қўллаб-қувватлаётir.

1995 йил 3 марта Туркманистон Республикасининг Тошовуз шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи муаммосига бағишланган анжу мани бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари анжу манда Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг таркиби билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Н. Назарбоев иккинчи марта Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма президентлигига сайланди.

Давлат раҳбарлари 1995 йилнинг 18—20 сентябр кунлари Нукус шаҳрида БМТ билан ҳамкорликда Орол дengизи муаммоси бўйича халқаро анжуман ўтказиш ҳақида келишиб олдилар. Анжумандада Орол дengизини қутқариш бўйича Давлатлараро кенгаш ижроия қўмийтаси фаолияти, унинг белгиланган чоратадбирлар дастури юзасидан амалга ошираётган ишлари ва кёлгуси ҳамкорлик режаларини муҳокама этдилар. Анжуман якуннида давлат раҳбарларининг ушбу учрашув якунлигига оид қўшма баёноти қабул қилинди.

Орол дengизи муаммоси бугунги кунда Марказий Осиё халқларининг ягона дардига айланди. Денгиздаги сув сатҳининг пасайиб бориши, миintaқадаги табиий мувозанатининг бузилиши оқибатида экологик бўхрон юзага келди. Бу нафақат Оролбўйи худудида, балки иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврини бошидан кечираётган Марказий Осиё мамлакатлари табиий муҳитида, қишлоқ хўжалигида ҳам ўз аксини топмоқда. Минглаб гектар ерлар сувсиз қолди. Мутахассислар дengиз чекиниши натижасида ҳосил бўлган қумликлардан кўтарилиган турли минерал тузлар ҳатто Помир тоғидаги музликлар устини ҳам қоплагани тўғрисида маълумотларга эга.

Марказий Осиё миintaқасига хос яна бир экологик муаммо пахта яккаҳокимлиги билан боғлиқdir. Миintaқамиз табиий иқлими пахтачиликни ривожлантиришга мослашган. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё республикаларида ўтмишда пахта экадиган майдонлар кўлами ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилган эди. Уларни сув билан таъминлаш мақсадида Амударё ва Сирдарё ўзанида кўплаб сув омборлари қурилган эди. Натижада дарёларнинг суби Орол дengизига етиб келмай, йўл йўлакай сунъий кўлларда сақланиб қолмоқда. Бундай ҳоллар икки дарёдан сув ичадиган беш мамлакатнинг ҳаммасида ҳам юз бермоқда.

Миintaқамизда экологик вазиятнинг муркаблашиб бораётганлиги ҳақида сўз юритганда яна шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, пахтани етишириш учун бир неча йиллар мобайнида кўп миқдорда ишлатилган кимёвий моддалар туфайли ер, сув, ҳаво заҳарланди. Оқибатда неча минглаб кишилар ошқозон-ичак, сариқ касалликларига мубтало бўлишиди.

Пахта яккаҳокимлиги етказган иқтисодий, жисмоний ва маънавий зарарнинг адоги йўқ эди. Унинг зарарли

таъсирини ҳаммә соҳада — экологияда, ижтимоий турмушда, маориф ва маданиятда, таълим-тарбияда, соғлиқни сақлашда, саноат ва бошқа соҳаларда ҳам кўриш мумкин эди.

Орол денгизининг қисмати ҳам пахта яккаҳокимлиги билан узвий боғлиқдир. Орол бўйида содир бўлаётган экологик фожиани ўз кўлами ва узоқ давом этадиган оқибатларига кўра жаҳондаги энг катта экологик ҳалокатлар билан қиёслаш мумкин. Қурбонлар, бир умр ногирон бўлиб қоладиган кишилар бор. Заҳарланган, яроқсиз ҳолга келтирилган замин, ҳувиллаб қолган, вайрон бўлаётган қишлоқлар бор. Энг хавфлиси шуки, беморлар орасида болалар кўпчиликни ташкил этади. Ногиронлар мунтазам кўпайиб бормоқда. Қорақалпонистоннинг бир қанча туманларида врачлар оналарга гўдакларни эмизмасликни тавсия этадилар, чунки она сути заҳарланган. Она сутининг заҳарланиши—бу нақадар оғир ҳалокат!

Мустақиллик туфайли бу масалани ҳам ҳал қилишда маълум даражада ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Пахта заараркундаларига қарши заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш ўрнига биологик усуллардан фойдаланилмоқда. Пахтазорларни камайтириш ҳисобига дон маҳсулотларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида экологик вазиятни яхшилашга замин яратмоқда.

Марказий Осиё минтақаси учун хос яна бир вазият шундан иборатки, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун ер ости бойликлари, жумладан, газ, нефть маҳсулотларини ишлатиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келиши турган гап. Шунинг учун ҳам ҳозирги энг дол зарб масала — мазкур хом ашёларни ишлатишда табиатни муҳофаза этиш ҷораларини кўриб қўйиш бўлмоғи лозим.

Марказий Осиё минтақасидаги экологик хавф ҳақида сўз юритилганда Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск полигонида собиқ СССР даврида кўп йиллар мобайнида яdroвий зарядларни портлатиш туфайли атроф-муҳитнинг радиоактив нурлар ва чиқиндилар билан заҳарланганлиги тўғрисида гапириб ўтмасдан бўлмайди.

Қуролланиш пойгаси авж олган йилларда мазкур полигонда доимий равишда ва жуда кўп миқдорда яд-

рөвий құрдлларға ғортлатыш Натижасаіда бир нәча минг километр атрофдаги мұхит — ер, сув, ҳаво, үсімліклар, барча жонлы мавжудотлар шу жойларда истиқомат қылувчи кишилар, радиоактив нурлари ва чиқиндилар билан заһарланды ва ҳозир ҳам заһарланиб келмоқда. Бу эса үз навбатида инсониятни лол қолдирадиган даражада турли фожиаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Кейинги йилларда таниқли қозоқ ёзувчиси Олжас Сулаймоновнинг ташабуси билан ташкил қилинган «Семипалатинск — Невада» ҳаракати туфайли мазкур полигонда ядрорий зарядларни портлатиш ишлари түхтатилган. Лекин экологик вазият ҳанузгача жуда ҳам мураккаб ҳолда сақланиб келмоқда. Маҳаллий аҳоли ичидә рак, қон касалликлари, ногирон гўдакларнинг туғилиши авж олиб кетган. Бундай аҳвол яна қанча вақт давом этишини ҳеч ким билмайди. Полигоннинг келажак тақдирни ҳам номаълум.

Бугун инсоният шундай даражага эришди, энди табиатдан фойдаланибгина қолмасдан уни ҳимоя қилиш зарурати туғилди. Бугун инсонларгина табиатга боғлиқ әмас, балки табиат ҳам инсонларга боғлиқ бўлиб қолди. Табиатни эъзозлашда ва сақлашда ҳеч қандай ҳудудий тўсиқлар бўлиши мумкин әмас, чунки бир мамлакатда рўй берётган экологик инқироз бошқа жойларга ҳам үз таъсирини кўрсатмоқда.

Табиат — муқаддас даргоҳ, инсониятнинг бешигидир. Биз яшаб, нафас олиб турган табиат, унинг таркибий қисми бўлмиш — Еримиз ҳамманинг — бутун инсониятнинг умумий уйи, умумий масканидир. Шундай экан, уни кўз қорачиғидек сақлаш, атроф мұхиттинг ифлосланишига йўл қўймаслик башариятнинг ишидир. Табиатни муҳофаза қилишнинг долзарблиги ана шунда. Ана шу долзарб муаммога биринчи даражали эътибор берилмаса оқибати даҳшатли бўлиши аниқ ва равшандир.

Экологик инқироз — ишлаб чиқариш инқирози бўлиб қолмасдан, айни вақтда ҳам социал-сиёсий муаммодир, чунки табиатни муҳофаза қилиш — бу социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизда табиатни муҳофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш, назорат қилишга катта аҳамият берилаётгани бежиз әмас. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Оролни

сақлаш, «Экосан» ва башқа жамғармаларнинг таъсис этилиши табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф мұхитни муҳофаза қилиш муаммоларига оид минтақавий ва жаҳон илмий-амалий анжуманларининг ўтказилиши табиатни муҳофаза қилиш ишларига жамоатчиликнинг кенг жалб этилиши бунга мисол бўла олади.

Минтақамизда табиатни муҳофаза қилиш ишлари қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим:

— қишлоқ хўжалик әкинзорларини сақлаш, тупроқ эррозиясига қарши курашни кучайтириш, ерларни селдан, кўчкилардан, ўпирилишлардан, шўр босишдан, заҳарланишдан, сув босишдан ва қақраб қолишдан ҳимоя қилишни таъминлаш;

— фойдали қазилма конларини янада комплекс рационалда ўзлаштириш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида нобудгарчиликка йўл қўймаслик;

— Орол дengизи, Сирдарё, Амударё ва башқа дарёлар сувлари сатҳини камайтиришнинг олдини олиш, уларни ифлосланишдан сақлашни кучайтириш чораларини амалга ошириш. Сув манбалари, шу жумладаң кичик дарёлар ва кўлларни қуриб қолишдан ва ифлосланишдан муҳофаза қилишни яхшилаш, Марказий Осиёдаги энг мұхим дарё ҳавзаларидағи сув хўжалик комплексларини автоматлаштирилган башқариш системаларини яратиш, ирригация тармоқларини ҳозирги давр талабига мувофиқлаштириб қайта қуриш;

— заарли моддаларнинг атроф мұхитга чиқариб ташланышини камайтириш ва чиқарилаётган газларни заарли аралашмалардан тозалашни яхшилаш, газ ва чангларни ютувчи ғоят самарали аппаратлар, сув тоғалайдиган ускуналар, шунингдек, табиий мұхитнинг ҳолатини назорат қилувчи мосламалар ҳамда автомат станциялар ишлаб чиқаришни таъминлаш;

— иссиқлик электр станцияларидан мазутдан, торфдан ёқилғи сифатида фойдаланишни камайтириш;

— ўрмонларни ёнғиндан сақлаш ҳамда уларни зарарли ҳашоратлардан ва касалликлардан муҳофаза қилиш. Йҳота дараҳтзорларини кенгайтириш, шаҳарлар, посёлкалар ва уларнинг атрофларида янги кўкарамзорларни яратиш, мавжуд шундай зоналарни ободонлаштириш;

— илмий асосланган қўриқхона ҳудудлари ва миллий боғларни вужудга келтиришни давом эттириш.

Еввойи ҳайвонларни мутаносиб равишда кўпайтириш ҳамда табиий кўл, ҳовузлар ва сув омборларида қимматли балиқ турларини урчитиб кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш;

Экологик инқизорзни ҳал қилиш учун барча мамлакатлар ҳамкорлик билан иш тутишлари мақсадга мувофиқдир. Бу ҳамкорлик тўла тенг ҳуқуқли, ҳар бир мамлакатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, олинган мажбуриятларни, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларини вижданан бажариш асосида бўлиши лозим. Биз яшаб турган заминнинг қатъий талаби мана шулардан иборат.

Инсон учун табиий қадриятлар билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий қадриятлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Башарият кўп минг йиллик тарихи давомида эркин, бахти ва гўзал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган хилма-хил қадриятларни яратди, инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қиласидиган қонунлар, сиёсий ташкилотларни бунёд этди. Инсоннинг гўзал яшаши учун зарур бўлган бадиий-эстетик қадриятларни ривожлантирди, кишиларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини белгилаб берадиган ахлоқий қондалар мажмуасини жорий этди ва ҳоказо. Мазкур ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва ахлоқий қадриятлар жамият тараққиётида салмоқли ўрин эгаллаб, кишиларнинг инсоний фазилатларини юксалтиришда катта хизмат қилиб келган ва ҳозир ҳам хизмат қилиб келмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, инсон ўзи яратган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ахлоқий қадриятларни кўп ҳолларда поймол қилиб келаётганинги ҳам тан олишимиз керак. Қонунбузарлик, ахлоқизлик, миллатимизнинг урф-одат ва аиъаналарига зид келувчи хатти-қаракатларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ичиде авж олиб кетаётгани бунга мисол бўла олади. Буларнинг олдини олиш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида кўндаланг турган долзарб вазифадир.

Кишиларни қадриятларга истеъмолчи ёки кузатувчи сифатида қараш кайфиятидан холи этиб, аксинча уларни янада кўпайтириш, юксалтириш пайдага бўлишларига эришишга алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, ҳаётда ҳеч бир нарса абадий эмас. Бу қадриятларга ҳам тааллуқлидир. Шундай эканчуларни доимо бойитиб, ривожлантириб, кўпайтириб, янгилаб турмогимиз даркор!

Қадриятлар катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тар-

биявий аҳамиятгә эга. Ўлар ўтмиш билан ҳозиргىй күн ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли миллиатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келгән ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман жамият тараққиётини белгилай олмайди. Қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга кўрсатадиган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётгән сиёсат, унинг манфаатлари билан узвий боғлангандир.

Бўни биз ўзбек халқи миллий қадриятларининг ўтмишдаги ва ҳозирги аҳволидан яққол кўришимиз мумкин.

2. МУСТАМЛАКАЧИЛИК, ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН ТАБИЙ ВА МОДДИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ўзбекистон табиий ресурсларга ниҳоят даражада бой, нисбатан юқори иқтисодий ва ишлаб чиқариш-техника қудратига эга мамлакатdir. Республикамиз бағрида фойдали қазилмалар мўл. У табиий иқлим шароитларига кўра, қишлоқ хўжалик маданиятини юксалтириш имконияти баланд, маҳсулотлар етиштириш учун энг қулай минтақалардан биридир. Ўлкамиз азалдан илм-фан ва маданиятнинг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка олимлари, етук мутафаккирлари жаҳон илм-фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан бойитдилар, инсоният тафаккури тараққиётига жуда катта ҳисса қўшидилар.

Ана шундай ўлкани, унинг бойликларини қўлга киритиш чоризм ташки сиёсатининг мақсади бўлиб, бу сиёсат рус императори Пётр Биринчи томонидан асослаб берилган эди. Ана шу ниятни амалга ошириш илинжида Пётр Биринчи Ўрта Осиёга Александр Бекович Черкасский, Флорио Беневени каби жосусларини шу ўлкани ҳар тарафлама ўрганиш учун юборган эди.

Россиянинг кейинги ҳўқмдёрлари ҳам мазкур сиёсатни амалга ошириш учун қўплаб жосуслар юбордилар, бир қанча экспедиция уюштирилар ва бошқа саъй-ҳаракатлар қилдилар. 1839—1840 йилларда Русия Хивани босиб олиш учун Перовский бошчилигига катта ҳарбий экспедиция уюштириди. Аммо босқинчиларнинг бу ҳаракати зое кетди. Экспедиция улкан талофатлар билан ортга қайтишга мажбур бўлди.

1864—1875 йилларда чоризм Туркистонни забт этгач, ўлқани ўзининг мустамлакасига, метрополиянинг хом ашё қўноғига айлантириди. Бу эса Туркистон жамиятининг бутун турмушини ағдар-тўнтар қилиб юборди, ундаги ҳалқларнинг миллий қадриятлари, урф-одат, аиъналари зўравонлик билан барбод этилди, жамиятнинг табақалашуви кучайди.

Чоризм томонидан Туркистонда ўтказилган мана шу сиёsat, афсуски, Ўзбекистонда октябрь инқилобидан кейинги даврда ҳам ўзига хос усулда давом этди. Собиқ СССР марказий органлари оғизда миллий жумҳуриятларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида гапириб, амалда эса уларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ва манфатларини оёқ ости қилдилар. Зўравонликка асосланган маъмурий буйруқбозлиқ тизими, тоталитар марказ ўз қўлидаги чексиз ҳокимиятни ишга солиб, республикаларнинг мустақиллигини, фуқароларнинг энг оддий ҳақ-хуқуқларини ҳам камситиб қўйди.

Республика иқтисодиёти асосан хом ашё етказиб беришга йўналтирилди.

Пахта яккаҳокимлиги узоқ йиллар давом этаверди. Суфориладиган ерларга муттасил пахта экиб келинди. Неча-неча ўн йиллар давомида заҳри қотил бутифосни пахтачиликда қўлланди, пайкалларга сепилди. Оқибатнотижада еримиз заҳарланди, сув ва ҳаво булғанди, неча минглаб кишилар ошқозон-ичак, сариқ касалларига мубтало бўлишди, болалар, хотин-қизлар ва катталар ўртасида ўлим кўпайди.

Пахта яккаҳокимлиги оқибатида сувдан фойдаланиш издан чиқанлиги туфайли Орол денгизининг сатҳи ниҳоятда пасайиб кетди. «Сувнинг тобора камайиб кетаётгани ва унинг сифати ёмонлашиши тупроқ ва ўсимлик қатламиининг таназзулига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ўзгаришларга, балиқни қайта ишлаш соҳасининг йўқолиб кетишига, шунингдек суфориладиган ерлар самарадорлигининг пасайишига олиб келди. Экологик

вázиятнинг ёмомлашуви Орол денгизи ҳавзасидаги 35 миллион аҳолининг турмуш шароитларига, уларнинг саломатлигига бевосита ва билвосита салбий таъсир кўрсатди, хўжалик фаолиятини бузиб юборди. Буларнинг барчаси эса мазкур минтақадаги миграцион жараёнларнинг кучайишига олиб келади¹.

Республика ҳалқи мамлакат ва собиқ социалистик лағеръ мамлакатлари тўқимачилари олдидаги ўз байналминал бурчани виждонан бажаришга бажарди-ю, аммо ўрнини қоплаб бўлмайдиган талофатларга учради.

Шундай қилиб оқ ва қизил мустамлакачилик туфайли ноёб бойликларга ва имкониятларга эга, истеъоддли ва мөхнатсёвар ҳалқ ажойиб анъаналари, бой маданияти бўлган, бўюк мутафаккирлар ва улуғ зотларни вояга етказган бизнинг диёримиз доимо хом ашё манбаига айлантириб камситилиб қўйилган эди. Пахтачиликда ялпи маҳсулотни кўпайтириш кетидан қувиш бутун аҳолининг, айниқса, деҳқонларнинг ҳаётий манфаатларига катта зиён етказди. Узоқ йиллар давомида «ер—деҳқонники», «ер умумхалқ мулки», «ерга хусусий мулкчилик абадий бекор қилинган», «помешчик ер эгалиги тугатилган», «деҳқон ер эгалиги ҳуқуқига асос солинди», деб зўр бериб гапириб келиндию, аммо ҳаётда деҳқон ердан, ер эса деҳқондан жудо бўлди.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ — ИНСОН ҲАЕТИГА ТАҲДИД

Мустабид тузум олий қадрият ҳисобланувчи инсон ва унинг ҳаётига ҳам жиддий хавф соглан эди. Сир эмаски, чоризм ва большевизм мустамлакачилари маҳаллий ҳалқнинг миллатпарвар зиёлиларини, атоқли давлат арбобларини, етук миллий қадриятларни бирма-бир қатағон қилишдан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туришнинг энг маккорона, тарих синовидан ўтган нозик йўлларидан бири сифатида фойдаланди. Қатағонлик—миллий кадрларни қийратишга, ҳалқларни қўрқитиб олишга, миллий онги ва ғурурининг ўсишига йўл бермасликка қаратилган давлат сиёсатидир.

20-йилларнинг охиrlаридан бошлаб қатағон қилиш ҳамма жойга бало-қазодек ёйилди. Кимда-ким шубҳа остига олинган бўлса, айби борми, йўқми, ҳақми ёки

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил 21 сентябрь.

ноҳақми, сўраб-суриштириб ўтирилмай йўқ қилинаверди.

Ўта машъум йилларда ҳеч ким ўзини хавфсизман, деб ҳисоблай олмаган, кечаси уйида тинч ухлай олмаган, кишилар ноҳақдан «халқ душмани», «миллатчи», «жосус», «ёт унсур» деган тавқи лаънатни олиб турмага тушган. Одам одамдан қўрқсан, бир-бирига ишонмаган. Ҳамма руҳий изтироб ва даҳшат ичида яшаган. Ежов ва Берия айғоқчилари истаган одамдан хоҳлаган пайтларида истаганларича «айб» ва «жиноят» топиб, йўқ айбни бор қилиб, бегуноҳ одамларнинг тақдирини ҳал этганлар, ўн, ўн беш йилга қаматганлар, отишга ҳукм қиласверганлар. Қамоқхоналарда одамлар чидаб бўлмас ҳақорат ва тазиқ остида, қилмаган ишларини қилдим, деб бўйинга олишга, қалбаки кўрсатмаларга имзо чекишга мажбур бўлганлар. Бундай даҳшатли фожиалар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 1937—1939 йилларида Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари (тройка) томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Бундай бедодлик 50-йилларга қадар давом этди. Умуман, 1939—1953 йилларда битта бизнинг жумҳуриятимизнинг ўзидағина 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. 7 минг 100 киши эса отиб ташланди¹.

Социализм байроғига «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг баҳт-саодати учун» деган сўзлар ёзиб қўйилган эди. Амалда эса бу шиор оддий инсонлар учун эмас, балки марказ ва жойлардаги раҳбарлар манфаати учун хизмат қилиб келди. Оддий инсонлар учун социализм янги ташвиш, янги муаммоларни туғдириб, уларнинг ҳаётини янада мураккаблаштириб юборди.

Гарчи сўзда, социализм жамиятда ишлаб чиқариш воситалари халқ қўлида, қашшоқликка барҳам берилган, деб айтилса-да, амалда эса кишилар ўз қўли билан ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, турмуш даражалари йилдан-йилга пасайиб кетаверди.

Сўзда социализм чинакам демократик жамият, унда кишиларнинг ҳамма эркинлеклари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, улар фикр, мафкуравий

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 15 сентябрь

эътиқодларни ифодалаш ҳамда уни тарқатиш ҳуқуқига әгадир, деб келинди, амалда эса кишилар бундан ҳам маҳрум қилинди. Оддий меҳнаткашларнинг, баъзи бир миллатлар ва эллатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чеклаб кўйилди, бутун-бутун халқлар қатағон қилинди. 1941—1945 йилларда Шимолий Кавказ ва Қрим аҳолиси—қалмоқлар, чеченлар, ингушлар, қараҷойлар, Қрим татарлари ва бошқалар зўравонлик йўли билан ўз юртларидан Шарққа томон кўчирилди. Кўчирилган мусулмонларнинг умумий сони тахминан 3 миллион кишини ташкил қиласди. «Жазоланган» халқлар вакилларининг ҳисоб-китобига кўра кўчириш чоғида 1 миллионга яқин болалар, аёллар, қариялар, касаллар оламдан кўз юмган.¹ Мажбурий равишда ўз ҳудудларидан бадарға қилинган халқларга нисбатан асоссиз равишда чеклашлар жорий этилди, уларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилди. Булар эса ўтмишда ижтимоий-сиёсий қадриятларнинг ҳам оёқ ости қилинганидан далолат беради.

Қатағон даҳшатли довулдек қанчадан-қанча давлат арబблари, олимлар, маданият ҳодимлари, зиёлилари-мизнинг гулинни—энг сараларини бирма-бир супуриб кетди. Ўзбек халқининг севимли ва ардоқли фарзандлари Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовнинг тақдирни ҳаммамизга маълум. Халқимизнинг истеъодди вакиллари бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Элбек, Шокир Сулаймон, Гулом Зафарий, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, Муҳаммад Ҳасан ва бошқалар қатағон қурбони бўлдилар.

Турғунлик даври деб аталған 70-йиллар ва 80-йиллар бошларида, кейинчалик 1984—1990 йилларда ҳам соидир бўлган қатағонлик ўзининг моҳияти ва кўлами жиҳатидан миллатимиз бошидан кечирган жабр-жафоларнинг даҳшатлиси эди. Бу даврларда гап айрим кишиларни қоралаш, қатағон қилиш устида эмас, балки бутун бир миллатни бадном этиш, қадр-қимматини ерга уриш устида боради. «Ўзбек мафияси», «Ўзбеклар иши», «Пахта иши», «Бухоро иши» сингари ҳақоратомуз атамалар пайдо бўлганлигини, ўзбек халқи пешонасига ўғри, пораҳўр, ишёқмас, текинтомоқ, боқиманда деган тамфалар ёпиштиришга ҳаракат қилинганини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

¹ Қаранг: «Аргументы и факты», 1989, № 5.

Миллий ўзлигимизни англаб олишимизга йўл бер-
маслик мақсадида мустамлакачилар томонидан олиб
борилган зўравонлик сиёсати натижасида миллий ғуру-
римиз, урф-одатларимиз, инсоний қадриятларимиз ер-
га урилди. Сохта байналмилалчилик шовқинлари ос-
тида халқимиз ҳақ-ҳуқуқи, эрки, иззат-нафси, тили,
тарихи, маданияти тазийқ остига олинди.

Ошкора зўравонлик, ур-йиқит, таъқиб ва тазийқа,
миллий хўрлаш ва камситишга асосланган мустабид
сиёсатнинг машъум оқибати сифатида баъзи одамларда
бора-бора игоаткорлик, карахтлик, тўпорилик, лақма-
лик илдиз ота бошлади. Халқ ичиде аламонлашув бош-
ланди. Мардлик ва жасорат, ҳур фикр ва ғурур, садо-
қат ва эътиқод, ирода ва қадрият сингари муқаддас ту-
шунчалар кишиларда, айниқса ёшларда аста-секин сўна
бошлади. Миллий руҳга зимдан зарба берилаверди.
Ана шундай оғир ва мураккаб бир шароитда бахтимизга
Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги эълон
қилинди. У юз йилдан кўпроқ вақт давомида эзилган,
камситилган, шаъни ва ғурури ерга тапталган халқи-
миз эзгу ниятини рўёбга чиқариш учун кенг имконият
ва шароит яратиб берди.

ЧЕҚЛАНГАН ДЕМОКРАТИЯ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲВОЛИ

Үтмишда рўй берган салбий ҳодисалар туфайли
Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини йўқотиб
қўйган эди. Бошқарув усуулларининг ҳаддан ташқари
марказлаштирилгани оқибатида Иттилоғнинг ҳоким,
жумҳуриятларнинг эса тобе, бошқача айтганда, вассал
бўлиб қолганлиги жамиятимиз тараққиётига ғов бўлди.
Шахсга сифиниш авжга чиққан, қатағон кучайиб кетган
пайтларда жумҳурият ҳуқуқлари пасайиб оёқ ости қи-
линди. Гарчи асосий қонун бўлган Конституцияда жум-
ҳуриятлар мустақил деб белгилаб қўйилган бўлса-да,
уларнинг барча инон-иҳтиёрлари, ваколатларини мар-
каз ҳукумати ўз қўлида мустаҳкам ушлаб турарди.
Марказнинг гапи-гап, айтгани айтган эди, у тўғрими-
нотўғрими барибир, бажарилиши шарт эди. Қабул қи-
линган қарорлар ва қонунларнинг баъзилари жумҳу-
риятлар учун унчалик тўғри келмаса ҳам бажарилиши
сўзсиз талаб қилинарди. Ер ва ер ости бойликларига
эгалик қилиш, ички ва ташқи сиёсат масалаларини

ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш, маданият, фан ва бошқа соҳаларни қай дараҷада ривожлантириш сингари энг муҳим ҳаётий муаммоларни ечиш ҳуқуқи жумҳуриятлардан олиниб, юқоридан белгиланадиган бўлиб қолган эди. Собиқ СССРнинг турли жумҳуриятларида содир бўлган ижтимоий-иқтисадий-сиёсий тангликлар, миллий мажоралар қайд қилинган нотўғри сиёsatнинг қонуний оқибатидир десак, ҳақиқатдан холи бўлмайди.

Ўтмишда ҳалқимизнинг бошига тушган кўп кулфатларнинг яна бир сабаби шундаки, мамлакатда ҳамма вақт битта коммунистик партия ва унинг олий органи— Сиёсий бюро ҳукмронлик қилиб келганидадир. Ҳокимиятни ўз қўлига киритиб олган коммунистик партия давлатнинг ичидаги давлат каби эди. Ундан юқори турган ҳокимият йўқ эди. Уни танқид қиласидиган, хатоларини фош этадиган, камчиликларини юзга соладиган бошқа партиялар бўлган эмас. Шу сабабли коммунистик партия йўл қўйган хатолар ҳам тўғри деб тасдиқланиб келинганди. Пировард натижада бу хатолар янада жиддийлашиб, чуқурлашиб бориб, батамом инқирозга олиб келди.

Кўп йиллар давомида ҳукм суриб келган коммунистик мафкуранинг таъсири остида «халқимиз демократик давлатда яшаб келаётir», деб жар солиб келдик, ҳақиқатда эса биз тоталитар тузумдаги жиловланган демократия шароитида яшадик. Сиёсий ҳаётимиз тўлаттўқис коммунистик партиянинг ихтиёрида эди. Олий Қенгаш ва маҳаллий советлар сайловлари КПСС нинг назорати остида ўтарди. Сайловга қўйиладиган номзодлар, уларнинг сони, таркиби, сайлов, ҳаммаси партия қўмиталари томонидан олдиндан белгилаб қўйиларди. Ҳаттоқи сайлов комиссияларининг аъзолари ҳам партия қўмиталарининг бюроси томонидан тасдиқланиб қўйиларди. Сайлов бюллетенида битта ўринга битта номзод киритиларди. Аслида бу сайлов эмас партия томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз бериш эди. Лекин шунга қарамай мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларни энг демократик сайлов деб овоза қилинади.

Конституцияда кўрсатилган фуқароларнинг ҳуқуқлари амалда ҳар қадамда поймол қилиниб келинди. Натижада жамиятимизда барқарорлик, тинчлик ўрнига — нотинчлик, доимий сиёсий кураш ҳукмронлик қил-

ди. Собиқ СССР 74 йил ҳукмронлик қилган бўлса, халқимиз ана шу 74 йил мобайнида бир-бири билан курашиб келишди. Октябрь инқилоби фуқаролар урушига туташиб кетди, у эса колективлаштириш, индустриализациялаш жараёнида рўй берган катта сиёсий курашларга айланиб кетди. Қатағон йилларидағи курашлар ўз навбатида 1941—1945 йиллардаги фашизмга қарши олиб борилган урушлар билан қўшилишиб кетди. Бу эса ўз навбатида 50—70-йилларда жамиятимизда авж олиб кетган космополитизм, диссидентларга қарши олиб борилган сиёсий курашларни юзага келтирди.

Ташқи сиёсатимиз ҳам сиёсий курашни авж олдириш фоялари билан сугорилган эди. Сўзда бизнинг сиёсатимиз тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган сиёсат деб келинди. Лекин амалда эса КПСС ўзининг Программасида «Капитализм, инсоният тарихидаги энг сўнгги эксплуатациялаш тизими», «ҳозирги даврнинг асосий мазмунини капитализмдан социализм ва коммунизмга ўтиш ташкил қиласи» деб ёзиб қўйилган эди.

Мамлакатимизда ўтмишда сиёсий кураш, тортишувлар қанчалик авж олиб кётганлигини давлатни бошқариш учун коммунистик партия раҳбарлари томонидан олиб борилган ўзаро сиёсий олишувлардан яққол кўришимиз ҳам мумкин. Маълумки, И. Сталин вафотидан кейин мамлакатни бошқариш учун КПСС Сиёсий Бюро аъзолари ўртасида тахт учун кураш ниҳоятда кучайиб кетади. 1953 йилдан бошланган мазкур курашлар то собиқ СССР пароканда бўлиб кетгунига қадар (1991 йил) давом этди. Мана шундай тортишувлар, курашлар натижасида халқимиз барқарорлик, тинчлик, тотувлик каби ижтимоий-сиёсий қадриятлардан йироқлашиб доимо хавф остида яшаб келди.

Маълумки, шахсга сифиниш ва тургунлик йилларида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши жуда заифлашиб кетди. Жамиятнинг ғоят муҳим принципи—меҳнатга яраша тақсимлаш тамойиллари бузила бошлади. Баъзан юқори мартабали шахслар фаолиятида юз берган салбий ҳодисалар меҳнаткаш инсоннинг дилини қаттиқ ранжитиб, ҳафсаласини пир қилди, қадр-қиммати ва нафсонияти камситилишига олиб келди. Капиталистик мамлакатларда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлик, қадриятлари нест-нобуд қилинаётганлиги ҳақида истаганча гапирдик, шов-шув кўтардик, ўзимиздаги унча-мунча ютуқларни эса мутлақлаштиридик, керагидан ортиқ мақ-

тадик, Афсуски, ўша кезларда собиқ совет жамиятида инсоннинг ор-номуси ва қадриятлари исталганча оёқости қилинаётган эди. Йжтимоий адолат бузилган, қонун-қоидалар, ҳуқуқ тартибот сунистеъмол қилинган эди. Ўша даврларда кўпчилик одамлар ноҳақ қамалди, жазоланди, айбиззиз айбор бўлиб қолиши, инсоний қадриятлари ерга урилди.

Маҳкамачилик, маъмурий буйруқбозлик ҳукмронлик қилган шароитда умумийликнинг яккалиқдан, ижтимоий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устунлиги баҳонаси остида инсон моддий манфаатларининг оқилюна чегаралари кескин торайтирилди, социалистик тузумнинг инсонпарварлик моҳияти йўққа чиқарила бошлади. Амалга ошмаган даъватлар ва ваъдалар шу қадар кўп бўлдики, оқибатда уларга ҳеч ким ишёнмай қўйди. Инсоннинг манфаатлари моддий ресурслар, ҳуқуқий кафолатлар билан мустаҳкамланмади.

ИСКАНЖАГА ОЛИНГАН МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Чоризм мустамлакачилари Туркистон халқларининг маънавий жиҳатдан Русияга нисбатан устун туришини яхши англаған ҳолда, уларни саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришга интилдилар. Чунки фафлат ўйқусида бўлган, фан, техника, маданият ютуқларидан бехабар қолган, миллий онги паст халқни танлаш анчагина осондир. Бу ҳақда генерал Кауфман очиқдан-очиқ шундай деб ёзган эди: «Бу халққа иложи борича кўпроқ паҳта эктириш, кўпроқ ишлашга мажбур этиш, керакки, токи бир зум ҳам ўйлашга, кундалик воқеаларни англашга уринишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам қолмасин. Мабодо буларда дарду ҳасратларини тўкиб солишга мойиллик туғилса, фақат диндан најот топсин»¹.

Миллий ғуури сўндирилган, маданияти, тили, урф одат ва анъаналари камситилган, ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, қадрияти, иззат-нафси ерга урилиб, маънавий манқуртга айланган халқ ва миллат — мустамлакачилар учун тап-тайёр ўлжадир. Шунинг учун ҳам чор ҳукумати мустамлакачиликнинг ҳамма даврларида ўлкамизда

¹ «Ўзбекистон овози», 1993 йил 26 июль.

фанинг, маърифатнинг, маданиятнинг, миллий оғнинг, миллий фурур ва миллий ўзлигини англашнинг ривожланишига йўл бермасликка жон-жаҳди билан курашиб келдилар. Босиб олинган халқларни охир-оқибати оломонга айлантириш, улар қалбидаги озодлик ва эркинлик алангаларини буткул сўндириш барча мустамлакачиларнинг олий мақсадидир. Бундан шўро ҳукумати ҳам истисно эмас эди.

Шахсга сифиниш ва тоталитариzm авжига чиққан йилларда бошқа жумҳуриятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам миллий қадриятлар ривожига сунъий тўсиқлар яратилди. Тилимиз, маданиятимиз, меросимиз, қораланди ва камситилди. Бир неча минг йиллик маданий меросимизга унчалик эътибор берилмади. Жумҳуриятимизда қисқа муддат ичидаги икки марта алифбо ўзгариб, халқ икки марта саводсиз бўлиб қолди. Араб алифбосидан воз кечиш халқни 13 асрлик она тарихидан бутунлай узоқлаштириди. Қатағонлик даврида араб алифбосида ўқиш ва ёзишни биладиган зиёлилар таъқиб остига олинди, ўша йилда ёзилган жамики китоблар, нодир қўллётмалар ёқиб ташланди. Натижада бутун бир маънавий хазинадан маҳрум бўлдик.

30-йилларда ва ҳатто яқин-яқицларда ҳам Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз ва бошқа кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги масжид ва мадрасалар, осориатиқалар динга қарши кураш ниқоби остида бузиб ташланди. Халқимизнинг меҳнати ва ақл-идроқи билан дунёга келган гўзал тарихий обидалар ўйламай-нетмай яксон қилинди. Йиллар давомида зиёрат қилиб келинган муқаддас жойлар, азиз-авлиёлар мақбаралари атайн бузиб ташланди.

Миллий қадриятларга, маданият ва маънавий меросимизга, динга ҳурматсизлик шу даражага бориб етдики, минг йиллар давомида баҳор ва меҳнат байрами бўлиб келган Наврӯз тақиқланди, кўкламда сумалак қилиш ҳоллари қораланди, руҳонийларнинг, диний ташкилотларнинг фаолиятлари чекланди. Ўзбекистонда ўзбекларни миллий кийимларини кийишдан воз кечишига чақириш ҳоллари кучайди, тўн ва дўппи кийиб юриш миллатчилик ва маданий қолоқликнинг ифодаси сифатида талқин этила бошлади. Диний урф-одатларга, маросимларга қатнашганлар расмга олиниб кейин жазоланди, матбуот саҳифаларида фель-

етон қилинди, расмий йиғилиш ва мажлисларда қаттиқ танқид қилинди.

Бебаҳо миллый қадрият ҳисобланган қадимий қўл-ёзмаларни ўрганиб нашр этиш, оммага етказиш имкониятига эга бўлган иқтидорли ёшларнинг ўсиб камол топиши, етук олим ва мутахассис бўлиб шаклланишига имконият очиб берилимади, уларга нисбатан чеклашлар давом этаверди.

Миллий маданий меросимизни қоралаш, тилимиз ва тарихимизни камситишлар, ҳар қандай миллый қадриятларни ҳурмат қилишга миллатчилик, маҳаллийчилик деб баҳо беришлар, маҳаллий зиёлиларни таъқиб остига олишлар—буларнинг ҳаммаси қатағонлик сиёсатининг турли шаклларда намоён бўлиши ва ижроси эди. Маҳаллий тараққийпарвар кучлардан вақт-вақти билан ўч олиш ва йўқ қилиб ташлаш, миллатпарварликка қаратилган ҳар қандай фикрни буржуа миллатчилиги, феодал ўтмишни қумсаш деб баҳолаш, миллатчиликни баҳона қилиш, миллый зиёлиларнинг бошига мушт тушуриб, «ҳушига келтириб», «кўзини очиб» туриш, ҳақорат ва камситишларни мунтазам давом эттириш бирбиридан ажралган тасодифий ҳодиса бўлмай мустамлакачилик тартиботларини мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган, халқнинг миллий онги, маданияти ва миллый қадрияти ўсиши, билимлари кучайишидан ҳадиксираган сиёсий тузум, кучлар тутган йўлнинг ифодаси эди. Миллий қадриятларимизга нисбатан бўлган бундай адолатсиз муносабат, мустақилликка эришганимизга қадар давом эттирилди.

Халқимиз миллий онги, миллий маданияти ва қадриятлари ривожланишини чеклаб қўйиш мақсадида узоқ йиллар мобайнида олиб борилган қатағонлик сиёсати охир-оқибатда кўплаб зиёлиларнинг ўз она тилини деярли унугиб қўйишга, миллый урф-одатларини менсимасликка, европача ахлоқ ва одобни тарбиянинг бош мезони деб билиши ва ҳурмат қилишига сабаб бўлди. Улар секин-аста бўлса-да, ўз она тилини билмайдиган, урф-одатлари ва қадриятларини менсимайдиган «ўта замонавий» кишиларга айлантира бошлади.

Истиқлол бўлмаганида бу ҳол ҳаддан ташқари кучайиб, миллий қадриятлар ривожланиши тўхтаб, манқуртлашиш жараёни авж олган бўларди.

Ун йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида, қад-

ріятларнің жамият імконійтләрі үшін талаблари дәрәжасида юксалтириш масаласида йиғилиб қолган муаммолар қалқиб юзага чиқди, уларни ҳал қилиш зарурати биринчі даражали ахамият касб этди. Худди ана шу шароитда инсонпарварлык қадриятларига асосланадиган жамиятни барға этиш ва мустаҳкамлаш масаласи ўртага қўйилди. Бундан бошқа йўл йўқ эди.

ШАХСИЙ, ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ПОЙМОЛ ЭТИЛИШИ

Маълумки, ҳар бир инсонда, унинг оила аъзолари—бета-она, ака-ука, опа-сингил, тоға-жиян ҳаёти, хотира-лари билан боғлиқ бўлган ҳар хил қадриятлар мавжуд. Мазкур қадриятларга ўлардан қолган ноёб ёдгорлик-лар, буюмлар, кийим-кечаклар, қимматбаҳо безаклар, китоблар, севимли ёри, ёки фарзандларининг расмлари, хатлар ва ҳоказолар киради. Уларни авайлаб асраш, қадрлаш катта тарбиявий, маънавий ахамиятга эга. Ўз авлодининг шажарасини, тарихий, ҳаётини яхши билиш оила аъзоларидан миллий гурур туйғусини қўзғатади, авлодлар ўртасида ворисликни сақлаб қолиш, туғилган заминга, ватанга садоқатли бўлиш каби олижаноб инсоний фазилатларни шакллантиришда катта восита бўлиб хизмат қиласди.

Афсуски, мустабид ҳокимият томонидан олиб борилган зўравонлик ва гайринсоний сиёsat туфайли ҳалқимиз ана шу қадриятлардан маҳрум қилиниб қўйилди. Ҳалқ душмани, бой қулоқ деб отиб ўлдирилган, қатагон қилинган зотларининг оила аъзолари ўзларининг ким эканликларини яшириб келишга мажбур бўлишди, ҳаттоқи, улардан туғилган ўғил-қизлар ҳам ўз отоналарининг ким эканликларини билмасдан қолишли.

Кўплаб кишилар эса, ота-оналари хоки ётган заминни тарқ этиб, бошқа республикалар, хорижий мамлакатларга чиқиб кетишга мажбур бўлишдилар.

Яшаш имкониятларидан, барча инсоний ҳақ-хуқуқлардан, бор бисотидан бутунлай маҳрум этилган нотавон инсонлар жамики хунрезлик ва қирғин-баротларга қидай олмай, жонларини сақлаб қолиш мақсадида, дунёнинг турли томонларига қараб бош олиб, оламаро тариқдай сочилиб, тарки Ватан қилганлар. Уларнинг бир қисми Афғонистон, Ҳиндистонга кетиб қолишган бўлса, бошқа минг-минглаб ватандошларимиз Туркия

ва Эронга, Саудия Арабистони ва Қашқарга, Америка ва Олмонияга, Хитой ва Индонезияга боришга мажбур бўлишган. Қанчадан-қанча туркистонликлар бошига шу тариқа мусофирилик, ғариблик кулфати тушган. Ана шундай сиёсатнинг оқибатида минглаб кишилар, айниқса ёш авлодимиз вакиллари ота-боболарини, ўз шажарасини, уруғ-аймоғини билмайдиган манқуртларга айланиб қолди. Илгари ҳар бир мўмин мусулмон энг камиде етти отасининг исмени ёд билган бўлса, ҳозирги ёшлар кўп бўлса 3—4 аждодини билади, халос. Шажарасини билмайдиган инсонда қандай қилиб туғилган заминга, ўз авлодларига меҳр-муҳаббат бўлсин?

Инсонни ўз миллати, оиласи шажарасидан маҳрум этиб манқуртлик руҳида тарбиялашга қаратилган хатти-ҳаракатлар ўтмишимизда кенг тарқалиб кетган «барча миллат ва элатлар бирлашиб ягона совет халқини ташкил қиласди», деган сохта фоянинг маҳсули эмасмикин?

Марказ юритган сиёсат туфайли Ўзбекистон жаҳон мамлакатларидан ажратиб ташланган, йўллар тўсилган, чегаралар ёпилган, иқтисодий, маданий алоқалар узиб қўйилган эди. Дунё бизнинг овозимизни, бизлар эса дунё халқлари овозини эшигасдилик. Бамисоли, «темир қўргон» ичида яшардик.

Нафақат ташқи дунё билан, ҳаттоки муҳожирликда юрган қариндош-уруғлар билан учрашиш, хат-хабар орқали алоқа қилиб туриш ҳам тақиқлаб қўйилган эди. Ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллари Ватанда қолган ёки хижрат қилганлар бир-бирларининг ўлик-тирикликларидан ҳам хабар ололмасдилар.

АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЬАНАЛАРИМИЗНИНГ ТОПТАЛИШИ

Мустабид тузум ўтмишда кенг тарқалган, кишилар онгига сақланиб қолган «эскилиқ қолдиқларига қарши муросасиз кураш олиб бориш» деган сохта фоялардан келиб чиқиб, халқимизни ахлоқий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаридан жудо қилишга интилиб келди. Маълумки, миллий урф-одат, анъаналар ва удумлар минг йиллар давомида яратилган, жорий қилинган ва халқнинг турмуш тарзига, кундалик эҳтиёжига айланиб кетган. Халқ унга амал қилган, бузмаган, ўз миллатини, тилини, миллий бирлигини сақлаб қолган. Удумлар

Миллатнинг ҳаёт томирі, мұстаҳкам илдизларидир. Ғанимлар миллатни йўқотиш учун шу мустаҳкам илдиз, ўқ томирни қирқиб ташлашга ҳаракат килишган. Бундан шўро ҳукумати ҳам истисно эмас. Ҳалқимиз турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб кетган прогрессив удумлар ва анъаналарини, турли байрамлари, маросимлари, ҳаттoки, дўпписи, сумалаги, бешигини чеклаб қўйиш учун турли хил баҳоналарни ўйлаб топдилар ва усталик билан амалга оширилар. Сўнгги йилларда «Ҳосил байрами», «Хирмон байрами», «Қовун сайли», «Гул сайли», гап-гаштаклар, кўпкари, қишида қилинадиган тўқмалар, қорхатлар, никоҳ тўйи, «эскилик сарқитлари» деб уларни сунъий равишда ўйлаб чиқилган бошқа байрамлар ва маросимлар билан зўрлаб алмаштиришга ҳаракат қилиб келинди. «Дорбоз» каби азалий халқ томошалари, мушоиралар, асиябозликлар, миллӣ спорт ўйинлари ва ҳоказоларга эътибор сусайиши натижасида йўқолиб кетишига оз қолди. Шарқ оламининг, ўзбек халқининг қадим-қадимдан эъзозлаб келинаётган қувончли байрамларидан бири «Наврӯз» ни ўқ қилишга уринишди. Уни ҳеч бир асоссиз диний байрам деб айблашди. «Наврӯз» асрлар давомида одамларда она-ерга ва табиатга меҳр-муҳабbat уйғотган, унга авайлаб муносабатда бўлиш ва ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган. Қадимдан «Наврӯз»да ҳашар йўли билан ариқлар қазилган, кўкатлар ва гуллар экилган, кўчатлар ўтказилган, дала-ларга қўш чиқарилиб, барака уруғи қадалган. Байрам баҳонасида ёру дўстлар, оға-ини, қариндошлар дийдор кўришганлар. Кичиклар катталарга иззат-икромда бўлишган, ота-оналарга оқлик ва совға қилинган.

«Наврӯз» кунларда полвонлар, асиячилар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар, дорбозлар, санъаткорлар ўз санъатларини намойиш этганлар. «Наврӯз» миллӣ маданият, санъат ва пазандаликнинг ўзига хос намойишидир. «Наврӯз»да сумалак пишириш қадимий одатдир. Сумалак пишириш жараёнида аёллар ўзаро суҳбат қуришган, эртак ва афсоналар айтишган, қўшиқ айтишиб рақсга тушишган.

«Наврӯз» билан бир қаторда мусулмон мамлакатларининг муқаддас байрамлари ҳисобланган Қурбон ва Рамазон ҳайитлари ҳам тақиқлаб қўйилган эди. Биз 74 йил мобайнида зўр бериб «Қуръон»ни қораладик, ислом дини халқ учун афъюн деб келинди. Диндорлар маъ-

навий зўрланди, ҳуқуқлари чеклаб қўйилди. Ҳатто, ота-она, қавм-қариндошларнинг дағи маросимида қатнашишга эскилик сарқити дёб қаралди, раҳбарларга нисбатан тазийк ўтказилди. Энг ажабланарлиси шундаки, диний китобларни нашр этиш тақиқланди, борлари ҳам тортиб олинди. Ўзимизни бутун дунёга даҳрийлар мәмлакати деб эълон қилдик. Диний адабиётларни чоп этиш ман қилинди. Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр сингари мусулмон оламида аллақачонлардан бери мәълум ва машхур бўлган олимларнинг асарлари «диний ғоялар билан сұғорилганлиги» баҳонасида таъқибга учради. Инсон тафаккури ва меҳнатининг самараси бўлган юзлаб масжид ва мадрасалар, қанчадан-қанча маърифат масканлари, тарихий ёдгорликлар ўйламай-нетмай бузиб ташланди. Масжид ва мадрасаларнинг бузиб ташланганлиги динга садоқатли кишиларнинг энг нозик инсоний ҳис-туйғуларини оёқ ости қилинишига сабаб бўлди. Яксон қилинган масжид, мадрасалар билан бир қаторда халқнинг тарихини ҳам, меъморчилигини ҳам, маданиятини ҳам вайрон қилишди.

Ислом динига қарши ўзоқ йиллар давомида олиб борилган кўр-кўрона кураш, ўзбекларни миллий қадриятлардан маҳрум этишга уриниш бу тарихимизга, маданиятимизга нисбатан қилинган ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Ўтмишни ҳадеб ёмонлайвериб, бадном қилавериб, шу даражага бориб етдикки, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилишни унута бошладик. Одамлардан иймон-эътиқод кўтарила бошлади, бирорларнинг дилини ранжитиш одатдаги ҳодисага айланди. Секин-асталик билан етим-есирлар ҳақига хиёнат қилиш, оғир жиноятлардан ҳам тап тортмаслик, бойлик ва мансабга қараб одамларни ҳурмат қилиш, таъмагирлик сингари энг ярамас, энг разил иллатлар пайдо бўлиб, томир ота бошлади.

Диндор ота-боболаримиз, сувга тупурма, табиатни булғатма, дарахтни синдирма, жониворларни бежон қилма, нонни увол қила кўрма сингари ўғитлари ўртадан кўтарилгандан кейин, етти ухлаб тушимизда ҳам кўринмаган салбий ҳодисаларга дуч кела бошладик. Ариқлар ва анҳорларга ҳеч тортинмай мағзава тўкишдан, ўраларни аҳлатга тўлдириб қўйишдан, корхоналар

чиқиндилиарини дарёга оқизишдан, заминни, сув вә ҳавони заҳарлашдан, умуман табиатга манқуртларча муносабатда бўлишдан зигирчалик ҳижолат чекмайдиган бўлинди. Жамият ва табиат ҳамда инсоният учун бундан ортиқ жиноят бўлиши мумкин эмас-ку!

Жамиятимизда рўй берган ва ҳаётда чуқур илдиз отиб кетган салбий ҳодисалар, ярамас иллатлар ва нуқсонлар одоб-ахлоқ таълим-тарбия масаласида узоқ йиллар давомида йўл қўйилган камчиликлар билан ҳам маълум даражада боғлиқdir, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Буларнинг ҳаммасига мустақилликка эришганимиздан кейин аста-секин чек қўйила бошланди.

МИЛЛИИ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАДРИЯТЛАРИМIZНИНГ УТМИШДАГИ АЧИНАРЛИ АҲВОЛИ

Мустамлакачилик сиёсати одамларнинг қалбига ва шуурига таъсир ўтказиш йўлидан бориб, адабиёт ва санъат асарларига ўзига хос ёндашувни вужудга келтирди. Маълумки, адабий ва эстетик қадриятлар кишиларни образлар воситасида тарбиялашга, уларга руҳий озиқ, маънавий мадад бўлишга даъват этилгандир. Агар бу қадриятлар бирор мақсад сари қатъий йўналтирилса, авлодларнинг онгида, тарбиясида, бинобарин, уларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида жиддий ўзгаришлар ясами мумкин.

Чоризм ва большевизмнинг фоявий раҳнамолари буни жуда яхши билар эдилар. Уларнинг адабий-эстетик қадриятларимизга тажовузида икки хил усул яққол кўзга ташланади, яъни чор мустамлакачилари халқимиз қўлидаги ноёб қўллэзмаларни (улар кўпинча ягона нусхада сақланиб келган) турли йўллар билан эгаллаб олиб, метрополияга жўнатиш натижасида улардан миллатимизнинг баҳраманд бўлиш имкониятини йўққа чиқарган бўлса, қизил мустамлакачилар адабий жавоҳирларни халқ кўзидан пана қилиш, уларни бошқача, ўзларига ёқадиган алфозда талқин этиш йўлидан бордилар.

Адабий қадриятларимизни менсимаслик тамойили истилочиларнинг даҳо шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларини янгилик эмас, оригинал эмас, балки форсий адабиётнинг таржимасидир, деб эълон қи-

лишга уринишда ҳам кўринади. Қизиги шундаки, бу тамойилнинг янгича қирралари Октябрь инқилобидан кейин ҳам ўзини намоён қила берди. Гарчи Алишер Навоий буюк сўз санъаткори сифатида тан олинган, унинг асосий асарлари кўплаб нусхада чоп этилган бўлса-да, улуғ устоднинг ҳамма ғоялари, асарларининг тўла-эстетик қуввати кенг китобхонлар назаридан четда қолаверди. Унинг асарлари замона зайлига, коммунистик мафкурага мос тарзда талқин қилинди ёки бу мақсадга мувофиқ келмайдиган ўринлар босиб чиқарилмади. Хусусан, «Хамса»га кирган достонларнинг бош қисмлари юлиб олиниб, нашр этиладиган бўлди. Буюк шоирнинг асл фалсафий, ахлоқий ғоялари, тасаввуфона фикрлари, Оллоҳга ва унинг расулига азизвалийларга бағишлиланган ҳамду-саноларни, унинг ўз шахсини, кайфиятини, дунёқарашини ёрқин ифода этувчи ўринларни қисқартириб ташлаш одатдаги ҳолга айланган эди.

Инқилобдан кейинги, юқорида таъкидланган, алифбо ислоҳотлари натижасида ёш авлод минг йиллик адабий меросдан баҳра олиш имкониятидан маҳрум бўлди. «Эскича» дан саводли кишиларнинг асосий қисми қаттағон сиёсатининг қурбони бўлди ёки турли сиқувлар, тазиёнларга бардош бера олмай хорижга қочиб кетишиди. Бунинг устига арабча имло билан ёзилган китобки бўлса, кўр-кўрона тақиқланиб, ёндирилиб, йўқотиб юборилди. Буларнинг ҳаммаси ҳалқимиз ўтмиш адабий меросининг каттагина қисми янги авлодларга бегона бўлишига олиб келди.

Адабиёт тарихига бойлар адабиёти (сарой феодал-клерикал адабиёти) ва йўқуллар эдабиёти позициясидан баҳо бериш натижасида миллатимиз мулки бўлган улкан адабий ҳазина лаънатланиб, ҳалқ назаридан соқит қилиб келинди. Сарой адабий муҳитида ким ижод қилган бўлса, унинг бадиий салоҳиятидан қатъий назар, асарларига ғоявий душманлик ёрлиги осилаверди. Оқибатда Хусайний, Амирий, Фазлий Наманганий сингари жуда кўп шоирларнинг мероси бадиий-эстетик қимматига яраша баҳоланмади, мабодо ўрганилган бўлса ҳам фақат қора кўзойнак остида тадқиқ қилинди. Уларнинг асарларини кенг китобхонларга тақдим этиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Тақиқланган адабий меросимизнинг яна бир қатлами сўфиёна руҳда ёзилган асарлар эди. Хусусан, улуғ

мутасаввуф шоир, Туркистон пири Аҳмад Яссавий ҳазратларининг комил инсонни тарбиялашга қаратилган, кишини поклашга хизмат қиласидиган шеърлари, ҳикматлари, Сўфи Оллоёрнинг асарлари ўта жиддий тақиқ остига олинди. Ҳатто бу улуғ ижодкорлар ҳақида тадқиқот ёзган олимлар ҳам яқин-яқинингача қувғин қилингани ҳеч кимга сир эмас.

Шўролар даврида маълум мақсадларни кўзлаб адабиёт ва санъатга алоҳида эътибор билан қаралди, адабиёт иши умумпролетар ишининг бир қисми, деб эълон қилинди. Социалистик реализм деб ном олган ижодий метод ва адабий оқим ана шу ишни амалга оширишнинг воситасиси бўлиб хизмат қилди. Адабиётнинг партияйи қолипларига сифмаган асарларни уларнинг бадиий қимматидан қатъий назар танқид қилинди, муаллифлари тазъиїқ остига олинди ва, ҳатто, қатл этилди (Қатоғон қурбонлари ҳақида биз олдинги саҳифаларда ёзган сатрларимиз айнан ижодкорларга кўпроқ тегишли эканлигини англашилган бўлса керак).

Бунинг натижасида яратилган асарларнинг асосий қисми гўзаллик манбай эмас, фоялар йиғиндисига айланаб қолди. Бир-бирига ўхаш образлар болалаб кетди, якранг, ҳақиқий инсоний ҳис-туйфулардан йироқ «қизил» адабиёт майдонга келди. Ҳар қандай мажмуя, ҳар қандай шеърий тўплам Ленин ва партия мадҳи билан бошланадиган бўлди. Шу жиҳатдан бутун шўро адабиётини «шахсга сифиниш адабиёти» деса ҳам бўлади. Шахсга сифиниш даври адабиёти деганда фақат Сталин шахсига сифиниш даврини назарда тутиш камлик қиласидандай туюлади.

Биз бу билан шўролар даврида ҳақиқий бадиий асарлар яратилмади демоқчи эмасмиз, фақат уларнинг қадр топмаганини, аксинча уларни йўқотиб юборишга, маданиятимиз тарихидан изини ўчиришга ҳаракат қилинганини таъкидламоқчимиз.

Ҳар иккала мустамлакачилик учун муштарак хусусиятлардан бири диёrimиздаги тарихий, эстетик қимматга эга бўлган неки бўлса метрополия марказларига ташиш тамойилидир.

Бугунги кунда Москва ва Санкт-Петербургдаги кўпгина музейларда халқимизнинг бадиий даҳоси туфайли яратилган амалий санъат намуналари, заргарлик буюлари, нодир жиҳозлар сақланмоқдаки, улар Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Урганч, Кўқон ва Шаҳрисабз, қў-

йингки, юртимизнинг ҳар жойидан олиб кетилгандир. Ҳатто археологик қазилмалар натижасида топилган, аждодларимиз томонидан яратилган ва биз қонуний әгаси ҳисобланадиган хазиналарни ҳам ташиб кетишган. Жаҳонга машҳур Амударё хазинаси тарихи бунга мисолдир.

Эстетик қадриятларимизнинг таркибий қисми ҳисобланган меъморчилик обидалари (уларни олиб кетишнинг иложи йўқ эди) мачит ва мадрасалар динга қарши кураш шиори остида вайрон қилинди.

Архитектура санъати ва шаҳарсозлик соҳасида миллий анъаналар, маҳаллий табиий иқлим шароити ҳам назар-писанд қилинмади. Натижада совуқ минтақалар учун лойиҳаланган турар-жой бинолари жазира маʼнанинг чўлда ҳам, Осиёча хусни билан ном чиқарган бошқа бир шаҳарда ҳам қурилаверди. Қайси шаҳарда бўлмасин, бир хил бинолар, бир хил ҳиёбонларга дуч келинарди.

Хуллас, мустамлакачилик асорати ҳукм сурган даврда халқимизнинг адабий-эстетик қадриятлари моҳиятини ўзгартириш, сохталаштириш, сийқалаштириш орқали уларни метрополия манбаатларига хизмат қилдириш йўлидан борилди.

Юқорида айтилганлардан шу нарса яққол кўриниб турибдики, мустамлакачилар маҳаллий халқларнинг қадриятлари, бой ва ранг-баранг маданияти, урф-одат ва анъаналарини оёқ ости қилиб, миллий фурури, ифтихорини топтаб, Туркистон аҳолиси маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан Россияга нисбатан орқада қолиб кетган қолоқ халқ, улар октябрь инқилобидан кейингина Русиянинг ёрдами туфайли муайян ижтимоий ютуқларга эришди, келгусида ҳам фақат россияликлар ёрдами туфайли тараққий этишлари мумкин, деган ғояни Туркистон ва жаҳон халқларининг онгига сингдиришга ҳаракат қилиб келишиди.

Мустақиллик ҳамма нарсани жой-жойига қўйиб, оқни қорадан, ҳақиқатни ёлғондан ажратиб берди.

3. МУСТАҚИЛЛИК – ҚАДРИЯТЛАРГА ЯНГИЧА ЕҢДАШУВ ДАВРИ

ТАБИИИ ВА ИҚТИСОДИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ХИЗМАТИДА

Маълумки, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Олӣ Қенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг маданий ва маънавий янгиланишининг, миллий қадриятларимиз тикланишининг кенг истиқболлари очилди.

Мустақиллик ўзбек халқи ҳаётидаги ҳеч қачон унтилмайдиган тарихий воқеадир.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги шу тупроқда яшаётган юртдошларимиз қатори ўзоқ йиллар давомида она юртидан, элидан, айрилиб, мусофирилик жабрладиши тортган муҳожир миллатдошларимизни ҳам шу қадар ҳаяжонга солди ва чексиз қувонтиридикки, буни сўзда ифодалаб, тўла-тўкис таърифлаб бўлмайди. Шу ўринда ҳорижда яшаётган ватандошимизнинг тубандаги изҳори дил сўзларини келтириб ўтиш жоиздир.

«... Ниҳоят ўз Ватанидан, ўз Ватани тупроғига кўмилишдан жудо қилинган, ҳорижий элларда Ватан жамолини, Ватан тупроғини эзилиб соғинишга маҳкум қилинган миллионлаб ўзбекларнинг — туркистонликларнинг орзиқиб кутган куни келди, орзулари ушалди. Ўзбекистон ҳукуматининг олий минбаридан муҳтарам жумҳур — раис Ислом Каримов ғилидан Ўзбекистон Жумҳурияти мустақил давлат мақомига эга бўлгани тўғрисидаги хушхабарни эшитган заҳотимизда, биз, ўз Ватанларини бир неча кун зиёрат қилиш баҳтига муяс-сар бўлган бир неча ҳорижлик биродарларимиз билан бирга бир-биримизни қучоқлаб, йиғламоқдан ўзимизни тиёлмадик. Комил-ишенч билан айтамизки, айни пайтда бу хушхабардан огоҳ бўлган миллионлаб америкалик, саудиялик, олмониялик, покистонлик, афғонистонлик жигарларимиз ҳам бир-бирларини қучоқлаб йиғлаб турибдилар, жисму жонлари билан мустақил Ватанларига талпиниб турибдилар...»

Бу хушхабарларнинг хушхабарлиги рост бўлсин, жисму-жонларингизни қисиб-қийнаган кишанларнинг парчалангани рост бўлсин, турли-туман қутқулардан, иғволардан, туҳмат балолардан пароканда бўлиб кетгани миллатимизнинг қаддини ростлагани рост бўлсин, биринкани рост бўлсин!»¹

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни таъминлашда, ўзбек халқининг қадр-қимматини ҳимоя қилишда, ўлкамиз бойликлари талон-тарож қилинишининг олдини олишда, Ўзбекистон довруғининг дунёга таралишида Президентимиз Ислом Каримовнинг буюк тарихий хизматлари асло унугутилмасдир. Юртбошимизнинг кейинги бир юз ўттиз йил давомида қарам ва муте бўлиб келган ўзбек халқини озодликка чиқариб, бошини қовуштириб, аҳил-ҳамкор қилиб мустақиллик муаммоларини оқилона ҳал этиш йўлидаги тиминсиз саъй-ҳаракатларини бутун дунё аллақачон эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда 160 дан ортиқ мамлакат томонидан тан олиниши бунинг яққол далилидир.

Мустақиллик шарофати билан илгари талон-тарож қилиб келинган табиий ва иқтисодий қадриятларимиз эндиликда фуқароларнинг баҳт-саодати ва манфаатлари йўлида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тупроғида Менделеев жадвалига киритилган маъданларнинг қарийиб ҳаммаси бор. У азалдан дунёдаги олтин ва бошқа жавоҳирлар қазиб олинадиган давлатлар қаторидан ўрин олиб келган. Аммо собиқ СССР йилларида Ўзбекистоннинг кўп миқдордаги олтини ва бошқа ер ости бойликлари Иттилоқ хазинасини тўлдириб келган. Бундан на республика, на унинг халқи манфаат кўрган. Эндиликда эса Ўзбекистон ери, бойликлари нафақат ўзимизни, замондошлиарни, балки келажак авлодларни, невара-чевараларимизни, бугунги Ўзбекистон халқларининг ягона байналминал оиласини ташкил этувчи барча инсонларни боқиши ва уларнинг баҳтиёр ҳаётини таъминлаш учун ишлатилмоқда. Нуфузли хорижий мамлакатлар банкларига омонат этиб қўйилган олтинларимиз Республикамиз белини бақувват этиб, жумҳуриятимизга чет эл сармояларини өлиб келиб, халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

¹ «Ўзбекистон овози», 1991 йил 3 сентябрь.

Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари ичидагаз катта ўринни эгаллади. Ўтмишда у ҳам олтинимиз каби марказ эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиб келинган эди. Ҳар йили миллион-миллион куб. метр газимиз сабиқ марказнинг буйруғига биноан бошқа республикалар ҳамда бир қатор Европа мамлакатларига юборилиб туриларди. Маҳаллий аҳоли эса газдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланиш имкониятидан маҳрум этиб қўйилган эди. Эндиликда эса бунга ҳам чек қўйилди. Ҳукуматимиз томонидан изчил равишда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсати туфайли кейинги йилларда юзлаб қишлоқларга газ ва ичимлик сувлари етказиб берилди. Бундай хайрли ишлар ҳозир ҳам давом этиб келинмоқда.

Истиқлол очиб берган имкониятлар туфайли биз нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларимизни ҳам ўзимизнинг ички имкониятлардан келиб чиқиб қондиришга интиляпмиз. Ўтмишда бошқа республикаларда ҳар йили ўрта ҳисоб билан тўрт миллион тонна нефть сотиб келинган бўлса, 1995 йили атиги 750 минг тонна нефть четдан харид қилинди. 1997 йили жумҳуриятимиз нефтга бўлган барча эҳтиёжларимизни ўз имкониятларидан келиб чиқиб қондиришни режалаштироқда. Кўкдумалоқ, Мингбулоқ каби нёфть конларида жадал суръатлар билан олиб борилаётган ишлар мазкур масаланинг узил-кесил ҳал этилишини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

Табиий қадриятларимиз ҳақида гап қетганда яна бир муҳим масала тўғрисида тўхталиб ўтишимиз ўринлидир. Бу ғалла мустақиллигини таъминлаш масаласидир. Маълумки, сабиқ Иттифоқ сиёсати туфайли республика иқтисодиёти фақат хом ашё, асосан пахта етказиб берадиган бўлиб қолган эди. Республикада 4 миллион гектардан зиёд суфориладиган ерлар асосан пахта ўстириш учун фойдаланиб келинган эди. Аҳолининг бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, жумладан ғаллага бўлган эҳтиёжлари ўзга республикалар ҳисобидан қондириларди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонга четдан ғалла сотиб олиб келиш ниҳоятда қимматга тушадиган бўлиб қолди. Шуни эътиборга олиб, жумҳуриятимиз кейинги икки-уч йил ичидагонли экин майдонларини кўпайтириб, аҳолининг ғаллага бўлган эҳтиёжини асосан ўз имконият-

ларимиздан келиб чиқиб, қондиришга мұяссар бўлмоқда.

Келгуси икки-уч йил ичидаги биз нефть мустақиллиги каби ғалла мустақиллигига ҳам эришамиз деган умиддамиз.

Жумҳуриятимиз заминидаги кўмир, мармар, ҳар хил рудалар ва бошқа бойликлардан эндиликда ҳалқимиз фаровон ҳаёт кечириш йўлида фойдаланиб келмоқда.

Ер ости бойликларини Ўзбекистон ҳалқининг манфаатига самарали хизмат қилдириш хусусида гап юритар эканмиз, фикримизча, иккита масалага алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. **Биринчидан**, жумҳуриятимиз заминидаги фойдалари қазилмалар қанчалик мўл бўлишидан қатъи назар, уларга ниҳоятда эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан ёндашиб, келажак авлодимиз манфаатларини, республикамиз истиқболини ҳисобга олган ҳолда ишлатишимиш керак. Бу айниқса, нефть, газ, кўмир маҳсулотларига даҳлдордир, чунки, уларнинг заҳиралари чекланган, шунингдек булар ўрнини тўлдириб бўлмайдиган маҳсулотлар туркумига киради. Шу нуқтаи назардан қаралса газ маҳсулотларини четга чиқариш биз учун зарурми, ёки йўқми?, деган савол ўз-ўзидан туғилади. Мазкур масала бўйича ривожланган ҳорижий мамлакатларнинг тажрибаси эътиборга лойикдир. Масалан, АҚШнинг заминидаги Менделеев жадвалидаги барча маҳсулотлар, жумладан нефть, газ, кўмир, олтин ва ҳоказолар мавжуд. Уларнинг захираси бир неча юз йилга етарли. Лекин, шунга қарамасдан, АҚШда юқорида тилган олинган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини бошқа мамлакатлардан олиб келинган хом ашё ҳисобидан қондириб келинмоқда. Шундай экан, биз ҳам ўз захираларимиздан самарали фойдаланиш устида пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Иккинчидан, ўтмишда биз ер ости хазиналарини хом ашё сифатида бошқа республикаларга арzon баҳода бериб турган бўлсак, эндиликда улардан ҳалқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариб, дарамод олишни кўзласак, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Халқимиз истиқболини кўзлаб, келажакда жумҳуриятимизни хом ашё етказиб берувчи давлатдан уни ўз еримизда қайта ишлаб ҳалқ истеъмол молларини етказиб берадиган мамлакат даражасига кўтаришимиз даркор. Худди шу мақсадда ер усти бойликларидан хом ашё сифатида

эмас, балки улардан маҳсулот тайёрлаб самарали фойдаланиш режаларини илмий ишлаб чиқишимиз керак, деб ўйлаймиз. Ҳозирча бу борада ҳам ечимини кутиб турган муаммолар оз эмас.

Республикамиз ўзининг ноёб табиий-иқлим шароити туфайли мева, сабзавот, шарбат ва винолар ишлаб чиқариш соҳасида катта имкониятларга эга. Шуни эътиборга олиб хорижий мамлакатлар билан биргаликда янги замонавий технология асосида мазкур маҳсулотларни қайта ишлаб чиқадиган қўшма корхоналар бунёд этишини йўлга қўйишимиз керак. Бу республика иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир этиш билан биргаликда аҳолининг юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятини яратиб беради. Шуниңдек, ғўзапояни қайта ишлаб чиқадиган технологияни ҳам жорий этиб, ундан қофоз, мебель ва бошқа истеъмол молларини ишлаб чиқишни таъминласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ҚАЙТАДАН КЎЗ ОЧГАН МАЪНВИЙ САРЧАШМАЛАРИМИЗ

Мустақиллик туфайли нафақат табиий ва иқтисодий қадриятларимиз, балки маънавий-маданий қадриятларимиз ҳам эндиликда халқимиз баркамоллиги учун тўлақонли хизмат қилишга ўтди.

Маънавият ҳар бир инсоннинг, миллатнинг, давлатнинг куч-қудрат манбаидир. Маънавият бўлмаган жойда баҳт-саодат ҳам, иймон-эътиқод ҳам, Ватан ва эрк туйғуси ҳам, диёнату адолат ҳам, бўлмайди ва аксинча.

Таникли қозоқ шоири Мухтор Шаханов айтган бир ривоятни эслатиб ўтмоқчиман. Қадим замонларда бизнинг еримизга босқинчилар кириб келади. Чегарага етгач, хон қўшинларини тўхтатиб олдида турган мамлакатдаги вазиятни билиб келиш учун жосусларини юборади. Маълум вақтдан кейин улар қайтиб келиб хонга шундай маълумот беришади. Биз катта тўйнинг гувоҳи бўлдик. Унда мамлакат подшоҳи ҳам бор экан. Тўй қизиб бораётган бир пайтда, даврага қўлида дўмбира ушлаган бир ёш йигит кириб келди. Подшоҳ дарҳол йигитни ёнига чорлаб, ўзи ўтирган ердан унга жой бўшатиб берди. Биз ажабланиб, «бу йигит ким?», деб сўраганимизда, — «Бу бизнинг шоиримиз-ку» деган жавоб олдик, дейди. «Э, жаноб олийлари, менга ҳужум

қўлишга руҳсат беринг, бундай ақли пас подшоҳи бор мамлакатни биз осонгина босиб оламиз», дейди хоннинг лашкарбошиси.

«Йўқ, отни изимиизга қараб ҳайдаймиз, чунки маънавий қадрнятларни шунчалик зўр эъзозлайдиган мамлакатни асло енгиб бўлмайди», деб жавоб қайтаради хон.

Мазкур ривоятдан чиқадиган хулоса шуки, маънавияти юксак халқнинг илдизи мустаҳкам бўлади, уни ҳеч қачон тиз чўқтириш мумкин эмас. Чинакам цивилизациялашган демократик давлат ҳамда бозор муносабатлари, бўзор воситалари фақат юксак маънавият негизида барпо этилиши мумкин. Юксак маданиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шуни эътиборга олган ҳолда ҳукуматимиз фан, маориф ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда.

Мустақиллик Ўзбекистон халқларининг бой маданияти, бебаҳо илмий, фалсафий ва маънавий мероси, ноёб тарихининг тикланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Маънавияти юксак миллатгина мустақиллик, порлоқ истиқбол учун курашга ўзида куч-қудрат топади, ўз-ўзини қадрлайди, қаддини тик тутади, ўтмиши билан фахрланади, келажакка умидворлик билан қарайди.

Маънавият халқларни бир-биридан ажратмайди, балки бирлаштиради, аҳилликни кучайтиради, дўстлик, қардошлиқ, ҳамжиҳатликка даъват этади. «Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қиласи. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдирни билан шакланган. Уни ўлчаб ҳам, паёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам»¹.

Миллат маънавиятини юксалтиришда унинг тили маданиятини, миллий онг, миллий ўз-ўзини ва қадрқимматини англаш ҳиссини миллий фурур ва ифтихори-ни ўстириш муҳимдир.

Миллий мустақиллик ва ўзликни англашда ўзбек тили мавқеининг ошиши, унинг ривож топиши нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги маълум. Тилимизнинг камолоти миллатимиз тараққиёт, миллий маданиятимиз ри-

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 71-бет.

вожланишининг ҳал қилувчи омилларидан бири эканлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Халқнинг маънавий бойлиги, ақл-идроқи ва тафаккури, тарихи ва маданияти унинг тилида, маданиятида, урф-одатлари ва руҳиятида ўз ифодасини топади.

Тил халқнинг қалби, халқнинг номусидир. Ҳар бир тил ўз халқи учун буюк ва бебаҳодир. Тилимиз онамиз сингари улуғ ва мўътабардир. «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, — дейди И. Каримов, — у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жисплаштиради»¹.

Тил миллатнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш учун калитидир. Кимки ана шу калитдан фойдалана билса, у ана шу тил эгаси бўлган халқнинг юрагига йўл топади. Фақат тилни билган тақдирдагина миллатнинг руҳини, кайфиятини, маданияти ва тарихини, миллий хусусиятларини, унинг қадр-қимматини, фурурини тўғри тушуниш ва баҳолаш мумкин.

Тилга нисбатан беҳурматлик бу энг аввало, тил эгаси бўлган халққа нисбатан ҳурматсизлик, унинг қадр-қимматини ерга уриш, камситишдир.

Биз ўзимизнинг яқин ва олис тарихимизда тилимизга нисбатан ошкора зўравонлик, беписандлик қилганинги аввалги саҳифаларда қайд этган эдик.

Бу ўринда шуни такидлаш керакки, айнан миллий истиқлол учун курашнинг муҳим жабҳаларидан бири халқимизнинг ўз тилининг обрў-эътибори, мавқеини кўтариш учун ҳаракати бўлди. Натижада 1989 йилнинг 21 октябринда «Давлат тили ҳақида» Қонун қабул қилинди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳаётимиздаги, ҳатто тарихимиздаги ниҳоятда катта воқеа эди. Ўзбекистон ўзбек тилининг чинакамига гуркираб ривожланиши, чуқур илдиз отиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратадиган бирдан бир маскандир. Ўзбекистон ўз заминида тилга оид ҳар қандай масалани мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Конституциямизнинг 4-бандида қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир».

Шундай бўлса-да республикамиз худудида яшовчи барча миллат ва элатлар тилларининг ҳурмат қилинishi ва ривожланиши учун шароит яратиб берилади.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 71-бет.

Тилимизни кўз қорачигидек, авайлаб асрар, эъзозлаш, уни ривожланишига, қаддини тиклаб олишига, ундаги барча имкониятларни тўла юзага чиқариш ва намоён бўлишига кўмаклашиш жамиятимиз, давлатимиз халқимиз зиммасидаги асосий мақсадлардан бўлиб ҳисобланади. Тилни асрар бу энг аввало, мустақиллигимизни авайлаш қўллаб қувватлашдир. Мустақиллик эса ўз навбатида тилимиз маданиятимиз ривожланишининг асосидир.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимиз раҳбарлари сиёсатида ёшлар орасида энг иқтидорли, салоҳиятлиларини танлаб, саралаб олиб, уларнинг илмий, маданий-маънавий жиҳатдан камолотга эришишлари, замонавий фантехника асосларини чуқур ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилиш катта ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг эртанги ҳаёти, порлоқ истиқболи назарда тутилиб кўплаб ёшларимиз Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Олмония ва бошقا хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилди. Бу иш тўхтовсиз давом этајпти. Ёшларимиз сафида инглиз, немис, француз, араб ва форс тилларини биладиган, улардан амалда фойдалана оладиган кишиларнинг кўпайиб бораётганлиги истиқлолимиз, маданий-маънавий тараққиётимиз учун катта ютуқдир.

Жумҳуриятимизда «Таълим тўғрисида қонун»ни ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбияни замонавий талаблар даражасида олиб бориш, мактабларни миллийлаштириш, ўрта маҳсус билим юртлари ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасидаги ишлар ҳам маданий-маънавий тараққиётимизда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатяпти.

Миллий истиқлол туфайли кўпқиррали бой миллий маданий меросимиз тикланмоқда. Маданий-маънавий мерос авлод-аждодларимиздан қолган буюк хазинадир. «Бу хазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлийди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди»¹.

Маданий меросга ҳурмат бу, биринчи навбатда, унинг яратувчиси, авайлаб-асровчиси, ривожлантирув-

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 72-бет.

чиси бўлган халқ оммасига, миллатга, ўнинг ўтмишига чексиз ҳурмат, меҳр-оқибатdir. Ўзининг ўтмиш маданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам ўзининг илдизини, авлод-аждодлари босиб ўтган йўлини билмайди ва билолмайди. Ундаи одамнинг, ўшандай миллатнинг келажаги бўлмайди. Ўз имкониятини бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик миллат ва унинг истиқоли учун катта фожеадир.

Маданий меросимизнинг тикланиб халқимиз учун хизмат қилаётганилиги энг катта ютуқларимизданdir. Эндиликда 20—30- ва 40-йилларда, 50-йиларнинг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат қилганларни учун миллатчиликда, панисломизм ва пантуркизмда айбланиб қатағон қилинган фанимиз ва маданиятимизнинг бир қанча таниқли арబоблари тўла оқландӣ. Ноҳақдан-ноҳақ қамалиб, ўлимга ҳукм қилинган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари адилларимизнинг ижодий мерослари ҳозирги пайтда халқимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаяпти. Уларнинг асарлари одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоийadolat учун курашга, ноҳақликка нисбатан муросасизликка, миллий истиқолимиз, эркимиз ва озодлигимиз учун дадил кураш олиб боришга даъват этади.

Маънавиятимизни юксалтириш, маданиятимизни бойитиш ривожлантиришда халқ оғзаки ижодиёти, адабиёт ва санъат, рассомлик, бадиий графика, соҳалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик яратиб берган беқиёс имкониятлар, Президентимизнинг алоҳида эътибори, ва ғамхўрлиги бўлмаганда қисқа бир муддат ичидаги халқимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлардаги ноёб тарихий-маданий ёдгорликлари таъмирланмаган бўларди. Ўзбек халқининг буюк алломалари яратган, лекин ҳозирда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кутубхоналарида, музейларида сақланиб келинаётган нодир қўллэзмаларни излаб топиш, илмий таҳлил қилиш соҳасида бу қадар хайрли ишлар қилинмаган бўларди.

Мустақилликнинг муҳим омилларидан яна бири ўз эркинлигини қўлга киритган мамлакат халқи ва миллатида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатdir. Мустақил

Давлатнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган халқда етук миллий онг бўлмаса, озодлик, эркинлик, ҳуррият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Миллий онг — бу миллий маданиятнинг таркибий қисми, миллий маданият чўққисидир. Миллий онг миллий маданиятнинг миллат манфаати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги ифодасидир.

Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин. Миллий маданият ривожланмаган, миллий бирлик, миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйгулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг бўлиши мумкин эмас.

Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллат тарихини холисона англашга, миллий тил ва маданиятни қадрлашга, миллий ахлоқ-одоб ва бошқа маънавий хислатларни сақлашга хизмат қилувчи тамонлари миллий онгнинг негизини ташкил этади. Ўз навбатида миллий онг миллий истиқдол мафкураси учун ҳам тагзамин ҳисобланади.

Миллий истиқдол мафкураси эса ҳозир ҳам, келажакда ҳам ҳамжиҳатлик, тенглик, тенгҳуқуқлийка, ижтимоий адолат ва инсонпарварликка чорловчи ғоя бўлмоғи зарур.

Мансабпастлик, тарафкашлик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик буларнинг ҳаммаси ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётимиз, мустақиллигимиз учун ниҳоятда хатарлидир. Булар миллий онги, маданияти, миллий фурури заиф бўлган кишиларга хос хусусиятдир.

Дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллий ҳамкорлик, бирбирини қўллаб-қувватлаш, дардига дармон бўлиш—бу лар ҳар бир халқ ва миллат куч-қудратининг асоси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг негизидир. Миллий аҳиллик бўлган жойда тинчлик, осойишталик бўлади.

Маҳаллийчилик миллий бирлик ва бирдамликка птур етказади, миллатни бўлиб, парчалаб, миллий низоларни газак олдириб юборади. Бундан бизнинг ғанимларимиз ўта усталик билан фойдаланишлари мумкин. Ўтмишда ана шу қусур бошимизга не-не бало-ю кулфатларни олиб келмаган. Миллий бирдамлик, миллий ҳамкорлик бўлган жойда ҳеч ким ўзини, «мен фалон уруғ-

данман, фалон вилоятданман» демайди. Балки у ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб ҳисоблайди.

Миллий бирлик, миллий ҳамкорликнинг аҳамияти шу қадар каттаки, уни айтиб адо қилиб бўлмайди. Қизил империядан бизга мерос бўлиб қолган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида шаклланган бирёқ-ламалайкларни тугатиш, маънавият билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, жаҳоний миқёсда фикрлайди ан миллий қадриятни тарбиялаб вояга етказиш сингари ўта долзарб муаммолар ечими миллий тотувлигимизга бевосита боғлиқ.

Хозирги қийинчиликлар мустақиллик йўлини танлаганимиз сабабли эмас, балки муайян кучлар олиб борган ижтимоий, иқтисодий, гоявий сиёсатнинг оқибати сифатида юзага келди. Аҳиллик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлса, бу қийинчиликларни, албатта биргаликда енгиб ўтамиш.

Миллий уюшқоқлик бўлмаса истиқлол бўлмайди. Истиқлолсиз миллий бирлик ҳам, миллий ҳамкорлик ҳам бўлмайди. Истиқлол миллий бирликка олиб боради ва уни таъминлайди.

Масъулиятли даврларда, мустақиллигимиз учун кураш жараёнида бир-биримиз билан қовушиб, қўлни қўлга бериб эл бўлмасак, шоир Азим Суюн «Қадимги Нурута қўшиқлари» шеърида айтганидек, бир куни қора ер бўламиш.

Миллатимизни, халқимизни бирлаштиришга халаҳит берадиган, истиқлолимизга тўғоноқ бўладиган ҳар қандай гуруҳбозликлардан, мансаб талашишлардан, маҳаллийчилик оғатларидан озод бўлишимиз керак.

Миллий онг, миллий ғурур ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятларини, она заминнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ва қадрлаш, фахрланиш, миллат манфаатларини амалга оширишга ҳаракат қилиш, бошқа халқлар ва миллатларнинг ҳам қадр-қиммати, удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатиниadolatли равишда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган фазилатдир. Миллий ғурур миллий онгнинг шундай муҳим томоники, у кишиларни ўз кучи, қобилияти ва истеъдодиди миллий манфаатлар йўлида сарфлашга чақиради.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган, миллат учун жонини адо қилишга тайёр турмаган

кішиларда миллий ғуурұ ҳам, үз миллати билан фахрланиш ҳисси ҳам, миллатпарварлық ҳам бўлмайди.

Эл-юрт ғамини, ватан манфаатларини, мустақиллик туйфусини ўзи учун мутлақо бегона деб билган, шахсий ҳузур-ҳаловатини устун қўядиган, мансаб учун ҳеч нарсадан тоймайдиган, шамол қаёққа эсса ўша томонга юз ўгирадиган эътиқодсиз, иродасиз, сиёсий бебурд, эски тузумни қўмасб юрган кишилар ана шу тоифага киради. Улар фақат ўз чўнтагини ўйлайди. «Бундайлар — дейди Президент — шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради. Ўз фикрига эга эмас. Бирон-бир оғир юмушни зиммасига олмай, масъулиятдан қочади. Булар ҳар қандай одам, ҳар қандай тузумда ишлайверади»¹. Бу гапларга қўшимча қилиш қийин.

АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТАЕТГАН ТАРИХИМИЗ

Мустақиллик шарофати билан бой ва кўхна тарихимизни тиклаб олиш имкониятига эга бўлдик. Маълумки, «биз қариб 130 йил мобайнинда чоризм ва большивизм асоратида яшадик. Үлкамизни босиб олган истилочилар бизларнинг тарихимизни унуттириш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилди»². Натижада биз ҳаттоқи ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида ҳам аниқ маълумотларга эга бўлмай қолдик.

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг келтирган маълумотларига кўра баъзи олимлар «ўзбек» деган этномининг пайдо бўлган давридан келиб чиқиб ўзбеклар халқ сифатида XV—XVII аср бошида шаклланган деб ҳисоблайдилар. Айрим тарихчи олимлар (И. Н. Иванов, А. Ю. Якубовский, Чапличка, Хилда Хукэм) «ўзбек» этномини машҳур Олтин Ўрда хони Узбекхон (1312—1342)нинг номи билан боғлаб кўрсатадилар. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг (Г. Вамбери, Г. Ховором, М. П. Педью) фикрича Даشت қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутгандари сабаб шу ном (ўзбек, яъни ўз-ўзига бек) билан аталган. Бўрибой Аҳмедов, А. В. Григорьев, А. А. Семеновлар эса ўзбеклар Оқ Ўрда (Даشت қип-

¹ И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., 1994, 85—86-бет.

² Б. Аҳмедов. Тарихдан сабоқлар. Т., Ўқитувчи, 1994; 370-бет.

чоқнинг шарқий қисми) да кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларига тааллуқли, Ўзбекхон эса Олтин — Ўрда (Ёйик ва Волганинг Фарбий тарафидаги ерлар) га ҳукмронлик қилган деган фикрни билдирадилар¹.

1994 йил Бўрибой Аҳмедовнинг «Ўзбеклар» деган асари чоп этилди. Асарда муаллиф ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини батафсил баён этади.

Мазкур мавзу бўйича кейинги вақтда бошқа илмий асарлар, рисолалар ва мақолалар ҳам чоп этилди. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида олимларимиз томонидан олиб борилаётган изланишлар, бу албатта дастлабки қадамлардир. Қелажакда тарихчилар араб, форс, хитой ва бошқа шарқ ва ғарб тилларида ёзилган тарихий манбаларни атрофлича ўрганиб, мазкур масалани узил-кесил ҳал қиласди, деган умиддамиз.

Мустақиллик шарофати билан мустамлакачилар мафкураси таъсири остида қора бўёқ чапланган тарихимиз саҳифалари ҳам қайтадан кўриб чиқилмоқда. Буни биз улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг тарихдаги ҳақиқий ўрнини холисона ёритишдан яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, узоқ йиллар мобайнида чоризм ва большевизм мафкураларининг таъсири остида халқимиз

Амир Темурнинг тарихий мавқенини муносиб ўринга қўйиши имконидан маҳрум эди. Расмий ҳужжатларда ҳамда шу даврларда чоп этилган адабиётларнинг аксариятида Амир Темур босқинчилик сиёсатини олиб борган қонхўр сифатида таърифланиб, унинг босқинчилик фаолияти Ўрта Осиё халқларининг тақдирига салбий таъсир кўрсатди, деб уқтириларди.

Собиқ СССР Фанлар академияси томонидан тайёрланиб, 1957 йилда Москвада нашр қилинган «Жаҳон тарихи» («Всемирная история») нинг учинчи жилдида Амир Темур ҳақида шундай дейилган «Темур ҳукмдорлиги Ўрта Осиё халқларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, чунки унинг барча омонат ютуқлари Маворауннаҳрда ҳуқуқсизликни, бўйсундирилган мамлакатларда қашшоқликни қарор топтириш ҳисобига қўлга киритилган эди»². Ўша пайтда бундан бошқача фикр юритган киши миллатчиликда айбланиб турли

¹. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. 195—216-бетлар.

². Всемирная история. Т.—Ш. М., 1957. стр. 574.

жазоларға тортиларди. Шундай ақвол таниғын файлда сүф олим академик Иброҳим Мўминовнинг ҳам бошига тушгани ҳаммамизга аён.

Аслида эса Амир Темур Шарқда тенги йўқ саркарда эди. У «ёшлик чоғларида, мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўси, турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Қаримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўфул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштириди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият бекиёс равнақ топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир¹.

«Темур тузуклари»нинг чоп этилиши, шунингдек соҳибқирон ҳайкалининг Тошкент шаҳри марказида қад кўтариши халқимизнинг буюк бобомизга чексиз ихлоси ва муҳаббатининг ёрқин ифодасидир.

Эндиликда минтақамизда содир бўлган тарихий жараёнлар истиқлол тоғларидан келиб чиқиб, янгича ўрганилмоқда ва баҳоланмоқда.

Маълумки, XIX асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё ҳудудида учта мустақил давлат мавжуд эди: Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари. Қишлоқ хўжалик хом ашёларига бой ўлкани ўзига қарам қилиш, босиб олиш чор ҳукуматини азалдан қизиқтириб келган. Шу ниятни амалга ошириш мақсадида 1839—1840 йиллари Русия Англия билан келишган ҳолда Марказий Осиёга босқинчилик юришини бошлайди. Лекин турли сабаблар туфайли мазкур ҳаракат натижага бермайди. 1864 йили Марказий Осиёга иккинчи ҳарбий ҳаракатлар бошланади. Олма-ота ва Оренбург шаҳарларидан чиққан яхши қуролланган рус ҳарбий қисмлари 1865 йили Тошкент шаҳрини босиб олишга мус-

¹ И. Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994, 91—92 бетлар.

сар бўлади. 1867 йили Бухоро амирлигининг бир қисми ва Қўқон хонликлари ҳам Россиянинг қўлига ўтади. Шу ҳудудда маркази Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генералгубернаторлиги барпо этилади. 1873 йили чоризм Хива хонлигини ҳам ўзига бўйсундириди. Шундай қилиб, Марказий Осиёда истиқомат қилувчи ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, тоҷик халқлари ўз миллий давлатларидан жудо бўлиб, чоризм мустамлакасига айланниб қолдилар.

Мазкур тарихий воқеаларни назар-писанд қилмасдан аксарият тарихчи олимларимиз эски мафкура таъсири остида кўп йиллар мобайнида Марказий Осиё халқлари XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияга ўз ҳоҳишилари билан қўшилган, деган сохта тоғани илгари суриб келдилар. Истиқлол туфайли бундай адолатсизликка чек қўйилди.

Шунингдек, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлирида Андижон, Қўқон, Тошкент, Жizzах ва бошқа жойларда рўй берган миллий озодлик ҳаракатлари реакцион, буржуа миллий ҳаракати деб изоҳланиб келинган эди. Энди эса бу масала ҳам, жадидлар, босмачилар ҳаракатлари ҳам янги тафаккур нуқтани назаридан келиб чиқиб, одилона баҳоланмоқда.

Бугунги кунда тарихчиларимиз томонидан 1917 йили рўй берган февраль ва октябрь инқилоблари, 1918—1920-йиллардаги гражданлар уруши, халқ ҳўжалигини индустрлаштириш, қишлоқ ҳўжалигини колективлаштириш, маданий инқилоб, 1941—1945-йиллардаги Улуғ Ватан уруши ва бошқа тарихий воқеалар пухта ўрганилиб, янгича одилона ёритилмоқда. Буларнинг ҳаммасига биз истиқлол туфайли эришдик.

Олимларимиз ўзбек халқининг кўп асрлик ва бой тарихини янги тафаккур асосида қайта кўриб чиқиб, умумтаълим муассасаларига, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига мўлжалланган қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётларни чоп этишди.

1996 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш» тўғрисидаги фармойиши эълон қилинди. Мазкур ҳужжатда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш мақсадида 1996 йил 16 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори қабул қилинди ва Ўзбекистон Рес-

публикаси тарихига оид адабиётлар, ўқув қўлланмалари, дастур ва дарслкларни экспертизадан ва тақриздан ўтказиш ҳамда нашр этишни мувофиқлашириш мақсадида маҳсус комиссия тасдиқланди. Айни кунларда Республикализнинг етакчи олимлари уч қисмдан иборат бўлган Ўзбекистоннинг Янги тарихи китобини яратиш устида амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг, айниқса ёш авлоднинг тарихий онгини янгича тафаккур асосида шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир. Эндиликда ёшлигаримиз мактаблар ва олий билимгоҳларда ўзларининг жонажон тарихларини катта қизиқищ билан ўрганиб Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Дукчи Эшон сингари миллий қаҳрамонларнинг фаолиятлари билан танишмоқдалар. Утмишмизнинг кўпгина саҳифалари ҳужжатлар, қўллэзма материаллар, илмий манбалар асосида ёритилмоқда.

Шуни ғурур билан айтиш жоизки, мустақиллик туфайли биз ғафлат уйқусидан ўйғондик, мамлакатимизда улуғ алломалар, мутафаккирлар, буюк сиймоларнинг таваллудларини нишонлаш, уларни ёдга олиш ҳақиқий анъянага айланиб, расмий тус олиб бормоқда.

Мирзо Улуғбок таваллудига бағишлиланган тантанали маросимда (1994 йил 15 октябрь) сўзлаган нутқида Президентимиз «Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва мاشаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди» — дея, алоҳида таъкидлаб ўтганини ҳам эсласак ўринли бўлади.

Мирзо Улуғбек ўзининг чексиз ақл-идроқи, илмий салоҳияти, одилона сиёсати билан қарийб қирқ йил мобайнода Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқимизнинг азалий орзуси тинчлик, то тувллик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижаат ва матонат кўрсатди. Унинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси беқиёс бўлиб, бугунги кунда ҳам улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

«Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги —, дейди И. Қаримов,— дунёning кўплаб мамлакатларида нишонланаётгани биз учун ғоят қувончилидир. Биз бу воқеаларни дунё афкор оммасининг Мирзо Улуғбекка ва уни

вояга етказган юртга, ҳалқа ва унинг тарихига самимий ҳурмат деб биламиз»¹.

Ўз тарихи ва аждодларини билган ҳалқнинг келажаги, албатта порлоқ бўлади. Шунинг учун ҳам буюк аждодлар сиймоларини эъзозлаш бизнинг мамлакатимизда давлат сиёсатига айланиб кетган. Бунга мисол сифатида Тошкентда 1991 йил 28 сентябрда А. Навоий ҳайкали ва унинг номидаги миллий боғнинг очилишини эслатиб, Президентимизнинг қўйидаги сўзларини келтиришимиз мумкин: «Бунга биз бобомиз руҳи олдида чуқур таъзим бажо келтирас эканмиз, ундан олдин ва ундан кейин ўтган улуғ зотларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, деб умид қиласмиз»².

Буюк давлат пойдеворларини қуриш, дунёда ўзлигимизга муносиб ўринни эгаллаш Ал Беруний, Ибн Сино, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қиласди, ҳалқимизнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлиланган ҳалқаро илмий анжуман иштирокчиларига (1990 йил 14 сентябрь) юборган табрикномасида Президентимиз улуғ аллома, ҳадис илмининг мўътабар намоёндаларидан бири бўлган ватандошимиз ат-Термизийнинг жаҳон илму зиёси тарихига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб шундай дейди:

«Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан «Қитоб ал жомеъ ал Саҳих», ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолға давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий маънавий масалаларини хал этишда замонавий аҳамият касб этади»³.

Демак, тарихни ўрганишдан асосий мақсад ҳалқи-

¹ И. Каримов. Истиқлол ва маънавият, 102 бет.

² Ҳаша асар, 102 бет.

³ Ҳаша асар. 96 бет.

мизнинг илфор анъаналаридан бугунги кун учун зарур сабоқ олишдир. Буюк аждодларимиз сиймоларини эсламай, тарихий адолатни ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламай туриб кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқ маҳолдир.

«Биз,— дейди И. Ҷаримов,— бўшқаларни камси-тиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминларимизда илму-фан барқ уриб яшнагани табиий илмлар; хусусан, тибиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, Мағрибу Машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғуурлансан арзийді»¹.

Бобокалонларимиз таваллудларини нишонлаш билан бир қаторда уларнинг илмий мероси ўзбек тилида нашр қилиниб, халқимизга етиб бормоқда.

Фаробийнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини ўрганишда Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти томонидан 1993 йили чоп этилган «Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри» (222 бет) китоби катта аҳамият касб этди. Мазкур китобда улуғ олимнинг «Арасту фалсафаси», «Фозил одамлар шаҳри», «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида» каби асарларидан намуналар киритилган. Унда Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий асарларида фалсафий муаммолар қаторида оқилона давлат тузуми, инсоният жамияти ҳақидаги нодир фикрлар ҳам ифодаланган.

1991—1997 йиллар ичидаги Қомуслар бош таҳририяти Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорий «Хадис»ининг 4 жилдини нашрдан чиқарди.

Имом Бухорийнинг ислом оламида Қуръони Каимидан кейинги мўътабар китоб ҳисобланмиш мазкур «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ»ларининг ўзбек тилида халқимизга етказилиши катта воқеа бўлиб, у дину эътиқодимизни ҳамда маънавий қадриятларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ И. Каримов. Истиқлол ва маънавият. 105 бет.

1991 йили Faғur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»ини чоп этди.

Шу йили мазкур нашриёт «Темур тузуклари»ни чоп этди. Мазкур асарда Амир Темур ва 1342—1405 йиллар орасида Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсати аҳволи, қўшни мамлакатлар ва халқлар билан ўзаро муносабатлар, ўз қўшинининг тузилиши, ҳарбий ҳаракатлар, тартиб-қондалар сингари кенг масалаларни ёритган. Бино-барин у тарихий ўтмиши билишда, Амир Темур асос согтан марказлашган салтанатнинг тузилиши, жаҳонга донги кетган Темур қўшинининг таркиби, феодал муносабатлари ва бошқа масалаларни ўрганишда муҳим манба ролини ўтайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, улуғ аждодларимизнинг шонли сиймоларини бутун жаҳонга тарғиб қилиш борасида Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик юбилейига тайёргарлик ва уни ўтказиш мисли кўрилмаган тадбир бўлди. 1996 йил 18 октябрь куни Тошкентда Темурйлар даври тарихи музейининг очилиши шу куни ёқ Президентимиз Самарқанд ва Шаҳри-сабза Соҳибқирон ҳайкалини очиши ва бу маросимларда сўзлаган нутқи истиқлолга эришган халқимиз тарихининг ёрқин саҳифасини ташкил этади.

Жумҳуриятимизда узоқ ўтмишдошларимиз бўлган буюк зотлар билан бир қаторда яқин тарихимизда халқимиз учун фидокорона хизмат этган инсонлар, давлат арбоблари, ёзувчилар, олимлар ва бошқа кишиларни эъзозлашда ҳам катта ишлар қилинмоқда. 1992 йили ноябрь ойида таниқли давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағищланган тантана бўлиб ўтди. Унинг ноҳақ қораланганд, улуғ номи яна Тикланди. 1993 йили Faғur Fулом таваллудининг 90 йиллиги кенг нийшонланди.

1995 йили халқимизнинг севимли шоираси Зулфиянинг 80 йиллиги тантаналари бўлиб ўтдй. Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Зоро, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимизни улуғлаш асосида маънавий руҳни баланд сақлаш, ёш авлодни милдий анъаналаримиз негизида тарбиялаш мустақил давлатимизнинг бош мақсадларидан ҳисобланади.

РУЕБГА ЧИҚАЕТГАН ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Мустақилликнинг маънавий соҳадаги яна бир неъмати шундан иборатки, жамиятимиз, давлатимизнинг динга бўлган муносабати ўзгарди.

Маълумки, диний дунёқарашнинг шаклланиши тадрижий ва жиддий жараён бўлиб у ўз ичига буддизм (эрамиздан аввалги VI—V асрларда Ҳиндистонда), христианлик (эрамизнинг I асрида Рим империясида), ислом (эрамизнинг VII асрида Фарбий Арабистон) каби жаҳон динларини қамраб олади.

Диний дунёқарашнинг асосий элементларини диний эътиқод ташкил қиласди. Диний эътиқод динга ишонувчи кишилар руҳияти, интеллектуал ҳиссий ва ирода элементларини ўзига қамраб олган мураккаб ҳодисадир. Диний эътиқоднинг интеллектуал элементи динга ишонувчи кишилар онгида мавжуд бўлган диний тасаввурлар, образлардан ташкил топади ва улар динга ишонувчи кишилар томонидан ҳаётй зарур нарса сифатида қабул қилинади.

Диний эътиқодда ҳиссиёт катта роль ўйнайди. Кишилар турли ҳиссиётлари — қўрқиши, муҳаббати, завқланиши, эҳтироми, қувончи, умиди ва ҳоказолари диний тасаввурлар билан қўшилиб кетиб, тегишли йўналиш, маъно-мазмун касб этиши мумкин. Ана шундай ҳолларда улар «худога муҳаббат», «гуноҳкорлик», «итоаткорлик», «бандалик туйғуси», «худо билан мулоқотда бўлиш қувончи», нариги дунёдаги ҳаётга умид ва ҳоказоларга айланади. Ҳиссиёт элементини илоҳиётчилар инсон онгининг олий даражадаги кўриниши, олий ахлоқий қадрият, билишнинг энг ишончли шакли деб уқтиради.

Диний дунёқарашнинг асосий йўналишларини (концепциясини) ифодаловчи диний ақидалар диндорлар учун мажбурий ҳисобланган ва муҳокама юритмасдан ишониш лозим бўлган диний эътиқод талабларида ўз аксини топган. Йслом динининг шаклланган ва диний анъаналарда эътироф этилган ақидалари ёки имон талаблари 7 та: Оллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирнинг илоҳийлигига ва инсон ўлгандан кейин тирилишига ишониш.

Диний дунёқарашнинг яна бир таркибий қисмини диций оңг ташкил этади. Сиғиниш одамларнинг кун-

далик ҳаётида якка ёки жамоа бўлиб бажариладиган расмий ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Қурбонлик қилиш, Қуръон ўқитиш, рўза тутиш ва диний байрамларни нишонлаш, ислом динида кенг тарқалган маросимлардир. Сифиниш ва тоат-ибодат туфайли кишиларнинг диний эҳтиёжлари қондирилади.

Диний эътиқод диний онгнинг умумий белгиси, мезони бўлиб, у диний ғоялар, тасаввурлар, тушунчалар, тан олиб, Оллоҳнинг мавжудлигига ишонишини ўз ичи-га олади.

Диний дунёқараашнинг шаклланиши ва ривожланиши учун ақидаларнинг ишлаб чиқилиши ва турлича диний байрамлар, маросимларнинг ўтказилиши катта аҳамиятга эгадир. Дин ўзининг тантанали байрамлари, ҳар хил маросимлари билан кишилар кўнглида кўтаринки кай-фият, хурсандчилик, хушфеъллик, раҳм-шафқат, сабртоқат, қаноат, меҳр-оқибат, ҳамдардлик, виждоний бурч, поклик, одамгарчилик ва шу каби фазилатларни шакллантиради ва камол топтиради.

Диний дунёқараашнинг таркибий қисмида мўминлар учун Макка-Мадинага бориб у ердаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб, турли диний урф-одатларни бажариш ислом руқнларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ислом динида пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари, уламолар, суфийлар, шайхларни, уларнинг мозорлари, қадамжоларини зиёрат қилиш анъанаси ҳам кенг тарқалган. Марказий Осиё ҳудудида бундай жойлар жуда ҳам кўп. Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Имом Исмоил ал-Бухорий, Мұхаммад Ҳувайдо, Бухородаги Қизбиби, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Тошкент вилоятидаги Зангигита, Анбар она қадамжо ва мақбаралари шулар жумласидандир.

Диний дунёқараашнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири унда ҳар бир инсон амал қилиши лозим бўлган ахлоқий меъёр ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Масалан, Шариат бўйича умматларга буюрилган амаллар саккиз хил бўлиб (фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, мустакраҳ) жами 934 ҳуқуқлар ва низомларни ташкил этади.¹ Уларнинг аксарияти ҳаузугача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки ислом ва унинг шариат талаблари мавжуд шахсий ҳаётдаги ва

¹ Каранг: Аҳмад Ҳодий Мақсудий, Шаръий ҳукмлар тўплами. Т., 1990.

умумисоний муаммолардаги энг зарур ахлоқий фазилатларни ўзида акс эттирган.

Диний дунёқарапшынинг инсон онгиға сингиб, унинг қалбидан чуқур илдиз отиб кетишенинг боиси, унинг асосий қоидалари оддий кишиларнинг руҳиятига мос бўлиб, уларнинг ҳиссиёти, тафаккурига, катта таъсир этадиган ва кўп вақтгача эсада сақланиб қоладиган ёрқин образлар, афсона ва ривоятлар шаклида баён қилинишидадир. Ислом таълимотидаги ҳар бир афсона ва ривоятда катта ҳикмат, фалсафий фикр, маъно мавжуддир. Шунинг учун ҳам улар барҳаёт бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Бундай катта маънавий бойликка биз албатта ҳурмат билан қарашимиз керак.

Дин кишиларнинг онгиға ўз таъсирини ўтказиш билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам доимо муҳим роль ўйнаб келган. Ҳозирги даврда ҳам у катта ижтимоий-сиёсий мавқега эгадир.

Дунё ҳалқлари азалдан ҳар хил динга сифинадилар. Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпчилигига ислом дини давлат мафкураси сифатида расмий равишда қабул қилинган. 30 дан ортиқ мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида у етакчи ғоя ҳисобланади. Улар Саудия Арабистони, Туркия, Миср, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия, Жазоир Покистон ва бошқа мамлакатлардир. Бугунги кунда ислом дини ўзига хос йўллар билан дунёнинг жуда кўп мамлакатларига ёйилиб, кириб бормоқда.

Христиан ва бошқа динлар ҳам турли мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда. Ҳозир узоқни кўра биладиган давлат бошлиқлари, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг раҳбарлари дин ва диндорлар билан ҳамжиҳат бўлиб иш юритишни ўзларига мақсад қилиб олишлари бежиз эмас, албатта.

Диннинг фанга, унинг ютуқларига бўлган муносабати, ҳақида ҳам янгича фикр ҳосил бўлмоқда. Ўтмишда бўйз дин билан фанни бир-бирига зид бўлган, бир-бирини мутлақ истисно қилувчи ижтимоий онг шакллари, инсоният маданияти тарихи дин билан фан ўртасидаги курашдан иборат, деб келган эдик. Аммо шу нарса маълум бўлдики, фаннинг турли динларга, аксинча турли динларнинг фанга муносабати ҳамма жойда бир хил ва бир текис бўлган эмас. Уйғониш даврида яшаган Фарбий Европа олимлари, жумладан Жордано Бруно,

Галилей, Коперник, XVII аср француз олимлари Поль Гольбах, Клод Гельвеций, Дени Дидро ва бошқалар христиан динига очиқ-ойдин қарши чиқиб, унинг таълимотини инкор этган бўлса, Ўрта Осиё мутафаккирлари фан билан диний таълимотни бир-бирига қарама-қарши қўймасдан иккаласидан ҳам баҳраманд бўлиб келганлар. Фаробий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино худо дунёнинг асосчиси деб эътироф қилса, Мирзо Улуғбек ўзининг «Тўрт улус тарихи» асарида дунёни Тангри таоло бунёд қилган, одамни ҳам у яратган деган фикрни олға сурган.¹

Ҳозирги вақтда ҳам Farbий Европа мамлакатларида диний эътиқод билан фанни мувофиқлаштириб ривожлантиришга даъват этиб келаётган олимлар оз эмас. Масалан, католик черковларининг расмий фалсафаси деб тан олинган неотомизм таълимотининг намоёндалари Маритен, Жильсон (Франция), Веттер (Австрия), де Реймекер (Бельгия) ва бошқалар диний эътиқод ва фан ҳақиқатга эришишнинг иккита манбаи, шунинг учун улар бир-бирини истисно этмайди, аксинча, тўлдиради, деган гояни тарқатиб келмоқдалар. Уларнинг фикрича, диний эътиқод ва билим ўртасида тўла уйғанилик мавжуд. Неотомистлар билим бўлмаган жойдагина эътиқод керак деб тан олади, уларни кўр-кўрона иррационал эътиқод қониқтирумайди.

Дин ва диний дунёқараш хусусида сўз борганда шуни айтиш керакки, ўтмишда биз динга бир томонлама ёндашиб, унинг инсон манфаати соҳасида, кишиларнинг аҳлоқий муносабатларини такомиллаштиришдаги ижобий ролини инкор этдик. Динга қарши кураш ниқоби остида халқимиз асрлар мобайнида амал қилиб келган анъана ва урф-одатлар тақиқланди, қанчадан-қанча масжид ва мадрасаларини асоссиз равишда бузиб ташланди. Неча минглаб жилларни ташкил эта-диган нодир китоблар шахсга сифиниш ва қатафон авж олган йилларда куйдириб ташланди.

Ҳозирги пайтда ўтмишда рўй берган ҳаддан ошишлар тузатилмоқда, ижтимоий адолат тикланмоқда. Ёпиб қўйилган баъзи масжидлар очилди, кўплаб янги масжидлар қурилди ва қурилмоқда, диний адабиётларни нашр этиш йўлга қўйилди.

¹. Қаранг: *Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994, 15—22-бетлар.*

Истиқлол туфайли динга муносабат ўзгарди. «Биз — дейди И. Каримов, — мустақил ўзбек давлатининг пой-деворини қурмоқдамиз. Минг қатла шукурки, тилимизни, динимизни, урф-одатимизни, маънавий қадриятларимизни, буткул йўқотиб қўйиш хавфидан сақлаб, аср-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик»¹. Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва бошқа диний адабиётлар ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Рамазон ва Қурbon ҳайитлари халқимизга миллий байрам сифатида қайтди.

1992 йил баҳорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди. Қўмита давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ва мослаштирувчи муассасаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

1995 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Тошкент шаҳрида халқаро Ислом тадқиқот маркази»ни ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда айтилганидек, ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, уни келажак авлодга етказиш марказининг асосий вазифаларидир.

Мамлакатимизда ислом дини билан баробар православ, иудаизм, баптизм, адвентиизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар эркин фаолият кўрсатмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йили 9 июнда Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято Успенский кафедрал собори ҳузурида диний маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йили ноябрь ойида Епархиянинг 125 йиллиги тантаналарини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаб, маҳсус қарор қабул қилди.

Епархия фаолиятига амалий ёрдам бериш. Свято Успенский собори ҳудудини кенгайтириш учун 2 гектар ер ажратилди. Буларнинг ҳаммаси республикамиздаги барча фуқароларга бир хил муносабатда бўлинаётганигининг ёрқин намунасидир.

¹. И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. 71-бет.

Дин ва диндорлар жамиятимиз ижтимоий ҳаётіда фаол қатнашиб, Республика мустақиллігінің мустаҳкамлашга муносиб ҳисса құшиб келмоқдалар.

Дин арбоблари одамларни тинчликни сақлашга, меросий урф-одатлар ва анъаналаримизни авайлаб асрашга, меңнатни севишга ва қадрлашга, экологик ва демографик муаммоларни ижобий ҳал этишга даъват этмоқда.

«Биз мусулмон ва бошқа дин вакиллари билан кундалик ишмизни бундан кейин ҳам такомиллаштириб борамиз. Диндорларнинг дин пешволярининг маслаҳатларини, эҳтиёжларини ўз фаолиятимизда инобатга олишимиз керак»¹.

Жамиятимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ишлар дин ва диндорлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитасининг сабиқ раиси Абулғани Абдуллаев шундай дейди: «Ислом дини равнақ топиб, унинг адолатли ва маърифатли ғоялари ҳар бир муслимнинг қалбига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Одамларнинг меҳр-оқибатли, бўлишида, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишда бу диннинг хизмати ҳам бениҳоядир. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, ислом йўлидаги барча тўсиқ ва ғовлар олиб ташланди. Эндиликда муқаддас калом ва оятлар ҳар бир мўмин-мусулмон учун ғоят эъзозли бўлиб бормоқда. Ҳукуматимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсатидан ҳаммамиз хурсандмиз. Бугунги кунда юртимизда кўплаб масжидлар ишламоқда. Президентимизнинг фармони олийлари билан исломдаги икки буюк шодиёна Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди»².

Давлатимиз раҳбарлари томонидан олиб борилаётган очиқ сиёсат динга эътиборнинг кучайтирилиши туфайли мусулмон мамлакатларининг муносабати Ўзбекистонга нисбатан кескин ўзгармоқда.

Буни биз Қурбон ҳайити муносабати билан Президентимиз номига келган табриклардан ҳам яққол кўри-

¹ И. А. Каримов. Истиқбол ва маънавият. Т., 1994 йил 23 бет.

² Халқ сўзи. 9 май, 1995 йил.

шымиз мүмкін. Қувайт давлати валиаҳд шаҳзодасій ва Баш вазири Саид ал-Абдулла ас-Салім дейди: «Шу воқеа мұносабати билан қодир Аллоҳдан мусулмон оламини янада жипслаштиришни, барча мусулмон халқларининг мустаҳкам ҳамкорлиги ва бирдамлигини илтижо

¹ «Ениегіл»

Эрон Ислом Жумхуриятининг Президенти Ақбар Хошимий Рафсанжонийнинг табрикномасыда шундай ёзилган: «Ушбу саодатли кунларнинг шарофати ҳамда барча мусулмон давлати ва миллатнинг ҳамкорлиги ва саъий-харакатлари ила жаҳон мусулмонларининг илгаридан кўра кўпроқ баҳт-саодати ва бирдамлигининг шоҳиди бўласиз деб умид қиласан»².

Шундай истаклар Саудия Араб Республикаси президенти Ҳафиз ал-Асад, Тунис Республикаси президенти Зайн ал-Обидин ибн Али, Уммон Султони Қобус Ибн Саид, Туркия Жумхурияти Президенти Сулаймон Демирел, Иордания Хошимийлар подшолиги подшоҳи Хусайн, Бирлашган Араб Амирликлари президенти Зайд Ибн Султон Ол Нахайан ва бошқаларнинг табрикномаларида ҳам изҳор этилган.

Бундан яққол кўриниб турибдик, дин, маънавият турли халқлар ва мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирадиган, кишиларни қон-қардош қиласидиган буюк куч.

МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Мамлакатимизда маданий соҳада шиддат билан рўй бераётган туб ўзгаришлар туфайли халқимизнинг миллий онги, миллий фурури, миллий ифтихори ўсиб, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустаҳкам давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратмоқда. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикасини буюк давлатлар сафига чиқариш учун маънавият соҳасида ҳам халқимизнинг олдидаги турган муаммолар оз эмас.

Энг аввало республикамиз маданият ва маънавиятини давр талабига мослаштириб ривожлантиришимиз учун халқимизнинг маданий меросини чуқурроқ ўрганиб, уни ўзлаштириб олиш билан бир қаторда маориф, фан

¹ «Халқ сўзи», 1996 йил 16 май.

² «Халқ сўзи», 1996 йил 16 май.

ва бошқа соҳаларда турган кўпгина вазифаларни амалға оширишимиз керак.

Маънавиятимиз ва маданият тарихини чуқур ўрганиб, тарғиб қилиш, кишиларни халқпарварлик, руҳида тарбиялаш мақсадида улардан фойдаланиш, маданий ёдгорликларни тиқлаш, тарихий обидаларни асраш, миллий урф-одатларни, халқ оғзаки ижодини кенг миқёсда ўрганиш ва уларнинг намуналарини тўплаш ҳозирги кунда яратилаётган моддий ва маънавий мулкни келаҗак авлодларга тўла етказиш учун барча зарур чораларни кўриш, ёш истеъододларнинг камол топишига ҳар томонлама кўмаклашиш ана шу вазифалар сирасига киради.

Таълим-тарбия соҳасида ҳам давр талабидан келиб чиқадиган катта ишларни амалга оширишимиз лозим. Маълумки, таълим-тарбия муассасалари кўп йиллар давомида эски иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг манфаатларини қондиришга қаратилиб, мустабид давлат системасига хизмат қилиб келди.

Ҳозир биз янги иқтисодий, сиёсий тузумга ўтмоқдамиз. Шундай экан, эндиликда кўп мулкчиликка асосланган, бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб берадиган, мустақиллик фоялари билан суфорилган янги таълим-тарбия тизимини яратишимиш лозим.

Мактаб ўқув режалари ва дареликларда ўтмиш месросимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз тўлиқ ўз аксини топиши керак. Таълим бобида жаҳон андозаларига муносиб фан асосларини ёшлирамизга сингдириш билан бирга тарбия бобида миллийликка кўпроқ таянишимиз лозим.

Олий билimgоҳлар ва ўрта маҳсус билим юртларининг ҳам фаолиятини жумхуриятимизнинг эҳтиёжларига, бозор иқтисодиётининг талабларига мувофиқ кўриб чиқиш керак. Мустақил давлатнинг истиқболи, унинг кучкувати ҳам фан, маданият ва санъат тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Шуни эътиборга олган ҳолда фан билан ишлаб чиқариш интеграциянинг, фан-техника тараққиётини бошқаришнинг техникавий, хўжалиқ шаклларини мунтазам такомиллаштириб бориш, долзарб амалий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ечимларини кенгайтириш, уларнинг самарадорлигини оширишини таъминлаш лозим. Фанлар Академияси, олий ўқув юртлари ва тармоқ илмий тадқиқот ишларининг ўзаро ҳам-

корлигини изчиллик билан мустақкамлаш керак. Бұ
масалага ҳам бозор муносабатлари талабидан келиб
чиқиб янгича ёндашишимиз лозим.

Мустақил давлатнинг асосий вазифаларидан бири
мөхнаткашлар оммасини маънавий маданият бойликла-
ри билан тұлароқ ва чуқурроқ таъминлашдир. Адабиёт
ва санъат халқ манфаатларига, давлат мустақилларини
тиклишта қаратылған бўлиши лозим. Адабиёт ва санъ-
ат кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши,
уларнинг ғоявий баркамол бўлиши ва маънавий юксали-
шига фаол ёрдам бериши зарур. Халқнинг моддий да-
ражаси ўса боргани сари санъатнинг жамият ҳаётига,
унинг маънавий-психологик муҳитига таъсири кучая
боради. Бу ижоднинг ғоявий йўналиши, асарларнинг
бадиј таъсир кучини ошириш учун маданият арбоб-
ларининг масъулиятини оширади.

Мустақиллик жамиятимизни янада ривожлантириш
учун зарур имкониятларни яратиб беради. Энди мил-
лий маданий юксалишимизнинг тақдирі ўз қўлимиз-
дадир. Бу эса маданият соҳасига тааллуқли бўлган бар-
ча вазифалар, илм-фан, маданият ва маориф муасса-
саларининг иштирокида миллий маддиятни ривожлан-
тиришнинг Давлат дастурини ишлаб чиқариб, уни изчил-
лик билан ҳаётга тадбиқ этишни тақозо қиласади. Ил-
мий асосда тайёрланган бу дастурда халқимиз мада-
ниятини ривожлантиришга оид бўлган барча асосий ма-
салалар ўз аксини топиши керак. Агар биз шундай йўл
тутмасак, маданий-маънавий мустақиллик ҳақидаги гап-
лар хом хаёлга айланиб қолиши ҳеч нарса эмас.

Давлат мустақиллиги учун кўп йиллар тану-жони-
миз билан курашиб, эндиликда унга эришганда бундай
бефарқликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Мустақиллик ғояларини ҳаётга изчил равишда тат-
биқ этиш ҳозирги давр талабидир. Бунда айниқса илм
аҳли, маданият арбоблари, файласуф олимларимиз жон-
бозлик кўрсатмоғи лозим.

Фалсафа пахтачилик унумдорлигини ошириб беришга
ожиз, у сигирларнинг сутини ҳам кўпайтириб бера ол-
майди. Лекин кишиларнинг ижтимоий онгини, уларнинг
дунёқарашини шакллантириб, ички дунёсини бойитиб,
маънавий камол топтириш бу фалсафанинг асосий вази-
фасидир.

Шуни очиқ эътироф этиш керакки, қилинаётган иш-

лар ҳали дастлабки қадамлардир. Ижтимоий фанларнинг ҳаётдаги ролини фаоллаштириб, унинг мавқенини янада ошириш учун кўп ишлар қилинмоғи даркор.

Энг аввало ижтимоий фанларни кўп йиллар давомида тўпланиб қолган эски расмий мафкуравий ғоялардан халос этмоғимиз, янги тафаккурдан келиб чиқиб, уларни синфий ва партиявий фан сифатида эмас, балки умуминсоний қадриятлар талабига жавоб берадиган мустақил таълим соҳаси сифатида ривожлантиришимиз даркор.

Бунга эришиш учун ижтимоий фанларнинг назарий асосларини қайта кўриб чиқиб, янги ғоялар билан бойитиш лозим. Ҳар қандай фаннинг истиқболи, унинг жамиятда тутган ўрни, шу фаннинг назарий салоҳиятидадир. Фаннинг назарий асоси қанчалик мукаммал ва чуқур ишланган бўлса, унинг жамиятдаги ва, умуман, ҳаётдаги мавқеи ҳам шу даражада юксак бўлади.

Ижтимоий фанлар ўз мазмунига кўра ҳам умуминсоний ҳам миллий қадриятлар туркумига киради. Шундай экан, бизнинг олдимиизда турган яна бир долзарб вазифа барча ижтимоий фанлар туркумини миллий қадриятлар, маданий меросимиз, бой урф-одат ва анъаналаримизни эътиборга олган ҳолда мазмунан янгилаб, қайта ишлаб чиқишдан иборат.

Маълумки, Марказий Осиё мутафаккирлари, давлат арбоблари асарларида, турли тарихий манбаларда фалсафа, иқтисод, тарих, таълим-тарбия масалаларига оид жуда кўп қимматли фикрлар мавжуд, уларни умумлаштириб, ҳозирги давр талабига мослаштириб, умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириб, барча ижтимоий фанларни мазмунан янгилашимиз керак.

Президентимиз И. А. Каримов ўқтирганидек, Ҷатанимиз азалдан башарият тафаккўр хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида ҳалқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равища ривожланди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур Мир-

зо сінгари мутафаккір аждодларимизнинг доно фикрларига үйғун ҳолда шаклланиши лозим¹.

Ижтимоий фанлар мавхұм назарий масалалар билан чекланиб қолмасдан мустақил давлатимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий асосларини мустаҳкамлашга қаратылмоғи лозим. Давлатимиз келажаги барқарор бўлиши миллий истиқбол милий үйғониш тоғасининг амалга ошиши билан бевосита боғлиқдир.

Ватанимиз тарихи, мустақил давлатчилик учун халқимиз томонидан кўп йиллар мобайнида олиб борилган миллий бирлик, миллий озодлик курашлари, Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилиниши ва унинг тарихий аҳамияти, истиқололимиз истиқболи каби масалалар **тарихчиларимизнинг** диққат марказида турмоғи лозим.

Иқтисод фани учун энг долзарб муаммолар орасида мулкий муносабатларни тубдан ўзgartираётган, мулк ҳақиқий эгалари қўлига берилаётган шароитда тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулк эгаси ҳиссиятни тарбиялаш, бозор психологиясини шакллантириш тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиётда таркибий-структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик технологияларни жорий этиш концепцияси ва миллий дастурни ишлаб чиқиш, банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш уларни жаҳон талаблари даражасига кўтариш, тўловларни тартибга солиш кабиларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мухим ўрин олади.

Фалсафа фани мустақиллик мағкураси ва уни ҳаётга татбиқ этиш йўлларига, кишиларни юксак маънавият асосида тарбиялаб, ҳар томонлама маънавий камол топтириш масалаларига, шунингдек миллий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиздан, шарқ фалсафаси ва ислом таълимотидан унумли фойдаланиб, кишиларни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатишига жамиятни илмий билиш ва илмий бошқаришга, миллий ва миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш каби масалаларга эътиборни кучайтиromoғи лозим.

Хуқуқшунос олимлар олдида миллий давлатчилик ва демократик жараёнларни Шарқ мамлакатларига

1. Қаранг: *Н. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 9-бет.*

хос хусусиятлар билан уйғунаштириб ривожлантириш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий тарбия масалаларини илмий ишлаб чиқиш кўндаланг бўлиб турибди.

Мазкур муаммолар ижтимоий фанлар олимлари томонидан қанчалик тез ва пухта ишлаб чиқилса, фаннинг ҳаёт билан бирлиги шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ижтимоий фанларни ўқитиш методикасида ҳам бизнинг олдимиизда ҳанузгача ечимини кутуб турган масалалар оз эмас. Ўлардан биринчиси рейтинг тизимига ўтишни ташкил қилишдир. Талаблар билими самарасини оширишда амалий машгулотларни фаол ўtkазиш, давра суҳбати, интервью, конференция, маъруза ва рефератлар тайёрлаш ва эшитиш, машгулотларни ўқитувчи назорати остида талаблар томонидан олиб бориш ва ҳокозолар муҳим ўрин тутади.

Барча ижтимоий фанлар олдида турган яна бир долзарб вазифа истиқлол ғояларини халқимиз онгига, ёш авлод қалбига сингдириб, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини оширишдан иборатдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қонқонига сингиб кетган азалий фазилатлар бўлиб, уни ёш авлоднинг дунёқарashi, хулқ-автори ва руҳиятига сингдириб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Шунга кўра Ватан тарихи ва маданияти, жуғрофияси ва иқтисодиётини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Бу эса, ижтимоий-гуманитар соҳа вакилларининг маъсулиятини янада ошириш билан бирга, айни пайтда, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллий маънавият нуқтаи назаридан янгидан қараб чиқиши тақозо этади.

Зеро, мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги кишиларнинг фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Ҳар бир инсон ўз Ватани тарихи, миллий қадриятларини, маданиятини, урф-одатларини мукаммал билса, миллат тақдири ва истиқлолни чуқур англаб етган бўлса, мустақиллик шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади.

«Миллатимизнинг маънавий-аҳлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида бундан буён ҳам тинмай

ривожлантириш тұғрисида бундан бүен ҳам тинмай ғамхұрлық қиласыз, — дейди Президентимиз бу соңада-
ги давлат йұлини изоҳлаб. — Бу ғамхұрлық Үзбекистон халқының маданий үзиге хослиги серкірра бўлишининг кафолати, демократик ўзгаришлар кафолати бўлиб хизмат қиласы¹.

¹ Ислом Каримов. Үзбекистон икәтисодий ислоҳотларни чу-
қурлаштириш йұлида, 249-бет.

БЮОҚ АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ – ХАЛҚИМИЗ МАҢНАВИЙ ЮҚСАЛИШИННИГ ҚУДРАТЛИ МАНБАИ

1. ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ИЛК МАДАНИЙ-МАҢНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

Жаҳон маданийтнинг ривожига жамики халқлар баҳоли қудрат ўз улушларини қўшганлар. Аммо бунда Шарқ мамлакатлари, жумладан, Марказий Осиё халқларининг ҳиссаси алоҳидадир.

Шарқ халқларининг тарихи ва маданийти, ilk сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадиий, фалсафий қараш ва тасаввурлари ҳақидаги, уларнинг мазмун ва моҳияти ҳақидаги қимматли материал ва маълумотлар антик замон муаллифларининг асарларида, археологик манбаларда, халқ оғзаки ижодиётида кенг кўламда акс этган.

Дастлабки фалсафий тасаввурлар Шарқнинг энг қадимги мамлакатларидан бири — Бобилда милоддан аввалги тўртинчи минг йиллик бошларида пайдо бўлган. Ўшандәёқ одамларнинг дунёда рўй бериб турадиган хилма-хил ҳодиса ва жараёнларга бўлган муносабатлари ва қизиқишиларини, гарчи содда, юзаки, ибтидоий шаклда бўлса-да, ўзида акс эттирган фалсафий қарашлар намоён бўла бошлаган.

Қадимги Бобил адабиётининг машҳур асарларидан бири «Гильгамеш ҳақида достон» бўлиб, унда тупроқ, сув, ҳаво, қуёш инсон ҳаёти ва тириклигининг абадий манбай эканлиги, Гильгамешнинг оби ҳаёт қидириб, бошидан кечирган саргузаштлари ва чеккан азоб-уқубатлари, одамларнинг табиат қонунларй асосида яаш зарурлиги, улар ҳаёт ва ўлим сирларини билишга азалдан интилиб келганлиги ҳикоя қилинган.

Гильгамеш ҳақидаги достонда қадимги кишиларнинг баҳт ва фаровонликка, саломатлик ва бардамликка, ўлимни енгиб, мангу ҳаёт кечиришга интилишлари, абадий умр ато қилувчи оби-ҳаёт, ўсимлик, ҳар хил мева

ва маъданларни излаб топиш ҳақидаги орзу-ниятлари ўз ифодасини топган.

Адапа ҳақидаги достонда эса инсониятнинг абадий ҳаёт тўғрисидаги орзулари кўрсатилган. Унда «ўлган ва қайта тирилган» худоларга, жумладан Бобил худоси Мардукка нисбат берилган.

Инсон ўзини қуршаб олган муҳит, коинот билан доимо алоқадордир. Бинобарин, у шу муҳит, коинот ҳақида ўйлайди, фикр юритади, ер юзидағи ҳодиса ва жараёнларни коинот билан боғлашга интилади, самовий сир-асрорлар ҳақида хаёл суради, фараз қиласи, ҳар хил эртаклар, ривоятлар, афсоналар тўқииди. Бобилликларнинг Этапа ҳақидаги афсоналари ана шу заминда пайдо бўлган.

Этапа ҳақидаги афсона ҳам юқорида айтиб ўтилган достонларда бўлгани каби одамларнинг қуёш билан, ой ва сайёralар билан қизиққанлиги, самовий сирлар сабабларини билишга интилишлари, Бобил халқининг табиий ҳодисалар моҳиятини, йилнинг фаслларга бўлиниб, ўзгариб туришини, йил давомида табиатда бўладиган ўзгаришларнинг боиси нимадан иборат эканлигини тушуниб олишга интилишлари, шунингдек, уларнинг дин ва ахлоққа доир фалсафий қарашлари илгари сурйланган.

Қадимги бобилликларнинг яхшилик билан ёмонликнинг, эзгулик билан ёвузлик, бойлик билан қашшоқликнинг, ҳурлиқ билан хўрликнинг бир-бирига тубдан зид эканлиги, ўзаро қарама-қарши ва муросасизлиги ҳақидаги фалсафий ғояларни ўзида маълум даражада баён қилувчи «Жафокаш авлиё ҳақида достон» ва «Хўжайниннинг қул билан суҳбати» деган асарлари ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш зарур. Уларнинг биринчисида бахт ва бахтсизлик, адолат ва адолатсизлик, уларнинг сабаблари, бартараф этиш йўллари хусусидаги дастлабки фалсафий тасаввур ва ғоялар баён этилган. Қейингисида хўжайн билан қул ўртасидаги зиддият улар орасидаги таъсири диалогда ифода қилинган. Асарда айтилишича, ҳар гал хўжайниннинг истакларини ўринли ва асосли қилиб рад этишга важ топадиган қулдан кўнгли совиган хўжайн ниҳоят: «Хўш, энди нима яхши» деб хитоб қиласи. Қул дадиллик ва ис-теҳзо билан бундай жавоб беради: «Менинг калламни ҳам, сенинг каллангни ҳам узиб, дарёга ташлаш керак.

Энг яхшиси ана шу. Осмонга етиш даражасида юксак, бутун ерни қоплаб олиш даражасида катта одам борми, ахир!» Жаҳли чиқиб кетган хўжайин даҳшат билан қулга қараб: «Эй қул, мен сени ўлдиришни ва сени мендан олдин кетишга мажбур қилишни истамайман», — дейди. Бунга жавобан қул хўжайинни огоҳлантириб: «Ҳақиқатни олганда, хўжайиним мендан кейин фақат уч кун умр кўрадилар», — дейди.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ўртага қўйган талаблар ва инсон амалий фаолияти эҳтиёжлари асосида Бобилда табиат ҳодисаларининг ички мазмунини илмий асосда тушуниб, улардан турмушда фойдаланиш зарурияти тобора кучайиб борган. Маҳсулот ва молларнинг миқдорини, оғирлигини ўлчаш, иш кучлари миқдорини аниқлаш, бинолар ҳажмини белгилаш, ер сатҳини ҳисоблаб чиқиш зарурияти энг қадимги математик ҳисобларнинг пайдо бўлишига ва бу соҳада тегишли билимлар тўпланишига ҳамда арифметика ва геометрияниң туғилишига олиб келган. Вақтни ҳисоблаш зарурияти календар (тақвим) пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу эса одамлардан астрономия соҳасида маълум билимларни талаб қилган. Бобилликлар қуёш соатини, қуёш кўрсаткичини ва куннинг 12 бўлакка бўлининин азалдан билишган. Антик давр маълумотларига кўра, Бобилда математика, арифметика, геометрия, астрономия билан бир қаторда медицина, тарих ва филология, музика, тасвирий санъат, астрология ҳам секин-аста куртак ота бошлаган.

Қадимги Шарқ ҳалқларининг маданиятлари сингари Бобил ҳалқи маданияти, фалсафаси, аҳлоқи, урфодатлари, дунёқараши ҳам асосан диний ғоялар билан суғорилган. Одамларда диний эътиқод кучли бўлган. Қуёш, ой, юлдузлар худо ҳисобланган, ибодатхоналарда уларга топингланлар. Ҳалқларнинг, давлат, ҳукмдорлар ва одамларнинг келгусидаги тақдирини юлдуз ва сайёralарнинг вазиятига қараб олдиндан айтиб бериш қадимги Месопотамия ва Бобилда астрология номини олган.

Бобилликларнинг қадимги маданияти, диний эътиқодлари, фалсафий қарашлари, адабий асарлари, билимлари, ўлчов бирликлари, афсона ва ривоятлари наслдан наслга ўтиб, ривожланиб, бойиб Шарқдаги кўпгина ҳалқларнинг маданий-маънавий тараққиётига, ижтимо-

ий-фалсафий фикрлари ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Миср маданияти жаҳон маданиятининг энг қадимги-ларидан бўлиб ҳисобланади. Қадимги Мисрда илк маданий ёдгорликлар милоддан тўрт минг йил илгари вужудга қелган. Қадимги Шарқ маданиятининг бошқа намуналари сингари Миср маданий ёдгорликларида, хусусан, эртак, ривоят, гимн, дуо, масал, эпос, лирика ва бошқаларда ўша даврдаги ижтимоий муҳит, иқтисодий ҳаёт, набобат, урф-одатлар, табиат ҳодисалари, диний, ахлоқий, ҳуқуқий, фалсафий қарашлар, гарчи юзаки тарзда бўлса-да, ўз ифодасини топган.

Қадимги Миср мифологиясида, ҳамма нарса сувдан пайдо бўлган ва ҳамма нарсаларда ҳам ҳаво бор, дейилади. Шунинг учун ҳам мисрликлар сувни одамга озиқ-овқат берувчи дастлабки улуғ неъмат деб билгандар. Сув уларга бутун табиатнинг асоси бўлиб кўринган. Мисрликлар, ҳаёт сувдан бошланади, деб билиб, сувсиз ҳеч қандай ҳаёт бўлмаслигини кўриб, сувни улуғловчи қанчадан-қанча ривоят ва афсоналар тўқиганлар. Улар Нил дарёсини ниҳоятда улуғластирганлар, илоҳийластирганлар, уни «одамларга ҳаёт баҳш этиш учун тошиб турадиган Нил», деб улуғланганлар. Шунинг учун мисрликлар марҳумлар руҳига дуо қилиб, унинг абадий яшашини таъминламоқчи бўлганларида худога қўйидагича нола қилганлар: «Сен улуғ худога— Озирисга марҳамат айлаганингда унга Нил келадиган бўлди, унинг учун яйловларда ўт пайдо бўлди ва папирус ўсадиган бўлди. Худди шу сингари унга — марҳумга ҳам марҳамат айлагилки, у сенинг сувингдан баҳраманд бўлсин, у сенинг оқар сувларингдан ича олсин».

Мисрликлар ўзларининг дунёвий ва диний фалсафий поэзияларида одамларни бу дунёнинг бутун ноз-неъматларидан тўла баҳраманд бўлиб яшашга, қувноқ, шодхуррам ҳаёт кечиришга, ўлим, охират ҳақида ҳадеб ўйлайвермасликка чақирган.

Мисрликларнинг ибтидоий фалсафий тасаввурлари ҳақида бир мунча маълумот берадиган қадимий манбалардан бири — «Насиҳатнома»да билимнинг хосияти ҳақида, билимдон кишининг қадр-қиммати тўғрисида айтиб ўтилган. «Агар сен билимдон одам бўлсанг, айтганинг-айтган, деганинг-деган бўлади. Ёзиш-ўқиши чуқур эгаллаб, кўнглингга чуқур жо қилиб ол, ана шунда ҳар бир айтган гапинг ҳаммага манзур бўлади. Мир-

зани қандай лавозимга қўймагин, у ҳамма вақт китоб билан иш кўради».

Қадимги мисрликларнинг халқ оғзаки ижодиётида, айниқса диний-мифологик асарларида табиат ҳодисалари ва табиат кучлари илоҳийлаштирилган. Ўсимлик ва дараҳтларга топиниш Мисрда энг қадимги даврлардаёқ мавжуд бўлган. «Ҳаёт осмон дараҳти» тўғрисидаги қадимги афсонада, ўсимликлар символи бўлган дараҳт инсоннинг ер юзидағи ҳаёти учун зарурдир, деган фикр илгари сурилган. Мисрликларнинг ҳар ҳолда содда бўлса ҳам табиатни, дунёни унга асосланиб туриб тушунтириш учун қилган уринишлари ўз даври учун катта аҳамиятга эга эди.

Қадимги Мисрда фалсафий фикр куртакларининг шаклланиши ва ривожида табиатшунослик фанларининг ҳам ҳиссаси бор. Бундан бир неча минг йиллар илгари қадимги мисрликлар астрономия соҳасида баъзи бир билимларга эга бўлганлар. Осмондаги юлдузларни доим кузатиш натижасида сайёраларни юлдузлардан ажратади билганлар ва, ҳатто, улар осмон картасини ҳам тузганлар.

Мисрликлар астрономик билимлари асосида алоҳида календарь — тақвим тузганлар. Календарь йили 12 ойга бўлинган, ҳар бир ой 30 кундан иборат бўлган, йил охирига эса яна 5 та байрам куни қўшилган. Шундай қилиб бир йил жами 365 кун бўлган.

Касалликларни келтириб чиқарган, ривожлантириб, авж олдириб, кучайтириб юборган сабабларни аниқлаш, уларни олдини олиш, инсон саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашга бўлган зарурият қадимги Мисрда тиббиёт фанини юзага келтирди. Қадимги мисрликлар касалликларнинг жуда кўп турларидан, масалан, бош оғрифи, дезинтерия, сарик касали, йўтал, зиқнафас, қон кетиш, бод, скарлатина, мохов, гангrena, сувли темиратки ва бошқа ҳар хил касалликлардан хабардор бўлганлар. Миср табиблари мияга, умуртқа поғонасига ва кўкрак қафасига алоҳида эътибор берганлар ва уларни касалликлар уяси деб билиб, бу ердаги касалликларни топиб йўқотиш керак, деб ҳисоблашган. Мисрликлар диагностика — ташхис соҳасида катта тажриба тўплаганлар. Мисрда гинекология, хирургия ва кўз касалликларини даволаш анча ривожланган. Улар инсондаги кўпгина касалликлар юрак қон айланиши тизимининг қандайлигига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш-

ган. Мисрда, табибликтининг сири — юрак ҳаракатини билишдан бошланади, төмирлар бутун аъзойи баданга ўшандан тарқалади, деб ҳисоблашган.

Башарият тарихида қарийб биринчи цивилизация бешиги ҳисобланган Ҳиндистон фалсафаси ўзининг жуда қадимий ва бой тарихига эга. Ҳиндистонда эрамиздан уч минг йил аввал ерни сунъий суғориш тараққий этган, анҳорлар қазилган, кулолчилик, ёғочсозлик, тўқимачилик, заргарлик ривожланган, ёғоч ва металлдан жанг аравалари ясашган, пишиқ ғиштдан кўп қаватли бинолар қуришган. Жун ва зигир толасидан матолар тайёрлашган, мис ва темирдан, жездан қурол-аслаҳалар ясашган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» номли асарида айтилишича, Ҳиндистонда эранинг биринчи асрларидаёқ тиб, риёзиёт, илми нужум, дин, кимё, музыка, поэзия, санъат, фалсафа ривожланган.

Антиқа табиатга, сахий заминга, ажойиб ҳайвонот ва набобот оламига эга бўлган қадимий Ҳиндистонда фалсафа, бадиий адабиёт ўтмиш даврлардан бошлаб вужудга келган ва foят даражада ривожланган. «Рамаяна», «Махабхарат», «Курал», «Мегатута», «Рэгхувенша», «Кумарасамбхава», «Дашакумачарита», «Панчатаитра», «Хитопадеша», «Шашунтала», «Мудраракшаса», «Калила ва Димна» каби машҳур асарлари шулар жумласидандир.

Юксак нафосат ва мангу ҳикмат хазинаси бўлган ана шу асарларда ҳинд халқининг урф-одатлари ва анъаналари, одоб-ахлоқи ва маданияти; дини ва тарихи, миллий қадриятлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, бадиий, фалсафиий, диний қарашлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ана шу нодир асарлар ўз навбатида қадимги ҳинд фалсафасининг ўрганиш ва уларда илгари сурилган иллор foялар, умуминсоний аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиб олишда асил манбалар бўлиб ҳам хизмат қиласди.

Ҳинд маданияти ва фалсафасининг ана шу бебаҳо ёдгорликларининг ҳар бирида ақл-идрок, адолат, инсоғ-диёнат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, миллий тутувлик, тўғри сўзлилик, ваъдага вафо қилиш тўғрисида, зулм ва зўравонликка, хиёнат ва риёкорликка, нафси бузуқлик ва очқўзликка, фитначилик ва қаллобликка, мунофиқликка қарши курашиш зарурлиги ҳақи-

да жуда муҳим ва фойдали фалсафий ғоялар, ҳикматлар, ривоятлар, мақол ва маталлар баён этилганки, улар шак-шубҳасиз, ҳам миллий, ҳам умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга моликдир.

Ҳинд фалсафасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи бўйича сўз юритилганда, одатда уч асосий давр алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг боши ва эрамизнинг дастлабки асрларини қамраб оладиган энг қадимги давр, X—XII асрлардан XVII—XVIII асрларгача бўлган илк ўрта аср ва кеч ўрта асрчилик даври ҳамда янги (бунга ҳозирги давр ҳам киради) даврлардан иборат.

Ҳиндистоннинг эрамиздан олдинги биринчи минг йилликлардаги дастлабки фалсафасини ўрганишда қадимги ҳиндларнинг «Веда» деб аталадиган диний тўпламлари ва иккита катта эпик достони — «Рамояна» ва «Махабхарата», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари муҳим аҳамиятга эгадир.

«Веда» деб аталадиган муқаддас китобнинг «маъноси билмаган нарсани билишдир. Ҳиндулар «Веда» китобини, олий тангрининг Бароҳим оғзидан айтилган сўзи, дейдилар¹.

«Веда» китоби Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа деб аталадиган тўрт бўлимдан иборат. Тўрт бўлимнинг ҳар бирини ўзига хос ўқиш йўли бор. Мазкур бўлимларнинг ҳар бирида муайян фалсафий ғоя илгари сурилган.

«Веда»лар ҳинд халқининг дини, афсоналари, урфодатлари, поэзияси, илм, фалсафий тасаввур ва билимларини ўрганиш учун айниқса кўп материал беради.

«Веда»ларда борлиқ, фазо, вақт, дунёнинг пайдо бўлиши, инсон ҳаётининг табиий асослари, табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, илоҳий кучлар ҳақида фикр юритилади, «Веда» китоби яхши ишларга тарғиб қилишни, ёмон ишлардан қайтаришни, ғамалларнинг чегарасини аниқ кўрсатиб қизиқтиришни, қўрқитишини, яхши мукофот ва ёмон жазоларни баён қиласи. «Веда»нинг кўп қисми турли дуолар ва олов учун қилинадиган

¹ Абу Райҳон Беруний. Таңланган асарлар. II-том. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965, 106-бет.

турли қурбонликлар ҳақида. Ундағи қурбонлик турлари күп ва расм-русумлари қийиндири»¹.

«Веда» китобини ташкил этган бўлимларнинг энг қадимийси Ригведа, ҳиндларнинг худолари бўлган парилар тўғрисидаги мифлар билан бир қаторда дунёдаги ҳар бир нарса табиий равишда пайдо бўлган, деган фоялар бор. Ригведадаги дунё сувдан яратилган, деган фикр эътиборга сазовордир.

Қадимги Ҳиндистон дини ва фалсафасида сувнинг муқаддаслаштирилиши, уни дунёни ташкил этган унсурлардан бири сифатида қаралиши, бунга «Веда» ва «Ригведа»да алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас, албатта. «Аммо ҳиндлар фикрича, — дейилади Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида, — яратилган нарсаларнинг олдингиси сувдир. Чунки улар «тўзонга айланган ҳамма нарса сув билан бирикади, ҳамма унадиган нарса сув билан униб чиқади ва ҳамма жон эгаси сув билан тирик туради; сув санъат эгаси, бирон моддан маълум бир нарса ишлатмоқчи бўлганида унга сув восита бўлади, дейдилар»².

«Веда» гимнларига қадимги ҳинд диний-фалсафий шарҳлардан иборат бўлган упанишадаларда борлиқнинг бош манбаи, мoddий ибтидоси деб ҳисобланган сув, олов, ҳаво, ёруғлик, тўпроқ, озиқ-овқат, фазо, вақт, оламнинг тузилиши ва уни бошқарувчи қонуллар, инсон билимининг манбалари ва турлари, ижтимоий тафовутларнинг келиб чиқиши, инсоннинг ижтимоий мажбуриятлари, ҳаётнинг олий мақсадига эришиш каби қатор фалсафий масалалар қараб чиқилади. **Упанишадалар** таълимотига кўра, инсон ер юзида янги туғилишлар гирдо-бидан қутилмоқ учун ўз руҳнинг баркамол брахман билан бирлиги ҳақидаги ўй-фикрга берилмоғи лозим. Унда таъкидланишича, тана жоннинг қобиги бўлиб, жон эса — дунёвий руҳнинг бир бўлагидир. Упанишадалар шу тариқа бутун қадимий ҳинд фалсафасининг кейинги тараққиёти учун замин бўлиб хизмат қилганлиги ва шароит яратиб берганлиги туфайли ҳам алоҳида аҳамият ва илмий қимматга эгадир.

Милодгача бўлган VIII—VII асрларда Ҳиндистонда Лакаяти (фақат шу локяни таҳ оловчи кишиларнинг

¹ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, II-том, Тошкент., «Фан» нашриёти, 1965 й., 106-бет.

² Ўша жойда, 177-бет.

қарашлари) фалсафий таълимоти шакллана бошлайди. Бу таълимот асосчиси Брихаспати ва унинг издошлари ердан бошқа тарзда ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикри олга сурдилар.

Чарвека номи билан аталадиган қадимий ҳинд фалсафий оқими тарафдорлари, дунёни, табиат ҳодисаларини қандай бўлса ўшандай тушунтиromoқ керак, деган талабни илгари сурган эдилар. Улар нуқтаи назарича, бутун олам олов, сув, ҳаво, тупроқ йифиндиндисидан иборат, инсон ҳам ана шу тўрт унсур бирикмасидан ташкил топган.

Чарвакалар дунёни ҳеч ким яратган эмас, балки унинг заминида моддий элементлар бирекиши ётади, деб ҳисоблайдилар. Улар «ўтни ким иссиқ ҳароратли қилди, сувни ким совуқ қилди» — деган савол берип, «буларнинг ҳаммасини шў ҳодисаларнинг ўзидан қидириш керак», — деб жавоб қайтарадилар. Улар дунёни билиш мумкин ва бу билимниг манбай идрокдир деб, билишда ҳиссиётнинг ролини бўрттириб юборгланлар, хуласалар ёлғон бўлиши мумкин, деб ҳисобланганлар.

Хитойда дастлабки фалсафий таълимотлар ҳинд фалсафаси билан таҳминан бир вақтларда — эрамиздан аввалги IX—VII асрларда ёк пайдо бўлган эди. Илк фалсафий таълимотларда дунё абадий ва у беш унсур — олов, сув, ер, дараҳт ва металлдан ташкил топган, деб уқтирилади.

Эрамиздан олдинги VII—VI асрларда эса дао қонунига биноан ҳаракат қилувчи ци — элеиентининг мавжудлиги ҳақида фикр юргизилган. Хитой мутафаккирлари фикрича, табиат ҳодисалари ци деган моддий зарралардан таркиб топиб, дао деган объектив табиий қонуниятга бўйсунади. Хитойликларнинг табиат ҳодисалари қонуниятли асосда тараққий қиласиди, деган тасаввурлари, уларнинг, дунё моддийдир, деган таълимотига боғлиқдир. Дао ҳақидаги таълимот фалсафадаги қонун тушунчасини ҳосил қилишдаги дастлабки уринишdir.

«Даосизм» сўзининг ўзи «дао» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «йўл», «тараққиёт», «дунё негизи» деган маънони билдиради. Даосизмнинг асосчиси Дао-цзи бўлиб, у дунё абадий ҳаракат ва ўзгаришда бўлади, деб ҳисоблаган. Масалан, Дао-цзи бу ҳақда бундай деган: «Улуг дао ҳамма ёққа қараб оқади. У ўнгга ҳам, чапга ҳам ёйилган. У туфайли жами мавжудод туғилади. Бу мав-

жудод ҳамиша ўзгаришда бўлиб бир жойда тўхтаб қолмайди.»

Даосизмда дунёда қарама-қаршиликларнинг бирбирига боғлиқлиги амал қиласди, табиат ҳодисалари ўз зиддига айланиб ривожланади, деб фикр юритилади. Таъкидланишича, гўзаллик ва хунуқлик, баландлик ва пастлик, яхшилик ва ёмонлик, борлик ва йўқлик, узун билан калталик бир-бирини туғдиради, бирин кетин келади, бир-бирига боғлиқ бўлади, табиатдаги барча мавжудот, барча ҳодисалар қарама-қаршиликларни ўз ичига олади.

Даосизм вакиллари билишда ҳиссий ва мантиқий жиҳатларнинг мавжудлиги масаласини ўртага қўйиб, билишда ҳиссиёт ва амалиётнинг аҳамиятини камситиб, ақлий билишни бўрттириб юборганлар.

Милоддан аввалги V—III асрларда вужудга келган конфуцийчилик қадимги Хитойда кенг тарқалган фалсафий таълимотларидан бўлиб ҳисобланади. Унинг асосчиси Хитой мутафаккири Конфуций Милоддан олдинги 551—479 йилларда яшаган. Конфуций таълимотига кўра, одамларнинг ҳаммаси ҳам турма хусусиятларига кўра бир-бирларига яқиндир. Туғилгандан кейин ҳосил қилган хусусиятларига кўра, улар бир-бирларидан фарқ қиласдилар.

Конфуция, агар подшо осмон ва денгиз каби улуғвор бўлса, халқ уни ҳурматлайди, унинг айтганларига қулоқ солади ва унинг ишларига хайриҳоҳлик қиласди, деб подшоҳни илоҳийлаштиради. У тўғридан-тўғри император Осмон ўғли, унинг ердаги кўриниши Осмоннинг жонли тимсолидир. Ер юзидағи қуриқликнинг маркази Осмон ўғлидир. Ҳар қайси халқ ўз чегарасида бир князга итоат қиласди. Осмон ўғли амри осмондан олади, тобе князлар эса буйруқни Осмон ўғлидан оладилар, дейди.

Айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси Бобил, Миср, Ҳиндистон, Хитой сингари қадимги Шарқ мамлакатлари ва бошқа давлатларда пайдо бўлган ва ривожлана бошлигаган, дастлабки фалсафий билим ва тасаввурларнинг илдизлари, бошланғич асослари жаҳон халқлари тарихи ва маданиятининг узоқ ўтмишига бориб тақалишини кўрсатиб ва исботлаб турибди.

Қадимги Шарқ фалсафасининг дастлабки куртаклари жаҳон фалсафасининг илк ютуқларига асосланган, улардан озиқланган ижодий фойдаланган ҳолда шакл-

ланиб, ривожланиб бориши билан бир қаторда, ўз навбатида инсоният фалсафий билимларининг келгуси тараққиётига замин бўлиб хизмат қилди ҳамда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Марказий Осиё жаҳоннинг илму фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи ниҳоятда бой минтақаларидан биридир. Сўнгти тарихий ва археологик тадқиқотлар ана шу муқаддас заминда одамзоднинг илк фаолияти бир миллион йилга яқин эканлигидан далолат беради.

Жуда кўплаб оғзаки ва ёзма манбалар, турли асори-атиқа обидалардан маълум бўлишича Днепрдан Олтойгача бўлган минтақада скифлар, Каспий орти текислигига массагетлар, улардан шарқрўқда саклар, сўғуллар, бақтирияликлар, хоразмийлар, парфянлар яшаганлар.

Ҳозирги марказий осиёликларнинг ўтмишдаги ана шу аждодлари асримиздан бир неча минг йиллар илгари суғоришга асосланган деҳқончилик ҳамда чорвачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланганлар.

Ҳозирги тожик, ўзбек, туркмандарнинг аждодларида суформа деҳқончилик маданияти шу қадар ривож топганки, ҳатто биргина Аракс (ҳозирги Амударё) ҳавзалирида жуда кўплаб сунъий суғориш каналлари, сув иншоотлари қазилиб чўл ва саҳроларга сув олиб чиқилган.

Шу тариқа моддий ва маънавий қадриятлар яратилган. Аждодларимиз яшаган ҳудудларда қадимда хилма-хил маданият ўчоқлари таркиб топган ва ривожланган.

Минтақамизда милоддан аввалги V минг йилликда минтақамизининг марказий ва шимолий районларида эса милоддан аввалги III минг йилликда қишлоқ хўжалиги билан бирга ҳунармандчилик, кончилик, мис ва темир эритиш, металлардан ҳар хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаш, кемасозлик, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ҳам тараққий эта бошлаган. Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм каби дастлабки давлатлар, Тошкент, Хива, Мароканд (Самарқанд), Киропол (ҳозирги Ўратепа) ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада вужудга келган.

Марказий Осиё халқларининг энг буюк маданий

муваффақиятларидан бири ёзувни ихтиро этгандыларидир. Бу ерда ёзувнинг тарихи жуда қадим замонлардан бошланган. Милоддан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви кенг тарқалган. Исқандар Зулқарнайн, Александр Македонский) истилосидан кейин юнбон ёзуви ҳам кириб келган. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Суғд, Күшон, Урхун-Енисей, Уйғур ёзувлари вужудга келган. Ёзувнинг ихтиро қилиниши, инсон билим доираси ва дунёқараши кенгайиши ва чуқураша боришига хизмат қилган.

Кўриниб турганидек, Марказий Осиё ҳалқларининг, хусусан, ўзбекларнинг маданияти тарихи илдизлари, ижтимоий, фалсафий, аҳлоқий, диний, бадиий қарашлари ва фикрлари шакллана ва ривожлана боришининг илк даврлари қадим замонларга бориб тақалади.

Авлоду аждодларимизнинг қадим ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, анъаналари, маданияти, тили, тарихи бадиий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиётни ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Мифлар, афсоналар, қаҳрамонлар тўғрисидаги достонлар, тўй ҳашамларда, ҳалқ йиғинларида, байрамларда, сафарларда айтилган ашула — қўшиқ ва лапарлар, лирик шеърлар, мақол ва маталлар, масал ва топишмоқлар ҳалқ оғзаки ижодиёти маданиятнинг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидир. Уларнинг ижодкори, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга авайлаб-асраб ўтказувчи асосий куч — барча моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси, битмас-туган-мас манбаи бўлган ҳалқдир.

Тарих қаъридан, неча-неча ўтмиш даврлардан бизгача эсон-омон етиб келган мифлар, афсона ва ривоятлар, достонлар, эртак, мақол ва қўшиқлар, ўтмишнинг шунчаки бир акс-садоси эмас, балки ҳалқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китоби ҳамдир.

Ҳалқ оғзаки ижодиётининг намуналари бўлган эртаклар, ривоятлар ва достонлар билан танишар эканмиз, ҳалқда воқеаларни олдиндан кўра билувчи ажо-йиб қобилият ва истеъод бор эканлигини, у ҳеч қачон орзу-умидсиз яшамаганлигини, ҳар доим келажак томон интилганлигини англаб оламиз. Ҳар қандай миф, эртак ва афсонанинг, қадимги ривоятнинг замирида

халқнинг муайян мақсад ва ниятлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятга бўлган муносабатлари, меҳнат мاشаққатларини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилашга бўлган интилишлари яшириниб ётган бўлади. Улар халқ оммасининг даҳоси, унинг талаб ва эҳтиёjlари асосида вужудга келиши билан бир қаторда, ўз навбатида уларнинг ўзи кишиларнинг маънавий, ақлий, ахлоқий тараққиётига тўртки вазифасини ҳам ўтаган; меҳнатни севишга ўргатган, табиатнинг хатарли кучларига қарши курашиш ва уларни олдини олишда кишиларга ёрдам берган, оламда рўй бериб турадиган мураккаб ҳодиса ва жараёнлар сир-асрорларини билиб олишга давлат этган, инсон, фикри, тафаккури ва хаёлотини ўтмишдан келажакка томон тортган, ҳаётни севишга чорлаган.

Мифлар, эртак ва ривоятлар, термалар, достонлар, барча фольклор асарлари ўтмишнинг энг катта тарихий ҳужжати, аждодларимиздан бизга қолган нодир бойликдир. Жамики санъат асарлари ва маданият ёдгорликларини ҳеч иккilanмай инсон кўнглидаги шодлик ва қувончнинг, ғам ва андуҳнинг ифодаси, инсон ақлидроқи диний қомуси, битмас-туганмас ҳикматлар хазинаси, деб айтиш мумкин.

Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиётининг энг қадимги турларидан бири — мифдир. Яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, баҳт билан баҳтсизлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги ғоя дунёнинг бошқа халқларида бўлганидек, бизнинг мифлар учун ҳам характеристерлидир. Қайд этилишича, яхшилик оламига Ахурамазда, ёмонлик оламига эса Ахриман бошлилик қиласи, баҳт ва баҳтсизлик, ҳаёт ва мамот шу қарамақарши кучлар ўртасидаги кураш ва унинг оқибатларига боғлиқ. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги жангу жадаллар эзгулик учун курашадиган Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид, Гершасп образида ва баҳтсизлик тимсоли бўлган Ахриман, дев, аждар, жинлар билан боғлиқ мифларда ўз ифодасини топган.

Эзгулик мифларида Митра кишиларга нур, иссиқлик, баҳт-саодат баҳт этадиган, душманларга даҳшат соладиган, кишиларни оғатдан қутқарадиган қуёш худоси сифатида, Анахита эса ер, сув ва ҳосил маъбудаси, қаҳрамонларга куч-қувват ва муваффақият баҳш этув-

* чи тарзида тасвириланади. Мифларда тасвириланишича, Каюмарс Ахурамазда томонидан яратилган биринчи одам ва инсоният ибтидосидир. Жамшид — Иима — адолатли ҳукмрондир. Ииманинг ҳукмронлик даври олтин давр ҳисобланади. У даврда одамлар гўё ўлим ва қарорлик нималигини билишмаган. У ер юзини уч баравар кенгайтиради, чорвани ва турли хил қушларни ниҳоятда кўпайтиради.

Кўпчилик Шарқ мамлакатларида бўлгани каби Марказий Осиёда ҳам қадимда ер, осмон, қуёш, юлдуз ва сайдералар ҳақида космогоник мифлар вужудга келган. Уларда инсонларнинг табиий муҳит, коинот, самовий ҳодисалар ҳақидаги ўй-фикрлари, ҳаёлотлари ифодаланган. Инсонлар тақдири, қисматини юлдузларга қараб башорат қилиш мумкинлиги, баҳт юлдузи ҳақида қанчадан-қанча афсоналар ва ривоятлар * яратилган. Мифологияда инсонларга ризқ берадиган ер, нур ва иссиқлик берадиган осмон бениҳоя эъзозланган, ота Қуёшга, она эса Ойга қиёсланган.

Марказий Осиёда бир неча минг йиллар оша юзага келган тарихий тараққиёт жараёнида миф ва афсоналар ижодий қайта ишланган, янги-янги воқеа ва маълумотлар, фикр-тушунчалар ва ғоялар билан бойиб, такомиллашиб инсоният маънавий маданиятига ҳисса бўлиб қўшилган.

«Тўмарис», «Широқ», «Зариагр ва Одатида», «Зарина ва Стриангия», «Уч оға-ини ботирлар», «Қаҳрамон», «Малиқи Ҳуснобод» каби қиссалар ва «Алпомиши», «Қирққиз», «Гўрўғли», «Равшан», «Авазхон», «Чамбил қамали», «Ойсулув» сингари достонларида ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий ғоялар илгари сурилган.

Қаҳрамонлик ҳақидаги достонларнинг, эртаклар ва афсоналарнинг фалсафий моҳиятини белгилайдиган, уларнинг асосий негизини ташкил этадиган умумий ғоя — инсон учун жондан азиз ҳисобланган муқаддас даргоҳ — Ватанинг истиқболи ва истиқболи, эрки ва мустақиллиги учун ажнабий душманларга қарши муросасиз курашиш ҳар эркагу аёлнинг, каттаю кичикнинг олий инсоний бурчи эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалардир.

Марказий Осиё халқларининг босқинчиларга қарши курашини бадий акс эттирувчи Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоятлар фикримизга мисол бўлади.

Тўмарис ҳақидаги қиссада массажетлар маликаси Тўмариснинг Эрон босқинчилариға қарши курашдаги мардлиги, довюраклиги, жасорати, донишмандлиги, ватанига садоқати, душманларга нисбатан зийрак ва ҳушёргилиги чуқур баён этилган. Қиссада айтилишича, Эрон шоҳи Кир массажетлар юртини ўзига қарам қилиш, бойликларни талаш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб, совчилар юборади. Малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб унга қайлиқ бўлишни, ўз элини қул қилиб топширишни истамаслигини қатъий қилиб айтади. Шундан сўнг Кир очиқ, тажовузга ўтади ва массажетлар томон қўшин тортади. Шоҳ дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Унинг бу ҳатти-ҳаракатларидан хабардор бўлган Тўмарис Кирга элчи юбориб шундай дейди: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қандай тугашини билмайсан-ку? Қўй, сен ўз юртингда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринасан. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб, овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт, ёки ўз юртингда учрашишни истасанг, шуни хабар қил».

Малика Тўмарис раҳбарлигидаги массажетлар Эрон қўшинлари билан бўлажак қонли тўқиашувга, ҳаёт-мамот жангига ҳозирлик кўра бошлашади. Массажет қўшинлари беомон жангда эронийларни маҳв этиб, галабани қўлга киритишади. Жангда Кир ўлдирилади. Жанг майдонида эмас, найранг билан қўлга олиниб ҳалок бўлган ўғли Сипарангиз доғида ўртанган Тўмарис ўз суворийларига ўлдирилган Кир калласини кесиб, олдига келтиришни, бир мешни эса қон билан тўлдиришни буюради. Шундан сўнг у соч-соқолига қон ёпишиб қолган каллани қўлига олиб, унга шундай хитоб қилади: «Эй номард, сен мени — жангда ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни — маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим. Бироннинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу».

Ватанини ҳимоя қилиш, эркесварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик аждодларимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги Широқ ҳақидаги тарихий ривоятда ҳам чуқур ва ҳар тарафлама очиб берилганлигини эслатиб ўтиш мумкин. Нақл қилишларича, эрадан бурунги V аср

охирларида Доро бошчилигидаги Эрон қўшинлари Ту-
рон элига бостириб кириб, унинг ҳудудидаги турли уруғ
ва қабилаларни бирма-бир босиб ола бошлайди. Доро
қўшини билан сак қабиласи ўртасида жанг давом этиб
турган пайтда Широқ исмли чўпон йигит подшоҳи ҳу-
зурига келиб, агар болаларига, оиласига, авлодига ғам-
хўрлик қилишса, душманни якка ўзи ҳийла билан ҳа-
лок этажагини айтади. Уларнинг ваъдасини олгач, Ши-
роқ ўша ердаёқ қулоқ-бурнини кесади. Сўнг саклардан
Эрон қўшинлари томонга қочиб ўтган киши сифатида
эронийлар турган жойга келади. Широқ Дорога арз
қилиб, ўзини саклардан алам кўрган киши қилиб кўр-
сатади. Эрон қўшинини саклар турган жойга олиб бо-
ражагини, ғалабани таъминлашга ёрдам беришини ай-
тади. Эрон қўшинини йўлга бошлайди. Атрофи сувсиз
қуруқ қум саҳрого бошлаб боради. Душман қўшини
сувсизликдан саҳрода ҳалок бўлади. Шу тариқада душ-
ман қўшинини якка ўзи енгади. Широқ ўз эл-юртини
ҳимоя қилиш учун жонидан кечади. Борса келмас жой-
га келиб қолганидан ғазабланган Доро ўлимга маҳкум
қилган ёлғоннинг сабабини сўрагандан Широқ кулиб
бундай дейди: «Мен ғалабани қўлга киритдим, чунки
ватандошларим бўлган саклар бошидаги фалокатни
бартараф этдим, эронийларни сувсизлик ва очликдан
ўлдирдим, энди нима қилсаларинг ихтиёр ўзларингда».
Сақ элининг мард ўғлонининг бошини кесадилар. Ле-
кин саклар қўшини омон қолади.

Ўрта Осиёда яшаган қадимги авлод-аждодларимиз-
нинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, урф-одатлари, эъти-
қоди, тарихи, маданий мероси, жумладан, фалсафий
фикрлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиш-
да «Авесто», «Бахистун», «Бундахиши», «Денкард»
сингари ёзма ёдгорликлар муҳим тарихий ҳужжат сифа-
тида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё халқларининг фалсафий фикрларига доир
қимматли маълумотларни олишда зардӯштийлик дини-
нинг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто» қадимий
тарихий-адабий манбалардан бири бўлиб хизмат қиласиди.

«Авесто»да акс этган асосий фалсафий ғоялар, диний
эътиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс
Зардуштнинг номи билан боғлиқ. Унинг исмига нисба-
тан дин ҳам шундай ном билан яъни зардуштийлик деб
аталади.

Манбаларда ёзилишича, Зардуст тахминан милод-

дан аввалги 570-йилларда туғилган ва етмиш етти ёшида ибодат қилаётган чоғида душман қоҳинларидан бири томонидан орқасидан ханжар санчигүй ўлдирилган.

Зардуштга қадар аждодларимиз ҳар хил диний тасавурларга эътиқод қилиб яшаганлар. Диний эътиқодларнинг турли-туманлиги ибтидоий муносабатлар ўрнини синфий жамият, қадимги қулдорчилик жамияти ола бошлаган пайтда барча қабилаларнинг ягона мафкура асосида уюшишларига аллақачоноқ тўғоноқ бўлиб қолган эди. Ўлканинг турли қабилаларини бирлаштириш, уларни илк буюк давлатчилик ғояси атрофида уюстириш зарурияти туғилиб қолган эди. Ана шундай заруриятни тушуниб етган илғор кишилардан бири сифатида Зардушт тарих саҳнасида пайдо бўлди. Зардушт кўп худолилик тасавурлари, табиат ҳодисаларига сиғинишга қарши чиқиб, якка худолик ғоясини тарғиб қилди. Уни одамлар пайғамбар сифатида қабул қилишган. Зардустийлик жуда қадимий динлардан бўлиб, ибтидоий тузумдан қулдорликка ўтила бошлаган пайтларда Ўрта Осиёда пайдо бўлган ва алоҳида диний дунёқараш сифатида шаклланган.

Зардушт дини ўзи ҳаёт чоғида баъзи ўлкаларга ёйилган бўлса, унинг вафотидан кейин янада кёнгроқ тарқалди. Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразм ва Суғдиёнада шаклланган Зардустийлик кейинчалик Озарбайжонда асосий диний эътиқодлардан бири сифатида кенг тарқалган, Эрон салтанатининг расмий динига айланган. Ўтмиш динларининг энг кучлиларидан ҳисобланган зардустийликка Искандар Зулқарнайн ва араблар босқинчилиги даврида катта путур етказилган.

Зардустийлик динининг қонун-қоидалари «Авесто» да баён этилган. «Авесто» китоби милоддан бир неча асрлар илгари юзага келган. Манбаларнинг кўрсатишича, «Авесто» ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган экан.

Абу Райхон Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида бу ҳақда шундай дейилган: «Доро ибн Доро хазинасида ўн икки минг қорамол терилига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто ўттиз насқ (қисм) эди. Мажусийлар қўлида ўн икки насқ чамаси қолди.»

Ўзига хос қомусий билимлар мажмуаси бўлган «Авесто» бир қанча китобларга бўлинган бўлиб, ҳар қайси ички китоб яна бир неча бобларга бўлинган. Масалан, учинчи китоб «Ясна» деб аталган бўлиб, у 72 бобдан иборат. Бунинг 28-бобидан 53-бобигача бўлган қисмларида зардуштийлик дини асосчиси Зардуштнинг ўзига нисбат берилган. Унинг 17-боби готлар-гимн (қисми) лар деб аталган. «Авесто» нинг 22 бобдан иборат бўлган «Вендиат» деган қисми Ахурамазда билан Зардуштнинг савол-жавоби шаклида ёзилган.

«Авесто»да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, Ўрта Осиё, Эрон ва Ozарбайжоннинг тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, набоботи, илм-фани ўз аксини топган. Унда қадимги Турон ўлкаси ва Эроннинг ўзига хос иқлими, суви, ҳайвонот дунёси, ер тузилиши, саҳролари, тоғлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Эзгулик худоси Ахурамазда Спитамид Зардуштга бундай дейди: «Эй, Спитамид Зардушт, мен, Ахурамазда, бу нохуш, ғамгин жойни фароғатли ўлкага айлантирдим. Энг аввало ғоят эзгу жой қилиб, юртлар ичра энг яхши юрт қилиб, Даитийа дарёси ёқасидаги гўзал Эронвежни яратдим... Мен, Ахурамазда яратган юртларнинг иккинчиси Вава — суғдлар яшайдиган юрт. Бу ерда яйловлар бўлиқ, ўтлоқлар серўт, моллари семиз... Учинчи ўлка — Моуру (Марғиёна) қудратли юрт, ҳақ йўлига содиқ юрт. Faразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод «Авесто» да қаттиқ қораланса, ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислик, ўзаро иззат-икром каби ахлоқий қоидалар улуғланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушутиради. Зардуштийлик дини ва унинг асосий китоби «Авесто» да берилган сўзнинг устидан чиқиши, унга содиқ қолиш, савдо-сотиқ шартномаларига қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи юксак дараҷада эъзозланади. Таъкидланишича, имонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналар мол-мулкига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига, виждонига хиёнат қилишдан четда юради, ҳам танини, ҳам қалби-руҳини пок тутади.

«Авесто» да одамларни имонли бўлишга, пок-тоза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ҳар қандай ёмон амаллардан

воз кечишга, ножўя ишлардан юз ўгиришга даъват эта-
диган ахлоқий қоидалар, диний ўгитлар, фалсафий ғоя-
лар ниҳоятда кўп.

«Авесто» да кўрсатилишича, дунёда ҳар доим яхши-
лик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик ўртасида
кураш боради, кураш охир—оқибатда яхшиликнинг ға-
лабаси билан якунланади. Ахурамазда доимо одамлар-
ни эзгуликка чорлайди.

Китобда, агар Ахурамазда юборган қонунлар ва
ўгит насиҳатларга амал қилсалар, имонли бўлсалар,
эзгулик ёмонлик устидан, ёвузлик тимсоли бўлган Ах-
римандан ғолиб келадилар, дейилади.

«Авесто»да жамики эзгуликлар ниҳоятда улуғлан-
са, ёмонлик эса кескин қораланади. Унда «мадҳ эта-
ман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал или эзгу фикрат,
эзгу калом, эзгу амални. Жамиъ эзгу фикрат, эзгу ка-
лом эзгу амалга бағищланаман, жумла ёвуз фикрат,
ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман» дейил-
ган.

Ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва қоронғулик, эзгулик ва
ёвузлик, адолатли қонунлар билан адолатсиз қонунлар
ўртасидаги кураш «Авесто»да бутун табнат ва жамият-
га хос деб қаралади. Бу ҳақда шундай дейилган: «Мен
азалдан мавжуд бўлган икки рӯҳий субстанция ҳақида
гапирмоқчиман. Бизнинг фикримиз, таълимотимиз, эъти-
қодимиз, нутқимиз, қилмишимиз, моҳиятимиз бир-бири-
га мутлақо қарама-қарши туради.» Китобда эзгулик
билан ёвузлик ўртасида абадий курашда оралиқ йўл
йўқ, бинобарин, ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу
томонида иштирок этишга мажбур эканлиги айтилган.
Бир-бирига қарама-қарши бўлган ва ўзаро курашаёт-
ган кўчларнинг қайси бири томонида туриш, унда таъ-
кидланишича, одамларнинг иймон-эътиқодига боғлиқ-
дир. Иймон-эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида
туради, эзгуликни ёвузликдан фарқлади, ёвузлик тим-
соли бўлган девлар, иблисларга қарши курашади.

«Авесто»да қайд этилган энг муҳим фалсафий фикр-
лардан бири инсонларни меҳнат қилишга, ўз қўллари
билан моддий бойликлар яратиб тўқ, фаровон ҳаёт ке-
чиришга даъват этилганлигидадир. Зардуштийликда
инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яш-
нашига ёрдам берган тақдирда, тинмай меҳнат қилган-
дагина худонинг иноятига ноил бўлади, дейилади. За-
рдушт худо Ахурамаздан ер юзидағи энг яхши жой

қаерда, деб сўраганда у, инсон қаердаки ўзига уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, подаларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқоди событ, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил, ўша гўша улуғидир, муҳтарамдири, деб жавоб беради.

«Авесто» меҳнат қилиб, бойлик яратиб, жойларни обод қилиб, қўриқ ва бўз ерларни ҳайдаб, суғориб ўзлаштирган, сут, гўшт-ёғ, дон-дун етиштириб жамият тараққиётига йўл очиб берган, фаровонликни таъминлаган дехқонлар, чорвадорлар, овчиларни улуғлади. Унда, масалан, ерга меҳр қўйиб меҳнат қилиш зарурлиги ҳақида айтилган. Кимда ким ҳам ўнг қўли билан, ҳам чап қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов берса, ерга фойда келтиради. Ер ҳам ундан ўзининг ҳар хил ноз-неъматларини, зироатларини, мўл-кул ҳосилини аямайди, дейилади китобда.

Кимки ерга вақтида ҳам ўнг қўли, ҳам чап қўли билан ишлов бермаган, меҳнат қилмаган бўлса, ундан кимсаларга Замин: «О сен, одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, ёт эшикларга таъзим қилиб, агадулабад бош эгиб турражаксан! Ҳақиқатан ҳам сенинг ёнингда ҳар хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган: тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қиласи. Агадулабад шундай бўлажак!», — деб жавоб беради.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китобида дунёнинг моддий асоси деб ҳисобланган ер, тупроқ, ҳаво муқаддаслаштирилади. Ер ва ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони бўлғаш, ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга кўмиш, сувга оқизиш, оловга ёқиш гуноҳи азим ҳисобланган Марҳумлар ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг жасадларини маҳсус сопол идишларга кўмиш расм бўлган.

Зардуштийлик таълимоти бўйича ариқлар ва дарёлар сувидан фақат ичиш учун фойдаланиш мумкин, унда чўмилиш, уни нажос билан ҳаром қилиш, унга тупуриш, ҳайвонларни оралатиш ман қилинган.

Шундай қилиб, «Авесто» ўша даврдаги кишиларга инсон бутун умри давомидаги сувни, тупроқни, уму-

ман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок сақлашга бурчлидир, деб таълим беради. Ана шу ғоядан инсон ўзи ўсиб улғайган замин — Ватанни севса, атроф мұхитни тоза сақлашни ўзининг ватанпаրварлик бурчи деб билса, шундагина у ҳақиқий баркамол инсон ҳисобланади, деган фалсафий хулоса чиқади.

Зардустийлик динига амал қылған Марказий Осиёдаги қабилалар сувга ва оловга сажда қылғанлар, қүёшни илохий мавжудод даражасига күттарғанлар. Хоразмда, Самарқандда олиб борилған қазишлар натижасида Марказий Осиё халқларининг қүёш худоси ҳисобланған Митрага, ер, сув унумдорлик худоси Анахитага сиғинганликларини исботлайдиган буюмлар топилған.

«Авесто»да деҳқончилик билан шуғулланиш уч минг марта ибодат қилиш ва юзлаб жониворларни қурбонникка сўйишдан афзал ҳисобланған. Үнда айтилишича, экин экиш — ердаги ёвузликларга барҳам бериш демакдир. Фалла ердан униб чиққанда,— дейилади «Авесто»да — девлар ларзага келади, фалла ўриб олинаётгандада девлар нола — фарёд қилади, фалла янчиб ун қилинаётгандада, улар қоча бошлайди, хамир қилинаётгандада эса девлар маҳв бўлади. Фалланинг мўл-кўл бўлиши гўё девларнинг лабига қизитилған темир босгандай уларни тумтарақай қиласди.

Бундан кўринадики, Зардустийлик дини одамларни меҳнатдан, реал ҳаётдан ажратмаган ва бу нарса у даврларда яратилған ёзма адабиёт намуналарига ҳам ва, айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналарининг фалсафий, ғоявий-бадиий мундарижасига ҳам ижобий таъсир этган.

Шундай қилиб, «Авесто» дунёда энг қадимги дин бўлган Зардустийликнинг муқаддас китоби бўлиш билан бирга, аждодларимизнинг узоқ ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йиғиндиси, уларнинг тили, ёзуви, маданияти, ҳақидаги адабий-бадиий ва фалсафий ҳамдир.

Зардустийлик Марказий Осиёда араблар истилосига қадар ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам яккаю-ягона дин бўлмаганлигини айтиб ўтишга тўғри келади. Минтақамиз аҳолиси Эфталитлар давлати, сўнгра Турк хоқонлиги ҳукм сурган даврлар, ундан кейинги пайтларда ҳам зардустийлик билан бирга будда, насроний (христианлик), моний ва кам (шомон) каби бир неча динларга сиғинишган. Ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасида

бу динларга эътиқод қилувчи қавмлар ва жамоалар бўлган. Масалан, VI аср охири — VII аср бошларида айрим турк хоқонлари будда динини қабул қилиб бутхоналар қурилишига ҳомийлик қилганлар. VIII асрда Балх шаҳрида юзта, Термизда ўнтача, Қабодиёнда учта будда ибодатхонаси бўлган. Будда дини Тоҳаристонда, Сўғд, Фарғона, Шарқий Туркистонда ҳам кучли бўлган. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани бутун Марказий Осиёда насроний дини тарғиботининг марказларидан ҳисобланган. Ўрта Осиё халқлари ҳаётida зардуштийлик, насронийлик ва будда динлари асосида юзага келган моний дини ҳам чуқур илдиз отган, Моний таълимотича, оламнинг ибтидоси бир-бирига қарама-қарши икки куч — эзгулик ва ёвузликдан иборат бўлиб, улар ўртасида абадий кураш боради. Бу курашда яхшилик тантана қиласди, ёвузлик мағлубиятга учрайди.

Исломгача Марказий Осиёда буддизмнинг, моний қарашларининг ҳатто насронийлик динининг маълум даражада тарқалганига қарамай, диний эътиқод бобида зардуштийлик дини асосий ўрин тутган. Жаҳон динлари кейинги 2—2,5 минг йил ичиде қанчалик такомиллашган, уларнинг маросимлари, урф-одатлари нечоғлик хилма-хиллашган, бойиган бўлмасин, барибир улар зардуштийлик динининг ворислари ҳисобланади.

VI—VIII асрларда яратилган, қадимий туркий тилда ёзилган ўзига хос хатда битилган Урхун-Енисей ёдгорликларида туркий халқларнинг фалсафий ижтимоий-сиёсий қарашлари, элу-юргита муҳаббати, қаҳрамонликлари, хорижий босқинчиларга қарши қаҳру нафрати ўз ифодасини топган.

Қадимий туркий халқларнинг тарихи, маданияти, тили, ижтимоий-фалсафий фикрлари билан танишишда Урхун-Енисей ёдгорлигидан Тунюкук, Кул тигин, Билга хоқон битикларининг аҳамияти айниқса каттадир. Буни иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтартиш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси Тунёкукка бағишланган 712—716 йилларда ёзилган битиктош мисолида кўриш мумкин. Битикда туркийларнинг бир қанча душман қабилаларига қарши кураши, Тунюкукнинг халқ олдиғаги хизматлари, донолиги, тадбиркорлиги, жасурлиги ҳикоя қилинади.

732 йилда ўрнатилган Кул тигин битигидаги барча воқеалар Кул тигиннинг акаси Билга қоон тилида (асли исми Муғилиён) баён этилади. Муғилиён сўнгги

турк ҳоқонларидан бири бўлиб, «Билка—Қоон» — «Улуғ ҳоқон» унвонини олган. Муғилиён жуда кўп урушлар олиб бориб, турк ҳоқонлиги давлати чегараларини анча кенгайтирган. Ҳарбий юришларнинг бирида улуг ҳоқоннинг укаси Қул тигин зўр қаҳрамонлик кўрсатиб вафот этади. Билга ҳоқон — Муғилиёнга ўзининг қилган ишлари ҳақида Қул тигин битигида халқига қарата шундай дейди: «Тангри ёрлақагани учун, истеъдодим, баҳтим бор учун мен сизларга ҳоқон бўлдим. Ҳоқон билими йўқ, қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғаздим. Қашшоқ халқни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирудим. Ё бу сўзда ёлғон борми?! Турк беклари, халқи буни эшитинг! Турк халқини тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндиги халқи, беклари.»

Култигин битигида турк ҳоқонлиги тарихи, Билга ҳоқон давридаги воқеалар бирма-бир баён этилади. Битигтош Култигин мотам марсияси билан тугайди. Унга Билга ҳоқон тилидан жудолик қайғуси инсон чидай олмайдиган даражада изҳор этилади: «Иним Култигин вафот этди, вужудим алам чекди. Қўрар кўзим кўрмайтгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди (эс хушимдан ажралдим), жоним азобда қолди. Дунёни тангри ясайди, инсон болалари ҳаммаси ўладиган қилиб яратилган. Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келганда, кўнгилга йиғи қелганда, қайта ғам чекдим, қайта қайғурдим. Икки шад, кейинги ини-жиянларим, ўғилларим, бекларимнинг кўзи, қоши ёмон бўлади, деб қайғурдим.»

Култигиннинг оғаси Билга ҳоқон шарафига 735 йилда ўрнатилган битиктошда ҳоқоннинг давлатни бошқарганилиги, кўпгина халқларни бирлаштиргани, мамлакатни ҳар жиҳатдан юксалтиргани тасвиrlланган. Шу билан бирга унда халқлар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, тутувлик давлатнинг куч-қудрати асоси эканлиги ҳақида ҳам айттиб ўтилган.

Аввал қайд этганимиздек, «Авесто», Урхун—Енисей ёдгорликлари ва бошқа ёзма ёдгорликлар қадимги Марказий Осиё ҳалқларининг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, тили, қадриятлари, фалсафий, аҳлоқий, диний қарашларини ўрганишда муҳим маъна бўлиб хизмат қиласди. Ёзма ёдгорликлар фақат ўтмишини тушуниш учунгина эмас, балки бизнинг бугунги куни мизнинг, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилли-

ги маънавий масалаларини ҳал этиш, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш учун ҳам фойдалидир.

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, Марказий Осиё минтақаси Шарқ мамлакатлари каби азалдан юксак маданият, илм-фан, барча қадриятларнинг маскани бўлиб келган.

Ижтимоий-фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва уларнинг табиий ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларда намоён бўлиши хусусида юқорида қайд этиб ўтилганларнинг ҳаммаси буржуа тадқиқотчиларининг, фалсафий тафаккур Шарқ халқларида бўлган эмас, фалсафий таълимот улар учун мутлақо ёт, фалсафа тўла маъноси билан Ғарбда бошланган, деган даъволарининг пуч ва тарихий ҳақиқатга тамомила зид эканлигини кўрсатиб ва исботлаб турибди.

2. МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ БУЮҚ СИЙМОЛАРИ

IX—XV асрлар Марказий Осиё халқларининг маданий-маънавий тараққиётида, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний, фалсафий таълимотлари ривожланишида кескин ўзғариш, туб бурилиш даври бўлди. Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди, маънавий ҳаётни қамраб олди. Ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олди. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ўchoқларидан бирига айланиши худди шу пайтларга тўғри келади.

IX асрнинг иккинчи ярмидан равнақ топа бошлаган, X—XII асрларга келиб эса мислсиз натижалар берган, буюк маданий юксалиш ва тараққиётнинг шарт-шароитлари, асосий сабаблари, манбалари, ҳал қилувчи қатор омиллари бор эдик, уларнинг нимадан иборат эканлигини билиш жуда муҳим.

Маданият ва маънавиятнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб боришини ҳаётий заруриятга айлантирган энг асосий сабаблардан бири — Марказий Осиё халқларининг Эрк, Адолат, Ҳақиқат, Мустақиллик учун араб ва мўғул босқичилари зулмига қарши олиб борган ҳаёт-мамот жанглариdir. Маълумки, VIII аср бошларида Марказий Осиёнинг араблар томонидан босиб

олиниши ўлкамиз халқларининг иқтисодий, сиёсий, майданий-маънавий тараққиётига кучли зарба берди. Араб истилочилари жуда кўплаб шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилдилар, минглаб одамларни, олиму фузолаларни, косибу ҳунармандларни қиличдан ўтказдилар. Турон ўлкасига талон-тарож қилиш ва бойлик орттириш манбай деб қарадилар. Уз ҳукмронликларини мустаҳкамлаш, халқни мустамлакачилик исканжасида ушлаб туриш, мақсадида асрлар давомида яратилган маданий бойликларни емириб ташладилар, маҳаллий ёзувларни йўқ қила бошладилар, қанчадан-қанча авлодлар ақл-заковати, истеъоди билан яратилган ноёб ёдгорликларни, қадимги диний ва дунёвий қадриятларни, миллий урф-одатларни ер билан яксон қилдилар. Истилочилар давлат ишларида ва фанда араб тили ва ёзувини мажбуран қўллай бошладилар, ислом динини зўрлик билан жорий этдилар. Абу Райҳон Беруний «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарида Кутайба Хоразм ёзувини билган, Хоразм афсоналарини сақлаган кишиларни, уларнинг орасида бўлган олимларнинг ҳаммасини турли йўллар билан таъқиб остига олди ва йўқ қилиб юборди», — деб ёзган ёди.

Араб босқинчиларининг узоқ давом этган мустамлакачилик зулми халқнинг сабр-косасини тўлдириди. Халифалик ҳукмронлигига қарши VIII—IX арсларда, Гуран, Девоштий, Бобак, Абу Муслим, Муқанна, Рафев иби Лайс раҳбарлигида қарийб юз йил мобайнида олиб борилган халқ курашлари Турон ва Хурсонда араб босқинчилари ҳукмронлигининг таназзулга юз тутиши билан тугади. Марказий Осиёда IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб халифалиги тугатилди, унинг ўрнига бу ерда мустақил феодал давлати пайдо бўлди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда чет эл босқинчилари ҳукмронлигининг тугатилиши X—XII асрларда жуда кўплаб мустақил феодал давлатларнинг вужудга келиши натижасида феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг, ички ва ташқи савдонинг, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, илм-фан ва маданиятнинг, фалсафанинг равнақ топиши миллий қадриятларнинг тикланиши ва такомиллашиб боришига кенг шароит яратилди. Бу даврда мамлакат ичидаги ўзаро урушлар камайди. Бухоро, Үрганч, Марв, Тошкент ва бошқа жойларда ҳунармандчилик, косибчилик анча ривожланди. Булар-

нинг ҳаммаси маданият ҳамда фаннинг ривожланишига сабабчи бўлди.

Сўз юритилаётган даврлардаги илмий-фалсафий тафқур тарихи жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи билан ҳам узвий боғлиқдир. Араблар ва мўғуллар тажовузидан қутилиб мустақил бўлган Марказий Осиёда каналлар, қалъалар, саройлар қуриш фақат амалий тажрибанигина эмас, балки жойни режалаштириш, мураккаб ҳисоблаш ва ўлчашларни, математика, геодезия, табиатшунослик фанларини, узоқ мамлакатларга чўллар орқали сафар қилиш эса, юлдузларга қараб йўл топишни, яъни астрономия илмининг ривож топишни тақозо өтди.

IX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг ҳалқаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг ўсиши нафақат табиий балки ижтимоий-гуманитар фанларнинг янада кучлироқ ривожланиши ва тараққий этишига сабаб бўлган эди. Араб халифалиги ҳукмронлиги барабор бўлганидан сўнг Шарқ ва Фарб мамлакатлари, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари ўртасида анча мустаҳкам иқтисодий, маданий алақалар вужудга келди. Турон заминнинг Юнон, Рим, Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари, шунингдек, Кавказнинг қадимий маданияти билан яқинлашуви фан, адабиёт, ижтимоий-фалсафий фикрнинг янада кенгроқ тараққий топишига имконият туғдирали. Марказий Осиёда Шарқ ва Fарб илмий алоқалари кўп асрлик илмий ҳамкорлик анъаналари асосида бирбирини бойитиши, ўзаро таъсир асосида содир бўлди.

Марказий Осиёдаги кўпгина ҳукмдорларнинг ўз саройларида файласуфлар, тарихчилар, шоир ва ёзувчиларни, олиму фозилларни диний арбоблар ва ҳуқуқшуносларни, хуллас, барча аҳли донишии тўплаб, уларга ҳомийлик қилганликлари ўша давр фани ва маданияти тараққиётiga ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Ҳукмдорлар орасида Қобус ибн Вашмгир, Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Улугбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари кўплаб фан ва маданиятнинг ҳимоячилари бўлган. Уларнинг ўзлари айни пайтда буюк донищманлар ҳам бўлиб, турли соҳаларида нодир асарлар ёзишган, ўз даври фан ва маданият тараққиётiga ёрдам беришган.

Амир Темурдек буюк соҳибқирон ҳам атрофига илм ва диннинг машҳур кишиларини тўплаб, олимларнинг

фикр ва мұлоқазаларыға, маслақатларига ҳаммә вақт әттибор билан қараган. Үнинг фан, маданият арбоблари, шайхлар, диний уламоларга, умуман ахли донишларга күрсатған ҳурмати, ёрдами ҳаммага маълум.

Жамият тараққиеті ўртага қўйған талаблар ҳамда мавжуд шарт-шароит туфайли IX—XV асрларда Марказий Осиёда, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият чинакамига гуркираб ривожланди, гуллаб-яшнади.

Ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари орасидан ўзининг ақл-идроқи ва тафаккури, қомусий билими билан инсониятни лол қолдирған фан ва маданиятнинг сўнмас юлдузлари етишдилар.

Буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди етишиб чиққан, жаҳонни илм, маърифат ва маънавият нури билан ёритған ана шу давр Шарқ тарихида **олтин аср** ёки **уйғониш даври** деб аталади.

Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг қомусийлиги — бир пайтнинг ўзида ҳам файласуф, ҳам мусиқашунос, ҳам мантиқшунос, социолог ۋە филолог, ҳам тарихчи, шоир, математик, хуллас, илмнинг ҳамма соҳасида етукликлари билан ажralиб турадилар. Бу сиймоларнинг кишини лол қолдирадиган жиҳатларидан яна бири сифатида уларнинг бир неча тилда бемалол гаплаша олганниклари, ижод қила олганниклари, илмий манбалар, асарлардан бекаму күст фойдалана олганникларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Үлар илмнинг қайси масаласи билан шуғулланишган бўлса, ўша соҳада буюк кашфиётлар қилишди, ўтмишдошларидан ҳеч бир аллома забт эта олишди. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги фанда янгича йўналишларни, янгича тафаккур услубини ихтиро қилишди, тамомила янги таълимотларни яратиши ва илмий асослаб беришди. Буюк мутафаккирлар томонидан чуқур илмий асосланган ғоя ва таълимотлар фақат улар яшаган давр учунгина эмас, балки келажакни олдиндан башорат қилиш, табиий, ижтимоий воқеа ва жараёнларни олдиндан айтиб бериш нуқтаи назаридан ҳам бебаҳодир. Донишманд боболаримизнинг илмий-фалсафий таълимотлари тор миллий қобиқда ўралиб қолған эмас, балки ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга бўлған таълимотлардир. Яна шу нарса әттиборга сазоворки, Шарқ мутафаккирларининг деярли ҳаммаси ўз даврининг қай-

ноқ ҳаёти марказида бўлишди, амалий ишларда фаол иштирок этишиди, элим, халқим, юртим дея яашади, халқ ҳаётидан айро тушмадилар. Бу уларнинг ҳақиқий баркамол инсон, оташин ватанпарвар, халқпарвар ва буюк аллома эканликларининг белгисидир. Ўша буюк зотлар, қомусий ақл әгалари яшаган ва ижод қилган даврлардан бошлаб Шарқда, Марказий Осиёда илм-фарзандирилган маданият, фалсафа катта қадамлар билан олга томон ривожлана бошлади. Бу тараққиёт узоқ давом этди, бир неча юз йилларни ўз ичига қамраб олди.

ХОРАЗМИЙ

Туроннинг жаҳонга машҳур олимларидан бири **Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий** бўлиб, у таҳминан 783 йилда туғилган ва 850 йилда Богдодда вафот этган. Хоразмий илм-фан ва маданиятнинг қадимий бешикларидан ҳисобланган Хоразмда қомусий олим сифатида шаклланди, вояга етди ва шу ернинг ўзида унинг номи дунёга маълум бўлди. Мусо Хоразмий илмий-ижодий фарзандирилган жуда катта даври араб халифалигининг пойтахти Богдод билан узвий боғлиқдир. Хоразмий халифа Маъмун раҳнамолигида ислом Шарқининг Фанлар академияси—«Байт ул-Ҳикма» («Донишмандлар уйи) да ишлади. Бу илм даргоҳида у жуда кўплаб астрономик кузатишлар олиб боради, математик ва астрономларнинг катта бир жамоасига устозлик қилади ҳамда ўзининг кўпгина шоҳ асарларини ёzáди. Хоразмийнинг Богдодда яшаб ижод этган замондошлари орасида Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий каби Марказий Осиёлик олимлар бўлиб, улар ўрта аср илму-фани ривожи ва ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг кўп қиҳррали илмий қизиқишлиари математика, назарий ва амалий астрономия, география, тарих ва бошқа кўплаб фанларга оиддир. Унинг номини тарихда абадий қолдирган асарларидан бири — «Ал-жабр ва муқобала»дир. Бу асар Ғарб ва Шарқ олимларига алгебра фани бўйича дастурий амал бўлиб хизмат қилди, «Алгоритм» ва «Ал-гебра» деган атамалар Хоразмий номи билан боғлиқдир.

Алломанинг алгебра, арифметика, математика, геометрияга оид асарлари асрлар давомида тақсимлашда,

васиятномалар тузишда, мол-мулкини ўзаро бўлиб олишида, суд ишларида, савдо-сотиқ муомолаларида, шунингдек, ерларни ўлчашда, каналлар қазишда, бино қуришда катта хизмат қилди.

Хоразмий айтиб ўтилган асарларидан ташқари «Китоб сурат ал арз» («Ер сурати») деган рисола ҳам ёзди. Асарда у Птоломейнинг «География» номли китобини бутунлай қайта ишлаб чиқди. Шарқ мамлакатлари тўғрисида кўпгина қимматли маълумотлар берди. Унда мамлакатлар, шаҳарлар, уларнинг номлари, ҳажми кўрсатилган ва бир неча изоҳлар берилган хариталар мавжуд. Бу китобда Орол денгизининг тасвири ҳам берилган. Асарда бундан ташқари 637 та муҳим жойлар, 209 та тонгнинг географик тафсилоти, дарёлар, денгизлар ва океанлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган оролларнинг муҳим координаталари баён этилган. Олимнинг бу китоби Шарқ мамлакатларида география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

«Астрономик жадваллар», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола», «Устурлаб олати ҳақида рисола», «Зиж» («Астрономик жадвал»), «Мусиқа бўйича рисола», «Тарих бўйича рисола» ва бошқа кўплаб нодир асарлар ҳам Мусо Хоразмий қаламига мансубдир. Ана шу асарлар номининг ўзиёқ Хоразмийнинг илмий тафаккури бениҳоя кенглиги, қомусий аллома эканлигини, нафақат ўз даврининг балки ҳамма замонларнинг энг буюк математик ва табиатшунос олими эканлигини кўрсатади.

Хоразмий ўзининг математика, география, тарих, мусиқа, астрономия ва бошқа фанларга бевосита тааллуқли бўлган асарлари билан жаҳон фани тараққиётига кенг йўл очиб берди, ўрта асрларда одамлар хаёлларига ҳам келтирмаган энг мураккаб масалаларни илмий равишда ҳал этди.

Муҳаммад Мусо Хоразмийни бугунги авлод ҳозирги замон математика, астрономия, география ва тарих фанларининг асосчиси сифатида эъзозлайди. Жаҳон илм аҳлининг 1983 йили Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг 1200 йиллигини зўр тантана билан нишонлаганлиги буюк ватандошимизга кўрсатилган чексиз ҳурмат ва эҳтиромдир.

Муҳаммад Мусо Хоразмий нафақат буюк математик, табиатшунос аллосма, балки машҳур файласуф сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

Хоразмий маҳсус фалсафий асар ёзган бўлмаса-дә, лекин унинг математика, геометрия, астрономия, география, тарих ва мусиқа илмига оид барча китобларида илгари сурйлган ва илмий исботланган фалсафий фикр-мулоҳазалар, фалсафий ғоя, назария ва таълимотлар сон-саноқсизdir. Унингча, Оллоҳ томонидан яратилган дунёда, материяда ўз ҳолатини доимий равишда ўзгартирмай сақлаб түрадиган ҳеч қандай нарса ва ҳодиса йўқ ва бўлмайди. Материя тинимсиз ўтиш, ўзгариш ва ғивожланишдадир. Унда нимадир янгидан пайдо бўлади, маълум вақт мобайнода яшайди, кейинчалик бориб эса у ҳам эскира бошлайди ва пировардоқибатда ўз ўрнини бошқа нарсага қонуний равишда бўшатиб беради. Эски нарса ўрнини янгиси, ўлаётган нарса ўрнини туғилаётган нарса эгаллаши, Хоразмий фалсафий таълимотида қайд этилишича, табиий-қонуний жараёндир. Бу жараён чексиз ва чегарасизdir.

Хоразмий дунёдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса моҳиятида ўзаро бир-бирини инкор этадиган ва айни пайтда бир-бирини тақазо этадиган, бир-бирисиз яшай олмайдиган икки қутб, икки қарама-қарши тамон мавжуддир, тараққиёт улар ўртасидаги диалектик, бирлик ва кураш орқали амалга ошади, деб кўрсатади.

Хоразмийнинг дунёning асосини, моддий негизини нима ташкил этади, деган масала бўйича баён этган фикрлари ҳам эътиборга сазовордир. Буюк мутафаккир материяни оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асоси деб ҳисоблайди. Унинг тушунтиришича, дунё тўрт унсур-тупроқ, сув ҳаво ва оловдан ташкил топган. Дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар ана шу унсурларнинг бирикиши, ўзаро таъсири остида ҳосил бўлади ва яшайди. Сув ва ҳаво ҳақидаги таълимот Хоразмий фалсафий дунёқарашининг ўзагидир. Орол денгизининг Марказий Осиё ҳалқлари ҳаёти, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси учун нақадар муҳимлиги ҳақида буюк ватандошимизнинг бундан минг йил илгари қилган башоратлари бунга мисол бўлади.

Хоразмий ноорганик дунёдан органик дунёning, ҳиссиз, туйфусиз, фикр қилмайдиган дунёдан ақл-идрок ва тафаккурга, фикрлаш имкониятига эга дунёning устунлиги ҳақида, унинг моҳияти ва асосий сабаблари ҳақида ҳам ўзининг бебаҳо илмий фалсафий таълимотини яратди.

Хоразмий чуқур илмий далиллар асосида материя

билан шаклни, сабаб билан оқибатни, имконият билан воқеликни, миқдор билан сифатни, жамият билан табиатни ажратиб бўлмаслигини, улар ўзаро алоқадорлигини исботлаган эди.

Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг билиш масаласига оид фикрлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. У моддий дунёйнинг абадийлигини, унинг ниҳоятда мураккаблиги, доимий равишда ўзгариб ва ривожланиб туришини таъкидлайди. Шу билан бирга у бу оламни инсон сезгиси ва билимининг манбай деб билади. Унинг айтишича оламни, жамиятни, улардаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш ва ўзлаштириб олиш ниҳоятда мураккаб, зиддиятли жараёндир. Лекин инсон бу масалада ҳам битмас-туганмас имкониятларга эгадир. Инсон ўзининг тиришқоқлиги, меҳнати ва амалий фаолияти, Оллоҳ ато этган ақл-идрок, қобилият ва истеъоди билан дунёни секин-аста била боради, бугун билмаган нарсани эртага муқаррар равишда билиб, ўзлаштириб олади, дейди Хоразмий.

Аллома ўзининг билиш назариясидаги моддий олам, инсон, унинг сезгиси, ақл-идрокидан олдин пайдо бўлган, инсон ва унинг ақли эса моддий олам ривожининг маҳсулидир, дейди. Айни пайтда у инсон билиш субъекти, табиат, жамият, умуман моддий олам эса унинг обьекти деб билади. Хоразмий ҳиссий ва ақлий билишнинг ўзига хос ҳусусиятларининг моҳиятини, ўзаро алоқадорлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг айтишича ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга келмайди. Ҳиссий билиш борлиқнинг ташқи томонлари ҳақида билим бериш манбаидир. Ақлий билиш ёрдамида эса инсон нарса ва ҳодисаларнинг мураккаб ички тузилишини, моҳиятини, қонуниятини билиб олади. Ақлий билиш инсон билиш ривожининг юқори босқичидир. Бунда биз Хоразмийнинг ақлий билиш масалаларига алоҳида эътибор берганлигини қўриб турибмиз. Билишда инсон ақлининг ва амалиётнинг аҳамиятини кўрсатганлиги буюк ватандошимизнинг ажойиб хизматларидан ҳисобланади.

Мусо Хоразмий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий масалалар, ҳусусан жамият ва унинг истиқболи ҳақидаги фикр мулоҳазалар алоҳида ўрин эгаллайди. Жамият тараққиётида илм-фан ва маданиятнинг, одоб-ахлоқнинг, ислом дини, шариат қонунларининг катта ўрин тутиши ҳақида аллома томонидан баён этилган

фикрлар ҳозирги давр учун муҳим аҳамият касб этади. Одамларнинг ақлини пешлаш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, ғруҳан поклаш ва кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни мустаҳкамлашда фан ва маданиятнинг, диний қадриятларнинг муҳимлиги хусусидаги фикрлари таҳсинга сазовордир.

Буюк ватандошимиз Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг подир асарлари, яратган таълимоти, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳозирги авлод учун битмастутган масхазина, мустақиллигимиз учун хизмат қиласидиган бебаҳо маънавий бойлиkdir.

ФОРОБИЙ

Абу Наср Форобий (873—950) нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёning асрлар оша эътироф этилиб, бениҳоя катта ҳурматга сазовор бўлиб келаётган буюк мутафаккири, қомусий олими, машҳур файласуфидир.

Ўрта аср фан ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган, Шарқ Ўйғониш даврининг улуғ намояндаси ҳисобланган Форобий милодий 873 йилда Арис дарёси Сирдарёга қўйиладиган жойдаги Фороб қишлоғида туғилган.

У дастлабки билимини Форобда олган. Унинг фикр доирасига, илм-фанга бўлган кучли қизиқиш ва интилишига ўзи туғилиб ўсган юртида олган билим кифоя қилмаган. Тошкент, Самарқанд ва Бухорода, Марказий Осиёнинг бошқа ўлкаларида олган таҳсили унинг илм-маърифатга бўлган ташналигини қондира олмаган. Илмга катта ҳаётий эҳтиёж сезган Форобий жаҳон илм марказларидан бири — Боғдодда қўним топади. Бу ерда у тинмай ўқиб-ўрганади, араб-тили ва адабиётини мукаммал билиб олади. Кейинчалик Форобий Шом, Миср ўлкаларига бориб мутолаа ва мударрислик қилиб йирик файласуф сифатида танилади, шогирдлар орттиради.

Форобий ниҳоятда сермаҳсул олимдир. У илмнинг барча соҳаларида ижод қилди, буюк асарлар ёзди. XII—XIII асрларнинг йирик олими Захириддин ал-Байҳақий фикрича, ислом ўлкалари олимлари орасида унга тенг келадиган одам дунёга келган эмас.

Форобий йирик файласуф, тиљшунос, мантиқчи, риёзиётчигина эмас, шу билан бирга социолог, филолог, тиб-

биётчи, психолог, мусиқа илмининг назариётчиси ва амалиётчиси ҳамдир. Форобий «Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Мантиққа кириш», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида», «Илмларнинг келиб чиқиши түғрисида», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оҳанглар таснифи ҳақида китоб», «Масалалар булоғи», «Ақл түғрисида», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар одамлари қарашлари», «Давлат ҳақида» каби 160 дан ортиқ қимматли асарлар ёзди.

Форобий шуғулланган ҳар бир соҳа, у ёзган ҳар бир асар ўрта аср, янги давр ва ҳозирги замон олимлари таҳсини ва эътиборига сазовор бўлган. Форобий ёзган асарлар ўрта аср илмининг қарийб барча соҳаларини қамраб олган.

Қадимги юонон фалсафасини, хусусан Аристотель асарларини чуқур ва муқаммал билиш, таржима қилиш, илмий шарҳлар ёзиш, тарғиб-ташвиқот этишда Форобийга tengлашадиган ва унинг олдига тушадиган до нишманд бўлган эмас. Форобий қадимги юонон мутафаккирлари ва табиатшунослари қаламига мансуб кўпладаб асарларнинг умумий мазмуни ва йўналишини илмий таҳлил қилган. Аристотельнинг «Метафизика», «Риторика», «Поэтика», «Қатегориялар», «Аналитика», «Этика» ва бошқа кўпладаб асарларини таржима қилди.

Форобий ўрта аср фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшди, биринчи бўлиб ўз давридаги илмларнинг таснифини берди. Узининг она тили — туркйдан ташқари форс, юонон, араб ва яна бир неча тилларни муқаммал билган. Шарқнинг машҳур тарихчи олими Ибн Халиқон (1211—1282) фикрича, тил билишда ҳеч ким Форобий эришган даражага эришолмаган: у етмишдан ортиқ тиљи билган.

Аристотелдан кейин фалсафа фани оламида, хусусан, Шарқда Форобийга tengлаша оладиган олим майдонга чиқмади. Форобий ўз билими, маърифати, фикр доирасининг кёнглиги, қомусийлиги, жаҳон фани тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаси билан шу дара жада катта шухратга эришдик, уни ҳаётийлигига ёқ, Аристотелдан кейинги йирик мутафаккир «Муаллим — ас-соний» — Иккинчи муаллим», «Шарқ Аристотели» номлари билан улуғлашди.

Уйғониш даврининг машҳур файласуфи бўлган Фо-

робий фикрича, борлиқ олти босқичдан иборат бўлиб, бу босқичлар бутун мавжуд нарсаларнинг асосидир. Форобий худони «биринчи сабаб», «биринчи моҳият» деб изоҳлайди. Форобий бир қанча босқичлар орқали сабаб оқибат муносабатлари ёрдамида бу биринчи сабабни материя билан боғлайди. Материя ўз сабабига, яъни худога хос бўлган барча хусусиятларга эгадир. Материясиз, яъни оқибатсиз худо — сабаб ҳам бўлиши мумкин эмас. Дунё, табиат худо томонидан қисқа муддат ичидаги яратилган эмас, дейди олим. Дунё худодан бошқа моҳиятга эга бўлган борлиқ бўлмасдан, худонинг эманациясидир, деб таъкидлайди. Табиатнинг бу ҳолга келишига қадар бир қанча вақтлар, жараёнлар ўтган. Шундай қилиб Форобий барча мавжудодни, оламни, материяни биринчи сабаб-худодан келтириб чиқаради. Форобий материя, унинг абадийлиги ва чексизлиги ҳақидаги фалсафий таълимотни ишлаб чиқди. Унинг таъкидлашича, материя оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосидир. Дунёнинг моддий асоси ёки материя тупроқ, сув, ҳаво, олов ва осмондан иборат бўлиб, Форобий таълимотича, осмон жисмлари ҳам, ергаги жисмлар ҳам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий ҳамма нарсанинг умуний жинси оламдир, оламдан ташқари ҳеч нима йўқдир, дейди.

Форобий оламдаги ҳар бир предмет материя ва шаклдан иборатлигига, материя ва шакл бири иккинчи сига сабаб бўлиши мумкин эмаслиги, аксинча ҳар иккиси ўзаро бирликда мавжудлиги ҳусусида ҳам ўз фикрини баён этади.

Алломанинг уқтиришича, ҳаракат материянинг объектив хусусияти, моддий оламдаги зиддият эса ҳаракатнинг манбаидир; оламдаги нарса ва ҳодисалар тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ҳаракат, ўсиш-ўзгаришининг сабаби эса бошланғич моддий унсурларнинг турлича қўшилишидадир.

Форобий борлиқни қотиб қолган воқелик сифатида тушунмайди. Нарсалар ва ҳодисалар оламида чексиз ўзгариш, ривожланиш жараёни бўлиб туражаги, бунинг натижасида табиат ва жамият шу ҳолга етиб келган, дейди у.

Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ. Билиш масаласига у инсон моҳиятини тушириб беришнинг таркибий қисми сифатида қарайди.

У инсон табиат тараққиётининг маҳсули бўлиб ҳайвонот оламидан фарқ қиласди, инсон — билиш субъекти, табиат эса унинг обьекти деб билади. Табиатнинг одамдан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигига Форобий шубҳа қилмайди. Объект субъектга қадар мавжуд бўлади. Сезилувчи нарса сезгиларга қадар мавжуд бўлгани каби билинувчи нарса билишга қадар мавжуддир, дейди у. «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билишнинг билмасликдан билишга, сабабиятни билишга қараб боришини таъкидлайди.

Форобий билишда икки босқични — ҳиссий ва ақлий билишни фарқлайди; ҳиссий билишни борлиқнинг ташқи хоссалари ҳақида билим бериш манбаи деб қарайди. Шу билан бирга у ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга кела олмаслигини уқтиради.

Форобий таъкидлаганидек, инсон ва унинг сезгиси, ақл-идроқи моддий олам ривожининг маҳсулидир. Инсон ўзини қуршаб турган моддий оламни, материяни сезги аъзолари, ақл-идроқи орқали била боради. Инсон ва унинг ақли моддий олам ривожланишининг энг олий маҳсулидир.

Форобийнинг асарларида, инсоннинг билиш, руҳий қобилиятларини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларини ҳаёт учун зарур бўлган қон билан таъминлайди, бу қувватлардан бирортаси ҳам материядан ажralган ҳолда яшай олмайди, деган ғоя илгари сурилган.

Форобий эътиқодича, нарсалар биздан, ҳисларимиздан ташқарида туриб, бизнинг сезги аъзоларимизга таъсири этади, таъсири этадиган нарсалар тўлиқсиз, чуқурлик жиҳатидан инсонни, унинг ақлини қониқтира олмайди. Инсон ўзининг ақлини, хаёлини ишга солади ва шулар воситасида билмаган нарласини билиб олади, уларга асосланиб билиш манбаи бўлган олам ва унинг моҳияти ҳақида чуқурроқ, кенроқ билим ва маълумотга эга бўлади.

Форобий билишда инсон ақлининг ролига катта баҳо берган. Инсон ақл-тафаккур ёрдамида табиатни, борлиқни, материяни, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини, маъносини билади.

Форобий ижтимоий ҳаёт, жамият масаласида ҳам анчагина муҳим фалсафий фикрларни ўртага ташлаган. У ўзининг «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» китобида ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузил-

ганки, у яшаш ва олий даражадаги етуклика эришмоқ учун күп нарсаларга муҳтож бўлади, у бундай нарсаларни бир ўзи қўлга киритолмайди, уларга эга бўлиш учун кишилар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етуклика эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада одамлар жамоаси вужудга келди, деб айтиб ўтади.

Форобий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қиласди. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисолосида камолотга бир кишининг ёлғиз ўзи (бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз) эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг тугма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараённида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш ҳиссиёти бор, одам жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу; у камолотга эришувда бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир, дейди.

Форобий давлатни ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илму-маърифатга олиб борувчи идеал жамоа ҳақидаги фикрни олға суради. «Фозил шаҳар одамларининг фикрлари» китобида Форобий давлатни бошқарувчи ҳоким Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур, дейди ва уларни бирма-бир санаб кўрсатади.

Аллома таъкидлаганидек, фозиллар шаҳри ҳокими энг аввало тўрт мучали соғлом бўлиши, ўзига юқланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим, иккинчидан, шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, илғаб олиши зарур. У англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги, зеҳни ўткир, зукко бўлиши, фикрини равшан тушунтира олиши, чиройли сўзлар билан ифодалиши лозим. Шаҳар ҳокими, бундан ташқари, яна билим, маърифатга ҳавасли, ўқиш-ўрганишдан асло чарчамай-

диган, таом ейишда, ичкиликдан ўзини тия биладиган, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгүй одамларни севадиган, ёмонлардан жирканадиган бўлиши лозим. У ўз қадрини билувчи, номус-ориятли, улуғ, олий ишларга интиладиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган, табиатан адолатпарвар, жабрланганларга мадад берадиган бўлиб, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъият, сабот, журъат ва жасоратли кўрсатиши, қўрқоқликка йўл қўймаслиги зарур.

Форобийнинг «Фозил шаҳар одамларининг қарашлари» асаридан келтирилган юқоридаги доно фикрлар ҳозирги мустақиллик шароитида яшаб фаолият кўрсатётган шаҳар, туман, вилоят раҳбарларига, олимларга, зиёлиларга, талабаларга, каттаю-кичик барча кишига бевосита тааллуқлидир. Форобийнинг илмий-фалсафий таълимоти инсониятнинг мислсиз маънавий бойлиги ва маданий-маънавий камолоти йўлидаги дастур-амалдир.

ИБН СИНО

Инсоният Абу Али ибн Сино (980—1037)ни жаҳон фанининг улуғ арбоби, уйғониш даври маданиятининг йирик намояндаларидан бири сифатида билади ва ёъзозлайди.

Буюк аллома бор-йўғи эллик етти йил умр кўрди, бу умрдан ўн саккиз йили илм таҳсилига сарф бўлди. У умри давомида уч юздан ортиқ асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм-фаннынг барча соҳаларига оидdir. Илмнинг фалсафа, тибиёт, астрономия, табиатшунослиқ, математика, мусиқа, ҳуқуқ, ахлоқ, дин, адабиёт, тарих сингари соҳалари Ибн Сино томонидан қамраб олинган. Қомусий олим асарларини илмлар тармоғи бўйича тақсимлагандა, ўрта асрда маълум бўлган барча фанларни санаб чиқишига тўғри келади.

Ибн Сино ўз асарлари билан Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам унинг «Шайхур раис» — «Олимлар олими» деб аталиши бежиз эмас. Олимнинг асосий фалсафий асарлари «Китоб аш-шифо» («Даволаш китоби»), «Донишнома», «Нажот», «Китоб ул иносиф» («Адолат китоби»), «Китоб ал-қонун фит тиб» («Тиб қонунлари китоби») дан иборат.

Ибн Сино ўтмишдошлари ва замондошлари сингари

худони эътироф этади, уни борлиқнинг биринчи манбаи деб тушунади. Ибн Сино айтишича, борлиқ агадийдир, у шаклини ўзгартириши, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиши мумкин, лекин унинг ўзи, материя йўқолмайди. Материя доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан олдин мавжуд бўлиб, бу нарсалар уларни ташкил этувчи материяга муҳтождир, деб кўрсатди.

Ибн Сино жисмлар тўрт унсурдан ташкил топган дейди. Бу тўрт унсур — ҳаво, сув, олов, тупроқ — ўзаро боғлиқ, бир-бирига таъсир этади. Бундан у ёки бу нарса пайдо бўлади ёки йўқолади. Лекин уларнинг асоси — тўрт элемент ўзгармайди, йўқолиб кетмайди.

Ибн Сино тўрт унсурдан иккитаси енгил ва иккитаси оғир, дейди. Енгиллари олов ва ҳаво бўлса, оғирлари сув ва тупроқдир. Ер оддий жисм бўлиб, унинг табиий ўрни ҳамма жисмларнинг ўртасидир. Ернинг табиати совуқ ва қуруқдир. Сув оддий жисм бўлиб, табиий ўрни билан, ер ва ҳаво ўз табиий ўринларида бўлганларида, ерни ўрайди ва ҳавога ўралиб туради. Сув совуқ ва ҳўлдир. Сув ташқи таъсирлар туфайли зарраланиб зарраланиб тарқалиши, бирикиши, турли шаклларга кира олиши мумкин. Оддий бир жисм бўлган ҳаво, олимнинг таъкидлашича, табиатга кўра иссиқ ва ҳўлдир. Унинг ўрни сувнинг усти, оловнинг тагидир.

Ибн Сино ҳамма нарсанинг моҳиятини материя ташкил этади, материя турли-туман шаклларда намоён бўлади, деган фалсафий қаравшни ривожлантиради. Жисм шакли материясиз бўлмаганидек, материя ҳам шаклсиз бўлмайди. Демак, жисм ва унинг шакли бир-биридан ажралмас бўлганидек, материя ва шакл ҳам ўзаро ажралмасдир. Материя ҳаракат, фазо, замон билан боғлиқдир.

Ибн Сино сўзларига қараганда, ҳар бир нарсанинг сабаби ва оқибати бор, оламда, инсоният дунёсида ҳеч бир нарса-ҳодиса ўз-ўзидан, сабабсиз бўлмайди. Ҳар қандай касаллик муайян бир сабабнинг, гоҳо ташқи маҳфий сабабларнинг натижаси, оқибатидир. «Ҳар бир нарсани билиш, — дейди аллома, — у нарсаларнинг сабаблари бўлса, шу сабабларни билиш орқали ҳосил бўлади ва тугалланади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғлиқ касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очик, гоҳо

махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш билан етишилади».¹

Иbn Сино касалликни ўрганишда объектив шароитларни ҳар томонлама билишга катта аҳамият беради. Касалликларни келтириб чиқарувчи ва ривожлантирувчи сабабларни у тўртга бўлади. Булар: моддий, фаол, шаклий ва тугалловчи сабаблардир. «Фаол сабаблар,— дейди Иbn Сино,— одам гавдасини, ҳолатларини ўзгартирувчи ёки сақловчи сабаблардир. Улар эса ҳаволар ва уларга алоқадор нарсалар, овқатлар, сувлар, ичимликлар ва уларга алоқадор нарсалар, бўшалиш (ва унинг акси), тўхталиш, шаҳарлар, турар жойлар ва буларга алоқадор нарсалар, жисмоний ва нафсоний ҳаракатлар ва осойишталикдир. Уйқу ва уйғоқлик фаол сабаблардандир. Бир ёшдан бошқа ёшга ўтиш, ёш ва жинс эътибори билан фарқланиш, ҳунарлар, одатлар, одам гавдасига тегиб, унинг табиатига ё тескари бўлмай, ё тескари бўлиб тушадиган (дорилар каби) нарсалар фаол сабаблардир».²

Иbn Сино касалликни ўрганишда объектив (сабаб) шароитларни ҳар томонлама билишга катта эътибор берди. Касалликнинг сабабини аниқлашда томир урининг катта аҳамиятга эга эканлигини, болаларда учрайдиган қизамиқ, чечак касалликларининг олдини олиш йўллари нимадан иборатлигини таъкидлайди. Юқумли касалликларни қўзғатувчи микроблар тўғрисидаги таълимотни Пастердан деярли саккиз аср олдин исботлади.

Иbn Сино инсон билимлари объектив реалликни билиш асосида пайдо бўлади ва ривожланади, деб таълим беради. Шу билан бирга у ҳиссий билиш ривожланишнинг дастлабки босқичи бўлиб унда нарсаларнинг сиртқи, ташқи томонларини аниқлашни таъкидлаганди. Нарсаларнинг ички томонларини, моҳиятини билиб олишда инсон ақли ва тафаккурига алоҳида аҳамият берди. Унинг таълимотича, ақл—фаол ижодий куч ва билиш қуролидир. Ақл икки турлидир — ўзи билан биринчи сабаб орасида ҳеч қандай восита бўлмаган ақл ва ўзи билан биринчи сабаб орасида бирор восита бўлган ақл, деб ёзган эди у.

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-китоб. Тошкент, Ўз ФА нашриёти, 1954, 5—6-бетлар.

². Ўша жойда, 7-бет.

Абу Али ибн Сино ақлнинг ҳар томонлама ривожланишига, табиат сирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган эди. Шунинг учун ҳам олим одамларни бир-бири билан дўст, иноқ бўлиб яшашга чорлади. Одамлар соғдил, самимий дўст бўлиб яшаса, бир ёқадан бош чиқаришса ҳар қандай мушкул осон бўлишига қаттиқ ишонди.

Ибн Сино одамларга қарата «Рисолатут тайр» («Қуш рисоласи») асарида шундай дегаң эди: «Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатни очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан (тўскинлик) пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларки, биродарларингиз сизлардан (ўзи билмаган) баъзи нарсаларни ўргансин ва бошқалари (бўлса) баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин».

Уша асарининг бошқа бир жойида Ибн Сино одамларни дўстликнинг қадрига етишга, унинг тўла маъносини яхши тушуниб, уқиб олишга даъват этади. Оғизда дўстман деб, амалда дўстнинг ҳолидан хабар олмайдиган, номигагина дўст бўлиб юрадиган кишиларни танқид қиласди. Одамларни эҳтиёт бўлишга ундан, эҳтиёт бўлмаслик ёмон оқибатларга олиб келишидан огоҳлантириб бундай ёзган эди: «Сиригни барчага айтишдан эҳтиёт бўл, чунки ақлли бўлиш деган сўз эҳтиёткор бўлиш деган сўздир. Агар сиригни сақласанг, у сенинг асирингдир, барчага ошкора қиласанг, сен сиригнинг асири бўлиб қоласан.»

Буюк мутафаккир эслатиб ўтилган «Қуш рисоласи»да, бахт ўз дўстларинг ёнингда яшаган, сен ҳар куни кўришиб турадиган, бирга ишлайдиган ва ўз вақтингни хушчақчақ ўтказиб турадиган дўстларинг билан бирга яшайдиган жойдадир, деб таъкидлайди.

БЕРУНИЙ

Хоразмлик буюк олим **Абу Райхон Беруний** (973—1048) жаҳон фани ва маданияти тарихида ёрқин сиймолардан ҳисобланади. Беруний ўз замонасининг буюк мутафаккири, олимлар пешвоси бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг энг улуғ алломасидир.

Беруний билан Фазнада яшаган машҳур тарихчи Абул Файз Байҳақий (1077 йилда вафот этган) олимга баҳо бериб, бу одам илми адабда, нарсаларнинг моҳиятини аниқлашда, ҳандаса ва фалсафада шу қадар би-

лімдон әдікі, унинің замонида унға тәнглашадыган ҳеч ким йўқ әди. XIII асрда яшаган йирик олим Ёқут Ҳамавий таъбири билан айтганда, замона илм ва ақлда унға тенг келадыган бошқа одамни кўрмади.

Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроқи ва тафаккурини илму фан асосларини ўрганишга сарфлади. У ўзини қизиқтирган масалаларни синчиклаб ўрганиб моҳиятини билиб олишда ҳеч эринмаган, ҳафсаласи ниҳоятда зўр бўлган. Шунинг учун ҳам Шарқда Беруний ҳақида осойишталикни машаққатдан, кечани кундуздан ажратмаган, куни қалам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тили баён этишдан ҳеч қачон тўхтамаган, ўз таҳсилни ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларини берган, деган гацтарқалган.

Беруний ниҳоятда сермаҳсул, илмий фаолияти кўп қиррали ва бой қомусий олимдир. Академик И. Ю. Крачковский сўзи билан айтганда, у қизиққан соҳаларни санаб чиқишидан кўра, қизиқмаган соҳаларни санаб чиқиши осонроқдир.

Беруний 160 га яқин асар ёзган. Унинг асарлари астрономия, математика, география, геодезия, картографияга, об-ҳаво масалаларига, минерология, физика, доришунослик, тарих ва этнографияга, фалсафага, динга, риторика ва мусиқага, адабиётга, хулласи калом, илмнинг ҳамма соҳаларига бағишлиланган. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Минерология», «Геодезия», «Қонуни Масъудий» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. Беруний қайси бир фан билан шуғулланган бўлса, ўша соҳада инсоният учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган энг муҳим илмий ғояларни ўртага ташлаган, ҳам Шарқдаги, ҳам Фарbdаги ўзидан кейинги олиму мутафаккирларга жуда-катта таъсир кўрсатган.

Беруний табиат, унда чексиз равишда рўй бериб турадиган табиий ҳодисалар, жараёнлар хусусида муҳим илмий-фалсафий ғояларни илгари суради ва исботлаб беради. Оламда бўлиб турадиган ўзгаришлар, яъни тузилиш ва бузилишларнинг, пайдо бўлиш ва йўқолишлишларнинг ўзига хос сабаблари борлиги ҳақида табиий-илмий ва фалсафий мулоҳазаларини майдонга ташлайди. Табиий жараёнларда бўладиган имконият ва воқелик, моҳият ва ҳодиса, сабаб ва оқибат, шунингдек, ирсият ва ўзгарувчанлик масалаларига катта эътибор беради. Одамларнинг ранг, суврат, табиат ва аҳлоқда

турлича бўлишларининг асосий сабаби, олимнинг таъкидлашича, фақат насл-насабларининг турличалигида эмас, балки табиий-иқлимий муҳитларнинг — тупроқ, сув, ҳаво ва жойларнинг турличалиги ҳамdir.

Борлиқнинг абадийлиги, унинг доимий рaviшда ўзгариб туриши ҳақида ҳам Беруний ўз фикрини мукаммал баён этади. «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида, «Оlam азалий.. фалак чексиз бўшлиқقا жойлашган», — дейди. Алломанинг фикрича, ер, табиат азалдан ҳозирги ҳолатида бўлган эмас, бундан кейин ҳам шундай ҳолатда қолмайди. Узоқ йиллар мобайнида эволюцион ўзгаришлар туфайли еримизнинг ташқи қиёфаси, рельефи, фаунаси, набобати, об-ҳавоси, иқлими бир неча бор ўзгаради, дарёларнинг оқиши йўллари олдингидан бошқача бўлиб қолди, қуруқликда бир вақтлар бўлмаган кўллар, денгизлар ҳосил бўлди, баъзилари эса йўқ бўлиб кетди, тоғлар емирилди. Ана шу табиий сабаблар туфайли ўша жойдаги шароитлар ўзгариб кетди.

Беруний ердаги иқлимининг, мавсумларнинг ўзгариб туриши қуёшнинг ҳаракатига боғлиқ эканлигига ҳам эътибор берган. «Астрономия калити» асарида Беруний ернинг айланмаслиги ҳақидаги эскича тасаввурларни рад этади ва ер айланади, унинг ҳаракати қонуний рaviшда ва астрономик ҳодисаларга мувофиқdir, дейди.

Мутафаккирнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарида нур ва замон, нурнинг ҳаракати ва товуш ҳаракати, нур ва иссиқлик, нур ва қоронфулик, ой нури ва қуёш нури сингари масалалар ҳам баён этилган.

Беруний материя доим ўзгариб, ҳаракат қилиб, янгиланиб, турли шаклга кириб туриши, моддий нарсалар ва уларнинг ҳаракати абадий эканлигини алоҳида қайд қиласди. Унинг фикрича, оламда нарсалар ривожланиб туради, нарсаларнинг ниҳоясиз рaviшда яшириликтан юзага чиқиши ривожланишга далилdir.

Беруний коинотда Ердан, бизнинг ҳаётимиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги, ҳаракат зиддиятга асосланиши ҳақидаги илмий фикрларни ҳам илгари суради. Унингча, табиатда маълум қонуният бор, табиатдаги ҳодисаларни ўша қонуниятларга, табиатнинг ўзиға асосланиб изоҳ этиш, тушуниш керак. Табиатда ўз-ўзидан майдонга келиб чиқадиган гайриқонуний, тартибсиз нарса йўқ. Юзаки қараганда тартибсиз-

ликка ўхшаган ҳодисалар ҳам аслида маълум қоңунийят асосида майдонга келади.

Беруний Ер Қуёш атрофида айланади, деган хулосага келиб, оламнинг гелиоцентрик назариясини ёқлашга интилди. Берунийнинг дунё олдидаги энг катта хизматларидан бири шундан иборатки, у Галилейдан бир неча аср олдин Ернинг думалоқ шаклда эканлиги ва Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги фаразни ўртага ташлади. У астрономия, геология, гидростатика ва жўғрофия соҳасидаги рационалистик фикрлари билан Коперник, Леонардо да Винчи ва бошқа олимларнинг кашфиётларини кўп жиҳатдан олдиндан пайқаган эди.

Буюк мутафаккирнинг дунёни билиш мумкинлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, табиатни билишининг экспериментал методлари ҳақидаги фалсафий таълимоти ҳам жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Беруний таълимотига кўра, табиатни билиш жараёни сезгилардан бошланиб тафаккурга кўтарилади, маълум нарсалардан номаълум нарсалар ва ҳодисаларни билишга томон ривожланиб боради. Билиш жараёнида ҳиссий билиш — сезги, идрок, хотира кабиларга Беруний катта эътибор беради ва уларсиз табиат ҳодисалари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Билиш жараёнида кузатиш, таққослаш муҳим аҳамият касб этишини, бу масалада инсон хотирасининг ҳам аҳамияти борлигини Беруний бир неча бор қайд этган. Унинг таъкидлашича, хотираси яхши одам ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва ўнғайроқ эслаб қолади.

Беруний тарихий ҳодиса ва жараёнларни билишда инсон ёлгон-яшиқларга, нотўғри маълумотларга, юзаки хабарларга асосланмаслигини, масалаларни ҳар тарафлама, мукаммал билиши, ўрганиши зарурлигини айтиб ўтган. «Ҳиндистон» номли асарининг муқаддимасида бу ҳақда қўйидагиларни таъкидлаган: «Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлгон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш вақти нарса бор вақтнинг бир бўлаги билан чекланади.., ёзиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан

кўра шарафлироқ санаш мумкин; қаламнинг абадий излари бўлмаганда халқларнинг хабарларини қайдан билар эдик?!

Берунийнинг жамият, унинг истиқболи келажак са-ри ривожланиб боришида меҳнатнинг, илм-фан, маданият ва маънавиятнинг, инсон омилиниң роли ва аҳамияти борасида билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам бебаҳодир; файласуф олим ақл, меҳнат, эркин танлаш инсон ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди, деган. Инсон ўзидан бошқаларнинг ҳам баҳт-саодатини ўйлаши зарурлиги ҳақида гапириб «Минерология» асарида ёзади: «Инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат. Шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Инсон ўз хоҳишига меҳнат билан эришади».

Беруний жамият тараққиётини фан тараққиётида кўради, илм диний ва ҳудудий чегараларга қарамай инсон ва инсониятга, мамлакат халқларига хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайди. «Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим, билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим ортириш лаззатидан баҳраманд бўлдим, буни мен ўзим учун катта баҳт деб ҳисоблайман», — деб ёзган эди олим.

ЗАМАХШАРИЙ

Буюк мутафаккир Абу-л-Қосим Маҳдум ибн Умар ибни Муҳаммад аз-Замахшарий 1075 йилнинг 19 марта да Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган. У тибшунослик, лугатшунослик, адабиёт, аруз, жўкрофия, сафсир, ҳадис, фиқҳ ва илм алқироатга оид элликдан ортиқ асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Аз-Замахшарий араб тили ва адабиётини ўзининг чуқур таҳлил ва илмий мазмунга эга асарлари билан бойитди. Унинг асарлари илм-фаннынг кўпгина соҳаларини қамраб олган бўлиб, мазмунига кўра асосан қўйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: а) диний илмлар ва уламолар ҳақида; б) лугатшунослик; в) грамматика (нахв); г) аруз; д) адабиёт; е) мантиқ.

Тилшунослик ва грамматиканинг турли жиҳатлари-га оид асарлар аз-Замахшарий ижодида салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, араб тили грамматикасига оид

«Ал-муфассал» (1121 йил) номли асари араб тили наҳу сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Машриқу Мағрибдан шуҳрат топган. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким аз Замахшарийнинг ушбу асарини ёзиб олса унга беш минг кумуш танга пул ва сарупо қилишга ваъда берган. Яна бир асари «Муқаддимат ул адаб» тўғрисида «Ўзбек тили учун бу асар, бутун дунёning хазинаси билан баробардир, — деган эди Садриддин Айний. Олимнинг «Нотиқлик асослари» асари луғатшунослик соҳасига, «Эзгулик баҳори ва яхшилар» асари эса панду насиҳат, ҳикматларга бағишланган бўлиб, инсоннинг комиллигига хизмат қиласди.

Олимнинг «Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида»ги асари ўзининг умр бўйи илм излаб, сайёҳлик қилиб юрган пайтларидағи таассуротлари мажмудан иборатдир.

АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ЧУҚУР БИЛИМИ ВА ФАННИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИГА ОИД ЎЛМАС АСАРЛАР ЯРАТГАНЛИГИ САБАБЛИ ҲАЛИ ҲАЁТ ВАҚТИДАЁҚ БУТУН МУСУЛМОН ШАРҚИДА УНИ ХУРМАТ ВА МЕҲР БИЛАН «УСТОЗ УТ-ДУНЁ» («БУТУН ДУНЁНИНГ УСТОЗИ») «УСТОЗ УЛ АРАБ ВА АЛ-АЖАМ», ЯННИ «АРАБЛАР ВА ФАЙРИ АРАБЛАР УСТОЗИ», «ФАХРУ ХВОРАЗМ», «ХОРАЗМ ФАХРИ» КАБИ НОМЛАР БИЛАН АТАГАНЛАР.

УЛУҒБЕК

Номи Шарқ мусулмон оламидагина эмас, Фарбдаги христиан дунёсида ҳам бир неча асрлар мобайнида ёд этилиб ва эъзозланиб келинаётган буюк зотлардан бири соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли на-бираси, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли — **Муҳаммад Тарагай**— Мирзо Улуғбек ҳазратлари (1394—1449 йиллар)дир.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтадиган бўлсак, Амир Темур наслидан чиққан Улуғбекдек сultonни олам ҳали кўрган эмас.

Мирзо Улуғбек—султонлар ўртасида донишманд, донишмандлар тепасида эса султон сифатида тарихда маълум ва машҳурдир.

Жаҳонда Улуғбек номи билан шуҳрат қозонган **Муҳаммад Тарагай** 1394 йил 22 марта туғилди. Бобоси Амир Темурнинг катта хотини Сароймулк—Бибихоним тарбиясини олиб улғайди. Амир Темур унга алоҳида эътибор билан қараган. Саройда бўладиган маслаҳат-

лар, олимлар билан бўладиган учрашувлар ва сухбатларда, чет эллардан келганларни қабул қилишлар, шунингдек, ҳарбий машқлар ва юришларида Улугбекни иштирок эттирган. Амир Темур ўз набираси Улугбекни қиличбоз саркарда эмас, балки буюк олим бўлиб етишишини орзу қилган ва шу йўлда унга ҳомийлик қилган.

Мирзо Улугбек ёшлик пайтлариданоқ қаерда бўлмасин, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, уламолар, шайхлар, дунёга таниқли алломалар даврасида бўлган, илмий баҳслардан маънавий баҳра олган, илҳомланган, улардан кўп нарса ўрганган, аста-секин кўзи пишиб, ақли теранлашиб, фикран бойиб, дунёқараши кенгайиб ва чуқурлашиб борган.

Буюк бобоси Амир Темур вафот этган пайтда 15 ёшда, Мовароуннаҳри бошқаришдек оғир, мураккаб вазифа топширилганда Мирзо Улугбек эндигина 19 ёшга тўлган эди. Аммо унинг подшоҳлиги темурийлар салтанатининг саодатли даври саналади.

Ута мураккаб, алғов-далғовли ва зиддиятли бир шароитда яшаган ва шаклланган Улугбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳәётини бошқариш билан бир қаторда илмий ишлар билан шуғулланган, олимларга раҳнамолик қилган, ўз устида тинимсиз ишлаб, ўтмиш илмий билим хазиналарини тинмай ўрганиш, мутолаа қилиш, илмий-фалсафий тафаккурини мутассил кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан машғул бўлган. Улугбек Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний сингари ўтмишдошларининг фалсафа, мантиқ, тарих, математика, астрономия, табиатшунослик ва фиқхга оид асарларини катта қизиқиши билан ўрганди. Юнон олимларидан Платон, Аристотель, Птоломейнинг классик асарлари билан танишди. Илм-фан ва маданиятнинг, тарих илми ва фалсафанинг Улугбек эътиборидан четда қолган бирон-бир соҳаси бўлган эмас.

Ўтмиш аждодлардан, хусусан, Марказий Осиё қомусий ақл эгаларидан қолган маданий мерос, умуминсоний мазмундаги маънавий қадриятлар Улугбек илмий-фалсафий дунёқараши ривожида манба бўлиб ҳизмат қилди. Улугбекнинг билими ва тафаккури замондошларидан бир неча бор ўзиб кетган эди.

Улугбек бошқа кўпгина ҳукмдорлардан фарқли, ўлароқ, ҳам давлат арбоби, ҳам асл олим сифатида

фаолият күрсатди, олимликни арбоблик, арбобликни олимлик билан қўшиб олиб борди, илму амал йўлини ўз фаолиятида бирлаштириди.

Давлат арбоби сифатида қурилиш ишларини ҳаддан ташқари ривожлантириди, пойтахтни меъморчилик санъати билан безади, улкан бинолар билан обод қилди, ўзигача бошланган қурилишларни ниҳоясига етказди.

Улуғбек замонасида Самарқандда «Шоҳи Зинда», «Гўри Амир» мақбараси сингари йирик архитектура ансамбллари, Регистонда катта хонёқо, бир қанча ҳамом ва кутубхоналар қурилди. Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдо ривожланди. Унинг Фармонига биноан 1420 йилда Бухоро ва Самарқандда, 1432—1438 йилларда Фиждувонда мадрасалар қурилди.

Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат, тарих, фалсафа, тиббиёт билан бир қаторда математика, астрономия ҳам тез ривожланди.

Ўзи алломай жаҳон ҳисобланган Мирзо Улуғбек фан ва маданият тараққиётига алоҳида аҳамият бериб, атрофига ўз замонасининг энг буюк олимлари—атоқли астрономлар ва математикларни тўплаб, улар билан яқин илмий мулоқотда бўлиб, илмий йўналиш ва йўлйўриқлар бериб турди.

Улуғбек даврида «Зубдат ут таворих» (Салномалар қаймоги) номли ажойиб асар ёзган тарихчи Лутфулла Ҳофизи Абру (1431) йилда вафот этган), «Ат-тарифати Журжоний» номли фалсафий рисола муаллифи Али ибн Муҳаммад Журжоний (вафоти—1413), машҳур тиббиёт олими Мавлоно Нафис, лирик шоирлардан Сироҳиддин Басотойи Самарқандий (1412 йилда вафот этган), Ҳаёлий Бухорий (1449 йилда оламдан кўз юмган), 1409—1410 йилларда ёзилган «Юсуф ва Зулайҳо» достони муаллифи Бадахший Дурбек, қасида жанрини вужудга келтирган Саккокий (1465 ёки 1468 йилда вафот қилган) ва бошига кўплаб таниқли олим ва санъаткорлар яшаб ижод этишган.

Математика ва астрономия илмида пешқадам, «Афлотуни замон» лақабига сазовор бўлган Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, таниқли математик ва астроном Ғиёсииддин Жамшид ибн Масъуд, унинг ўғли Мансур Коший, ўз даврининг Птоломей деб ном олган Али Қушчи, Мираб Чалабий сингари йирик олимлар ҳам Улуғбекнинг раҳбарлиги остида самарали илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Улуғбек фан ва маданиятда, айниқса, математика ва астрономия илмида мавжуд бўлган имкониятларни, илмнинг ҳамма соҳалари бўйича ўта қобилиятли ва истеъодди олимларнинг борлигини эътиборга олиб янги олий мактаб — илму тафаккур марказини яратишга қарор қилди. Ана шу мақсадда қурилган мадрасалар ичида энг муҳташами ва машҳури — Самарқанддаги Улуғбек мадрасасидир. 1420 йилда мадраса очилган куни биринчи бўлиб маърузани Мавлоно Шамоиддин Муҳаммад Хавофиий мударрис сифатида ўқиган. Муҳаммад Хавофиийнинг олимлардан 90 киши иштирокида ўқиган маърузасини ўта чуқур маъноли, жуда мураккаб, илм-фаннынг барча соҳаларини қамраб олганлити ҳамда муаммоли тарзда бўлганлиги сабабли Улуғбек билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмаган.

Замонасининг дорулфунуни ҳисобланган Самарқанд мадрасаси ҳамда бошқа мадрасаларда Қуръон, Ҳадис, тафсир, фиқҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари билан бир қаторда риёзиёт, хандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва унинг грамматикаси каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Мадраса ўз даврининг иирик илмий марказга айланган. Улуғбек иирик олимлар ва кўпчилик шогирдлари билан бирга мунтазам илмий ишлар олиб борган.

Улуғбек 1424—1428 йилларда Самарқанд яқинидаги Обираҳмат анҳори ёнидаги тепаликда расадхона қурдирди. Олимларнинг қойил қолиб айтишларича, Самарқандда барпо этилган Улуғбек расадхонасига ўзининг жиҳози, илмий ютуқлари билан тенглаша оладиган расадхона жаҳонда на ундан олдин, на ундан кейин ҳам яратилган эмас. У аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат қозонган. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 қўзғалмас юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадваллари тузилган. Улуғбекнинг астрономик жадвали ва унинг раҳбарлигига бино қилинган расадхона ўша давр астрономия фани ютуқларининг чўққиси бўлиб, фан тараққиётида чуқур из қолдирди.

Қомусий билим эгаси бўлган Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, мусиқашунослик, фиқҳ, тарих илмлари соҳасида ижод қилган. Мирзо Улуғбек «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисола дар илми мусиқа», «Рисолаи Улуғбек» номли асарлардан ташқари

«Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») деган йирик тарихий китобнинг ҳам муаллифидир. Олимнинг номини бутун дунёга ёйган, унга шон-шухрат келтирган бебаҳо асар — «Зижи жадиди Кўрагоний»дир. Бу асар Улуғбекнинг йигирма йил давомида олиб борган астрономик кузатишлари натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатdir. Улуғбек ўлимидан кейин икки юз йил давомида бу жадвал ўзининг аниқлиги ва илмийлиги билан тенги йўқ ҳисобланаб келган.

Мирзо Улуғбек ҳаёти, амалий фаолияти илм-фан тараққиётига бағишиланган эди. У илм ёрдамида кела-жакни олдиндан кўрди. Улуғбекнинг астрономия ва бошқа фанлар соҳасидаги кашфиётлари ва илмий таълимотлари инсониятнинг кейинги илмий тафаккури ривожига фавқулодда муҳим замин тайёрлаб берди.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишиланган тантанали йиғилишда (1994 йил 15 октябрь) сўзлаган нутқида Президентимиз айтганидек, «Тақдир бу улуғ зотнинг зиммасига беҳад улкан ва машаққатли вазифалар юклади. Буюк саркарда Амир Темур бунёд этган салтанатнинг вориси бўлишдек мислсиз синов айнан унга насиб этди. Ўзининг чексиз ақл-идроқи, азму қатъияти, одилона сиёсати билан Мирзо Улуғбек қарийб қирқ йил мобайнида Мовароунаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори бўлиб, халқларнинг азалий орзуси — тинчлик, тотувлик, ҳар томонлама тараққиётни қарор топтириш йўлида мислсиз шижаот ва матонат кўрсатди¹. Унинг умумбашарий қадриятларга қўшган ҳиссаси бекиёс бўлиб, у бугунги кунда ҳам ҳаётимизда улкан аҳамият касб этмоқда ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ошириш йўлида катта хизмат қилмоқда.

НАВОИЙ

Жаҳон фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккирлар орасида **Алишер Навоий** (1441—1501 йиллар) фахрли ўрин эгаллайди. Навоий ўзининг кўп қиррали ижтимоий-сиёсий, бадний, илмий-фалсафий фаолияти билан маънавиятимизнинг порлоқ юлдузига айланди.

Улуғ ўзбек шоири, олими ва мутафаккири Алишер

¹ И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият, 96-бет.

Навоийнинг илмий дунёқараши, фалсафий таълимоти у яшаган ва ижод этган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий муҳит ва шароитлар таъсирида шаклланди ва ривожланди.

Навоий мавжуд барча илмий билимлар, ижтимоий-фалсафий тафаккур, маданий-маънавий бойликларни болалигиданоқ тинмай ўрганди, уларга катта ҳурмат билан қаради. У башариятнинг буюк мутафаккирлари яратиб кетган илмий дурдоналарни излади, топди, ўқиди. Алишер уч ёш билан тўрт ёшнинг орасида шеърлар ёд олади ва ҳурматли кишилар орасида уларни ўқиб, даврадагиларнинг ҳайрати ва олқишиларига сазовор бўлади. Болалик чоғида, ҳали мактаб ўқувчиси эканлигидаёқ Фаридулдин Атторнинг машҳур фалсафий асари «Мантиқут-тайр»ни бошдан оёқ ёдлаб олади, унинг таъсирига бутунлай берилиб кетади, сеҳрланиб қолади. Бу ҳақда у ўзининг «Лисонут-тайр» («Қуш тили») китобида шундай дейди: «Шу аҳволда кўп вақт у билан машғул бўлиб, бу дафтарга эътиқодим тобора ортар эди. Шундан сўнг, мен кишилар билан улфат бўлишдан қочдим. Бу китоб ҳилватдаги энг қадрдон сирдошим бўлиб қолди. Натижада кишиларнинг яшаш тарзлари ва ҳаракатлари таъбимга малол кела бошлади. Оқибат бу китобга бўлган ишқим мени шу хил шайдолик сари етаклади. Бу савдо мени девона бир ҳолга солиб, мен, узлат эшигини очай ва бу оламнинг бемаъни элидан қочай, дедим». Ота-онаси унинг бу ҳолатидан ваҳимага тушиб, жинни бўлиб қолмасин деб қўрқишиб, у китобни Алишернинг қўлидан тортиб олишади, уни ўқишини бутунлай таъқиқлашади. Лекин бу асар Алишерга аллақачон ёд бўлиб қолган, кўнгли қуш тили билан сирдош бўлиб, ундан бошқа сўзга майли қолмаган эди.

Алишер йигитлик чоғаридаёқ эллик минг байт шеърни ёд олган, 12 ёшидан бошлаб ғазал билган, 20—25 ёшларидаёқ туркий элга, нафақат туркий балки форсий элга ҳам ардоқли бўлган, довруғ таратган.

Навоий ижоди ва илмий дунёқарашида Шарқ мамлакатлари ва қадимги Юнонистоннинг маданияти ва фалсафаси ўзининг чуқур илмий ифодасини топган. Бу унинг «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» номли асарлари, кўпчилик шеърий китoblари, девонларида очиқ-ойдин кўринниб турибди.

Навоийнинг бадиий ижоди ва илмий тафаккури, ижтимоий-фалсафий қарашлари, Шарқ Уйғониш даври

тарбиялаб етиштирган Аҳмад Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улугбек, Юсуф Хос Ҳожиб сингари қомусий ақл эгалари, тафаккур титанлари фалсафий таълимотларининг қонуний давоми ва ижодий такомилининг янги босқичи сифатида юзага келди.

Алишер Навоий Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Низомий-Ганжавий, Дурбек, Атоий, Саккокий, Лутфий, Аҳмад Яссавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа мутафаккирларнинг таълимотлари, анъаналяри, асарларидан чуқур таъсирланган, баҳраманд бўлган.

Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарининг «Назм гулистонининг хушвозд қушлари», яъни шоирлари деб аталмиш ўн олтинчи фаслида форсий ибора билан сирлар жавҳарини тузувчи Шайх Фариуддин Аттор, валийлик денгизининг гавҳари Мавлоно Жалолиддин Румий, маъно аҳли сўз пардоҷиси Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, тасаввуфда нозиклик ва мушкуллик чигалини ёзувчи Шайх Заҳириддин Саноий, ҳақиқат аҳлининг ягонаси Шайх Авҳариддин, сўз билан ҳар қандай чуқур маъноларни ифода қилган Ҳожа Шамсиддин Муҳаммад Хоғиз каби ажойиб ва азиз зотлар ҳақида тўхталади. Ана шу шарафли зотлар хусусида гапириб, назмларининг ифодаси ниҳоятда қутлуғ, ғоят ёқимли ва улуғdir, истаган одам буларнинг шеърларидан сўз мўъжизаларини топа олади, дейди.

Алишер Навоийнинг илмий-фалсафий дунёқарашининг шаклланиши ва ривожланишида, буюк мутафаккир бўлиб дунёга танилишида унинг замондоши, яқин дўсти ва устози Абдураҳмон Жомий бевосита иштирок этган. Навоий унга катта муҳаббат билан қараган, унинг чуқур ақли ва бой тафаккурини эъзозлаган. Навоий номи юқорида зикр этилган асарининг ўша жойида Мавлоно Абдураҳмон Жомийни назм аҳлининг пешвоси ва раҳбар устози, ҳазрати шайхулислом, миллат ва диннинг нури, деб юқсак даражада баҳолайди.

Кўринадики, Навоийнинг илмий дунёқарashi, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари фавқулодда шаклланган эмас. Навоий ғоятда сермазмун, шаклан хилмалил ва ўта таъсирчан бадиӣ ҳазинасини ва илфор дунёқарашини қадим вақтлардан тортиб то ўз даврига қадар ривожланиб келган маданий-маънавий бойлиқ, илмий-фалсафий таълимотларни чуқур ўрганиш, ўзлаштириш ва улардан ижодий фойдаланиш 'асосида

яратган. Шу билан бирга у ўтмиш маданий бойликларини шунчаки ўзлаштириб, олдинги савияси ва дара-жасида қолдириб кетмаган, уни кўп жиҳатдан жуда юксак поғонага кўтарган, беҳисоб кўп янгиликлар билан бойитган ва такомиллаштирган.

Алишер Навоий умр бўйи ижтимоий-сиёсий фаолият билан ўта банд бўлишига, давлат ишлари билан машғул бўлишига қарамасдан шу қадар катта ва бой бадиий, илмий-фалсафий мерос қолдирдики, бу нафақат унинг замондошларини балки ҳозирги авлод кишиларини, бутун инсониятни ҳам ҳали-ҳануз ҳаяжонга солиб келмоқда. Бу хазинанинг асосини ўзбек тилида ёзилган 45 минг мисрага яқин шеърлардан иборат «Хазойинулмаоний», форс-тожик тилидаги 12 минг мисрадан зиёд «Девони Фоний», 6 фалсафий қасидадан иборат «Ситтай зарурия» («Олти зарурият»), сўз санъати ва тафаккурининг «Хамса», «Лисонут тайр», «Мажолиссун-нафоис», «Мезонул-авзон», «Мұҳқаматул-луғатайн» каби дурданаларидан иборат бадиий ва илмий асарлар ташкил этади.

Навоий Форобийга ўхшаб фалсафанинг ҳамма муҳим назарий ва амалий масалаларини қамраб олган маҳсус асар ёзган бўлмасада, унинг деярли ҳамма назмий ва насрый асарларида фалсафий ўғит ва қоидалар лиммолимдир.

Ўрта асрнинг, илк уйғониш даврининг, бир қатор улуғ мутафаккирлари Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд сингари алломалари бўлгани каби Навоий ҳам бутун олам, борлиқ, коинотнинг худо томонидан яратилганини эътироф этади. Бутун дунё, шу жумладан табиат ва жамият ҳам, унинг фикрича, Оллоҳнинг намоён бўлиши, зуҳур этилишидир. Унинг бу фикри тасаввуф фалсафасидаги, худо бутун мавжудоднинг, борлиқнинг яратувчиси, қолган ҳамма нарса, жумладан инсон ҳам унинг зарраларидир, деган қоидага тўла асослангандир. Тасаввуф фалсафаси қоидасига кўра инсон томонидан яратилган бўлиб, бошқа маҳлуқотлардан фарқи — у илоҳий ақлга эгадир.

Оламнинг яратилишидан бош мақсад, А. Навоий таъкидлашича, инсондир. Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Олам кўрки бўлган инсон вужуди, табиатдаги бошқа нарсалардан, ўтдан, сувдан, ҳаводан, тупроқдан ташкил топгандир. «Сабъан сайёр»да бу

ҳақда «Унсур жазоси бўлса ҳақнишин, тупроғу ўту суву елга яқин»,—деб ёзган эди. Навоий таъкидлашича, инсонга хис, руҳ, ақл бордирки, унинг бу руҳий ҳаёти ўша тўрт унсурдан таркиб топган баданлар—жисмлар томонидан ҳаракатга келтирилиб туради. Жон ва руҳни тан ва жисмдан ажратиб бўлмайди, улар ўзаро бир бўлганиларни учун тирикдир.

Алишер Навоий инсонга биологик ҳодиса сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудод тариқасида қарайди ва баҳо беради. Ижтимоий мавжудод ҳисобланган инсоннинг хулқ-атвори, дунёқараши, одоб-ахлоқи, маънавий қиёфаси ижтимоий муҳитга боғлиқ. Инсон ижтимоий муҳит ҳосили сифатида шаклланиб, камолотга эриша боради. Бошқача қилиб айтганда, инсонни ижтимоий мавжудодга айлантирадиган ҳал қилувчи омил жамият, муҳит, ижтимоий шароитлардир.

Навоийда инсон юксак даражада улуғланади, олий мавжудод деб таърифланади. Унинг тасвирлашича, инсон оламдаги бутун нарсалардан устун туради, дунёда унга тенг келадиган ҳеч нарса йўқ.

Алишер Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала—инсон, ҳалқ, ватан, уларнинг гуллаб-яшнаши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва унинг тақдири, ҳалқ ва унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қиласидаги кишиларни улуғлади. Одамлар хурсандчилигини ўз хурсандчилиги, нохушлигини нохушлиги деб ҳисоблайдиган кишилар ҳақида ўзининг самимий фикрларини баён этади. «Одами эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ ҳалқ ғамидан ғами» Бироннинг ўлимидан севинган одам ё гўрков, ё ювгувчи, ёки жаллод бўлади. Уларнинг қайси бирини тасаввур этсанг ҳам табиатнинг кўрки нафрат билан тўлади. Лекин бирор сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан сенга жон бағишламоқчи бўлсаю, лекин гап билан буни ифодалай олмаса, яхшиликни тилга олганнинг ўзи киши таъбига осойишталик бағишлади.

Алишер Навоий инсонни бутун коннотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудоднинг тожи, деб билади. Бутун мавжудоднинг олий нуқтаси бўлган инсоннинг одоб-ахлоқли, камтар, муруватли, ростгўй, меҳнатсевар, саҳий бўлишини алоҳида таъкидлайди. Навоий меҳнатсеварликни улуғлади, текинхўрликдан нафратланади.

Навоий дәҳқонларга жамиятнинг асосий моддий

бойликларини яратувчи күч деб қарайди, уларнинг меҳнатини юксак даражада баҳолайди. Дехқон меҳнатидан ҳамма тирик жон баҳра олади, дехқон ҳаммага ризқ берувчиidir. Бу жиҳатдан унинг «Маҳбубул-қулуб» асарида айтган қўйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «...Дехқонки тузлук била дон сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочган донаси кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб маҳсулини кўтаргунча, қурту қуш андин баҳраманд, дашт ваҳшийлари анинг била хурсанд. Мурлар уйи андин обод... Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг андин ёруб кўзи».

Навоийнинг тушунишича, мамлакатнинг ободлиги, иқтисодий, маданий сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлиги элу юртнинг тинч-осойишталиги, одамларнинг фаровон ҳаёти кўп жиҳатдан юртбошига, унинг адолати, ҳалол покизалигига, инсофу диёнатига боғлиқ. Адолатли подшоҳ ҳақ қаолонинг халойиққа кўрсатган марҳаматидир, бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир, дейди. Подшонинг бутун фикри-зикри, асосий эътибори элнинг осойишталиги, фаровонлиги, юртнинг ободонлигига қаратилиши зарурлиги ҳақида гапириб, эслатиб ўтганимиз «Маҳбубул-қулуб» асарининг биринчи фаслида шундай дейди: «Одил шоҳ қуёш билан баҳор ёмғиридек қора тупроқдан гуллар ва мамлакат халқи бошига олтин билан дур сочади. Қамбағал ва бечора одамлар унинг яхши, мулоим муюмласидан роҳатда; золим амалдор ва миршаблар унинг сиёсати тифидан қўрқувда. Адолатли шоҳ шундай қўриқчики, унинг сояйи давлатида қўй-қўзилар бўри хавфидан омон; ёмонларга шафқатсизлигидан йўлдаги мусоифирлар йўлтўсрарлар ваҳимасидан эсон. Марҳаматидан мактабларда болалар шовқин-сурони... Ҳайбатидан йўлларда қароқчилар йўқ ва халқ моли билан тўлиқ. Забтидан амалдорлар қалами синиқ ва золимлар байроби йиқин.... Қасоскор тифидан ўғри қўли эл молига етмайди... Савдо қилиш учун кун бўйи дўконларда шамъ ўчмайди, олди-сотти қилувчилар кўчаларда безорилар дайдишидан қўрқмайди... Шаҳарда кўчалар посбони у, далада қўйлар чўпони у. Аҳолининг ҳовлибоги унинг шарофатидан обод... Қампиrlар ип йигиранкан, чарх созига жўр бўлиб, унинг ҳақига дуо ўқийдилар... Фақирлар унга дуо-таҳсин ўқиб, эркалик қиласидилар. Шоҳ эса очиқ қўллилик билан фуқарога саховат

қиласи ва уни сийлайди... Адолатиарвар шоҳ халқни рози қилса, ҳақ-таоло шоҳдан рози бўлади...».

Алишер Навоий, айтиб ўтилганлар билан бир қаторда, билишинг мазмун ва моҳияти, асосий босқичлари, ўзига хос хусусиятлари ва мураккабликлари борасида ҳам ўзининг ажойиб фикрларини баён этган. Академик В. Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби» асарида айтишича, Навоий одам танасини мустаҳкам бир қалъага, объектив реалликни эса шу қалъани ўраб олган ташқи оламга, ақлни эса шу қалъада турган шоҳга, инсоннинг беш сезгисини шу қалъа — шоҳини мамлакат билан боғлаб хабар бериб турадиган беш йўлга, беш муҳбирга ўхшатади.

Инсон ўзининг беш сезги аъзолари орқали ташқи моддий дунё билан алоқа боғлайди ва у тўғрида аниқ маълумотларга эга бўлади, уларни миясида тафаккури ёрдамида умумлаштиради, қайта ишлайди, сўнгра муайян хўлоса чиқаради, дейди у.

Мазмун билан шакл, уларнинг бир-бирига бўлган муносабати, диалектик алоқадорлиги, бирининг иккеничисига нисбатан мавқеи ҳақида Алишер Навоий баён этган фалсафий таълимот ҳам таҳсинга сазовор. Мазмуннинг шаклга нисбатан устиворлиги ҳақида айтган фикри чуқур маънога эга. Навоий таълимотининг моҳияти шундан иборатки, маъно—воқеликдир, асосдир. Лекин маъно—мазмун ҳеч қачон шаклсиз бўлмайди. Шакл, унинг айтишича, маъно учун хизмат қиладиган, унинг муваффақиятини, тақдирини ҳал этишда яқиндан иштирок этадиган бамисоли либосдир. Навоий шу тариқа мазмунни бир гўзалнинг танасига, шаклни эса кийимига, либосига, унга бериладиган безакка қиёслайди.

Алишер Навоийнинг иқтисодий омиллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш, моддий бойликларни яратиш, фан ва маданият, таълим-тарбия, ижтимоий адолат, одоб-ахлоқ ҳақида баён этилган фалсафий фикр-мулоҳазалари ўзинг ижтимоий масалалар моҳиятини тушунишда юқори нуқтага кўтарилганлигидан далолат беради. Жамият ҳақидаги жуда кўплаб масалаларда у ўз даври ва замондошлиридан анчагина ўзиб, илгарилаб кетди. Бу унинг даҳо санъаткор, буюк мутафаккирлигининг ёрқин исботидир. Навоий ижод этган XV аср Марказий Осиёда Уйғониш даврининг сўнгги аспи бўлган, деб айтиш мумкин.

Шарқ Уйғониш даврида форс-тожик тилида ҳам жуда бой ва ранг-бараг илмий-фалсафий адабиётлар вужудга келди, у жаҳон илм-фани ва маданияти хазинасига бебаҳо дурданалар қўшди. Бу даврда Абу Абдулло Рудакий ва Абулқосим Фирдавсий, Носир Хисрав ва Умар Хайём, Муслиҳиддин Саъдий ва Хоғиз Шерозий, Хисрав Дехлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби дунёга маълум ва машҳур сўз санъаткорлари, атоқли файласуф олимлар кетма-кет етишдилар. Тарих, филология, фалсафа, бадиий адабиёт мисли кўрилмаган даражада юксалди, янги илфор ғоялар олдинга сурилди. Бугунги кунга қадар ўзининг илмий-амалий, таълимтарбиявий аҳамиятини йўқотмаган, умуминсоний қадриятга эга бўлган, мазмунининг бойлиги, жозибадорлиги, ўта таъсирчанлиги ва бадиий қуввати билан кишини ҳайратга солувчи рубоийлар, ғазаллар, қисса ва ҳикоялар, фалсафий байтлар, назмий на насрий дostonлар шу даврнинг бадиий, фалсафий маҳсулидир. Бу давр дунё маданияти тарихида сўнмас из қолдирган, ўз жозибаси ва бой мазмуни билан ҳазирги авлодлар учун ҳам зўр завқ манбаи бўлиб келаётган «Синдбоднома», «Калила ва Димна», «Жўйи-Мўлиён» «Қарилиқдан шикоят», «Шоҳнома», «Бўстон» ва «Гулистон», «Зафарлар калити» ва «Фалакнинг тўққиз гумбази», «Уч саволга жавоб», «Борлиқ тўғрисида рисола», «Талаб бўйича китоб» ва «Наврўзнома», «Ирфон», «Чор унсур» ҳамда «Нуқот» каби мумтоз асарлар, ғоятда нафис ва гўзал рубоийлар, етук бадиий-фалсафий рисолалар билан маълум ва машҳурдир.

Инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, маданият ва маънавият ҳақидаги умуминсоний муаммолар, қадриятлар, инсониятнинг айни давридаги ҳаёти, жамиятнинг истиқболи тўғрисидаги фалсафий фикр-мулоҳазаларни баён этиш ва илмий асослаш, барча давр мутафаккирларида бўлганидек, форс-тожик мумтоз адабиёти намоёндалари ижодининг ҳам марказида турган эди. Муборак номлари юқорида қайд этиб ўтилган Шарқ мутафаккирларининг ижодида ама шу фалсафий ғояларни илм-фан ютуқларига асосланиб баён этиш устиворлик қилган.

Аҳмад Фарғоний, Мусо Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Улуғбек, Навоийдек комусий ақл эгалари сингари Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Мирзо Бедил сингари ва бошқа форсигўй алло-

малар ижодига назар ташланса уларда энг аввало (албатта, бирисида күпроқ, бошқасида озроқ) ватанпарварлик ва инсонпарварликни, тинчлик ва осойишталикини, инсоний фазилат ва қадр-құмматни күйлаш, васф этиш асосий ўрин тутганлиги яққол күринади.

Форс-тожик мутафаккирларининг ҳаммасига хос муштарақ жиҳатлардан бири — тангри барча мавжуудодларнинг яратувчисидир, у мангу барҳаёт бўлиб, ундан бошқа ҳамма нарса ўткинчидир, деган диний ишонч ва эътиқоддир. Бундан ташқари уларнинг ҳаммаси бутун олам—осмон, сайдерлар, табиат, жумладан инсоният дунёси ҳам ўзаро боғлиқ ва алоқадорликда бўлиб, уларнинг асоси, моддий негизини тўрт унсур ташкил этади деб айтишади.

Фирдавсий «Шоҳнома» асарида дунё тўрт унсур (олов, сув, ҳаво, тупроқ)дан яратилган, тўрт унсурнинг мояси Яздондандир, аввал ўт яралган, сўнгра қуруқлик, совуқлик, аниқ унсурлар, ҳаёт вужудга келди, инсон яратилди, дейди. Фирдавсий томонидан айтилишича, Аллоҳнинг құдрати билан ана шу бир-бирига зид тўрт нарса инсон вужудида бир бутун ҳолда бирлашиди. Унингча, олам ҳар хил «Ажойиб кўркамли» жисмлар билан тўла, «ер нур сочувчи, бир ёнар чироф бўлди», табиат гўзал бир бўстон сифатида яратилди.

Мазкур адид ва алломаларнинг илмий-фалсафий меросларидан материянинг йўқолмаслиги, унинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиб юриши, жонли ва жонсиз табиат ўртасида чегара йўқлиги, объектив дунёнинг киши онгидан ташқарида мавжудлиги, унинг абадий ва азалий эканлиги эътироф этилган.

ХАЙЁМ

Умар Хайём (1048—1131)—Шарқнинг буюк олим, файласуф шоири. Нишопурда туғилган. Хайём фалсафани қойилмақом бадий ифодалаган буюк алломадир. Буни унинг қуйидаги чуқур фалсафий маъноли рубоийсида кўриш мумкин:

Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

Умар Хайём моддий дунё бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди, ўзининг қонуниятига асосан ўзгариб, ри-вожланиб, тусланиб туради, дейди. Унинг айтишича, одам ўлганидан кейин тупроққа айланади, заминда инсон танасининг зарралари бор, улар ердан униб чиқсан гиёҳлар, кўкатлар, экинлар тарзида яна одам танасига ўтади, материя шу тарзда айланниб, ҳаракат қилиб юради. Бу ҳақда у,—«ариқ лабидаги ҳар гиёҳ кўкат, ма-лакдай гўзалнинг юзидағи хат, бу сабза лоладек юзлар тупроғи, сабзага авайлаб оёқ қўй фоят»,—дейди.

Улуғ мутафаккир ўзининг машҳур рубоийларида биз босиб юрган тупроқнинг ҳар бир гарди қачонлардир шоҳларнинг боши ё гадонинг қўли ёки гўзалларнинг кўз қорачиғи бўлганини моҳирона баён этади. Файласуф бу фикрини кўза тимсолида ифодалайди: одам ва-фот этиб танаси тупроққа айланниб кетгач, ундан бошقا нарсалар қатори кўзалар ҳам ясалиши мумкинлигини таъкидлайди.

Форс-тожик адабиётининг қатор шоир ва олимлари сингари Умар Хайём ҳам ўз даври учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган илмий-фалсафий муаммоларни ечишга астойдил ҳаракат қилган. Инсоннинг дунёга келиб яшашдан мақсади нимадан иборат, деган саволга ўзи-ча жавоб берган. Умр ғанимат, дунёда бир марта яшайсан, ҳамонки шундай экан, қўлингдан келса қайфу-алам чекма, шодликда яша, умрингни қувноқлик билан ўтказ, деб уқтиради.

Дунё доимий ўзгариш ва ҳаракатда, бузилиш ва янгиланишда, ҳаётдаги тамоман ҳар бир нарса ва ҳо-диса ўзаро қарама-қаршиликда, бир-бирини рад этиш-дадир, деган фоят даражада муҳим фалсафий фоя форс шеъриятининг отаси деб улуғланувчи Рудакийдан бошлаб Абулқосим Фирдавсий, Муслиҳиддин Саъдий ва Мирзо Абдулқодир Бедилгача бўлган ҳамма мутафак-киларга хосдир.

Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий ва бошқа ўрта аср мутафаккирлари каби форс-тожик ал-ломалари ҳам ўз асарларида инсонни ерга урадиган хислатлар—дилозорлик, нодонлик, жоҳиллик, мұнофиқ-лик, хиёнат, ҳасад, фийбат, фирибгарлик ва текинхўр-ликни қаттиқ қоралаган эдилар. Улар инсонда мард-лик, жасорат, иймон-эътиқод бўлишини, қаҳрамонликни, раиятга фамхўрлик кўрсатишни, ватан учун жонфи-доликни орзу ва тарғиб қилганлар. Инсоният бадиий

тафаккурининг улуғ меваси, жаҳон адабиётининг энг буюк достони бўлган **Фирдавсий** «Шоҳномаси» бунга яққол мисол бўлади. «Шоҳнома»нинг Кова, Жамшид, Рустам каби афсонавий қаҳрамонлари қанчалик оғир, машаққатли бўлмасин ўз ғояларини ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга шай турадилар. Фирдавсий тасвирлашича, Жамшид узоқ вақт подшолик қиласи, унинг даврида одамлар шод ва ҳуррам яшайдилар; на ўлим, на касаллик, на қарилек нималигини билмайдилар. Одамлар фаровонлиги, юртнинг обод ва осудалиги йўлидаги ҳар қандай азоб-уқубат ва қийинчиликлар Жамшидни бошлиган йўлидан ортга қайтара олмайди. Фирдавсий инсонга хос мардлик, иродалик, журъат, қатъиятлик, қаҳрамонликни Жамшид образида жамлаб тасвирланган.

Фирдавсийнинг ажойиб қаҳрамонларидан яна бири Рустамдир. Унинг куч-қувватига бардош бера оладиган бирорта ҳам паҳлавон йўқ. У енгилмасдир. Ватанга душман бостириб келса, халқ бошига азоб-уқубат, мушкулот тушса, ҳаммасига Рустам балогардон. Шоҳлар бас келолмаган ишга Рустам боради, катта-катта қўшиниларни ўзи якка енгади. У дунёга донғи чиқсан қаҳрамонларни, ҳатто ғайри табиий қудратга эга бўлган паҳлавонларни, Пашангларни, Ашгубсларни, девларни, жодугарларни, аждаҳоларни бирёзлик қиласи. Рустамнинг жангларда енгилмаслиги душманларга таслим бўлмаслигининг асосий сабаби ва манбаи—унинг ватанига бўлган меҳри, халқига муҳаббатидир. Ана шу меҳру муҳаббат Рустамнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшади, енгилмас ботирга айлантиради. У ватанини, озод ва эркин, халқини тинч, осуда ва фаровон кўришини ўзи учун баҳт деб билади. Рустам ўз жонини, оилаий ҳаёти ва баҳтини ватанига тиккан, халқи учун баҳшида этган буюк қаҳрамон тимсолидир,

Халқларнинг дўстликда, иноқликда яшашини кўриши, қирғинбарот урушларга, қон тўкишларга йўл қўймаслик Рудакий ва Фирдавсийнингни эмас, Муслиҳиддин Саъдий ва Ҳофиз Шерозийнинг ҳам, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг ҳам, Ҳайёму Бедилнинг ҳам, ҳулласи калом, барча мутафаккирларнинг бир умр кутган, интилган, кураш олиб борган яккаю ягона орзуниятлари эди.

Умар Ҳайём инсонларни дўстликка, биродарликка

чақирган, рубоийларидан бирида, «дўстлар, иноқликни қилингиз одат, тез-тез дийдор кўриб ўзни айланг шод» деган эди.

Абдураҳмон Жомий «Сибҳатул-аброр» асарида кишиларни бекордан-бекорга низолашмасликка, дўстликда ҳаёт кечиришга чақирган эди. Инсоннинг вазифаси бир-бирига елкадош, суюнчиқ, бир-бирининг оғирини енгил қилиш, дардига дармон бўлиш эканлигини айтганди. Ҳар қандай мушкул ишни ҳам уруш-жанжалсиз, сулҳ ва тинчлик билан ҳал этиш мумкинлигини қайта-қайта уқтириб, «ҳаммага омонлик истагувчи бўл, шунда довлатга қолмагай ҳеч йўл», деган эди.

Форс-тожик адабиёти, санъати, маданияти, фалсафаси асосчиларининг оламни билиш мумкинлиги хусусида баён этган фикр-мулоҳазалари жуда катта илмий-амалий қимматга эгадир. Уларнинг айтишларича, олам инсон сезгиси ва билимининг манбаидир. Инсон дунёни таҳминларга асосланиб эмас, балки илмий билим ва тафаккур асосида билади, унинг моҳиятини секин-аста англай бошлайди. Рудакий «одамлар қалбининг чироғи билим, балодан сақланиш яроғи билим», деб айтган, ақл-идрокни ҳаммадан юқори қўйган, илм-донишга интилишга одамларни даъват этган. Рудакий, ижодида фалсафий эркин фикрлилик, ҳаётдан олинган билим ва тажрибанинг қадрига етиш, нарсаларнинг ташқи кўринишидан ички моҳиятини ажратади масалаларига алоҳида эътибор берилганини кўрамиз. Энг катта мўаллим ҳаётнинг ўзи эканлиги бошқа мутафаккирлар томонидан ҳам қайта-қайта таъкидланган. «Ҳаёт—энг катта устод» деган қонда улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам илгари сурилган.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

IX—XV асрларда Турон заминида Аҳмад Фарғоний, Мусо Муҳаммад Ҳоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Рудакий, Фирдавсий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа жаҳонга машҳур қомусий олимлар билан бир қаторда ислом таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ устозлар ва уламои киромлар ҳам дунёга келди. Ислом оламида энг етук ва машҳур олимлардан ҳисобланган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Имом Аб-

дуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий, Хайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Ибн Ҳиббон ас-Самарқандий, Жамолиддин ан-Насафий, Имом ат-Термизий, Ҳўжа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Фиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳрор Вали сингари буюк зотлар шулар жумласидандир. Бу олтин асрда ватандошларимиздан шариат аҳкомларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, Қуръони Қарим оят ва сураларини илмий шарҳлаб баён этиш, тағсирлаш, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ҳадиси Шарифларини тӯплаб, тартибга солиш, фикқ фани—ислом ҳуқуқшунослиги, одоб-ахлоқи, шариат қонун-қоидаларини баён этиш ва илмий асослаб, ислом дини ва фалсафасини дунё бўйлаб ёйишда шуҳрат таратган буюк олимлар бирин-кетин етишдилар.

Азиз ватандошимиз **Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий** (810—870) ёшлигидәёқ ақлидрокли, ўткир зеҳнли бўлиб, барча илоҳий ва дунёвий билимларни чуқур ўрганишга киришади. У буюк зот ўзининг асосий эътиборини ҳадис илмини зўр иштиёқ ва хафсала билан ўрганишга қаратади.

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлик чоғларида айтган сўзлари, қилган ишлари, ўйл-йўриқлари ва кўрсатмалари, панду ўғитлари ул зотнинг ҳадислари ёки суннатлари ҳисобланаби, ислом таълимотида Қуръони Қаримдан кейин иккинчи манба ҳисобланади. Чунки Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари ҳадисларидан бирида: «Эй умматларим! Мен сизлар учун Қуръони Қарим билан ўзимнинг суннатим— ўйл-йўриқларимни қолдирдим. Сизлар шу иккаласини қаттиқ тутиб, уларга амал қиласаларингиз тўғри йўлдан асло адашмайсизлар»,—деб башорат қилган эдилар.

Пайғамбаримиз ҳадисларини биринчи манбаларга асосланиб, қиёмига етказиб тўплаш, илмий тартибга солиш, уларни шарҳлаш ва тарғиб қилиш ишларий билан жуда кўп олимлар шуғулланганлар. Ислом оламида улардан саноқлиларигина мусаҳҳиҳ, яъни энг ишончли ҳадис тўпловчи олим, деб тан олинган. Ана шуларнинг олдинги сафида Имом Бухорий хазратлари турганлар. Имом Бухорий ҳадис илмининг пешвоси, саҳиҳ йўналишининг асосчиси, ислом оламида энг етук ва машҳур муҳаддисдир.

Имом Бухорийнинг ўзлари ҳадис илмининг пешвоси бўлишларига қарамай асрдошлари, ўзларидан юқорилар, тенгдошлари, шериклари, вақти келганда, ҳаттоқи, ўз-

ларидан паст бўлганлардан ҳам тортиңмай ҳадис ол-ганлар ва бу илмни тинмай ўрганганлар. Жами 600 минг ҳадис тўплаб, шулардан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олганлар.

И мом Бухорий ислом динига оид йигирмадан ортиқ асар ёзган. Ул зоти шарифнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб номланган тўрт жилдан иборат ҳадислар тўплами Шарқда қарийб ўн икки аср давомида ислом таълимотида Қуръони Каримдан кейинги асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келинмоқда. Бу бебаҳо асарга ҳадислардан ташқари, фикҳ, ислом маросимчилиги, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳамда маънавий-ахлоқий камолотига оид масалалар ҳам киритилган. Унда 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг саҳиҳ ҳадисларга ўрин берилган.

Ҳазратнинг «Ал-адаб ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») номли яна бир бебаҳо асари бўлиб, унда 1322 та ҳадис ва хабарлар 667 бобда жам қилинган. Бу асар биргина ҳадис илмидагина эмас, одоб ахлоқ, таълим-тарбия бобида ҳам буюк хазинадир.

Марказий Осиёнинг машҳур илмий ва диний алломатлари кўп ҳолларда ўз асарларини араб тилида ёздилар. Араб маданияти сифатида танилган маданиятни ёлғиз араблар яратган деб ҳисоблаш хато. Бу бой маданиятни яратиш ва ривожлантиришда Турон замин олимлари ҳам ўзларининг беҳад катта ҳиссаларини қўшганлар. Бу тарихий ҳақиқатadir.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида, биринчи навбатда, Марказий Осиёда тасаввуф номи билан аталадиган диний фалсафий таълимотни яратиш, илмий асослаб бериш, тарғиб-ташвиқ этиш ва олам узра ёйишда донишманд боболаримиз буюк хизматларини халқимиз, миллатимиз, Ватанимиз ҳеч қачон унутмайди. Тасаввуф—инсоннинг камолотга етиш, илоҳий ҳислатларга яқинлашиш йўлидир. Тасаввуфнинг бошланиши — илм, ўртаси — иш, охири — Аллоҳнинг берганидир.

АТ-ТЕРМИЗИЙ

Абу Исо Мұхаммад ат-Термизий милодий 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида унча бадавлат бўлмаган оиласда таваллуд топиб, 892 йили шу қишлоқда вафот этган. Ўрта асрларда Термиз, Урганч, Бухоро, Самарқанд илм-фан ва маданияти ривожланган шаҳар-

лардан бири бўлган. Мана шундай қулай маданий муҳитда ўсган ат-Термизий ёшлигидан турли илмларни эгаллашга интилган.

Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган **ва** бу борадаги ўз билимларини мутассил ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. У имом ал Бухорий, имом Муслим, имом Абу Давуд, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Мусо ва бошқа машҳур муҳаддислардан таҳсил олган. Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган ат-Термизий кўпдан-кўп шогирдларга устозлик қилган.

Ат-Термизий кўзи ожиз бўлиб қолишига қарамай, бир қанча асарлар ёзib, бизга мерос қолдирган. Уларнинг аксарият қисми ислом таълимотида Қуръондан кейин турадиган муҳим манбалар ҳисобланган ҳадисларга бағишиланган. «Ал-жомиъ» («Жамловчи»), «Ашшамоил, ан-насавий» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илм фи-л-хадийс» («Ҳадислардаги офишишлар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақидаги рисола»), «Китоб ул-асмо-ва-л-куна» («Йемлар ва лақаблар ҳақида китоб») каби асарлар шулар жумласига киради.

Унинг мероси ичida «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» Ишончили тўплам энг қимматли маънавият дурдонасидир. Унда таҳорат, салот (намоз), завот, рўза, ҳаж, жаноза, никоҳ, савдо-сотиқ, қозилик аҳкомлари, товон тўлаш, меъёр, сайд, қурбонлик, назр-нузур, иймон, сийратлар, жиҳал, кийим-кечак (либос), таомлар, ичимликлар, хайр-эҳсон ва саҳоват, табобат, фарзлар, васиятномалар, хайриҳоҳлик ва тақдир, хуружу-фитналар, башоратлар, шаҳодат, заҳидлик, жамият сифатлари, жаҳаннам сифатлари, илм, изн сўраш ва одоб масалалари, Қуръон фазилатлари, қирот, тафсир, дуолар, маноқиблар (фазилатлар), иллатлар ҳақидаги боблар орқали комил инсонни вояга етказиш муаммолари ечими баён этилган.

Ат-Термизийнинг бошқа бир «Аш-шамоил ан-набавия» (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) деб айтилган бебаҳо асари Пайғамбаримиз ҳаёти, у зотнинг сурат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид тўрт юз саккиз Ҳадиси Шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир.

Мазкур асарнинг XVI асрга оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланмоқда.

1990 йили Тошкентда ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Президентимиз томонидан анжуман иштирокчиларига юборилган хатда шундай сўзлар ёзилган:

«Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсидаги аҳли жамоа орасида ҳам, ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан «Китоб ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолга давримизнинг мураккаб ва зиддиятли аҳлоқий маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади»¹.

Ат-Термизийнинг асарлари нафақат диний илмлар мажмуасига оид бўлиб қолмасдан, балки дунёвий илмларга ҳам оид маълумотларга бойдир.

FAZZOLII

Улкамизда тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва ёйилиши жуда ҳам узоқдан бошланади. «Ҳужжатул ислом» («Исломнинг ҳужжати») лақабини олган мусулмон калом фалсафасининг энг йирик намоёндаларидан бири, тенги кам илоҳиётчи аллома, тасаввуфда алоҳида мартабага эришган Абу Ҳомид Мұҳаммад ибн Мұҳаммад ал-Фаззолий (1058—1116) ўз асарларида тасаввуфни тарғиб қилди. Имом Фаззолийнинг асарлари мана, тўққиз асрдирки, қўлдан тушмай, қайта-қайта ўқилмоқда. Ислом оламида бу улугъ зотга муносиб баҳо берилган: «Fazzoliyga ваҳий келмаган, халос. Ваҳий келганида эди, у пайғамбар бўларди. Бошқа сифатлари етарли!» Унинг шоҳ асарларидан бири «Диний илмларни тирилтириш» ҳақида ҳам ўз вақтида юксак баҳо берилган. Унинг диний фалсафий ғоялари Шарқ мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ғоят катта таъсир кўрсатди.

Олимларнинг айтишларича, тасаввуф оқими Мова-

¹ И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият, 105-бет.

роунинарда XII асрнинг йирик олимларидан бири **Юсуф Ҳамадоний** мактабидан бошланган. Юсуф Ҳамадоний этикдўз бўлган. Бухоро ва Самарқандни душман ҳужумидан ҳимоя қилишда қатнашган. Унинг мактабидан турли тариқатлар пайдо бўлган. Юсуф Ҳамадоний ўз издошларини меҳнатга, касб-ҳунар әгаллашга унданаган. Унинг таълимоти кишининг ҳар бир нафасида онг, ақлидрок бўлмоғи, босган ҳар бир қадамида диққат-эътибор сезмоғи, ўз ватани ишқи билан банд бўлмоғи, яъни уни билмоғи, халқ билан алоқада бўлиб, бирга ҳаёт кечирмоғи керак, деган ғоядан иборатdir.

Тасаввуф фалсафасида инсоннинг руҳий, маънавий, ахлоқий камолотига ёрдам берувчи ғоялар устунлик қиласди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки инсон руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ҳамда хулқ-атворли, фазилатли қилиб етишириш мумкин.

Тасаввуф футувват билан узвий боғлиқ. Футувват тасаввуф босқичларидан бирини ташкил этадиган тариқатнинг бир бўлгидир. Чунки футувват асослари билан тасаввуф, тариқат ғоялари ўзаро мувофиқ, ҳам оҳангдир.

Тасаввуф сингари футувват ҳам Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватнома сultonия» асарида айтилишича, инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни, бор нарсасини ҳеч кимдан қизғанмасликни, қалбни кибру ҳаво, гина-кудрат, қасд-ғазабдан покиза тутишни, ҳамма вақт халқ хизматида бўлишни, барчага инсоф-мурувват кўрсатиш ва эвазига ҳеч нарса талаб қилмасликни тарғиб этади. Тасаввуф ҳам, футувват ҳам яхшилик йўлида жондан кечишга тайёр, фидойи қалб эгаси бўлишга, дўстларга наф етказишга, дўстларни душман зараридан ҳимоя этишга даъват этади. Уларнинг муҳим талаблари қаторига яна ёлғон, бўхтон ва беҳуда сўзлардан тилни тийиш, ножӯя, номақбул сўзлардан, фийбатдан қулоқни беркитиш, кўриш ножоиз ҳисобланган нарсалардан кўзни юмиш, ҳаром нарсалардан қўлни тортиш ҳам киради. Ман этилган жойларга бориш, ҳақорат ва гуноҳга сабаб бўладиган ишларни қилиш, ҳаром овқатларни ейиш, зинога ўйл қўйиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш, бошқалардан ўзини устун деб ҳисоблаш, камтарликни унтиб манманлик йўлига кириб кетиш, тасаввуф сингари, футувватда ҳам қораланади.

Халқа, бева-бечораларга шафқат, мурувват кўрса-

тиш, қишилар гунохини кечиш, қанчалик катта, улуг иш қилган бўлишига қарамасдан ҳеч қачон ғуурланиб кетмаслик улар ҳар иккаласининг асосий ғояларидан ҳисобланади. Иймон-эътиқод, ақл, илм, парҳез, муруват, шафқат, шижоат, хайр-эҳсон, вафо, сабр-тоқат, нафсни тийиш, олийҳимматлик, сирни бекитиш, раҳмдиллик, ота-она ҳурматини бажо келтириш, устод хизматида бўлиш, ҳамсоя ҳақини адо этиш ва бошқа шунга ўхшавлар тасаввуф ва футувват фалсафасининг шартлари жумласига киради.

Тасаввуф ва футувватнинг айтиб ўтилган устунлари ва шартларидан ташқари ман этадиган, таъқиқлайдиган нарсалари ҳам бор. Булар яхшиларнинг орқасидан гапириш, бировларни мазах қилиш, гап ташиш, кўп кулиш, ваъдага хилоф иш қилиш, ҳасад қилиш, зулм ўтказиш, алдаш, одамлардан айб қидириш, бетга чопарлик, ёлғон қасам ичиш, таъмагирлик, хиёнат қилиш, нотўғри гувоҳлик беришдан иборатdir.

Маълумки, тасаввуфда Оллоҳ раҳматига етишнинг, инсон маънавий камолот йўлининг тўрт босқичи мавжудлиги баён этилади. Булар шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатdir.

Шариат — диний қонун-қоидалар ва маросимларни, «Қуръон» ва Ҳадислардаги ахлоқий илоҳий кўрсатмаларни пухта ўзлаштириш, уларни айнан, изчил суратда бажариш, худога ибодат қилишдир. Шариат худони идрок билан танишни кўзда тутади. Шариат талаблари, қоидаларини бажармасдан тариқатга ўтиш мумкин эмас. Тариқат — ер юзидағи лаззатлардан воз кёчиб, нафсни тийиб, хилватда яшаб, фақат худо ҳақида ўйлаш, хаёл суриш, эслаш, уни қалбдан севишидир. Маърифат — ҳамма нарсанинг, бутун борлиқнинг асоси худо эканини билиш, аниқлаш ва шу тариқа худога етиш демакдир. Маърифатда олам, юлдузлар, ой, қуёш, одамлар, ҳайвонлар, қушлар, капалаклар, бошқа жамики нарсалар худонинг зуҳуротидан иборат, одам Оллоҳ қуёшининг зарраси дейилади. Ҳақиқат — ўзини худонинг даргоҳига эришган, васлига етган, ҳатто у билан қўшилиб кетган, деб билишдир.

Тасаввуфнинг оқимлари, асосий йўналишлари ниҳоятда кўп ва хилма-хил бўлиб, турли даврларда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида унинг ҳар хил йўналишлари пайдо бўлган ва ёйилган. Бизнинг юртимиз—Турон заминда ва мусулмон Шарқида тасаввуфнинг бир неча

буюк тариқати — таълимотлари, пайдо бўлди. Булар XII асрда Туркистонда майдонга келган яссавия ва сухровардия, XII аср охирида Хоразмда вужудга келган кубровия, XIV асрда Бухорода юзага келган нақшбандия ва бошқа тариқатлардир.

Тасаввуф фалсафий таълимотининг таркибий қисмлари бўлмиш яссавия, кубровия, нақшбандия ва бошқа тариқатларда умумий жиҳатлар билан бирга, уларни бир-биридан фарқлаб турувчи томонлар ҳам кўп. Лекин бу тафовутлар уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга бирини яхши, бирини ёмон деб баҳолашга олиб келмаслиги керак. Тасаввуф таълимотининг ҳар бир шакли, асосий оқими ўз даврининг маҳсулни, муайян шароитлардаги талаб-эҳтиёж, имкониятларнинг ифодасидир. Тасаввуф тариқатининг ҳар бир шакли аҳамияти ўз давридаги талаб ва эҳтиёжга жавоб бера олгани, келажакдаги маънавий камолотга қанчалик таъсир кўрсатгани билан белгиланади. Кези келганда тасаввуфнинг Туркистон заминида вужудга келган асосий йўналишлари ўзаро бир-бирларини инкор қилган тарзда эмас, балки янги тарихий шароитларда бир-бирини тўлдирган, ўзаро бойитган, янги босқичга кўтарган, бир-бирларининг қонуний давоми ва такомиллашиши сифатида юзага келганини айтиб ўтиш жойиз.

ЯССАВИЙ

Аҳмад Яссавий 1041 йилда туғилган. Илмий адабиётларда вафоти 1165—1167 йиллар деб кўрсатилган.

Яссавий тариқатининг биринчи ва асосий фазилати унинг халқчиллигидир. Унда ҳам Оллоҳ, ҳам инсон мадҳ этилади. Яссавий ўзининг «Ҳикмат»ларида инсонни қадрлайди, уни адолатсизликдан, зулмдан ҳимоя этишга чақиради. Бу ҳақда у «қайда кўрсанг кўнгли синуқ маҳрам бўлгил, андоғ мазлум йўлда қолса, ҳамдам бўлгил», дейди.

Буюк мутафаккирнинг асосий мақсади одамларни Оллоҳни танишга, унинг яқини бўлишга даъват этиш, одамни худонинг энг азиз бандаси сифатида эъзозлаш, адолатсизликни қоралаш, бу дунёning доғларини инсонга юқтирмасликдан иборатдир.

Аҳмад Яссавий инсон ўз азалий поклигини сақлаши, гуноҳ ортираслиги учун нима иш қилиши керак, де-

ган саволга ҳам ўзича жавоб беради. Яссавий инсон ўзининг азалий поклигини сақлаши учун бу дунёдан юз ўгириши, умрини одамлардан узоқда, ёлғизликда, узлатда тоат-ибодат билан ўтказиши лозим, деб ҳисоблайди. Буни у Оллоҳга яқин бўлишнинг, ўзига у дунёда саодат таъмин этишнинг шартларидан бири деб билади.

Яссавий фикрича инсоннинг худо васлига етиши учун шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат каби босқичларни бирма-бир босиб ўтиши, дунёдан, ўзлигидан воз кечиши, ўзини хилватга тортиб, ҳам фикрини, ҳам зикрини худога бериши керак. Агар одам жонини қийнаб бўлса-да, ибодат қилса, нафсини ўлдириб, қаноат қилишга одатланса, хўрлаш ва маломатларга бардош берса, ўшанда худонинг дийдорига етади, дейди. Яссавий тариқати ва фалсафий таълимотининг асосий жиҳатлари ана шулардан иборат.

АБДУҲОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

Абдуҳолиқ Фиждувоний (1220 йилда вафот этган) Яссавия тариқатининг кўзга кўринган вакилларидан биридир. У устоди Хожа Юсуф Ҳамадоний ва биргаликда таълим олган замондоши шайх Аҳмад Яссавийнинг ишини давом, эттирибина қолмай, улар яратган тариқатни мустақил, янги, юқори босқичга ҳам кўтарди. Буни унинг фарзанди учун маҳсус ёзилган «Васиятнома»сида баён этилган фалсафий ғоялардан кўриш мумкин. «Васиятнома»нинг мазмуни, моҳияти одоб-ахлоқ масалаларига қаратилгандир. Тариқат аҳлининг бош вазифасини Яссавий Оллоҳга яқинлашиш учун жамиятдан узоқлашишни, унинг ташвишларидан юз ўгириш, узлатга кетиш, тарки дунё қилиш деб тайинлаган бўлса, Абдуҳолиқ Фиждувоний «Васиятнома»сида жамоатга мулизим бўлиш, жамиятга хизмат этишни муқаддас вазифа — Оллоҳга яқинлашишнинг муҳим йўли деб ҳисоблайди. Шу билан бирга у одамларни хонақоҳда ҳадеб ўлтиравермасдан, Оллоҳга тоат-ибодатни ҳаддан ташқари ошириб юбормасдан меҳнат қилиш ва ҳалол яшашга даъват этади. Ҳалол егил ва шубҳадан парҳез этгил, яъни ҳалоллиги шубҳали овқатдан қўл тортгил, дейди. Бу дунёда одамлар ҳаётида фаол иштирок этиш, уларни ҳимоя қилиш Абдуҳолиқ Фиждувоний томонидан таъкидланганидек, Оллоҳга яқинлашишнинг асосий йўлидир.

СУҲРАВАРДИЙ

Суҳравардия тариқати ҳам Мұхаммад Фаззолий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Фиждувоний ва бошқа диний алломалар қаторида мусулмон мамлакатлари халқлари онгига сингиб кетган диний, аҳлоқий, илмий дунёқарашидир. **Шайх Шаҳобиддин Абу хафо Суҳравардий** (1155—1191) мазкур тариқатнинг асосчисидир. Шаҳобиддин Суҳравардий Шарқда буюк мутасаввуф, файласуф олим сифатида тан олинган. Унинг «Аворуф ул-маориф» номли 63 бобдан иборат китобида ёзишича, одам ўзини билиш учун Оллоҳни, Оллоҳни билиш учун эса, ўзини билиши керак. Билим ахлоқ-одобнинг заминида ётади, одоб-ахлоқ билимнинг ҳосиласи бўлгани учун юқорида туради. Борлиқ ҳақидағи билим дағал, илоҳий илм эса нозикдир. Илм оддий, дунёвий, олий ва илоҳий бўлади. Ақл илмидан қалб илми юқорироқдир. Билиш учун инсон нопокликлардан қутилиши керак. Нопок одам ҳеч қачон билимдан бўлмайди.

КУБРО

Тасаввуф фалсафасининг йирик сиймоларидан яна бири хоразмлик **Нажмиддин Кубро** (1145—1221)эди. Тасаввуфдаги маҳсус кубравия тариқати унинг номи билан борлиқ. Шайх Нажмиддин Кубро ўз замонасининг йирик олимларидан ҳисобланган. «Фавоих ал-жамол ва фавотих ал-жалол» («Жамолининг муаттарлари ва камолотининг эгалари»), «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта қонун ва қоидалари») номли асар ва рисолалар ёзган.

Алишер Навоий «Лисонут тайр» достонида Нажмиддин Кубро ҳақида маҳсус бир ҳикоят келтиради. Унда айтилишича, «Агар у бирон кишига ўз назаридан баҳра етказиб қараса, кўзи валилик нури билан ёришиб кетар ва шу ондаёқ ўзлигидан айрилар эди.»

Нажмиддин Кубро номи билан аталадиган тариқат буюк Хоразм давлати аста-секин инқирозга юз тутаётган даврда юзага келди. Одамларни руҳий покланишга, ҳаётга ишонч билан ихлос қўйишга, дунёвий муҳаббатни улуғлашга чақиришда кубравия тариқати катта ўрин тутди. Унда таркидунёчилик эмас, балки меҳнат асосида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш асосида Аллоҳ васлига етиш ғоялари илгари сурилади. Куб-

равия тариқатида халқ ва ватан учун хизмат қилиш, ватан мустақиллиги учун курашиш ғояси устиворлик қиласы. Бу ғоя одамларга күч-құвват бағишлиған, иродасини мустақам қылған, меҳр-оқибатни оширган.

Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлық, халқпарварлық ҳақидаги фалсафий таълимоти шунчаки қуруқ сүз, шиор, ғоя бўлиб қолмасдан, унинг шахсий ҳатида ҳам ўзининг тўла тасдигини топган. Ёши етмиш олтига чиққан бўлишига қарамай, Нажмиддин Кубро Хоразм ҳимояси учун мӯғулларга қарши жангга киради ва шаҳид бўлади. Ўлар пайтида у бир мӯғул аскарининг кокилини шундай маҳкам тутиб оладики, вафотидан кейин ўн киши ҳам унинг қўлидан кокилни айириб ололмайди. Охири ўша кокилни кесишиб, қўлдан ажратадилар.

Тасаввуф фалсафаси XIV асрда нақшбандия таълимотида янада ривожланди...

НАҚШБАНД

XIV асрда Марказий Осиё ҳудудида тасаввуф фалсафасининг **Баҳовуддин Нақшбанд** (1318—1389) номи билан машҳур «Нақшбандия» таълимоти шаклланди. Бухоро шаҳри яқинидаги Ҳиндюён қишлоғида туғилган Баҳовуддин дастлабки илмни мутасаввуф олими Ҳожа Мұхаммад Самосидан олган. У ҳазрат вафотидан (1354) кейин, ўша даврнинг мутасаввуф олими Сайд Амир Кулолга шогирд бўлган. Сайд Амир Кулол ва Абдухолиқ Фиждувонийлар Бухоро Шарифда турк элининг шайхул исломи табаррук зот Аҳмад Яссавийдан таълим олган эдилар.

Нақшбандия тариқати меҳнат қилиш ва ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўриш вазифасини юклайди: «Дил Оллоҳ ёди билан, қўл меҳнат билан банд бўлсин» («Дил ва ёру даст ба кор») деган сўзлар нақшбандия тариқатининг бош нақлидир. Инсонни меҳнатсеварликка чорлаш ҳар бир жамиятда ҳам, табиийки, умумтараққиётга ижобий таъсир этган.

Нақшбандия тариқатининг буюк қудрати шундаки, бу таълимот инсон қадр-қимматини юксалтиришга, инсонни унинг руҳий дунёсини бойитиш эвазига ҳам озод, ҳам машғул қилишдек улуғвор вазифани амалга оширишга хизмат қилди. Айрим мутаассиблашган диний доктриналарда инсон дин ва эътиқоднинг қулига, мутеъижроғисига, занжирбанд қилинган маҳбусига айланти-

рилган эди. Нақшбандия таълимоти эса, ислом динининг илк йўл-йўриқларига таянган ҳолда «инсон—коинотнинг гултожи, ер юзидағи жамики мавжудотларнинг сардори, худонинг севимли бандаси» деган ғояни тиклашга эриши. Бу ғоя бир томондан инсонни энг эркин, озод ва яратувчи вужуд сифатида улуғласа, иккинчи томондан унинг зиммасига улкан масъулиятларни ҳам юклайди. Нақшбандия таълимоти бўйича, инсонга нафақат эркинлик, балки, шу билан бир қаторда, бошқа мавжудотларда бўлмаган ақл-идрок берилганки, у инсоннинг ўзини-ўзи англашига, ўзини-ўзи бошқаришига имкон бериш баробарида унинг зиммасига буюк масъулиятни, яъни бутун ер юзидағи тартиб ва осойишталика жавобгарлик вазифасини ҳам юклайди. Зоро, инсон ақл-идрок эгаси сифатида бошқа ақлсиз мавжудотларнинг тақдирни учун ҳам жавобгардир. Инсон ер юзини гуллаб-яшнаган чаманзорга айлантирадими ёки қақраган чўл-биёбонга айлантирадими, бу унинг фаолиятига ва ихтиёрига боғлиқ. Ана шу фаолияти учун уни келажакда шон-шуҳрат ва мукофот ёки муҳтожлик ва жазо кутади. Инсон ер юзидағи тартиб учун масъул эканлигини бир зум бўлса-да унутмаслиги, уни яшнатиш учун тинимсиз меҳнат қилиши ва бу меҳнатнинг самараасидан баҳраманд бўлиши лозим. Инсон худонинг энг эрка ва эркин бандасидир. Бу ғоялар нақшбандия тариқатининг оламшумул обрў топишига ва ҳалқ орасида кенг ёйилишига имкон берди. Бундан ташқари нақшбандия тариқатидаги муршид (пир) ва муридлик анъаналари муршид (пир)лар зиммасига ўз миридларнинг маънавий ва ахлоқий камолотига кўмак беришдек улуғвор вазифаларни юклаган. Олийжаноб пирининг ортидан эргашган муридлар ҳам яхши ахлоқий ва инсоний сифатларни ўзида мужассамлаштиришга интилишган. Бу ҳолат умумжамият миқёсида ҳалқнинг ахлоқий ва маънавий покланишига, ҳалоллик ва инсонийликнинг тантана қилишига, разолат ва ёвузликнинг чекинишига шароит яратган.

ХОЖА АҲРОР

Хожа Убайдуллоҳ — Хожа Аҳрор 806 хижрий йилининг рамазон ойида, яъни 1404 милодий йилининг март ойида ҳозирги Бўстонлиқ тумани Бофистон қишлоғида

таваллуд топган. Убайдуллоҳнинг ёшлиқ даври Тошкентда, хусусан Абубакр Каффол Шоший, шайх Хованди Таҳур, шайх Зайниддин Кўйнорафонларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан ўтган бўлиб, Самарқанд дорил-фунунларидан бирида сабоқ олиш даврида сил касалига йўлиқиб, яна ўз қишлоғи Бонистонга қайтиб кетади. Батамом соғайгандан кейин мустақил мутолаа ва уламолар билан мулоқатда бўлиб, улардан баҳраманд бўлишга интилган.

Хожа Убайдуллоҳ ўзига маънавий пир топиш ниятида 1428 йили Ҳирот шаҳрига шайх Баҳовуддин Умар, шайх Зайниддин Хавфийлар суҳбатларида қатнашади, аммо уларни ўзига маънавий пир қилиб олишни маъқул топмай, яъни ўз юртига қайтиб 1432—33 йиллар Чагониён (ҳозирги Денов тумани)га келиб, Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг шогирди Мавлоно Яъқуб Чарғий қошига келади. Ундан нақшбандия тариқати асосларини ўрганади ва унинг «Рисолаи унсия»сини мутолаа қилади. Шундан кейин мавлоно Яъқуб Чарғий сиймосида ўзи интилган маънавий пирни кўриб, уни муршид сифатида тан олади.

Ҳозирги кунда Хожа Убайдуллоҳ — Хожа Аҳрор қаламига қуйидаги асарларни нисбат берадилар:

1. «Фиқорот ул-орифин» ёки айрим нусхаларда «Вориат» деб аталиб, тасаввуф аҳли, жумладан Хожа Аҳрорнинг турли масалаларга оид фикрларини қамраб олган насрый асар.

2. «Рисолаи волидия» ёки «Мухтасар». Бу асар Хожа Аҳрорнинг волиди — отаси ҳоҳиши билан ёзилганлиги ва мухтасар бўлганлиги туфайли у юқоридаги номлар билан аталган.

Асарнинг асосий мазмуни инсонни ахлоқли ва одобли бўлишини, ўзлигини англаши сабабли шаклланиш сабоқлари мавжудлиги Заҳириддин Бобурдан шахснинг эътиборига молик бўлиб, у 1528—1529 йиллари насрый асарни ўзбек тилига ўгириб, 245 байтлик назмий рисолага айлантирган.

Афғонистонлик олим Шафиқа Юрқин шундай деган эди: «Темурийлар ва Ўрта Осиё сўфийларининг пир ва муршиди Хожа Аҳрорнинг «Рисолаи волидия» насрый асарининг мавзуси инсон зоҳири ва ботинини покиза қилмоқдан иборат бўлиб, Абул Фазл Алломий уни «маърифат денгизининг дурдонаси» деб билади».

3. «Рисолаи Ҳавроня» бу асар машҳур шоир Абу

Саъид Абулхайрнинг бир рубойиси шарҳига бағишланган.

Хулоса қилиб айтганда, Хожа Убайдуллоҳ ҳожи Аҳрор Вали XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Ҳурросонда нақшбандия тариқатининг муршиди сифатида танилиб, шуҳрат қозониб, ўзининг ранг-баранг фаолияти билан даврнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий ҳаётида катта из қолдирган инсондир.

МАҲДУМИ АЪЗАМ

Нақшбандия тариқатини XV асрнинг охири ва XVI асрларда ривожлантирган ва такомиллаштирган етакчи назариётчи мутафаккир—аҳлоқшунос, фақиҳ, Файласуғ ва илоҳиётчи олим Саййид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Ҳожаги Косоний 869-(1461) йили Наманганд вилоятигининг Косонкентида таваллуд топган.

Косоний ёшлигида Самарқандга келиб, Ҳожа Аҳрорнинг шогирди мавлоно Мұҳаммад Қозидан («Силсилат ул-орифин» китобининг муаллифи) илм ва маърифат сирларини ўрганади, мадрасаларда таҳсил кўради.

Косоний Жонибек Султоннинг таклифи билан Самарқандга келади ва дастлаб пойтахт шаҳар Кармина-да яшайди, сўнгра Миёнқал оролининг энг сўлим ва ҳосилдор ерларидан унга мулк сифатида берилади. Косоний маскан қилиб олган бу жой кейинчалик обод қишлоқлардан бирига айланади ва Даҳбед деб аталади.

Косоний тариқат илмида фавқулодда муваффақиятлари ва жасоратлари туфайли «Маҳдуми Аъзам» унвонига сазовор бўлган. Маҳдуми Аъзамнинг шариат ва тариқат қоидаларига оид, аҳлоқ ва илоҳиёт масалаларига доир 30 дан ортиқ рисолалари бор. Унинг рисолаларида нақшбандия тариқатининг арконлари ривожлантирилган бўлиб, Маҳдуми Аъзамнинг ўзи инсон ва унинг ақл-идроқи, аҳлоқий қиёфаси яратганинг энг муқаддас кашфиётидир, деган ақидага риоя қилган. Унинг фикрича, «дин ва муқаддас китоблар инсон учун ва инсонни аҳлоқий камолотга етиши учун берилгандир, инсон дин учун эмас, балки дин инсон учун яратилгандир». Бу ғоя ўша даврлардаги энг жасоратли ғоялардан бўлиб, инсоннинг ер юзидағи тартиб ва осойишталикка шахсан масъул эканлигини алоҳида таъкидловчи, инсонни унинг измига берилган оламни яшнатишга, гул-

латишга, покланишга, такомиллаштиришга ундовчи, ҳар бир мусулмонни фаолликка қақиуручи даъват эди. Бу борада ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг ўзлари шахсан намуна кўрсатганлар, шунингдек ўз муҳлислариға, шоғирдлариға ва муридлариға ҳам «инсон ҳукмига инъом этилган оламни яшнатиш» лозимлигини доимо уқтириб борганлар.

Ҳазрати Маҳдуми Аъзам тоат-ибодатда камтарликни афзал билганлар: зикр ва намознинг хуфия шакли, ортиқча дабдабасиз ва намойишкорона бўлмаган усули мақбулдир, деб ҳисоблаганлар.

Ҳазрати Маҳдуми Аъзам 949-(1542) йили Даҳбедда вафот этган.

Ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг издошлари, муридлари ва муҳлислари беҳисоб. Бутун Мовароуннаҳр ва Ҳуронса, ҳатто Ҳиндистонда ҳам Маҳдуми Аъзамни пири-миз деб эъзозловчилар кўплаб топилади. Баъзи манбаларда Ҳазрати Маҳдуми Аъзам ҳақида «олтмишта авлиёни етиштирган муршид» («Пири шасти») деб таъкидланади. Кўпчилик маърифатпарвар олимлар, ҳукмдорлар, давлат арбоблари, шоиru уламолар Маҳдуми Аъзамга «қўл бериб» мурид бўлишган. Жумладан, Жўборий хожалардан Муҳаммад Ислом, Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон, Абдулазизхон, Жонибек Сulton, темурийлардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур унга мурид тушишган.

Ҳазрати Маҳдуми Аъзамнинг бой маънавий мероси ва шахсий ибрати келгуси авлодларни ҳам ўтмиш маънавий меросидан баҳраманд қилишда жиддий аҳамиятга эгадир, унинг рисолалари ислом қоидаларини тӯғри англашда, юртимизда пок ахлоқий ва умуминсоний қадриятларни қарор топтиришда шубҳасиз, муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, XV асрнинг охири XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда бир юз эллик йилча ҳукмронлик қилган темурийлар сулоласи инқирозга учради. Бу буюк фожиа соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқандда мотам маросими тугар-тугамас таҳт ворислари ўртасида тож-таҳт талашуви ва ҳокимият учун ўзаро курашлардан бошланди. Темурнинг фарзандлари ва набиравлари унинг вафотидан кейин у барпо этган улкан салтанатни мустаҳкамлаш ўрнига, ноҳияллик ва ўзаро урушлар қилиб, унинг емирилиши ва парчаланиб кетишига сабаб бўлдилар.

Құдратли салтанатнинг парчаланиб, заифлашиши оқибатида янги кучлар тарих майдонига кириб келди. Мұхаммад Шайбонийхон номи билан боғлиқ сулоланинг Марказий Осиёда юз йил ҳукмронлик қилиши ана шу тарихий-сиёсий шароитнинг ҳосиласи әди. Кейинчалик аштархонийлар сулоласи ўз даврини бошлади.

Бориб-бориб Туран заминида учта давлат Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликлари вужудга келди. Шуни таъкидлаш керакки, Темур салтанати инқизозга юз тутганидан бошлаб XIX асрнинг ўрталаригача ўзаро урушлар, тожу тахт учун курашлар давом этиб турди. Бу, албатта, маданий юксалишга, жамият фаровонлигига зиён келтирмасдан қолмади.

Лекин шуниси борки, инсон фикри, ақл-идроқи, тафаккури ўз ривожида катта-катта қийинчиликлар ва ларзаларга дуч келиши, силлиқ, теп-текис ривожлана олмаслиги мумкин, аммо у ҳеч қачон тараққиётдан умуман тұхтамайды. Ҳаёт бор жойда ривожланиш, тараққиёт албатта бўлади. Бу табиатга, жамиятга ва инсон тафаккурига хос бўлган умумий қонуниятдир. Бу қонуният ижтимоий-иқтисодий муносабатларга, маданият ва маънавиятга, илм-фан, фалсафа ва инсон тафаккурига, ижтимоий иқтисодий фалсафий фикрларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Буларни XVI—XVIII асрда Марказий Осиё халқларининг иқтисодиёти, маданияти, маънавияти, фалсафий ахлоқий тафаккури ривожи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу даврда Тошкентда Шайхонтохур қабристони, Баракхон мақбараси, Бухорода Мирараб мадрасаси (1535—1536), Масжиди калон (1540—1641), Абдуллахон мадрасаси (1589—1590), Хожа Зайнiddин хонақоси, Абдулазизхон мадрасаси (XVIII аср), Нодир Девонбеги масжиди (XVII аср), Самарқандда Шердор (1619), Тил лакори мадрасалари, масжидлар, хонақолар олдинги асрларда Амир Темур, Улугбек, Ҳусайн Байқаро, Навоийдек буюк сиймоларнинг юксак диди, ақл-фаросати, завқи ва ташаббуси, билан дунёга келган бетакрор ёдгорликларга тенглаша олмасаларда, ҳар ҳолда, ўша даврда эришилган ютуқ, амалга оширилган иш сифатида қадрлидир.

Феодаллар ўртасида бўлиб турган даҳшатли жанглар илм аҳлига қанчалик кулфатлар келтирган бўлмасин, у илм-фан, санъет ва адабиёт ривожини тўхтатиб қўя олмади. Инсон даҳоси ва заковати не-не машаққат-

лар билан бўлса-да ривожланишда давом этди. Санъат, адабиёт соҳасида истеъдодли кишилар етишиб чиқди.

Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб, Мужрим Обид, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадшариф Гулханий, Махмур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Мирзо Абдулқодир Бедил ва бошқалар ўша мураккаб тарихий даврнинг эл-юрт назарига тушган фан арблари, атоқли ижодкорларидир.

МАШРАБ

Оташнафас ўзбек шоири **Бобораҳим Машраб** (1653—1711) Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлари ривожи тарихида муҳим ўрин тутади. Тўхтовсиз давом этган урушлар, ички низолар тинка-мадорни қўритадиган солиқлардан адои тамом бўлган меҳнаткаш халқни қўллаб-қувватлаш Машрабнинг асосий мақсади, ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Машраб қашшоқ ва ҳуқуқсиз меҳнаткашлар аҳволига доимо ачиниб умрбод уларни ҳимоя қилиш ташвиши билан яшади. Буни биз унинг «Девони Машраб»идаги дард-алам билан тўлиб-тошган шеърларидан кўришимиз мумкин. Бу ҳақида у «тани дарду аламдан ёра бўлган, дили тифи ситамдан пора бўлган халқни кўрдим» деб ёзган эди.

Машраб ўзи яшаган муҳитни ғурбатхона деб ҳисоблади, ҳатто обод бўлган ўзи обод бўлмаганлигини куйиб, нолаю фарёд чекиб таъсирланади:

На ғурбатларни чекдим чархи бебунёд дастингдан,
Мудом мотамда қолдим, бўлмадим дилшод дастингдан,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдан,
Қафасдин бўлмадимки қумридек озод дастингдан,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан
Ки, мен ҳар қайга борсам, дол этарман дод
дастингдан.

Машраб халқ бошига тушаётган жабру ситамлар, ижтимоий адолатсизликлардан дод-фарёд чекдию, лекин уларнинг негизи, манбаи нимадалигини чуқур очиб беришга ожизлик қилди. Ижтимоий адолатсизлик, ҳақсизлик, тенгсизликнинг бош ва асосий сабаби зўравонликда деб билган Машраб ўзининг ўткир қалам кучи билан ҳукмрон табақаларни шайхлар ва муллаларни танқид остига олди.

Хүрфикрлик руҳида ёзилган шеърларида **Машраб** Маккани зиёрат қилиш, рўза тутиш, у дунёдаги жаннат ва дўзахларга ишонишни рад қилган. **Машраб** тўғридан-тўғри минг марта Маккага боргандан кўра ҳеч бўлмаса бир кишига ёрдам кўрсатсанг яхши иш қилган бўласан, мардум халққа зулм қилма, уни эзма, ундан ёрдамингни аяма дейди. Бобораҳим **Машрабнинг** бу оташин инсон-парварлик, сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги ҳукмдорларга, шариат пешволарига мутлақо ёқмади. **Машраб** қаттиқ тазийқ остига олинди.

Ашторхонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан бўлган **Маҳмудбий** Қатағонийнинг фармони билан **Машраб** 1711 йилда Қундуз шаҳрида дорга осиб ўлдирилди. Мутафаккир шоирнинг қатл этилиши ўша даврнинг катта фожиаси бўлди.

БЕДИЛ

Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашибарлар тараққиётида беқиёс катта ўрин тутган мутафаккирлардан бири **Мирзо Абулқодир Бедил** (1644—1721) дир. Ўз даврининг атоқли файласуфи ва шоири ҳисобланган **Бедил** Марказий Осиё халқлари маданияти ва фалсафаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган зот сифатида юксак эҳтиромга сазовор бўлди.

Бедил адабиёт ва фалсафа соҳасида ўзидан қиммат баҳо мерос қолдирди. Унинг асарлари 125 минг мисра шеър ва 50 босма табоқдан ортиқ насрни ташкил қилали. **Мирзо Бедил** фалсафаси негизини объектив олам мавжудлигини эътироф этиш ташкил этади. Унинг таълимотига кўра, табиат абадий, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ, дунё эса ҳамиша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради. У ўзининг «Чор унсур» («Тўрт унсур») китобида табиат абадий ҳақиқатдир, яъни абадий бордир, унинг навлари (шакллари) хилмачиллиги ҳам ўзидандир. Бизлар — инсонлар эса бу оламга келиб кетувчи, йўқ бўлувчилармиз, дейди.

«Оlam, — деб таъкидлайди **Бедил**, —сон жиҳатдан ҳам сифат жиҳатидан ҳам бир лаҳза бўлса-да бир ҳолатда турмайди, унинг гўдаклигига йигитликдан, йигитликда эса қариликдан асар йўқ».

Бедил абадий равишда мавжуд бўлган материяни шакл билан биргаликда олиб қарайди. Буни унинг

«шаклларсиз материя мундарижаси күрингайди, материя пардан очмаса шакллар жаҳонда яшириндири, шакллар материядада имконият ҳолатидадир», деган сўзларидан билиб олишимиз мумкин. Материя шаклсиз бўлса, шакл қаердан пайдо бўлади, деб савол ташлайди Бедил. У шакл билан материяниң диалектик бирлиги хусусида фикр юритиб, аввал материя, кейин шакл, сурат, шу суратдан ташқари маъни йўқ, бўла олмайди, деб таъкидлайди.

Бедилнинг фалсафий қарашлари унинг «Ваҳдати мавжуд» («Мавжудот бирлиги») деган таълимотида чуқур ифодаланган. Унда айтилишича, модда билан руҳ, тан билан жон бир-бирига боғлиқ.

Жисмлардан ташқари руҳлар олами бор, дейиш нотўғридир, деган эди Бедил. Жисмлар оламини руҳларсиз тушуниш ҳам тўғри эмас. Тан қуввати тан саломатлигидадир. Агар тан қувватига зарар етса, руҳнинг қуввати ҳам зарар кўради.

Бедил инсон ўз вақтида овқатланиб турмаса қувватдан кетади, меҳнат қобилиятини албатта йўқотади, деган эди. У ўз фикрини давом эттириб, тарки дунё қилганлар, гадойлар ўзларини азоб-уқубат чекишга мажбур қиласидилар, ўз таналарини мурдага айлантириб, бу дунёдаги ҳамма ноз-неъматлардан воз кечадилар, ана шулар натижасида уларнинг руҳлари сўнади, бундай кишиларнинг кўз олдиларида парилар, жинлар гавдаланади, натижада улар ақлдан озиб, жинни бўлиб қоладилар, худди ёғи озайиб бориб, бирдан ялт этиб, сўнгра ўчиб қолувчи шам сингари ўладилар, деб огоҳлантирганди.

Бедилнинг тушунтиришича, жисм, нарсалар таркибида заррачалар ўзгариб туради, натижада янги нарсалар келиб чиқади, бу хайратга солувчи сирли ҳодиса зарурият ҳукми билан бўлади, бу зарурият нарсаларнинг ўзида ва уларнинг ўзаро муносабатларида мавжуддир.

Еғ, пилик ва олов бирлашиб, зарурият ҳукми билан ёруғлик беради. Узоқ вақт яшаш ва овқатланиш натижасида ҳайвонлар қорнида тошчалар тўпланади. Бу ҳам зарурият орқасидандир.

Бедилнинг таълимотича, Одам сезги органлари ёрдами билан ташқи дунё таъсирини идрок қиласиди, тафаккури билан эса буюмларнинг моҳиятини билиб олади:

Инсон атрофидаги нарса ва ҳодисаларни, - моддий

дунёни фан ёрдами билан билади, деган ғоя Бедил фалсафий таълимотининг асосини ташкил этади. У фани ривожлантириш зарурлигини ёқлаб, умрини илм шамлари билан ёритган зотнинг умри боқийдир, дейди. Фанни ишлаб чиқариш, ҳаёт билан боғлаб олиб бориш масаласига ҳам Бедил катта эътибор берган эди: амалиёт, тажриба билан боғлаб олиб борилмайдиган илм-фан инсоннинг юрагига етиб бормайди.

Мирзо Бедилнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бедил ижодиётида инсонга ҳурмат ва эҳтиром билан қараш, унинг келажагини ўйлаш устуворлик қиласиди. У ўзининг асарларида инсонларни ҳалол яшашга, таъмагирлик қилмасликка, даъват этади. У одамларга қарата, меҳнат қилиб тер тўкишдан раҳмат бўлиб тупроққа ёққил, дейди. Иш қилмасдан мукофот исташ, унингча, уядир.

Бедил дангасалик, ёлғончилик, кеккайиш, очкўзлик макр ва хиёнатни танқид қилиб, камтарлик, сахийликни, меҳнатсеварлик, одоб-ахлоқ, иймон-эътиқодни юксак даражада тутган яхшилардан бегона бўлмайман, ажралмайман десанг, ёмон сўзловчилар, ғийбатчилар билан ошнолик қилма, ўзингни тўғри кўрмоқчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма, деган фалсафий-ахлоқий фикрлари ҳозирги давр учун катта аҳамиятга эга. Очкўзликни қоралаб, қаердаки ҳирс ўти аланталаса, ўша жойда одамгарчилик ўтин ўрнида ёниб кул бўлади, деган эди. У яна бир шеърида ҳунар эгалламаганича киши юзига иқбол эшиги очилмайди, дейдиким, бу ҳар бир инсон учун жуда катта фалсафий ўгит, пандномадир.

Шундай қилиб, Мирзо Абулқодир Бедилнинг фалсафий таълимоти Марказий Осиё ҳалқларининг маданий маънавий тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

ГУЛХАНИЙ

Муҳаммадшариф Гулханий ўз замонасидаги сўз санъатининг йирик вакиллари қаторидан муносаб ўрин олади. Гулханий жуда оғир ва мураккаб даврда яшади, ижод этди. Унинг ҳаёти XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Қўқонда амир Умархон ҳукмронлигӣ даврида ўтди.

Ҳаётининг кўп қисми дарбадарликда ўтган Гулха-

ний Қўқонда гўлахлик қилди, хон саройида навкар бўлиб ишлади. Бу даврда саройда авж олган жамики қабоҳатни ўз кўзи билан кўрди. Камбағалликда яшашига қарамасдан Гулханий ёшлиқ пайтларидан бошлаб ўз билимини ошириш, такомиллаштиришга, ўз давридаги ва ўзидан аввалги ўзбек, форс-тожик, ҳинд адабиёти намуналарини тинмай ўрганишга ҳаракат қилди. Саъдий, Ҳофиз, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларини катта қизиқиш билан ўрганди. Ўзбек ва форс тилларида кўплаб шеърлар, ғазаллар, масаллар, қасидалар ёзди. Гулханий ўзининг «Зарбулмасал», «Маймун билан нажжор», «Туя билан Бўталоқ», «Тошибақа билан Чаён» номли асарлари, лирик шеърларида ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит, сиёсий вазиятни, барча қийинчилик, мураккаблик ва зиддиятларни бадиий, фалсафий нуқтаи назардан акс эттиришга ҳаракат қилган. Бу борада «Зарбулмасал» алоҳида аҳамият касб этади. «Зарбулмасал» Гулханий яшаган даврнинг бадиий инъикоси, ўша мураккаб тарихий шароитнинг ўзига хос кўзгусидир. Асарда Гулханий шахсан кўрган, эшитган, билган, ўқиган воқеа-ҳодисалар қушлар тимсолида зўр маҳорат билан ёритилган, фалсафий умумлаштирилган.

«Зарбулмасал»да ўртага ташланган энг асосий мақсадлардан бири Умархон давридаги Фаргона вилоятининг вайронга эканлигини кўрсатиш, ҳалқ оммасининг ниҳоят даражада оғир аҳволини, ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинганлиги тасвирлаш бўлиб, булатнинг ҳаммаси қушларнинг ўзаро қуда-қудағай бўлиш мажоролари орқали баён этилади.

«Зарбулмасал»нинг ажойиб хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда Марказий Осиё ҳалқлари бир неча асрлар мобайнинда вужудга келтирган юзлаб мақоллари, ўша замондаги ижтимоий муносабатлар, миллий урф-одатлар ўз аксини топган. Улар асарни ниҳоят даражада мазмундор ва ўқишли бўлишига олиб келган.

Асарда тилга олинган Бойўғли, Япалоққуш, Гунашбону, Қулонкирсултон Қўрқуш, Кордон, Турумтой шунчаки оддий паррандалар бўлмай ўша замонда яшаган турли арбобларнинг феъл-атворини ўзида мужассамлаштирган образлардир.

Гулханий асарда ҳалқнинг «қизим сенга айтаман, келиним эшит» нақлига амал қилиб, ҳаётдаги мавжуд

зиддиятлар ва ижтимоий адолатсизликларни, жигари пора-пора бўлган халқ аҳволини паррандалар номидан мажозий маънода киноя, истеҳзо билан тасвирлаган.

Гулханий халқнинг ниҳоят оғир аҳволи ва меҳнат шароитининг ёмонлигини ҳуқуқсизлиги ва эзилгандиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқи ва қадр-қимматининг тамомила поймол этилгандигини «Туя билан Бўталоқ» масалида ҳам маъжозий тарзда тасвирлаган.

Масалда ҳикоя қилинишича, Фарғонада бир сарбон (туячи) яшаган, унинг бисотида бор-йўғи биттагина туяси бўлиб, туясида юк ташиб рўзғор тебратган. Кунлардан бир кун сарбон туяга анчагина юк ортиб йўлга тушади. Туянинг орқасидан эмадиган бўталоғи, ҳам эргашади. Бўталоқ онасини эмолмай оч ҳолда онаси орқасидан зорланиб кетаверади. Бўталоқнинг шикоятига онаси жавоб бериб айтадики: кўриб турибсан, ихтиёрим ўзимда эмас, менда бурундиқ бор, агар заррача ихтиёр бўлганда сени эмизардим.

Гулханийнинг «Маймун билан Нажжор», «Тошбақа билан Чаён» масалларида ҳам инсоний қадр-қиммат, одамгарчилик, мурувват ҳунарнинг афзаллиги, яхшилик ва ёмонлик сингари муҳим маънавий-ахлоқий масалалар қаламга олинган.

Хуллас, Муҳаммадшариф Гулханийнинг бадний-фадсафий мероси нафақат ўз даврининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий манзараларини кўрсатиш билан, балки азалий инсоний муаммоларни кўтариб чиққанлиги билан қимматлидир.

МАХМУР

Ўзбек халқининг истеъодли шоири **Махмур** (XVIII аср охири—1844) ўзининг сатирик асаларида замона-нинг адолатсизлигидан халқнинг бутунлай норозилигини кўйлади, зодагонларнинг иллатларини ва очкўзлигини фош этди. У халқнинг ғоятда аянчли турмушини, мамлакатдаги вайронагарчилик, кучайиб бораётган ижтимоий тенгсизликни, хусусан, ўз оиласининг оч-ялан-гочлигини, болаларининг ҳатто баъзан ейишга нони йўқлигини алам билан ёзади. У ўзининг ночор аҳволи ҳақида кечалари ётгани на жойим бор, уйимда на бир ҳовуч фаллам бор, бошимда на икки газ саллам бор, деб ҳасрат қилган.

Махмурнинг «Хапалак» номли машҳур шеърида хон, амирлар зулми остида харобага айланган қишлоқларнинг типик манзараси акс эттирилган. Унда Фарғона водийсидаги Хапалак деб аталган қишлоқ «бир ката, икки ката, уч алачук, тўрт каталак»дан иборатлигини, ҳалқини кўрсанг ўласи-ю, қоқу хароб, очлигидан қомати камалак сингари эзилганлигини куйиб-ёниб тасвирлаган. Ейишга нони, ичишга ош-овқати бўлмаган Хапалак қишлоғи одамлари, дейди Махмур ажириғ томирини ўғурда майда туйиб, ҳар куни қайнатиб уни сумалак деб айтадилар. Булар Махмурнинг ижтимоий фаолшоир, ўз туйгуларини кўпчиликнинг тақдирига боғланган ижодкор эканлигини кўрсатади.

МАҲТУМҚУЛИ

Туркман ҳалқининг буюк шоири ва мутафаккири **Махтумқули** (таяхаллуси Фиродий, 1733—1793 йиллар) ўз асарларида тенгсизликни, адолатсизликни туркман ҳалқининг маънавий қиёфасини, фикр-туйгулари, орзуистакларини ифодалади. Ў рўй берган ҳар бир воқеага сиёсий, иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ бўлган масалаларга ҳалқ томонидан туриб баҳо берди ва уларни асарларида бадиий акс эттириди. Айни вақтда иқтисодий тушкунлик, қолоқлик, туркманларнинг уруғ-қабила, тоифаларга бўлиниши, уруғлар ўртасидаги адозватлар уларнинг аҳил бўлиб яшashi учун имкон бермаслигини тўғри, ҳаққоний кўрсатиб берди. Махтумқули ўзининг кўпгина шеърларида туркманларнинг «така», «ёвмут», «гўкламги», «язир», «алили» деб аталган уруғларини ягона бир давлатга бирлашишга ўзаро аҳил ҳамкор бўлишга чақирган эди.

Шоирнинг «Кўрганинг», «Сўнгги боғ», «Гўклан», «Эл кўзлар», «Туркман биноси», «Илк замонлар», «Билинмас» каби қатор шеърлари унинг ватанга бўлган чексиз муҳаббатидан далолат беради.

Махтумқули дунё абадий бўлиб, бордан йўқ, йўқдан бор бўлмаслигини, у доимий равишда ривожланиб, ўзгариб турса-да, тараққиёт ҳеч қачон тўхтамаслигини йирик файласуф олим сифатида ўз шеърларида баён этади. «Фифон тўхтамас» шеърида қуйидаги фикрларни айтади:

Булбул сайраб турган ҳовли боғлар,
Булбул сендан кетар, фифон тұхтамас,
Туманли, ёмғирли, оқ қорди тоғлар
Селлар сендан кетар, тұхтамас.

Одам яратылмиш баландли, пастли,
Ақлли, фикрли, онгли ва эсли,
Йигитлик умрда худди ёз фасли.
Баҳор сендан кетар ҳамон тұхтамас...

Утмишдаги бошқа мутафаккирлар каби Махтумқули ҳам үз даврининг фарзандидир. У үз халқининг фожиали ахволда яшаётгандыгини күриб қайғу алам чекди, унинг порлоқ истиқболи ҳақидаги үз фикр-мулоҳазаларини асарларыда атрофлича ифодалади.

Махтумқулининг адабий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий мероси нафақат Марказий Осиё халқларининг балқи башарият маънавий хазинасига қўшилган ҳиссадир. Чунки унда ҳам миллӣ, ҳам умуминсоний қадриятлар үз ифодасини топган ва юксак даражада эъзозланган.

АБАЙ

Қозоқ адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоир Абай (Иброҳим Қуононбоев, 1845—1904 йиллар) Семипалатинск шаҳридаги Аҳмад Ризо мадрасасида таълим олиб юрган кезларида Алишер Навоий, Саъдий, Фирдавсий, Фузулий, Хўжа Ҳофиз каби Шарқ класиклари асарларини севиб ўрганди. Сўқрот, Арасту, Форобий, Гегель фалсафасидан, Байрон, Гёте ва бошқа мутафаккирларнинг ижодидан ҳам баҳраманд бўлади. Буларнинг ҳаммаси унинг билим савиясининг ўсиб, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларининг шаклланиб ва ривожланиб боришида катта таъсир кўрсатди.

Абай ўзининг шеърлари, ўланлари, поэмаларида халқни илм-маърифатга, инсонийликка, меҳнатни севишга, касб-хунар эгаллашга даъват этди. Унинг «Йигитлар, ўйин арzon, кулги қиммат», «Қиз сўзи», «Илм топмай мақтанма», «Оч киши тинчланарми, тўймагунча» каби шеърлари шулар жумласидандир. У ўзининг 45 та катта-кичик ҳикоячалардан ташкил топган «Насиҳатлар»ида дунёда инсон инсонни севмасдан, дўст ортириласдан яшай олмайди, деб таъкидлайди. «Ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири дўст-ёр ортиримоқлиkdir. Дўст ўзгаларга яхши муносабатда бўлсанг

ва қўлингдан келганча яхшилик қилсанг, меҳр-оқибат кўрсатсанг ортади ва кўпаяди, сен кимга дўстлик қилсанг, у ҳам сенга дўстлик қиласди: сенга нисбатан ишончи, меҳр-муҳаббати ошади. Агар дўстим кўп бўлсин десанг, ҳеч кимга душманлик қилма, ўзгалар ичидага оро берма, мақтанма ва ўзингни бирордан ортиқ санама»¹.

Абай ўз асарларида инсон шаънига тўғри келмайдиган, одамни ерга урадиган хислатларни дилозорлик, нодонлик, журъатсизлик, танбалликни кескин фош этади. Бу ҳақда у шундай деб ёзган эди: «Одамзодни хор қиласдиган учта нарса бор. Шундан эҳтиёт бўлмоқ керак. Биринчиси нодонлик, иккинчиси эринчоқлик ва учинчиси золимликдир. Нодонлик билимсизлик ва дунёдан бехабарликдир. Билимсизлик эса ваҳшийликдир. Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, уятсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби нарсаларнинг ҳаммаси шундан келиб чиқади. Золимлик бу инсонликнинг душманидир. Одам золим бўлдими у одамгарчиликдан айрилади, инсою қиёфасини йўқотади ва йиртқич ҳайвонлардан фарқи қолмайди»².

Абай оташин ватанпарвар шоир эди. У «Менинг элим қозогим», «Бойлар юрар молин ардоқлаб», «Адашганинг олди йўл» каби шеърларида уруғлар ўртасидаги ўзаро жанжаллардан юрт вайрон, халқ хор-зор бўлганилигини ачиниб, куйиб-ёниб тасвирлайди. Шоир ўзининг «Қозогим, шўрлик юртим, вайрон юртим» шеърида ноаҳиллик қандай фалокатларга олиб келганлигини мөҳирона тасвирлаб, қозоқ уруғларини бирлашишга чақиради, уруғлар ўртасидаги келишмовчиликларни тугатишга ундаиди.

Абайнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини кенг тарғиб этишда унинг истеъододли шогирди Шакарим Кудайбердиев (1858—1931) нинг хизматлари алоҳида эътиборга сазовордир.

XIX асрнинг иккинчи—XX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган қозоқ олимлари, жамоат арбоблари, таниқли маърифатчилар Аҳмет Бойтурсунов (1873—1938) Исфандияр Кубеев (1878—1956), Жусупбек Ай-

¹ Абай Қўйонбоев. Танланган асарлар. Ўзбекистон бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент. 1961, 116-бет.

² Ўша асар. 197-бет.

маутаев (1889—1931), Мағжан Жумабоев (1893—1938) ва бошқалар ўзларининг бадиий ва илмий асарларида, маҳаллий халқни саводсизликдан қутулишга, илм-фан, ҳунармандчиликни эгаллашга қизғин даъват этадилар. Улар янги мактабларни кўпайтириб, маориф, илм-фан, маданиятни ривожлантириш йўли билан аҳолининг билими, сиёсий онгини ошириб минтақада ягона Туркистон республикасини барпо этишни орзу этганлар.

Афсуски, уларнинг кўпчилиги мазкур ғоялари учун шўролар ҳукумати томонидан миллатчиликда айбланиб, қатағон йиллари отиб ташланган.

БЕРДАҚ

Бердимурод Қартабой ўғли Бердақ (1827—1900) қорақалпоқ мумтоз адабиётининг ва прогрессив ижтимоий-фалсафий тафаккурининг йирик вакилидир. Бердақ XIX асрда феодал муносабатлар ҳукмрон бўлган, Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинган мураккаб тарихий шароитда яшаб ижод этди.

Бердақ бошланғич таълимни ўзи туғилган овулдаги диний мактабда олгач, сўнг Қарақут эшон мадрасасига ўқишига киради. Моддий аҳволи noctor бўлганлиги сабабли мадрасани ташлаб кетади. Ўқиши мустақил равишда давом эттиради.

Бердақ ижодининг чуқур томирлари бор. У қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти, адабиёти, санъати, фалсафасини, халқ урф-одатлари ва миллий қадриятларини севиб ўрганади ва ўзи мансуб бўлган халқнинг севимли шоири, файласуфи сифатида майдонга чиқади. Бердақ Алишер Навоий, Фузулий, Махтумқули асарларини севиб ўрганди. Ниҳоят, у Лутфий, Атоий, Бобур ва бошқа алломаларнинг асарлари, маданий-фалсафий меросларига катта ҳурмат ва самимият билан қаради. У устозларининг энг яхши, энг илғор анъаналарини қабул қилган, улардаги гўзал фикр-мулоҳазаларни давом эттирган ҳолда асосий диққатини қорақалпоқ халқи оғзаки ижодига, ундаги олийжаноб хислатларга қаратди. Шулар асосида янги фалсафий, ижтимоий-сиёсий ғояларни дадиллик билан кўтариб чиққан шеърлар яратди. Бердақнинг «Излар эдим» шеъри бунга мисолдир.

Бердақ қорақалпоқ халқининг минг йиллар оша бошидан кечирган тарихини, эл-юрт ободончилиги йўлида кўрсатган буюк жасоратию, меҳнатини, моддий

ва маънавий маданиятини, инсон ақл-идрохи ва тафаккури меваси бўлган дурдоналарни ўз асарларида мадҳэтди.

Қорақалпоқ халқининг улуғ фарзанди Бердақ ўз асарларида тенгҳуқуқлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини ифодалади, золимларни фош этди. Бердақ халқининг баҳт-саодати, келажагини орзу қилди, ватандошларини ўз баҳти учун курашга чақирди.

Бердақнинг «Халқ учун», «Яхшироқ», «Ёз келарму?», «Солиқ», «Кўрдим», «Бу замонда» сингари ижтимоий-сиёсий тенгсизликни акс эттирган лириқ шеърлари, «Хасис экан», «Дод дема», «Тере қайтгаң», «Хўкизим», «Чифирим» каби сатирик ва юмористик асарлари, «Омон гелди», «Ойдус бий», «Эрназар бий», «Равшан», «Аҳмоқ пошшо» сингари асарлари қорақалпоқ адабиёти, маданияти ва фалсафасининг бебаҳо намуналариидир.

Бердақ ўзининг «Халқ учун» деб аталган машҳур шеърида халқ учун яхши кунлар келишини, бунинг учун курашиш, қийинчиликлардан қўрқмаслик кераклигини қайта-қайта таъкидлайди.

Бердақ одамларга қаратса, «Йигит бўлсанг арслон каби туғилган ўзим демай, ғамхўрлик қил халқ учун» дейди. Шоир сўзини давом эттириб, халқа бор кучингни сарфлаб хизмат қилиш учун энг аввало ёмонликни зинҳор ўйламанг, юз ўйлаб бир кесинг, шошма-шошарликка йўл қўйманг, шундагина муродингизга етасиз, дейди.

АҲМАД ДОНИШ

Халқимизнинг туб манфаатларини, озодлик, мустақилликка бўлган интилишлари, орзу-ниятларини ўзида акс эттирган янги ижтимоий-фалсафий маърифатпарварлик Туркистонда XIX асрнинг охиrlарида пайдо бўла бошлади. Дунёқарашлари ана шу мураккаб, ўта зиддиятли ижтимоий-тарихий шароитларда шаклланган алломалардан бири Аҳмад Дониш (1827—1897) дир.

Ватан ишқи ва қайғуси, эл-юрт истиқболи ташвишлари билан ёниб яшаган ажойиб инсон, йирик олим Аҳмад Дониш билими чуқур, ақли тийроқ, дунёқарashi ниҳоятда кенг бўлганлиги сабабли замондошлари томонидан «Қалла»—«Дониш» деган лақаблар олган.

Аҳмад Дониш астрономия фалсафа тарихига оид кўпдан-кўп асарлар ёзиб қолдирган мутафаккир олимдир. «Бухоро амирларининг тарихи», «Наводирул вақое» Аҳмад Дониш номини дунёга машҳур қилган асарлардир.

Аҳмад Дониш «Наводирул вақое» («Нодир воқеалар») номли машҳур тарихий, илмий-фалсафий асарида оламнинг агадийлиги, ернинг юмaloқлиги, сайёраларнинг ҳаракат қилиб туриши мумкинлиги тўғрисида та-пирган. «Ер қимирлаши сабабсиз бўлмайди, дейди у, бунинг сабаби эса ҳароратлик, унинг ер марказидан юқорига кўтарилиши ёки тоғнинг баъзи жойлари бўшашиб кетганинигидир... Ер остида тиқилиб, сиқилиб ётган буғларнинг кучи, ҳаракатларидан ўша ерда зилзила пайдо бўлади. Бундай тоғ атрофидаги баъзи жойлар ёрилиб сув булоқлари оқади ёки у ҳароратнинг зарбасидан ер ёрилганда ундан қаттиқ садоли товуш чиқади. Тоғ тепаликларининг оралари ажралиб улардан унгур, тешиклар пайдо бўлади.»

Олим ер ости маъданларининг ҳосил бўлиши ҳақида фикр юритиб, тоғлардаги ҳамма маъданлар ер марказида нам олган иссиқ буғдан пайдо бўлади, деб таъкидлайди. Шунингдек, ой ва Қўёшнинг тутилиш сабабларини ҳам табиатнинг ўзидан қидириш зарурлигини айтиб ўтади. Агар биз билишга интилсак,— дейди бу ҳақда А. Дониш,— ой ва Қўёшнинг тутилиши биз учун билиб бўладиган тушуниладиган нарсага айланади.

Аҳмад Дониш машҳур астрономдир. Астрономияга оид тузган ахборотларида буюк алломалар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Умар Хайёмнинг анъаналарини ижодий давом эттириб табиат ҳодисаларини илмий асосда англаш ва изоҳлашга ҳаракат қилди.

С. Айний «Эсадаликлар» китобида Аҳмад Донишнинг иирик астроном, атоқли табиатшунос олим бўлганлигини, унинг ой тутилиши ҳодисасини олдиндан башорат қилганлигига шахсан ўзи гувоҳ бўлганлиги келтирилган.

Аҳмад Дониш Форобий, Низомий-Ганжавий, Алишер Навоий сингари буюк мутафаккирлардек, тенгсизлик бўлмайдиган, дини ва миллатидан қатъий назар одамлар бир-бирлари билан ўзаро дўст, биродар бўлиб яшайдиган, тинч меҳнат билан шуғулланадиган замон-

лар келишини орзу қилди. Ўша замонда урушларга барҳам берилиб, инсон ва унинг қадр-қиммати юксак даражада эъзозланишига астойдил ишонди.

Аҳмад Дониш инсон баҳти ва келажагининг асоси меҳнатда дейди. «Агар инсон тақдирга ишониб ишламаса, йўқчиликда, камбағалликда ёки бойликда яшаш учун яратилганман деб сафсата сотса, у янглишади. Бу одам ақлсизdir. Аҳмад Дониш одам ўз гайрати ва ҳаракати билан мақсадига эриша олади, дейди.

Аҳмад Донишнинг илфор фалсафий ғояларини Фурқат, Муқимий, кейинчалик Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар давом эттирадилар.

ФУРҚАТ

Ўзбек халқи бошқа қардош халқлар ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожланишида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли **Фурқат** (1858—1909) нинг роли ва аҳамияти бошқа мутафаккирларнидан асло кам эмас. Унинг асарларида илгари сурилган илфор ғоялар, фикрлар кўп ва хилма-хилки, Ватанин севиш, унинг ўтмиш тарихи ва маданиятини, тили, адабиёти ва санъатини ҳурматлаш, уларни ўрганиш ҳақида шоирнинг фикрлари ҳамон эъзозли.

Фурқат меҳнаткаш ҳалқни моддий ва маънавий бойликлар ижодкорларини дил-дилидан ардоқловчи ажойиб инсонпарвар шоирдир. Фурқат чор амалдорлари, ва маҳаллий бойларнинг манфаатпарастликлари, ҳалққа ўтказаётган зулм ва ситамларини ўзининг ўтли ҳажвий асарларида очиб ташлайди. Бунга унинг «Түф» шеърини мисол қилиб келтириш мумкин. Шеърда у етим-есирлар ҳақини еб, камбағалларни қон қақшатиб, давру даврон сурган Қўлон баёнларини, Захаров ва Морозов сингари фабрикантларни лаънатлайди.

Фабрикантлар судхўрликни она сутидан ҳалол билib, ҳаром-хариш пулларга кўшк-айвонлар қуриб, бойлар учун тўйлар базмлар ўтказиб, камбағаллар қонин сўриб айшу ишрат қурғанларни Фурқат ўз шеърларида шармандасини чиқаради.

Фурқат асарлари марказида тирик инсон туради. Ўз даври иллатларини қоралаш,adolatsizlik ва зўравонликни фош этиш, олам сарвари ҳисобланган инсон,

манфаатини қўллаб-қувватлаш булар шоир асарлари нинг асосий ўзагини ташкил этади. Буни унинг шоҳ асарлари қаторидан ўрин олган «Сайдинг қўябер сайёд» шеърларида очиқ-оидин кўрса бўлади: бу шеъри ўша даврдаги хаққизликларни, тенгсизлик ва ижтимоий адолатсизликларни, синфий-сиёсий зулмни бадиий тасвирлаш ва рўй-рост фош этишнинг ажойиб намунаси-дир.

Туркистонда чор ҳукумати вужудга келтирган оғир вазият туфайли етук аллома, номдор шоир, атоқли адаб бўлишига қарамасдан Фурқат ўз юртида инсонларча яшаш имкониятига эга бўлолмади. Айшни нодонлар суриб, кулфату азоб-уқубатларни донолар, донишманделар тортадиган замонда яшашга мажбур бўлганлиги сабабли Фурқат ўз даври ва ижтимоий муҳитидан мурувват кўрмади, эътибордан четда қолди.

Оташқалб шоир тақдир тақозосига кўра бағри қонга тўлиб яшаганинги «бошида, хушбаҳтлик» бўлмаганинги, «етим қўзи» каби начорликда, «дардини ошкора айлай» деса, ҳамдарди йўқлигини очиқ-оидин ёзганди.

Булар камлик қилганидек, Фурқат ўз азиз Ватанини астойдил севгани ҳолда 18 йил юртидан жудо бўлиб юришга ва ғурбатда жон таслим қилишга мажбур бўлди. 33 ёшида Ватанидан жўнаб кетган шоир умрбод юртига қайтолмади.

Киндик қони томган, кўз очиб кўрган, авлод-аждодлари ўсиб вояга етган она Ватанидан четланиш, мусо- фирмичлик билан боғлиқ азоб-уқубатларни, маънавий- руҳий изтиробларни қалбига сифдира олмаган Фурқат аччиқ қисмати ва тақдирига ачиниб, фалакдан шикоят қилиб, ўта таъсирли, инсон қалбини тилка-пора этадиган шеърлар ёзади.

Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен бехабарсан оҳу зоримдин,
Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди андоғим,
Биёбонларда Мажнун тутиё излар губоримдин.

Қизил қондир сиришким, заъфарондур чеҳраи олим,
Мени ким кўрса фарқ этмас хазон бирла баҳоримдин...
Адашган ит каби Фурқат қаён боргум билолмасман,
Қачон бўлғайки, топгаймен хабар ёру диёrimдин.

Фурқат ўзининг асарлари ва шеърларида зўлмат ўрнига нурни, жаҳолатга қарши маърифатни, бидъатга қарши илм-фан, ақл-идрок ва тафаккурни мадҳ этди. Одамларни әскилик батқоғидан чиқишига илм-фан ва техникадаги янгиликлардан доимий равишда хабардор бўлишга, бунинг учун илмни севишга, бир эмас, бир нечалаб хорижий тиллар ва маданиятларини билишга ундади.

Фурқатнинг «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка», «Нағма», «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» ва шунга ўхшаш достон ва шеърларида түрмушга улуғ дастиёр бўлган илму фанни, техникани, ҳар-хил ҳунарларни, ихтиrolарни, мусиқа илмини, чет тилларни, араб, юнон, рус, француз халқлари адабиёти, санъати ва маданиятини билиб олишга чақиради.

Фурқат «Кўнгулларнинг сурори», «Кўрар кўзларнинг нури» бўлган барча ижобий ва фойдали илмларни ўқиб ўрганишни ўз халқига тавсия қилади, чунки уларнинг ҳар қайсиси ўз вақтида даркор бўлади дейди.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ўз даврининг илғор мутафаккири, халқимизнинг маърифатпарвар, халқпарвар, оташин ватанпарвар фарзанди сифатида Ўзбекистон тарихида муносиб ўрин тутади.

МУҚИМИЙ

Ўзбек классик шоирларидан бўлган Муҳаммад Амин Мирзахўжа ўғли **Муқимий** (1850—1903) ўз ижодини ўзбек халқи тарихида энг мураккаб кунларда бошлади. Муқимий яшаган даврда ўзбек халқи майдо-майдо хонликларга бўлиб юборилган, бу хонликлар ўртасидаги тинимсиз кураш меҳнаткаш халқни хонавайрон қилиб турган, Туркистон чоризм томонидан қилич кучи билан мустамлака қилинган эди.

Буюк инсонпарвар шоир Муқимий мустамлакачилик шароитида ўзбек халқининг бошига келган фалокатларнинг жонли шоҳиди бўлди. Мустамлакачи жаллодларнинг халқа қилган жабр-ситамларини ўз кўзи билан кўриб, ўз қалби билан чуқур ҳис этиб, уларни асарларида акс эттиради.

Муқимий ўз асарларида ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисаларни бўяб-безаб тасвирламади, балки қандай бўлса шундайлигича, оқни-оқ, қорани-қора деб баён этди.

Бадиий Пухталик, нүктай назарнинг холислиги Муқимий асарларига хос хусусиятдир. Тилёфламалик, лаганбардорлик унинг табиатига мутлоқ зид.

Ҳокимларга мулозамат қилмаганлиги, уларнинг куйчиси бўлишни хоҳламаганлиги, саройдан четда юрганлиги учун Муқимий ҳеч тақдирланмади, жуда фақирона ҳаёт кечирди. «Менинг хор бўлишишмнинг сабаби Фаргона мардуми бўлмаганлигимда, ўз ватанимни севганимда» деб арз қилганди.

Муқимий ўз юртида бегона бўлиб яшади, ҳақиқатан ҳам мустамлака қилинган Туркистонда ерли халқ эмас, юртимизни босиб олган истилочилар эъзозланарди, энг катта иззат-икром, эътибор фақат ўшаларга кўрсатиларди. «Муқимий, Ҳинду Марвдин келсан топардим эътибор» деганда шоир ана шуларни назарда тутганди.

Муқимиининг бутун меҳр-муҳаббати камбағал халқ томонида эди. У ўзининг ўткир сатирик шеърларида халқнинг аянчли аҳволини, иккиёклама зулм остида халқ бошига тушган кулфатларни тасвирлади, халқ билан баб-баравар эзилди. Уз замонининг йирик файласуф шоири бўлган Муқимий асарларининг ўткир тиги чор амалдорлари ҳамда маҳаллий бой ва амалдорларга қарши қаратилган эди.

Шу нүқтаи назардан Муқимиининг «Танобчилар» деган асари катта аҳамиятга эгадир. Асарда Муқимий ҳар йили қишлоққа чиқиб, ерларни қайтадан ўлчайдиган, ер эгаларига тавон пули-ўлпон чиқарилишига сабабчи бўладиган, халқдан кўп миқдорда пора оладиган ва пора бермаганларнинг оз ерларини кўп кўрсатиб, уйларини куйдирган тўраларнинг қилмишларини фош этган. Жуда катта ижтимоий маънога эга бўлган «Танобчилар» Муқимий қаламига мансуб асарлар орасида энг сараларидан биридир.

Муқимий фақат Кўқон ва Фаргона водийсидагина эмас, балки Туркистоннинг ҳамма жойида оддий меҳнаткаш инсоннинг аҳволи ночор, толеи паст, иқболи нигун, эрк ва ҳуқуқи поймол этилганлигини ўз кўзи билан кўрди, матбуотда ўқиб, одамлардан эшитиб, билиб олди. Уларнинг ҳаммасини асарлари, ғазаллари, шеърларида бадиий ифодалашга ҳаракат қилди. Унинг «Саёҳатнома» асари шу жиҳатдан диққатга сазовордир.

Фаргона водийсида Муқимий бориб кўрмаган, суҳ-

бат қуриб, одамлар аҳволидан боҳабар бўлмаган биронга ҳам қишлоқ қолмаган ҳисоб. Бунга «Саёҳатнома» да тилга олинган Ўлтарма, Дўрмонча, Олтиариқ, Бешариқ номли ўнлаб қишлоқлар, Ҳожи Исо, Қози Фози ва бошқа мингбошию сўфиларнинг исм-шарифлари келтирилганлигини далил тариқасида эслаб ўтиш кифоя.

Муқимий кўриб чиққан юрт ҳароб, эл оч-яланғоч, қишлоқлар эса қолоқлик, нодонлик, масканига айланиб қолган эди. Оқибатда Муқимий «олам қурилган дор экан», деган хуносага келади. Шу қолоқлик, оч-яланғочлик, қашшоқликнинг асоси ижтимоий тузумда, мустамлакачилик истибоди ва маҳаллий амалдору-бойларнинг инсофисизлигида эканлигини «Саёҳатнома»да Муқимий томонидан шама қилиб ўтилади.

Муқимийнинг энг катта хизмати ва жасорати шундаки, у ҳалқни эзib келаётган бой ва судхўрларнинг, мустамлакачи амалдорларнинг, заводчи корчалонларнинг, дин арбобларининг алдамчилиги, қаллоблиги ва фирибгарлигини дадиллик билан фош этган, ҳақиқатни айтишдан тап тортмаган.

Муқимий асарларида ҳалқ манфаатини астойдил ҳимоя қиласди, феодал тузум иллатларини, ҳукмрон синфлар кирдикорларини очиб ташлайди, келажакка умид билан қарайди. Унинг «келар охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши», деган эзгу умид ва ишонч билан тўла фикри ҳануз ҳалқ дилида янграб турибди.

Муқимий ижодининг муҳим фазилатларидан бири унинг ўз услуби ва умумий руҳи билан ҳалқчиллиги ва ҳалқ маънавий ҳаётига сингиб кетганилигидир. Шу жиҳатдан Муқимий ҳақиқий ҳалқ шоиридир.

ЗАВҚИЙ

Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий (1853—1921) ўзининг илгор маърифатпарварлик ғоялари билан ўзбек ҳалқи маданияти тарихи, фалсафий, ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожида алоҳида ўрин тутади. Убайдулло Завқий эски мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ косиб отасига ёрдам бериб, унинг ҳунарини ўрганади. Отаси камбағал бўлишига қарамай Завқийни 1870—1871 йилларда Кўёндаги «Мадрасаси Олий»га ўқишга беради. Завқий мадрасада тўрт йил таҳсил кўради.

Завқийнинг дунёқараши шаклланиши, ижтимоий-

фалсафий тафаккури ривожланишида Шарқ халқлари-нинг ўтмиш маданияти, тарихи муҳим аҳамият касб этди. У авлод-аждодларимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган ижтимоий-фалсафий фикри ва маданиятининг ютуқларини ўзлаштири ва янги ғоялар билан бойитди. Завқий, Лутфий, Навоий, Жомий, Фузулий, Бедил ва бошқа мутафаккирларнинг асарларига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қаради. Ҳофиз, Маҳмур, Гулханий асарларидан кўп баҳраманд бўлди, ижодий анъаналарини давом эттириди.

Завқий ўз замонидан, ўзини ўраб олган ижтимоий муҳитдан, ҳоким*гуруҳ ва мартабали шахслардан, уларнинг разилликларидан фарёд солади, бу кунлар тезда ўтиб кетишини бундай қисмат, бундай аянчли аҳвол халқ бошида абадий қолмаслигини башорат қиласди. Унинг «Ажаб эрмас» радифли шеъри бу борада ибратор-муздир. Шоир ажойиб шеърида «мунаввар заминда бир офтоб ўлса, ажаб эрмас, қариган чоғида Завқий хубоб ўлса ажаб эрмас», деб ёзади ва келажакка умидворлик билан қарайди.

Шундай қилиб маърифатпарвар Завқий бошқа тараққийпарвар шоирлар билан ҳамкорликда ўзбек адабиётида демократик йўналишнинг шаклланиши учун курашди ва зўр ижодий натижаларга эришди.

АВАЗ ҮТАР

Аваз Үтар 1884—1919/ эл суйган шоир сифатида халқ орасида маълум ва машҳурдир. У Хивада таваллуд топди, ёшлик кезлариданоқ фан, санъат, адабиётга қизиқди. Навоий, Лутфий, Фузулий, Мунис, Комил, Оғаҳий каби адилларнинг илмий, адабий-фалсафий меросларини катта қизиқиш билан ўрганди. Натижада у жуда эрта Хоразм воҳасининг номдор шоири бўлиб танилди.

Аваз Үтарнинг «Халқ», «Уламоларга», «Сипоҳийларга», «Ҳарб ваҳшийлари», «Мактаб», «Тил», «Ҳуррият», «Фирдавсий халқим», «Топар экан қачон» каби шеърий асарларида унинг маърифатпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва демократик ғоялари мөҳирона ифодаланган.

Аваз Үтар ўзи яшаган хон тузуми давридаги иллатларни танқид қиласди. Халқнинг аҳволи ва унинг келажаги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишдан

заррача чўчимайди. Унинг «йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ, зулм тифи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ», деган сатрлари ўша замонда ҳоким бўлган разил ижтимоий кучлар устидан, уларнинг жирканч ишлари устидан чиқарилган айбномадек эшитилади.

Ватанпарвар, халқпарвар шоир миллатни маърифат орқали жаҳонда ҳар томонлама ривожланган эллар қаторига олиб чиқишини истайди. Ўзининг бу фоясини шеърларида акс эттиради.

Жамият равнақи, халқнинг билимли маърифатли ва маданиятли бўлишида ўз она тилидан ташқари бошқа тилларни ҳам билиш зарурлигини, болаларни илму фанга йўллаб юбориш муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

Аваз Ўтар «Мактаб» номли шеърида мактаб очиш орқали халққа билим, маърифат бериш ишига ҳар бир инсон қўлидан келган ҳимматини аямаслиги керак, дейди. Чунки, унинг фикрича «мактаб миллат вайроналигини тугатиб, уни обод қилиш, одамларни ғам-қайғудан озод этиш» йўлларидан биридир.

Аваз Ўтар ҳар доим меҳнаткаш халқ томонида туради. Адаб томонидан таъкидланишича, илм-маърифатли бўлган киши онгли, ақл-идрокли бўлади, айни чоқда, маърифат, озодлик душманларига қарши онгли тарзда курашувчи даражасига кўтарилади.

Аваз Ўтар маърифатпарвар, миллатпарвар шоир сифатида халқ оммасининг баҳтиёр кунларга етишига Ватанимизда ҳуррият, озодлик, эрк қуёши барқ уришишига астойдил ишонади. «Бор умидим: тездан бўлгуси ҳуррият куни, Эй Аваз, қолмас булат остида доим офтоб», — дея ундан даррак беради.

АЙНИЙ

Садриддин Айний /1878—1954/ ўзбек ва тожик халқлари маданияти хазинасида бебаҳо дурдоналар қўшган атоқли адаб, заковатли олим, Шарқ илм фани ва маданияти тарихи, фалсафасининг йирик билимдонидир.

Садриддин Айний 1878 йилда Бухоранинг Фиждуон туманига қарашли Соктаре қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. У Бухоронинг «Мир Араб», «Ҳожи Зоҳид», «Бадилбек», «Кўкалдош» мадрасаларида ўқиб юрган пайтларида Аҳмад Донишнинг асаллари ва илғор ижтимоий-сиёсий, фалсафий фоялари билан танишади. Аҳмад Донишнинг машхур «Нодир воқеалар» асари

Айнийнинг дунёқарашида маълум бурилиш ясайди, унинг илм-маърифатга муҳаббатини беҳад оширади. Айний ижтимоий тафаккурда Аҳмад Доңиш йўлидан бориб, унинг халқпарварлик ва маърифатпарварлик фояларини давом эттиради.

Айний ўзининг «Кисқача таржимаи ҳоли»да ёшлик пайтидан бошлаб Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил шеърларини севиб ўқиганлиги ва ёдлаб олганини, уларнинг оҳангидан мафтун этиб, завқлантирганлини қайд этиб ўтган.

Садриддин Айний фаолиятининг дастлабки палласи ўта зиддиятли даврга, халқ амир ва беклар зулмидан қон қақшаган замонга тӯғри келди. У илфор маърифат-парварлик фоялари учун амир амалдорларининг бир неча бор тазиқига учради, қамоққа ҳам олинди, ҳатто амир томонидан етмиш беш таёқ жазога ҳукм қилинди.

С. Айний умр бўйи ўз устида тинмай ишлади. Уни кўрган, билган, шахсан мулоқатда бўлган замондошлиари, дўстлари, шогирдлари ҳамкасларининг ёзиб қолдирган хотираларида айтилишича, Садриддин Айнийнинг китоб мутолаа қилмасдан, ниманидир ёзмасдан, қўлида қалам ушлаб фикрламасдан турган пайти ҳеч қачон бўлган эмас. Унинг «Бухоро инқилоби тарихига материаллар», «Манғит амирлари тарихи», «Одина», «Доҳунда», «Қуллар», «Эски мактаб», «Судхўрнинг ўлими», «Етим», «Эсадаликлар» каби асарлари дунёning кўп тилларига таржима қилинган. Садриддин Айнийнинг «Қуллар» романи айниқса машҳурдир.

Романинг бош қаҳрамони халқ, меҳнаткаш халқ фарзандлариридир. Асарда турли тарихий шароитда яшаган уч авлод намояндлари қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Уч авлоддан биринчиси қуллар Раҳимдод, Ашур, Гулсум, Фарҳод, Ризоқуллар бўлса, иккинчиси уларнинг болалари Эргаш, Сафарқул, Қулмурод, Ҳайдарқуллардир, Хасан, Фотима ва бошқаларни Айний асарда учинчи, янги авлод кишилари сифатида тасвирлаган.

Асарда Раҳимдод (Некқадам) биринчи авлодга мансуб ижобий образ сифатида тасвирланган. Уни Абдураҳмонбой қирқ тиллога қул қилиб сотиб олади. У бойнинг даргоҳида не-не азоб-уқубатларга гирифтор бўлади. Қанчалик қийналмасин ҳаммасига чидайди, «такдир»га кўникиб яшайди. Лекин бойнинг бошқа қуллари

Раҳимдодға ўхшаб яшашни ўзларига эп кўрмайдилар, жабр-ситамларга кўникмайдилар.

Бу қулларнинг ўша тузум, ўша муҳитга, Амир Ҳайдар, Абдураҳмонбой, Қилич халфа, Набиполвон сингари қул жаллодларига қарши исёни, зулмга қарши туғёни эди.

Садриддин Айний инсонпарвар, халқпарвар мутафаккир сифатида қулларнинг озод бўлишини умуман қуллик тузуми бўлмаслигини инсон зоти ҳамма жойда барча даврларда озод, эркин, мустақил тўла ва тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши зарурлигини фақат «Қуллар»да өмас, бошқа асарларида ҳам катта завқ-шавқ билан баён этди.

ҲАМЗА

Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Садриддин Айний сингари халқпарвар, маърифатпарларнинг ижтимоий-фалсафий фикрларини ижодий давом эттирган ва янги роялар билан бойитганлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929) дир. У ёшлигиданоқ даврнинг даҳшат ва фожиасини ўз кўзи билан кўрди. Ҳамза ўзи яшаётган жамиятни зиндан, ундаги ҳаётни эса жаҳаннам деб атаган эди. Ҳамза чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг жабр-ситам ва барча қабоҳатларини ўз бошидан кечирди.

Ҳамза ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун тинмай ҳаракат қилди. Билими ва онгини ошириш йўлида ўз устида астойдил шуғулланди. Шарқ адабиёти, санъати, маданиятини катта қизиқиш билан ўрганди. Алишер Навоий асарларини тинмай мутолаа қилди. Қўқонда ишлаган тараққийпарвар рус ўқитувчиси Орлов билан дўстона муносабатда бўлиб, ундан рус тили ва адабиётини ўрганди.

Ҳамзанинг ташаббуси билан Қўқонда янги усулдаги мактаб очилиб, унга камбағалларнинг болалари, етим ва бошпанасиз болалар жалб этилди.

Ҳамза инсон феъл-авторининг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий муҳит ва таълим тарбия катта ўрин тутади, деб ҳисоблаган. Ижтимоий тенгсизликнинг асосий сабаби саводсизликда деб билганлиги учун Ҳамза камбағалликдан, аянчли ва кулфатли ҳаётдан қутулишнинг энг яхши йўли маориф-маърифатдадир, деб ишонади.

Ҳамза халқни илмли, маърифатли қилишда мактаб-

нинг аҳамияти катта эканлигини тушуниб етди, унинг фикрича, «мактаб миллат, макони гавҳар ёқутнинг кони мактаб бўлмаса битар миллатнинг ному нишони».

Ҳамза 1914 йилда ёзган шеърларидан бирида, «ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод, кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм», «илм иста, илм иста илм истагил зинҳор илм», деб, одамларни фафлатда қолмасликка даъват этганди.

Хотин-қизларнинг озодлиги, эрки, тенг ҳуқуқлиги, бахт-иқболига алоҳида эътибор бериш Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг энг асосий хизматларидан биридир. Шарқ адабиёти ва маданийти тарихида Алишер Навоийдан кейин хотин-қизлар масаласига Ҳамзачалик катта ҳурмат ва самимият билан қараган ижодкорни учратиши қийин.

Ҳамза асарларида очиқ-ойдин айтилишича, хотин-қизлар ўзларининг гўзал инсоний фазилатлари, хулқатворлари, ибо ва ҳаёси оддийлиги ва камтарлиги, одобахлоқи ва маданийти, маънавияти, меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги билан ижтимоий тараққиётга кўмак беради, миллат халқ ва Ватанинг истиқболига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳамза жамиятнинг келажаги, халқнинг маданийти ва маънавиятининг қандайлиги, Ватанинг иқболи ва истиқболи инсониятнинг ярмини ташкил этадиган хотин-қизларга қанчалик эътибор берилганини, уларга кўрсатиладиган иззат-икром ҳурмат ва мурувватга, яратиб бериладиган шарт-шароитларга қараб белгиланади, деган илғор ғояларга содиқ қолди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг шеърияти ва драматургиясида «Бой ила хизматчи» ва «Турсуной марсияси»да «Эркингни кўлдан берма!», «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Тұхматчилар жазоси», «Бурунги козилар ёхуд Майсарапанинг иши», «Паранжи сирлари» ва бошқа қатор асарларида Шарқ хотин-қизларининг порлоқ истиқболи муаммосига етук адид ва мутафаккир сифатида қайта-қайта мурожаат қилди.

«Келди очулур чофи» деб бошланадиган гўзал шеърни ҳеч бир иккиланмай Ҳамзанинг хотин-қизларга хитбонаси, деб аташ мумкин. Шеърда Ҳамза хотин-қизларни мактаб, анжуман бориб, фикрини очиб, илм-фантифи бирла жаҳл бағрини қон қилишга, сояларда сарғайған юзларни гулгун қилиб, аҳли донишлар базмини гулистон қилишга даъват этади.

Ҳамза ўз Ватани билан фаҳрланган, Ватани ишқи

ва ташвишида куйиб-ёнган, Ватани учун бутун борлиғини, зарур бўлса тан ила жонини фидо қилишга тайёр турган инсондир. Фикримизча, Ҳамзанинг «Ватан бизни жисм ичра ширин жонимиз, ватан бизни юракдаги иссиқ қонимиз, ватан бизга қимматдур гавҳар инжудан, ватан бизни ҳар шайдин чин суйгонимиз» деган сатрлари буни яққол исботлайди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари оптимизм, кела-жакда умидворлик руҳи билан лиммо-лимдир. Ҳалққа, унинг порлоқ келажагига ишонган Ҳамза бир кун келиб ҳалқ озод бўлишини, ўз тақдирини ўз қўлига олишини қарға-қузғуллар қишлигар «эски турмуш боғлари» ўрнида ёш кўнгуллар яшнайдиган «янги турмуш боғлари» муқаррар равишда вужудга келишини башорат қилди.

Хуллас, маданий-маънавий қадриятларимизнинг ижодкорлари, яратувчилари бўлган Марказий Осиё мутаффаккирлари буюк кашфиётлар қилиб, жаҳон фалсафаси ва маданиятини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшдилар. Уларнинг катта илмий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маданий-маънавий мероси ҳалқимизнинг буюк ифтихоридир.

3. МИЛЛИЙ МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ЖАМИЯТИМИЗ МАЪНАВИЙ ПОҚЛANIШИНинг ЗАМИНИ

ШАРҚОНА МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМIZНИНГ ТИКЛANIШИ — ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ТАНТАНАСИ

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»¹. Натижада ҳалқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тақдирининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятнинг соҳибига айланди.

Истиқлол диёrimizning улуф фарзандлари, буюк сиймоларининг номларини фахру ифтихор билан тилга олишга, таваллудларини умумхалқ тантанаси сифатида

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавғизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997, 137—138-бетлар.

кенг нишонлашга, уларнинг асарларини она тилимизда чоп этиб, халқимиз маънавий камолатини таъминлашга қулай имкониятлар юзага келтириди. Шунингдек, мустақиллик сабиқ ижтимоий-сиёсий тузум ҳукмронлик қилган йиллардаги халқимиз тарихига, маданиятига бирёзлама ёндошишдек ижтимоий иллатдан онгимизни холи этди.

Мустақиллик бизнинг миллий-маънавий илдизларимиз нақадар теран, нақадар бақувват эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди.

«Биз,— дейди И. Каримов,— бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму фан барқ уриб яшнаган, табиий илмлар, хусусан, тибиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғуурурлансак арзиди»¹.

Мазкур асарнинг олдинги саҳифаларида келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ўлкамиз олимлари нафақат табиий илмлар, балки ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида (жумладан, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқшунослик, санъатшунослик, тарих ва ҳоказолар) ҳам ўзларининг илмий мактабларини яратиб жаҳон маданиятини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келганлар.

Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланиб келган. Эндиликда бизнинг вазифамиз ана шу анъанани янада тараққий эттириб ўз халқимиз тафаккурига мос, тушунарли ва яқин бўлган Шарқ фалсафаси билан бир қаторда ислом таълимотидан ҳам бекаму кўст фойдаланмоғимиз лозим.

«Бизнинг келажаги буюк давлатимиз,— дейди И. Каримов,— ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари му-

¹ И. Каримов. Истиқлол ва маънавият; 96-бет:

тафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим».¹

Дарҳақиқат, ислом таълимоти минг йиллар мобайнида халқимиз яратган бой маданий ва мағкурафий меросдир, унинг жамиятимиз тараққиётидаги ижобий ролини асло инкор этиб бўлмайди. Академик Иzzат Султон таъкидлаганидек, «Диний эътиқодларга кенг йўл очилган, дин бизнинг маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган бугунги кунда бизга диний эътиқод билан сугорилган, оллоҳни танишга асосланган ахлоқ зарур. Халқимизнинг бутун тарихи мобайнида ишланган, асрдан-асрга бойитиб ва муқаммаллаштириб борилган ахлоқ бугунги ва келажимиздаги ахлоқий қоидаларимизга асос бўла олади»².

Мустақиллик бизга маънавий мулкимизни, тарихимизни, улуғ боболаримиз руҳини шод этиш имкониятини қайтариб берди. Истиқолол туфайли тарихимизга муносабат ижобий томонга ўзгарди.

Бугунги кунда улуғ бобокалонларимиз И мом ал-Бухорий, И мом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубронинг иносонни маънавий етуклика чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

Авлод-аждодларимиз тарихи тикланаётганлиги мустақиллигимизнинг ажойиб самарасидир. Халқимизнинг кечмиш тарихи ва ҳаётини акс эттирган асарларнинг ўз она тилимизда нашр этилаётганлиги қувончимизга қувонч қўшмоқда.

Эндиликада ўтмишимизнинг кўпгина саҳифалари ҳужжатлар, қўлёзма материаллари, биринчи манбалар асосида ёритилмоқда. Тарихий ҳақиқатлар аст манбаларга таяниб тикланаяпти.

Буларнинг ҳаммаси тарихий адолатнинг буюк ғалабаси, тантанасидир.

ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ МАЪНАВИИ ПОКЛANIШИДАГИ РОЛИ

Мустақиллик шарофати билан тикланиб, қаддини ростлаётган, тўхтовсиз ривожланиб бораётган миллий

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисолий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., 1995, 9-бет.

² Иzzат Султон. Баҳовуддин Нақшбанд абадияти. Т., 1994., 81-бет.

маданиятимизнинг жамиятимиз тараққиётини тезлаштириш, инсонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва камол топтиришда ўрни бениҳоя каттадир.

Жамиятимизда рўй берәётган маънавий юксалиш, инсоннинг ахлоқий, ғоявий, сиёсий камолоти мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий уйғониш жарайёнлари билан узвий алоқадорликдадир.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий камолоти ниҳоятда кенг, кўп қиррали, мазмун моҳияти жиҳатдан чуқур бўлиб, ўз ичига жуда кўплаб соҳаларни қамраб олади. Шуларнинг ичидаги марказий ўринни дунёқарашибасаласи эгаллайди.

Буюк аждодларимиз томонидан яратилган юксак маданият ва илмий кафшиётлар жамиятимизнинг олий қадрияти бўлган — инсоннинг дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Маълумки, дунёқарашибасал — бу кишиларнинг олам ва унинг ўзгариши, ривожланиши ҳақидаги илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва ҳоказо қарашлари ва тасаввурлари мажмусидан иборат. Демак, дунёқарашибасал ҳақидаги яхлит, умумлаштирилган билимлар тўпламиди. Кишилар теварак-атрофидаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида қанча кўп маълумотга, билимга эга бўлсалар уларнинг дунёқарашибасал шу даражада мукаммал ва пухта бўлади.

Дунёқарашибасалниң яна бир муҳим томони шундан иборатки, у инсонни қуршаб туран воқеликни англаш, тушуниш билан бир қаторда уни баҳолаш ҳамдир. Илмий билимлар дунёқарашибасал таркибига қўшилиб баҳолангач, инсоннинг теварак-атрофидаги ижтимоий ва табиий реалликда бевосита, амалий йўл тутиш мақсадига хизмат қилади. Бундан кўриниб турибдики, дунёқарашибасал инсоннинг воқеликдаги ўз ўрни ва ролини белгилаб берадиган онгли равишда тўпланганди, изоҳланган ва баҳоланганди билимлар мажмуасидир.

Дунёқарашибасал таркибига кишиларнинг оламни билиш ва баҳолашга оид бўлган ишонч ва эътиқодлари, ният ва мақсадлари, орзу-умидлари, улар фаолиятига маълум йўналиш берувчи барча қадриятлар ҳам киради.

Мифологик, диний, фалсафий дунёқарашибасал — ижтимоий борлиқнинг инъикоси бўлиб, у муайян тарихий даврда инсоният яратган билимлар даражасига ҳамда ижтимоий тузумга боғлиқ бўлади.

Инсон фаолиятида илмий-фалсафий дунёқарааш асосий роль ўйнайди. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кишиларга табиат, жамият, инсон тафаккури ривожланишининг умумий қонуниятлари ҳақида яхлит маълумот беради. Шу билан бирга у инсонни қуршаб турган моддий оламни билиш мумкинлигини, материянинг доимо ҳаракатда ва ривожланишдалигини таъкидлайди. Фалсафий дунёқарааш асосида кишилар объектив оламдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар, жараёнлар ўзидан бошқа нарсалар билан ички, зарурий муҳим алоқадорликда, таъсир ва акс таъсирида эканлигини чуқур англаб оладилар.

Кишилар дунёқарашини шакллантиришда, уларда табиат, жамият, инсоннинг келиб чиқиши, ривожланиши ҳақида тасаввурлар ҳосил қилишда Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан яратилган илмий-фалсафий мерос битмас-туғанмас бойлик хазинаси ҳисобланади. Ундан унумли ва самарали фойдаланиш ҳозирги вақтда мустақил жамиятимизнинг олдида турган долзарб вазифасидир.

Фалсафий дунёқарааш нарса ва ҳодисаларни инсон онгига яхлит акс эттириш билан бир қаторда у кишиларнинг тафаккурлаш маданиятини, ички маънавий дунёсини шакллантиради, уларни маънавий камол топтиришга ёрдам беради.

Фалсафий дунёқарааш кишиларга хос бўлган ростгўйлик, поклик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби олижаноб фазилатларни, ахлоқий нормалар ва қадриятларни мужассамлаштиради.

Фалсафий дунёқарааш асосида кишилар жамиятнинг табиат билан узвий бирлиги, инсон ва инсоният тақдирининг муштараклиги, турли-туман халқлар маданиятининг хилма-хиллиги ва бирлиги ҳақида ишонч ҳосил қиласди.

Марказий Осиё мутафаккирларининг фикрича, барча инсонларга хос бўлган олижаноб фазилатлар энг аввало файласуфларда ўз аксини топмоғи лозим.

«Файласуфларнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз қасбига лойиқ бўлиши керак. Шунингдек, ўз халқининг раъйини ва ўз халқида бўлган энг яхши урфодатларни қаттиқ тутган бўлиши керак.

Файласуф бўлмоқчи бўлган одам ўз ахлоқи ва хислатлари билан бу айтилган шартларга жавоб бера олса, шундан кейин у фалсафа билимини ўрганишга

ва уни бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин¹, — деб ёзади Форобий.

Инсон маънавий камолотининг энг муҳим кўриниши ва зарур шартларидан бири **сиёсий маданиятнинг ўсиб боришидир**. Агар ҳар бир миллат вакилида, ҳар бир инсонда юксак сиёсий онг, сиёсий билим ва маданият, сиёсий зийраклик бўлмаса мустақиллик барқарор бўла олмайди.

Сиёсий маданият ўзида ҳалоллик ва покликни, ишчанлик ва узоқни кўзлаб иш тута билиш фазилатларини мужассам этган одамларнинг ғоявий-сиёсий етуклиги, назарий билимларни истиқболни ёрқин тасаввур этган ҳолда амалда қўллай билиш, кун тартибидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва мафкуравий муаммоларни кенг миқёсда ҳал этиш маҳорати демакдир. Сиёсий маданият, айтилганлардан ташқари, инсондаги фаоллик ва ташаббускорликни, юксак ахлоқийлик, қатъий иродалик, хушмуомалалик, зийраклик, узоқни кўра билишни ҳам ўз ичига олади.

Шарқ мутаффаккирлари жамиятни илмий асосда бошқариш масалаларига катта эътибор бериб келгандар. Жумладан, Форобий, Беруний Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва бошқаларнинг асарларида давлатнинг тузилиши, унинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари, давлат раҳбарларининг хусусиятлари бўйича муҳим маълумотлар берилган. Уларни синчиклаб ўрганиб, ҳаётга ижсий татбиқ этиш мустақил давлатимизнинг сиёсий асосини янада бақувват қилишда катта замин бўлиши шакшубҳасиздир.

Мустақиллигимиз олдида турган муаммоларни, миллий истиқлолимизнинг назарий масалаларини юзаки билишни, уларнинг туб моҳиятига тушунмаслик ва сўзда шунчаки қайд этишини сиёсий онглилик ҳам, сиёсий маданият ҳам деб бўлмайди. Назарий билимлар мустақилликнинг амалий масалалари билан боғланган, ҳар бир инсоннинг иймон-эътиқодига айлангандагина фаолиятнинг асоси бўлиб юзага чиқади.

Юксак сиёсий билим ва маданиятга, иймон-эътиқодга эга бўлган инсон жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг энг катта бойлиги ҳисобланади.

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри, 184-бет.

Маънавий барқамоллик ҳуқуқий онгни ҳам ўз ичига олади. Инсон муайян жамиятда яшар экан, унинг ахлоқ-одоби шаклланиши мавжуд ҳуқуқий мезонлар билан боғланмоғи керак. Инсондаги фаоллик у хоҳлаган ишни қила беришдан иборат эмас. Фаоллик жамият қабул қилган қонун ва қондалар чегарасида бўлмоғи зарур.

Жамият қабул қилган қонунларни ҳурмат қилиш, унга асосланиб иш кўриш, ҳуқуқий қондалар ва мезонларнинг бузилишига йўл қўймаслик маънавий камолот, ахлоқий поклик белгисидир.

Инсон ҳуқуқий маданиятининг даражаси унинг ҳуқуқий билими ва савиаси қабул қилингани қонунлар сони билан эмас, балки ўша қонунларнинг барча соҳаларда тўла ижро этилиши билан белгиланади.

Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланганидек, «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишини рад этиш демакдир»¹.

Инсонда ҳуқуқий онг ва маданият ўз-ўзидан шаклланмайди. У жамиятда, оиласа, жамоатчилик ўртасида таълим-тарбия натижасида шаклланади.

Таълим-тарбия олдида турган асосий мақсад ёш авлодга аждодларимизнинг доно тажрибаларини сингдириш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, ватан ва миллат олдидаги бурч ва маъсъулиятни ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш хислатини қарор топтиришдан иборатдир. Бу борада ҳам Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотидан унумли фойдаланмоғимиз лозим, чунки аждодлари миз томонидан қонунга риоя қилиш, унга бўйсуниш каби масалалар чуқур ва атрофлича ишлаб чиқилган. Бунга ислом таълимотининг дурдонаси ҳисобланган «Шарнат» ва «Ҳидоя», Амир Темур «Тузуклари» ва

¹ И. Каримов. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоийлари. 29-бет.

бошқа манбалар, ҳуқуқ масаласига оид фикр-мулоҳазалар мисол бўла олади.

Маданиятнинг инсон маънавий-ахлоқий камолотидаги аҳамияти айтиб ўтилганлардангина иборат эмас. Ўз эркини қўлга киритган мамлакатда **миллий онг**, **миллий бирдамлик тўйғусини** қарор топтириш жуда муҳим. Мустақиллик, давлатнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучлари бўлгани ҳолда етук миллий оиг бўлмаса эркинлик, ҳурриятни қўлда ушлаб туриш бешад мушкуллашади.

Маънавий баркамол инсон ўзига лойиқ кўрмаган бирон-бир ножӯя ишни ўзгаларга ҳам раво кўрмайди, ҳеч бир кишига жабр-зулмни хоҳламайди, жонзотга озор бермайди. Ватанга ва миллатга содиқлик ҳам маданиятлилик, маънавий баркамоллик, ахлоқий покликнинг белгиларидан ҳисобланади.

Жисмоний бақувват, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук бўлмасдан туриб шахс баркамол бўлолмайди. Маънавий, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш бу борадаги ишларнинг асосий моҳияти ва йўналишини ташкил этади.

Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида айтилишича, «баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадурки.. Машатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдир. Биз сиҳатимизни сақламоқ ила амр бўлинганмиз, шунинг учун вужудимизни ҳар сиҳатга зид бўлган ёмон одатлар ила чуритмоқдан сақланмоғимиз лозимдир».

Жисмоний соғлом, бақувват, лекин маънавий қашшоқ кишилар инсоният учун фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирадилар.

Халқимизда, «соғлом танда соғ ақл» деган доно нақл бор. Соғлом ижтимоий муҳит шахсий камолот заминига айлана олади. «Бадан тарбиянинг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур, — дейди Абдулла Авлоний эслатиб ўтилган асарида.— Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса чопоннинг устини қўйиб, астарини юуб овора бўлмоқ кабидирки, ҳар вақт устига кир чиқадур».

Алломаларимиз асарларида таъкидлаганидек, инсоннинг маънавий камолотида жисмоний ва бадан

тарбиясидан ташқари ақлий тарбия ва гўзаллик тарбиясининг, шунингдек, ахлоқий, руҳий диний тарбиянинг ҳам аҳамияти шак-шубҳасизdir.

«Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар нопокликка, 'адолатсизликка нисбатан муросасиз исёни бўлиши керак»¹, — дейди И. А. Каримов.

Инсоф ва адолат туйғуси, имон ва ҳалоллик, хушмумалалик ва хушхулқлик — булар инсон маънавий баркамоллигининг намоён бўлиш шаклларидир.

Биз ҳозир миллий тикланиш даврида яшамоқдамиз. Ҳар қандай миллий тикланиш миллий уйғониш заминидагина муваффақиятли амалга ошади. Миллий уйғониш асосан маънавият соҳасида, миллий онг, инсоннинг маънавий, ахлоқий камолотида юз беради. Маънавий камолот фақат ўтмишни тўла тушуниб олишгина эмас, балки келажакка интилишдан ҳам иборатдир. «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир»².

Аждодларимизнинг маънавий мероси асосида ҳалқимиз маънавий баркамоллигини шакллантириш хусусида гап кетганда бу борада олимларимиз олдида турган масалаларни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди, албатта. Фикримизча, Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларини синчилаб ўрганиб чиқиб, уларни она тилимизда чоп этиб, ҳалқимизга етказиб бериш, республика олимларининг олдида турган ёринчи вазифа бўлса, Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотидаги миллий қадриятларимизга асосланган янги, замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмаларини яратиб, ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашни йўлга қўйиши иккинчи вазифа деб, билмоғимиз керак.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 53-бет.

² И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 46-бет.

МИЛЛИЙ—МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМIZНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

I. ҚАДРИЯТЛАР — ХАЛҚИМИЗ МИЛЛИЙ ОНГИ ВА МИЛЛИЙ ИФТИХОРИЙНИНГ ЎСИШ ОМИЛИ

ЭТНИК ВА МИЛЛИЙ ОНГ; УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Истиқлол туфайли мањавий ҳаётимизда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Халқимизнинг миллий онги, миллий фурури ўсиб, мањавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг мањавий асосини янада мустаҳкамлашга пойдевор яратмоқда.

Ҳар бир миллатнинг қиёфаси, унинг катта ва кичклигидан қатъий назар, энг аввало ўзининг миллий онги, ва психологиясида намоён бўлади.

Миллий онг — ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган этник онгнинг асосий шаклидир.

Маълумки, ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, унинг мањавий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис-туйғу, ғоя ва қарашларнинг мажмуудир. У жамиятдаги, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар шаклида намоён бўлади.

Ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг инъикосидир. Бошқача айтганда ижтимоий онг — объектив олам ва ижтимоий борлиқнинг кишилар онгига акс этишидир. Шундай экан, ҳар бир халқ, элат ва миллат ўзининг ижтимоий ҳаётини акс эттирадиган этник онгга эгадир. Мазкур этник онгнинг таркибий қисмини уруф, қабила, элат ва миллатларнинг онги ташкил этади.

Этник онгнинг дастлабки шакли бўлмиш уруф ва қабилалар онгининг хусусиятлари шундан иборатки, унда ибтидоий жамиятнинг ижтимоий борлиғи, унинг маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихи, психологияси ва дунёқараши ўз аксини топган.

Ҳар хил ижтимоий-иқтисодий тузумга ҳар хил онг

ва тафаккур услуби мос келади. Масалан, ижтимоий мулкка асосланган ижтимоий жамоа тузумининг оддий ишлаб чиқариш услуби ривожланмаган ижтимоий онг ва коллектив тасаввурлар асосида фикрлаш усулини вужудга келтиради. «Ибтидоий одамлар тафаккури, — дейди Л. Леви-Брюль, — ўз асосига кўра мистикдир, «илоҳийдир», бунинг сабаби ибтидоий инсон идрокининг зарур элементини ташкил этувчи моҳият эътибори билан мистик бўлган коллектив тасаввурларидир»¹.

Ибтидоий жамоадаги тафаккурлаш усули бизнинг фикрлашимиздан тубдан фарқ қиласди. Чунки ибтидоий онг борлиқдаги жараёнларнинг объектив хусусиятлари, сабаблари билан ҳеч ким қизиқмайди. Аксинча, у асосий эътиборини барча жараёнларнинг моҳиятини ташкил этувчи мистик, «илоҳий куч» билан боғлаб фикрлашга интилади. Шунинг учун ҳам ибтидоий тафаккурлаш мистик тасаввургина бўлиб қолмасдан, айни пайтда мантиққа зид бўлган жамоа тасаввурлари ҳамдир.

Мантиққа зид бўлган мистик ва жамоа тасаввурларида вақт ва фазо, зарурият ва тасодифият, моҳият ва ҳодиса каби тушунчалар илоҳий кучларга боғлаб идрок этилган. Ибтидоий жамоа кишилари табиат ва жамият ҳодисаларининг асосини «илоҳий куч» ташкил қиласди, деб ҳисоблашиб, унинг борлигини ўз турмушининг барча соҳаларида ҳис қилишга ва тасаввур этишга интилиб келишган.

Ибтидоий жамоадаги ург ва қабилалар тафаккури мутлақо бошқача хусусиятга эга бўлиб, бизнинг тафаккуримиздан сифат жиҳатдан кескин фарқланади.

Синфий табақаланиш даври бошланиши билан аниқ кўзга ташланган хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг вужудга келиши этник онгнинг янги шакллари бўлмиш элат ва миллий онгларини вужудга келтиради.

Синфий формацияларнинг моддий ва маънавий маданият ривожланиш жараёни шуни кўрсатдик, гарчи кейинги жамиятлардаги элат ва миллат этник тасаввурларида мистика элементлари сақланиб кели-

¹ Л. Леви-Брюль. Первобытное мышление. М., 1930. Л. 26-стр.

наётган бўлса-да, у ибтидоий тафаккурдан, уруғ ва қабилалар онгидан сифат жиҳатдан бир қанча хусусиятлари билан фарқланади.

Энг аввало, хусусий мулкнинг келиб чиқиши ва жамиятдаги манфаатлари турлича бўлган кишиларнинг гуруҳларга — қабила, миллатга бўлиниши атрофдаги мавжуд нарса ва ҳодисаларни идрок этиш ва фикрлаб олиш ибтидоий жамиятдагидек мистик ва жамоа тасаввурлари орқали эмас, балки **муайян мафкура шаклида гавдаланган синфий тасаввурлар, ғоялар, қарашлар** орқали амалга ошишга олиб келади. Модомики, ҳар бир синф, элат, миллат ўз иқтисодий аҳволига, моддий ва маънавий маданиятига, урф-одат ва анъаналари тарихига эга экан, унинг тафакурлаш услуги, ижтимоий онги ҳам бир-биридан фарқланади.

Синфий жамиятда кенг тарқалган этник онгнинг шаклланиши ва ривожланишида фалсафий ва илмий билимлардан фойдаланиш, шунингдек, мантиқ фанинг қонуниятларига риоя қилиш муҳим роль ўйнайди.

Этник онгнинг шаклланиши ва ривожланишига этносларнинг асрлар мобайнида ижтимоий ҳаётий фаолияти давомида вужудга келган психик хусусиятлари, миллий урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи ҳам катта таъсир кўрсатади.

Этник онг таркибида этник онг билан бир қаторда ижтимоий руҳият ва ижтимоий мафкура катта ўрин тутади.

Ижтимоий руҳият, психология—кишилар, айрим ижтимоий гуруҳлар ва синфлар ҳаётининг бевосита меҳнат, мавжуд ишлаб чиқариш восита ва қуроллари, турмуш тарзи таъсирида вужудга келган маънавий қиёфаси, урф-одат, анъаналари, ҳисснётлар, кайфиятлар, кечинмалар, одатлар, фикрлар, хаёллар кабиларнинг тартибга тушмаган назарий жиҳатдан асосланмаган, системалашмаган тарздаги йиғиндицидир. Унда кишиларнинг мақсадлари, манфаатлари ва муаммолари акс этади.

Ижтимоий руҳият ижтимоий борлиқнинг инъикоси сифатида кишилар амалий фаолияти таъсири остида

юзага келади ва ривожланади. Ижтимоий руҳият ҳам ижтимоий тузумда шаклланган маданиятни акс эттиради. Уни синчилаб ўрганмасдан ва тушуниб олмасдан туриб у ёки бу жамиятда яшайдиган кишилар турмуш тарзини билиб бўлмайди.

Жамиятдаги бундай ижтимоий руҳиятни **оддий онг** деб аташ ҳам мумкин. Оддий онг воқелик ҳақида кенг илмий холосалар чиқариш учун кифоя қилмайди. У онглиликнинг энг содда, илмий тизимга тушмаган шаклидир, маълум маънода олганда, у алоҳида онг категориясига бирмунча яқин туради. Бироқ оддий онг воқеликни акс эттиришнинг юқори шакли бўлган илмий, системалашган мафкуравий-сиёсий онгнинг ташкил топиши ва ривожланишига замин бўлиб хизмат қиласди.

Миллий психология, миллий ҳис-туйғу

Ижтимоий психология кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва шаклланади, у ҳиссиёт (эмоция), кайфият, кечинмалар, қизиқишларда намоён бўлади. Миллий психология эса — ҳар бир миллат вакилининг миллий ҳис-туйғулари, хатти ҳаракатлари, руҳий кечинмалари, психик темпераменти, феъл-атворлари каби муносабатларни ифодалайди.

Шаклланган миллий психологиянинг асосий таркибий қисмини миллий характер (тийнат) ташкил қиласди.

Узбек миллий характер (тийнат) хусусиятларига меҳнатсеварлик, довюраклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрксеварлик, сабр-тоқат, бошқа халқларга ва шу миллат вакилларига нисбатан муносабатлар кабилар киради. Ҳар бир тарихий давр, шу даврдаги ижтимоий муносабатлар йиғинидиси миллий манфаатларга мос келадиган ўз миллий характер идеалини яратади.

Миллий характер ўзгармас, тургун нарса эмас, у тарих маҳсули. Шундай экан, миллий характерни вужудга келтирган ижтимоий тузумнинг ўзгириши билан у ҳам маълум даражада ўзгаради, ҳатто бир маданий цивилизация ривожланиши жараёнида унинг

ҳам айрим хислатлари ўзгариб янги умудашарий хислатларни вужудга келтириши мумкин.

Миллий түйғу кишиларнинг воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларга, миллий жараёнларга, шунингдек, миллатнинг қадимий тарихий ва маданий меросига бўлган муносабати шаклида намоён бўлиб, миллат маънавий қиёфасида катта аҳамиятга эгадир. Айниқса миллий түйғунинг таъсирчанлиги она тилига бўлган муносабатда ёрқин намоён бўлади. Зеро, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари тил орқали ўз ифодасини топади. Она тили ҳар бир халқнинг бутун тарихи мобайнида тўплаган маънавий бойликларини ўзида жамлаб, келгуси авлодларга етказиб берувчи восита-дир.

Миллий түйғу ҳам түгма унсур эмас. У тарихий тушунча бўлиб, шу халқ ва миллат вакилларига ички ва ташқи объектив омилларнинг доимий таъсир этиб туриши натижасида вужудга келади. Миллий түйғуларимизда миллий манфаат ва эҳтиёжлар, айниқса унинг ижобийлиги ва салбийлиги ижтимоий воқеликнинг қанчалик миллат вакилига қониқарли ёки қониқарсизлик хислатлари ётади.

Ижтимоий мафкура муайян эл-элат, халқ, миллат ва социал гуруҳларнинг, синфларнинг ахлоқий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик қарашлари йиғиндинсиdir. Мафкура устқурманинг бир қисми бўлиб, жамият моддий ҳаёт шароитларида вужудга келади ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни акс эттиради. У ижтимоий руҳиятдан маълум даражада фарқ қиласди. Бу фарқ шундан иборатки, мафкура ижтимоий руҳият сингари стихияли равишда юзага келмайди, балки инсон онгли фаолиятининг маҳсули сифатида тарихий амалиёт жараёнида вужудга келади. Мафкура воқеликни ижтимоий руҳиятга нисбатан анча кенг ва чуқур акс эттиради ва уни жамиятнинг энг етук зиёлилари, олимлари, сиёсатшунослари ишлаб чиқади.

Мафкура ҳар қанча жозибали бўлмасин, агар у омманинг ижтимоий-сиёсий тажрибаси билан қўшилиб кетмаса ўз-ўзидан яхлит ва фаол дунёқарашни шакллантира олмайди. Ҳаётдан ажралиб қолган мавҳум foялар ҳеч нарсани амалга ошира олмайди. Бунинг учун амалий фаолият кўрсатадиган одамлар керак бўлади. foяларнинг амалга ошиши, моддий кучга айланиши учун, биринчидан, улар оммага сингди-

рилған, иккінчидан, у кишиларнинг манбаатлари һа амалий фаолияти билан чамбарчас боғланган бўлиши керак.

Синфий жамиятларда ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва унинг сиёсий ташкилотлари, партиялари ўзининг мафкурасига эга. Шунга қарамасдан ҳукмрон синфлар гоялари ҳукмрон мафкура вазифасини бажаради. Мазлум омма манбаатларига ҳукмрон мафкура зид бўлса-да, улар ҳукмрон синфнинг гояларига амал қилишга мажбурдир. Бўнинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, моддий ишлаб чиқаришга ҳукмронлик қилувчи гуруҳлар, синфлар маънавий воситаларнинг ҳам эгасидир. Иккинчидан, ҳукмрон синфлар, гуруҳлар қандай йўллар ва воситалар билан бўлмасин ўз иродалари, қарашлари ва тасаввурларини мазлум оммага зўрлаб сингдиради. Ҳукмрон синфларнинг барча мафкуравий ташкилотлари, қуроллари ҳам уларнинг мафкураларини акс эттиради. Қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятда ягона, яъни барча синфларга бир хилда тенг хизмат қиласидиган мафкуранинг бўлиши мумкин эмас. Жамиятда қайси синф ҳукмрон бўлса, унинг мафкураси ҳам ҳукмрон бўлади. Синфий жамиятда эзувчи ва эзилувчи синфлар ўзаро қарама-қарши бўлганларидек, уларнинг мафкураси ҳам муросасиз бўлади.

Синфий мафкурадан фарқли ўлароқ, миллий мафкура жамиятдаги барча миллат ва элатларнинг бошини қовуштириб уларни битта асосий мақсадга ундайдиган гоялар йигиндинисидан, мажмуасидан ташкил топади. Бунга истиқлол туфайли бизнинг республикамизда кенг илдиз отиб келаётган миллий истиқлол мафкураси мисол бўла олади¹.

«Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъана-лари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси, — дейди И. А. Ка-римов, — умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалоликни, мардлик ва сабр-бардошликини, адолат туйғу-

Қаранг: Ж. Т. Туленов К. Юсупов, З. Гофуров. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва ўйналишлари. Т. 1993.

сини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқаролари-нинг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак»¹.

Инсоният ўзининг минглаб йиллик меҳнат фаолияти натижасида буюк ижтимоий-техник тараққиётга, кўп қиррали маънавий-маданий юксалишга эришди. Бунинг меваси сифатида турмуш тарзида улкан бурилишлар рўй берди. Бу мураккаб ижтимоий тараққиёт жараёнини ўтиш даврида эл-элат, халқ ва миллатлар бирлашиб ёки алоҳида давлат шаклида дунё харитасида ўз ўрнини топганлар. Ўзбек халқи ҳам асрлар давомида тадрижий ривожланиш ва таркиб топиш даврида сақ (сак), хун, қадимги турк, янги турк номлари билан яшаб, ўз тарихига, тили, маданияти, маънавияти, урф-одатлари мажмуига эга миллат сифатида шаклланиб келган, Мустақиллик туфайли эса жаҳонга танилмоқда.

Ўзбек миллатининг таркиб топиши, миллат маънавияти (тил, маданият, давлат, турмуш тарзи ва ҳоказоларнинг) ички ривожланиши бетакрор ва кўп қиррали жараёндир.

Миллат фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги мустақил Ўзбекистонимиз базис ва устқурмасини бунёд қилиш жараёнда янада дол зарблик касб этмоқда:

Туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг аждодлари ҳисобланмиш сақ (сак)ларнинг милоддан аввалги VI—V асрларда қадимий ёзма обидалари сак тарзида ёзилган ва талаффуз қилинган. Шарқий Туркестоннинг уч сак, олти сак, тўққиз сак ҳамда туркий қавмга мансуб ёқутлар тарихан сақут деб юритилиши, ҳозирги кунда саха (сақлар) атамасининг сақланиши скифларнинг ҳам саклардан эканлигидан дарак беради.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида турк халқларининг ҳарбий маҳоратлари, этник хусусиятлари ҳақида шундай дейилган: турк халқлари бошига узун сура бўрк, тиззага қадар усткийим кийғанлар... Бундай этнографик хусусиятларни

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. 152-бет.

кўпчилик тарихчилар фикрича сак (скиф) халқига нисбатан берганлар,

Сак ёки скиф халқининг турк қавмига мансублигини исботловчи тарихий манбалар Искандар Зулқарнайн Турон ўлкасини босиб олган даврга оид юон ёзма манбаларида учрайди: Искандар Зулқарнайн билан музокара қилиш учун сак қабилалари ичида етакчи бўлган апа қабиласи вакиллари келган, юонийлар скиф — сакларни сак — апи деб юритганлар, бу сўздан скиф сўзи пайдо бўлган. Милодий сананинг VIII—IX асрларида ҳукмронлик қилган турк халқларига мансуб тўққиз ўғузлар ёки қадимги уйғур давлатини Мұхаммад ал-Хоразмий искифлар ўлкаси деб атаган, скиф сўзи эса юонийлардан араблар тилига ўзлашиб, искиф тарзида талаффуз қилинган.

Туron ўлкасининг жануби — ғарбида милоддан аввалги I—II асрларда ташкил топган. Парфия давлати асосчиси Аршак ёки Арсак деган шахснинг номи тарихий ёзма обидаларда учрайди. Бу маълумотлар Парфия давлати турк халқларининг бобокалони сак қавми томонидан ташкил қилинганлигини маълум қиласиди.

Сак, ёки сак(скиф) халқларининг этник хусусиятлари, топонимик номларининг сақланиши ҳамда қадимги ёзма манбалар сақ ёки сак (скиф) қавмлари хун — турк халқининг аждоди эки сак (скиф) қавмлари хун — турк халқининг аждоди эканлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи ҳам бу қадим Туркистон ўлкасида қозоқ, қирғиз, туркман халқи билан 12 қавм (қабила) 95 уруғ таркибида таркиб топиб, ўзининг минглаб йиллик тарихий шаклланиш хусусиятига эга. Тарихий ижтимоий тараққиётнинг суронли кучлари уларни муайян даврлар бир ҳоқонлик тизимиға бирлаштириб буюк давлат сифатида таркиб топтирган, бошқа бир даврида майда-майда амирлик ва бекликларга бўлиб юборган. Шу сабабли туркий келиб чиқиш илдизига эга қавм ва уруғ номларини биз бугунги кунда қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ халқлари таркибида ҳам учратамиз.

Бу ҳол мазкур халқларнинг тарихий ижтимоий келиб чиқиши бирлигини англатибгина қолмай, улар ўртасидаги жуда кўп муштаракликларга ишора қиласиди. Бу халқларнинг тили, урф-одат ва анъаналари, мада-

нияти, турмуш тарзидаги ўхшашликлар уларнинг тарихан илдизи бирлигини сўзсиз исботлайди. Айни пайтда бу халқларнинг руҳиятида ҳам мӯайян умумийлик борлигини таъкидлаш керак. Туркий халқларга хос бўлган тафаккур тарзи туркий халқларнинг мӯайян муштарақ **тийнати** борлигини ҳам билдиради. Бу эса Марказий Осиёда яшаётган асосий миллатларнинг бир-бiriни англаши, ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигига зарур маънавий асос бўлиб хизмат қила олади.

МИЛЛИИ ОНГ, ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ— ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТЛАРИ

Муайян жамиятдаги ҳар бир миллатнинг онги, маънавий қиёфаси ўша жамиятнинг табиий, ижтимоий, тарихий шароитларига қараб ўзгариб боради. Миллатнинг руҳий, маънавий қиёфаси мавжуд ижтимоий онг шаклларида ўз ифодасини топади. Ижтимоий онгнинг анъанавий шакллари ҳар бир миллат кишиларининг руҳий, маънавий қиёфаси аста-секинлик билан ўзгариб боришига олиб келади. Мана шу ўзгариш жараёнлари тарихий тараққиёт босқичида ҳам прогрессив, ҳам регрессив бўлиши мумкин. Бундай тарзда ижтимоий онг шаклларининг ўзгаришлари ўз навбатида кўп миллатли давлатлар негизида турган халқларнинг миллий ўзлигини англаш жараёнинг ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши муқаррардир.

Миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи базис ва устқурманинг моҳиятини тубдан ўзгаририб боришига фаол таъсир кўрсатиши мумкин. Бунга мисол тариқасида ҳозирги кунларда собиқ Иттилоғдаги республикалар ҳудудида рўй берадиган кескин ўзгаришлар жараёнини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Уларнинг ҳаётида шиддат билан рўй берадиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ўзгаришлар қанчалик инқирозли тус олмасин, халқ оммаси онгининг, айниқса, миллий онгнинг янгиша шаклланиши анчагина ижобий тус олмоқда.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида бошланиши табийидир. Ҳозирги уйғониш давр тақозосига кўра, тараққиётнинг объектив ижтимоий воқелигига айланмоқда.

Чунки кишиларнинг дунёқараши, ҳаётий хулосалар, бир-бирларига муносабатлар, ирода ва хоҳишлар, миллий турмуш тарзлари, миллий расм-руслар, одат ва анъаналар туфайли шаклланади ва ривожланади. Шундай экан, миллий турмуш тарзи ва маданият ижтимоий воқеликнинг табиий ифодаланиш шаклидир. Миллийликни тан олиш — миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этник барқарорлигини тан олиш демакдир. Миллийликда инсоний ва умуминсоний қадриятлар муайян қиёфа ва шакл касб этган бўлади. Миллийликда миллий мансублик руҳи мавжуд. Миллий руҳимиздаги миллий туйғуларимиз мажмуи миллий тасаввурларимиз, кайфиятларимизда содда онг сифатида ифодаланади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, уни биз миллий ўз-ўзини англаш деб тушунамиз. Миллий ўзлигини англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, биз уни миллий мафкура деб атаймиз.

Миллий онглийкнинг моҳияти тўғри тушунилмаслиги оқибатида, баъзи ҳолларда бундай муносабатлар миллатчилик иллатларига мубтало этмоқда. Миллатчилик ғайриинсоний иллат бўлиб, аввало ўзга миллатларга, қолаверса ўз миллатига ҳам худбинларча қараш фожиасидир. Бу ўз миллатини ва унинг манфаатларини худбинлик заминида мутлақлаштириш йўлида бошқа миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган, уларни камситиб, тазиқ этиб, ижтимоий адолатсизликлар туғдирадиган иллатdir.

Демак, миллий ғурурни миллатчилик билан айнийлаштириб бўлмайди. Миллий ғурур ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларни ҳимоя қилиб, уларнинг келажак ҳаётини юксалтиришга қаратилган табиий интилишдир. Миллатчилик эса биттагина миллатнинг 'муддаосини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатdir. «Миллий туйғу инсон учун табиийdir, чунки у отоналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади»¹.

¹ И. Каримов. Узбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли. 77-бет.

Маълумки, миллий туйғу табиий туйғулардандир. Айни пайтда миллий маънавий ҳаётнинг жуда ҳам нозик элементларири. Миллий туйғулар эса миллий ифтихор, миллий характернинг, демакки, миллий психологиянинг белгиларидан бири, унинг ажралмас қисмидир.

Миллий ҳис-туйғу, миллий ифтихор манфаатлари ва халқпарварлик билан боғлиқдир. У ўз миллатининг тарихини, ҳозирги аҳволи, миллий психологияси ва характерини руҳий тушуниш, эмоционал шаклда идрок этишдир. Бироқ ҳис-туйғулар, эмоциялар миллатларнинг туб манфаатларини бевосита ифода қилмайди. Шунинг учун ҳам миллий туйғу миллий онгдан фарқланади.

Миллий туйғулар ва кайфият миллатнинг жислави ва иродаси намоён бўлишида катта роль ўйнайди. Миллатнинг бирикишида, уларнинг миллий қизиқишилари умумийлиги, тарихий ҳодисалар, ўтмиш маданиятига муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари сифатида намоён бўлади.

Ўз халқининг кўп асрлик бой тарихи, ажойиб маънавий мероси билан ҳақли равишда фахрланиш туйғуси, ўтмишни қўмсанг эмас, балки қадимий тарихни, халқ яратган моддий ва маънавий бойликларни кенгроқ ўрганиш ва очиб бериш, уларни янги авлодлар томонидан аждодлар мероси сифатида ўзлаштиришни таъминлашдан иборатдир.

Миллий туйғуларнинг қанчалик қарама-қарши бўлиб қолишига қараб миллий қадр-қимматга бўлган эътиборсизлик шунчалик хавфли тус олиб боради.

Бундан холоса чиқариб айтиш мумкинки, миллий ҳис-туйғуларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суюниб миллий мафкура асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, миллий қадр-қиммат миллатлараро муносабатларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар миллатнинг қадр-қимматини оддий сўз билан камситиш ҳеч мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар. Ўзини кўрсатиб турадиган миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлик бошқа миллат ҳис-туйғуларини камсишига олиб келиши мумкин. Бир миллатни бошқа миллатга мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеал-

лаштириш, тил ва урф-одатларини ҳаддан ташқари тарғиб этиш, албатта, иккинчи миллатнинг туйғуларига муайян оғир ботади. Бу эса миллий туйғуларнинг миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига олиб келиши мумкин. Шовинистик қарашларнинг асоси ҳам мана шу миллий туйғуларнинг камситилишидан юзага кела-ди. Шовинистик кайфиятнинг шаклланиши асосан миллий тубанлик, ўз миллати манфаатларини адолатсиз равишда ортиқча ўринга қўйишидан, бошқа миллатлар ва жумҳуриятларнинг манфаатларини ҳисобга олмас-лик, ўз миллатини кўкларга кўтариш ва бошқаларда намоён бўлади. Миллий психологиядаги шовинистик ҳислар оддий инсонлар онгини миллий маҳдудлик, миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан за-ҳарлашга, уларнинг беҳуда безовта бўлишига ҳам са-баб бўлади.

Миллий ифтихор ҳам миллий ўз-ўзини англашнинг кўринишидир. Миллий ўз-ўзини англашнинг ривож-ланиши билан миллий ифтихор, миллий ҳис-туйғулар намоён бўлади.

Миллий ҳис-туйғуларга ножӯя ёндашиш, уни назар-писанд қилмаслик оқибатида уларнинг миллатчилик туйғуларига айланиб кетишига сабаб бўлиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир миллий туйғу масалаларига кўпроқ эътибор берилаётганлиги тасодифий эмас. Инсоний ҳис-туйғулар ҳаётнинг ижтимоий шароитлари билан ўзгаради. Бошқача айтганда, у ижтимоий шароит билаң боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Миллий туйғуларга асир бўлиб қолиш қанчалик хавфли бўлса, айни замон-да, уларни эътибордан четда қолдириш ҳам жуда катта хатодир. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суюниб умуминсоний тарбиявий ишлар кенг кўламда амалга оширилаётган ҳозирги шароитда миллий ҳис-туйғулар ўзаро ҳамфирклика, халқлар ва халқларнинг айрим намояндалари ўртасида дўстлик-нинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Истиқлол йўли, демократия ва ошкоралик илгари кенг халқ оммасининг ижтимоий, сиёсий фаолияти ри-вожланишига салбий таъсир кўрсатиб келган барча ғояларни бирин-кетин бартараф этиб, унинг ижтимоий сиёсий, маданий, маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фаол иштирок этиши, ўзини кўрсатиши учун кенг им-кониятлар очиб бермоқда. Ҳозирги пайтда омманинг

ижтимоий-сиёсий онги фаолияти ўсиб бораяпты. Щузчилар, олимлар, ишчи ва деҳқонлар, ёшлар, хотин-қизлар, диндорлар, фахрийлар, хуллас, жамиятни соғломлаштириш учун курашайтган кучларнинг ҳаракатга келганилиги мустақиллик даврига, демократия ва ошкоралик даврига хос бўлган энг ноёб ҳодисадир. Миллий ўзлигини англашнинг кенг тус олаётганлиги, республикамизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақиллигини амалда таъминлаш учун астойдил кураш олиб бораётганлиги ва бу соҳада эришган илк муваффақиятлар миллий уйғонишдан далолатdir. Ҳозир бизда қарор топаётган ижтимоий шароитлар ҳар бир миллат ва элат учун она табиат ва тарих ғуяссан этган миқёсларда ўз кўч-қудратини намойиш этиш имкониятини яратмоқда.

Миллий онг ва ўзлигини англаш у ёки бу миллатга мансубликни ҳис қилиш, унинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ҳар тарафлама чуқур билиш билангина чегараланмайди.

Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг ҳозирги аҳволи, унинг олдида ечимини кутиб турган муаммоларини билиш ва уларни ҳал қилишда фаол ҳаракат этишни талаб қиласди. Бунинг учун юксак маданият, узоқни кўра билиш ва донолик, ғоявий-маънавий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан, жамият тараққиётини жадаллаштириб, аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун замин яратиш йўлида фойдалана билиш керак.

Шунингдек, миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг келажак истиқболини ҳам кўра билишни талаб қиласди. Бу ҳам кишиларнинг миллий онги ўсиши, тафаккурлаш маданияти даражаси билан узвий боғлиқдир. Маърифатли, юксак маданиятли инсон бугунги кун эҳтиёжларини қондириш учунгина яшамайди, у албатта эртанги кунни ҳам ўйлаб яшайди. Келажакни кўра билиш, фаҳмлаш — миллий ўз-ўзини англашнинг зарурий қисмини ташкил этади.

Миллий онгнинг ўсиши мустақиллик туфайли жумҳуриятимизда содир бўлаётган ўзгаришларни, ислочотларни, Президентимиз томонидан олиб борилаётганиччи ва ташқи сиёсатни яқдиллик билан қўллаб-куватлашда, мустақил республикамизга бўлган меҳр-муҳаббатнинг кундан-кунга ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Биз улар билан фахрланамиз, уларни эъзозлаймиз. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари сифатида она-Ватан — Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғуларини тарбиялади.

Президентимиз айтганидек, Ватан туйғуси ватан түшунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак. «Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболари¹ миздан мерос қилиб оламиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам **ақидага** айлансин.

Миллий ғуур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди»¹.

Собиқ СССР даврида СССР ва Ўзбекистон ССР Конституцияларида Ўзбекистон суверен республика деб ёзиб қўйилган бўлса-да, Марказий Осиёда Ўзбекистондек келажаги буюк, кўхна тарихи, бой табиий, иқтисадий, маданий ва илмий² меросга эга қудратли давлат бор эканлигини жаҳон мамлакатларининг аксарияти билмас эди, чунки Ўзбекистон шу пайтларда мустақил сиёsat ва фаолият юргизиб, чет элга чиқиши ҳуқуқидан маҳрум этиб қўйилган эди. Эндиликда истиклол шарофати билан бизнинг довруғимиз оламга ёйилди. Ҳозирнинг ўзида Ўзбекистонни дунёдаги 160 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 120 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 35 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан, буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчиҳоналари ишлаб турибди.² Ўз навбатида дуёning 20 дан ортиқ давлатида (АҚШ, Германия, Франция, Турция, Ҳиндистон, Россия ва бошқаларда) республиканизмнинг дипломатия элчиҳоналари иш бошлади².

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил 6 май.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 1997 й. 286-бет.

Ўзбекистон байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкін лотида ҳилпираб турибди. Президентимиз Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-, 50- сессияларида буюк минбардан туриб жаҳон халқларига ўзбекларнинг ким эканлигини намоён этди. Ахир бу халқимиз ҳаётида катта тарихий воқеа-ку! Бундан фахрланмаслик асло мумкин эмас!

Миллий онгимизнинг ривожланиб боришининг яна бир кўринниши шундан иборатки, жамиятимизнинг заҳматкаш фуқаролари эски андозалар ва сохталашган гоялардан воз кечиб, бозор муносабатларига мос янги-ча фикрлашга, тафаккурлашга қодир бўлмоқдалар. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини йжодий ўрганиб, ўз имкониятларимиздан самарали фойдаланган ҳолда янги илгор технология, фан ва техника ютуқларига сўяниб, замонавий иқтисодий, молиявий банк ва кредит системасини, бошқарув усулларини ҳаётга татбиқ этиб, келажаги буюк давлатимиз пой-деворини мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилиб келмоқда. Республикаимиз меҳнаткашлари юксак маданиятга, маънавиятга эга истеъодди ишбилармон, заҳматкаш кишилар эканини хориждан келган мутахассисларнинг ўзи тан олмоқдалар.

Хорижий мамлакатлар билан янгила ташқи иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришда ҳам ўзбек халқи ўзининг юксак маданияти ва маънавиятини намойиш этмоқда. Бунга республикамизда мунтазам равишда юксак даражада ўтказилаётган долзарб мавзулар ва муаммоларга бағишлиланган илмий ва амалий анжуманлар, семинарлар, конгресслар ва бошқа тадбирлар мисол бўла олади.

МИЛЛИЙ ОНГНИ ЮҚСАЛТИРИШ ҲАҚИДА — ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Миллий онг, миллий ғуруримизнинг кундан-кунга ўсиб, юксалиши мазкур соҳада ҳеч қандай муаммо йўқ деганини билдирамайди, албатта. Халқимиз миллий онгни янада ривожлантириб ҳозирги давр талабига жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз зарур. Шуларнинг ичидаги катта эътиборни талаб этадиган муаммо — халқимиз

ҳуқуқий онгини янада **ўстиришдир**. Қонунга итоат қи-
лиш, унга бўйсуниш, жамиятимиздаги барча фуқаро-
лар учун, Президентдан тортиб то оддий фуқарогача,
мажбурийдир. Қонунни тўла-тўкис ва ўз вақтида ба-
жариш — барчамиз учун ҳаётий зарурият бўлиб қол-
моғи лозим. Афсуски, ҳозирча қонунга меснимаслик
 билан қараш, уни четлаб ўтиш, қўпол равишда поймол
 қилиш, унга зид хатти-ҳаракатлар қилиш ҳолатлари-
 дан жамиятимиз холи бўлгани йўқ. Олий Мажлис то-
 монидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармон-
лари ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ҳаётга
 тўла-тўкис татбиқ этилмаяпти. Мисол тариқасида 1989
 йил 22 июнда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги
 қонун эскириб қолганлиги туфайли 1997 йилда «таъ-
 лим тўғрисида» янги қонун қабул қилингандигини эс-
 латиб ўтиш ўринлидир.

Еки бўлмаса тарихий ёдгорликларни сақлаш ҳақи-
 даги қонунларнинг бажарилишини олайлик. Бу маса-
 ла бўйича Ўзбекистон Республикасининг Конституция-
 сида қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «Фуқаролар Ўз-
 бекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий ме-
 росини авайлаб асрарга мажбурдирлар. Маданий ёд-
 горликлар давлат муҳофазасидадир»¹.

Жумҳуриятимизда тарихий обидалар, археологик ва
 архитектура ёдгорликларини қўриқлаш, уларни таъ-
 мирлаш соҳасида анча ибратли ишлар қилинмоқда. Пойтахтимиз Тошкент, шунингдек Бухоро, Самарқанд,
 Хива ва бошқа шаҳарлардаги тарихий ёдгорликларни
 таъмирлаш, шаҳарларни ободонлаштириш ишлари жа-
 дал суръатлар билан олиб борилмоқда. Шунинг билан
 бир қаторда ҳали ҳам вайрон бўлиб ётган ёдгорлик-
 лар, тарихий обидаларимиз оз эмас. Тарихий ёдгорлар-
 ни қўриқлаш, авайлаб асрар ҳақидаги қонунларимиз
 тўла ишламаяпти. Қабул қилинган норматив ҳуқуқий
 ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш
 кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданият-
 ни шакллантириш билан **боғлиқ**.

Шундан экан, қонунни ўз вақтида барча фуқаролар-
 га, биринчи навбатда, бажарувчиларга етказиб улар-
 нинг онгига сингдириш керак. Бу жуда муҳим масала,
 чунки қонун кишилар томонидан онгли равишда ҳис-
 қилиб, қабул қилингандагина ҳаётга татбиқ этилиши

¹ Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси, Т., 1992, 18-бет.

мумкин. Акс ҳолда у қоғоздаги нарса бўлиб - қолиши ҳеч гап эмас. Ҳаёт шундан далолат берадики, қонулиаримизнинг бузилишига ёки бажарилмаслигига кўп ҳолларда уларни фуқаролар билмаслиги сабаб бўлар экан. Демак, қонуннинг бажарилишига масъулиятли бўлган органлар уларни ўз вақтида ижрочиларга етказиб, моҳиятини тушунтириб беришлари керак. Бу ўз навбатида қонун ижроси механизмини ишлаб чиқишни ва уни ҳаётга татбиқ этишни талаб қиласди. Қонун ижроси қатъий назорат қилинмаса, қонунни менсимаслик, уни поймол қилиш, четлаб ўтиш, очиқдан-очиқ бузиш авж олиб кетиши мумкин.

Қонунни тарғиб этиш, унинг ижросини назорат қилишда суд, прокуратура, милиция, маъмурий органлар жонбозлик кўрсатмоғи лозим. Бунинг учун мазкур ташкилотларнинг ходимлари қонунга қатъий риоя қилиб, бошқалардан ҳам шундай муносабатни талаб қилишлари керак. Афсуски, юқорида аталган органлар ходимларининг ичида ҳанузгача қонунбузарлар учраб туради, улардан тезроқ ҳоли бўлиб, қонунга масъулият ва эътиборни кучайтириш давр тақозосидир.

Қонунни ҳаётга жорий этишда ва унинг ижросини назорат қилишда маъмурий органлар билан бир қаторда фуқароларга таяниб иш юритиш мақсадга мувофиқдир. Қонунчиликни ҳаётимизга татбиқ этишда фуқаролар қанчалик фаол қатнашсалар бу иш шунчалик самарали бўлади.

Қонунга ҳурмат билан қараш, унга оғишмай риоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир. Лекин бунга эришиш учун таълим-тарбия муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, меҳнат колективларида фуқароларнинг, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган тадбирлар мунтазам дастур асосида ўтказиб турилиши керак.

Мазкур ишларни йўлга қўйишда ахборот воситалири, радио, телевидениенинг ўрни катта, улардан янада унумлироқ фойдаланиш йўллари белгилаб олинса аҳолининг ҳуқуқий онги, унинг савиёси янада юксалади, ўз навбатида мустақил давлатимиз ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлашга замин яратилади.

«Чинакам демократик қонунларнинг қай даражада устунлиги ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилиганлиги, билан ижтимоий кафолатлар кучи билан бел-

тўйланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқароларининг орномуси ва қадр-қимматини, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор»¹.

Бизнинг Ватанимиз бой ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар, анъаналарининг манбай бўлиб келган. Жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида ўз аксини топган. «Биз, — дейди И. А. Каримов, — мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари, ҳуқуқни қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинанинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла боради»².

Аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий фаолиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 1997 йилнинг 25 июняда «Хуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақидаги Фармонга имзо чекди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида» ва «Хуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида» номли иккита Қарор қабул қилди. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг ҳуқуқий онгини ўстириш-ҳозирги даврда давлат сиёsatининг асосий йўналишларидан бири бўлиб белгиланганлигидан далолат беради.

Миллий онгни юксалтиришда, фуқароларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янгича фикрлаш маданиятини ривожлантириш катта аҳамият қасб этади. «Одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзgartириш, эскича фикрлаш усулидан холи қилиш ғоят мухимдир. Одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзgartириш зарурлигига ишонч тугдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадриятларга муносабатларни, далилий сабабларни ўзgartирмасдан

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 250-бет.

² Ўша асар, 151-бет.

туриб ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас¹.

Мустақиллик туфайли вужудга келган кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш, ерга эгалик қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлик тизимини тугатиб, янги замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, кредит, молия, банк тизимини тубдан ўзгартириш, нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш каби жараёнлар эски андозалардан воз кечиб, янгича ёндашувларни, ноанъанавий ечимларни излаб топишни талаоб қиласди.

Демак, ҳозирги кунда янгича тафаккурлаш, ижодий фикрлаш юксак маданиятли кишиларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб муаммолар туркумiga киради. Биз келажаги буюк мустақил давлатни барпо этаётирмиз. Шундай экан, мана шу олижаноб мақсадимизнинг моҳияти, унга эришишимиз йўллари нимадан иборат эканлигини ҳар бир фуқаронинг онгига, унинг қалбига сингдириб, тафаккурлаш маданиятини, бунёдкорлиқ фаолиятини оширишимиз зарур.

Буюк давлатнинг нозу неъматлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни бизга ҳеч ким ҳадя этмайди, дастурхонимизга четдан олиб келиб қўйилмайди. Олижаноб мақсад-муродларимизга биз фақатгина ўзимизнинг астойдил ва ҳалол меҳнатимиз туфайлигина эриша оламиз. Келажакда барпо этадиган буюк давлатимизнинг асоси бугун яратилмоқда. Унинг қаддини ростлаб пойдеворини мустаҳкамлашда ёш авлоднинг роли катта. Келажак ёшларники. Буюк давлатимиз биринчи навбатда ёшлар меҳнати туфайли қад кўтарар экан келажакда ҳам ана шу мамлакатнинг истиқболи ёшлар қўлида бўлади. Шундай экан, ҳозирги кунда буюк давлатга муносиб ёшларни тарбиялаш, уларни маданий-маънавий етук, маърифатли инсон, юқори даражали мутахассис қилиб этиштириш устида фаол ишлаб

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида, 12-бет.

МОГИМИЗ ЛОЗИМ. ЕШЛАРИМIZНИНГ ҚИЁФАСИ, ДУНЕҚАРАПШИ, МАДАНИЯТИ, ИНСОНӢ ФАЗИЛАТИ, ҚОБИЛИЯТИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ БҮЛШИНИ ЯХШИ ФАҲМЛАБ, АНА ШУ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСТИДА ТИНМАЙ АМАЛИЙ ИШ ОЛИБ БОРИШ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ, БИРИНЧИ НАВБАТДА ТАРБИЯЧИЛАР, МУАЛЛИМЛАР, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ОЛИМЛАРИМИЗ, БАРЧА ЗИЁЛИЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛА ДЕБ ТАН ОЛИШИМИЗ КЕРАК.

Буюк давлатнинг ёшлари ўзларида умуминсоний қадриятлар, замонавий фан ва техника ютуқлари билан бир қаторда миллий маънавий одоб-ахлоқ ва анъ-аналаримиздаги энг олижаноб хислатларни мужассамлаштирган, юксак маданиятли, маърифатли, инсонпарвар, ўз Ватанига фидоий, етук мутахассис бўлишлари керак. Таълим-тарбия ишлари, ўқув жараёни ана шу мақсадга қаратилмоғи лозим. Бу борада ҳам ечими ни кутиб турган муаммолар оз эмас.

Миллий онгимиз, кишиларнинг маданий, маънавий савијаси қанчалик юқори бўлса, олдимиизда турган муаммолар шунчалик тез кўчади, қудратимиз шунчалик баланд, қўлимиш шунчалик узун бўлади.

Халқимиз ўзлигини англашда миллий **бадиий-эстетик онгни** ривожлантириш катта роль ўйнайди. Марказий Осиё халқлари бу борада ҳам катта анъаналарга, тажрибага эга. Кўп асрлар давомида ривожланиб келётган бадиий асарлар, лапарлар, қўшиқлар, мақомлар, жозибали рақс ва мусиқа халқимиз маънавий ҳаётининг таркибий қисмини ҳосил қилиб эзгулик, гўзаликка шайдолик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби юксак фазилатларни шакллантиришга хизмат қилиб келган. Ҳозирги вақтда ана шу анъаналарни тараққий эттириб халқимиз бадиий-эстетик онгини янада юксалтириш мустақил давлатимиз маънавиятини юксак даражага кўтаришда, улардан жаҳон халқларини баҳраманд этишда, туғилган заминга, мустақил давлатимизга садоқатли бўлиб, фидоий хизмат қилишида катта аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олган ҳолда 1996 йили Вазирлар Мажкамаси «Ўзбекистон — ватаним маним» номли қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида маҳсус қарор қабул қилди. Мазкур тадбир халқимиз бадиий-эстетик онгини янада юксалтириб, жонажон Ватанимизга меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлашда катта маънавий восита бўлиши шакшубҳасизdir.

Миллий маданият ва маънавиятимизни тарғиб этишда, уларни тиклаб янада равнақ топтиришда ҳаваскорлик бадий фаолиятини авж олдириш, хилмалхил танловлар, маданият кунлари кабиларни мунтазам рашишда ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Мустақилликнинг истиқболи ҳалқимиз сиёсий онгинг ўсиши билан бевосита боғлиқдир. Демократик давлатларда фуқаролар ва уларнинг сиёсий партиялари, жамоа ташкилотлари, уюшмаларига ижтимоий ҳаётда эркин ва фаол иштирок этиш учун барча имкониятларни яратиб берилади. Бундан бизнинг республикамиз ҳам истисно эмас. Ҳозирги кунда республикамиз сиёсий ҳаётида «Халқ демократик партияси», «Адолат», «Ватан тараққиёти», «Миллий тикланиш» партиялари, шунингдек, «Халқ бирлиги ҳаракати» ва республика байналмила маданият марказлари фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Мазкур партия ва ҳаракатларнинг асосий мақсади — ҳалқимизнинг бошини қовуштириб, уларнинг ўртасида эркин ва тенг муносабатларни, дўстлик, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириб, мустақилликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашишдан иборатdir. Сиёсий партиялар эркин ривожланиши, жамиятни бошқаришда маҳалла фаолларини жалб қилишнинг, фикр эркинлиги ва унинг хилма-хиллиги каби демократик ўзгаришлар ҳалқимиз сиёсий онгининг кундан-кунга ўсиб бораётганлигининг яққол далилидир. Ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда ҳам ҳалқимиз ўзининг юксак сиёсий онгини намойиш этмоқда. Бунга хорижий мамлакатлар билан биргаликда жамиятимиз ва минтақамизда ҳамкорлик, тинчликни сақлашга қаратилган тадбирларнинг ўтказилаётгани мисол бўла олади. Лекин шуни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, ҳозирги мураккаб вазиятда биз ниҳоятда ҳушёрлик билан иш тутмоғимиз лозим. Сиёсий фаолиятимизда доимо миллий манфаатларимиз устивор ўрин эгаллаши керак. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар ҳалқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қартилмоғи лозим. Шунингдек, меҳнат жамоаларида мустақиллик ғоялари асосида меҳнаткашларимизнинг сиёсий-ғоявий тарбиявий масалаларини тубдан яхшилашимиз лозим. Ўтмишда барча фуқароларни сиёсий ўқувга жалб этиш пухта ўйланиб, ҳаётга жорий этилган эди. Собиқ СССР парчаланиб кетиши билан эски

сиёсий ўқув тизими ҳам йўқолиб кетди. Эндиликда мустақиллик талабларидан қелиб чиқиб мазкур масалани ҳам ҳал қилишимиз керак. Фикримизча, барча меҳнат жамоаларида, мактаб, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида янгиланган сиёсий ўқув тизимини барпо этишимиз даркор. Мазкур тизимни ишлаб чиқишида «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази» тегишли вазирликлар билан биргаликда жонбозлик қилмоғи лозим. Фуқароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш масаласига давлат нуқтаи назаридан ёндашиш керак. Бу соҳани ўз ҳолига ташлаб қўйиш оқибатида жиддий ҳодисаларнинг вужудга келтириши эҳтимолини асло эсдан чиқариб бўлмайди.

2. ҚАДРИЯТЛАР—ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ АҲЛОҚИЙ БАРҚАМОЛЛИГИ НЕГИЗИ

ШАРҚОНА МАНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — ЮҚСАҚ МАДАНИЯТ САРЧАШМАСИ

Шарқ фалсафаси ва Ислом таълимотида инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-аҳлоқи ҳақида жуда кўп қимматли маслаҳатлар, фикр-мулоҳазалар мавжуд. Муқаддас Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф инсоннинг маънавий камолоти учун бекиёс манба эканлиги ҳаммамизга маълум. Шарқ мутафаккирлари, олиму уламолари томонидан асрлар давомида одоб-аҳлоққа онд минглаб китоблар, ҳикматлар яратилган. Афсуски, тоталитар тузум томонидан олиб борилган сиёсат туфайли улардан ҳалқимиз маҳрум қилиб қўйилган эди. Эндиликда, истиқлол шарофати туфайли бу соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар юзага келмоқда. Айни вақтда ҳалқимизнинг миллий қадриятларимизга қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда жумхуриятимизда кейинги йилларда мазкур масала бўйича ўтмишда араб, форс ва бошқа тилларда ёзилган адабиётлар ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларимизга ҳавола этилмоқда. Ўзбек олимлари, шоирлари томонидан ҳам одоб-аҳлоқ масалаларига бағишиланган кўргина асарлар нашр қилинганди.

Мазкур адабиётларда инсон тугилганидан тортиб то бандаликни бажо келтирганингача амал қилиши керак бўлган қоидалар, маслаҳатлар ўз аксини топган. Ма-

салан, биргина шариат қоидаларининг ўзида мусулмонлар амал қилиши зарур бўлган 934 та талаб мавжуд. Булар орасида инсонпарварлик, инсонни ҳурмат қилиш ва улуғлашга қаратилган ғоялар алоҳида эътиборга сазовордир.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида раҳм-шафқат, мурувват, одамийлик каби фазилатлар доимо улуғланиб, мадҳ этилиб келинган. Одамийлик—бу кишининг бошқа одамларга, уруғ-аймоғига меҳр-шафқат кўрсатиши, яхшилик қилишини, инсонпарварлик муносабатларида бўлишини тақозо этадиган фазилатdir.

Юсуф Хос Ҳожиб одамийликни қўйидагича мадҳ этади:

Сенга ким қиларкан одамгарчилик,
Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик.
Вафога вафодор кишилик ҳаққи,
Вафо қил, одил бўл, жам ол мангулик¹.

Алишер Навоий одамийликнинг асл мақсадини шундай таърифлайди:

Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Кимки халқقا қандай муомалада бўлса халқ ҳам унга шундай муомалада бўлади, «сен халққа қанча араплашсанг халқ ҳам сенга шунча ёндашади», деган нақллар бежиз туғилмаган.

«Эй азиз,—дейди Муҳаммад Жабалрудий,—халқингга доимо яхшилик қил, қилган яхшилигинг улардан сенга қайтади. Ҳеч кимсага қасддан ёмонлик қилма, кимки ёмонлик қилса қилган ёмонлиги, шубҳасиз, ўзига қайтади»².

Барҳурдар иби Маҳмуд айтганидек, аржумандлик байробини кўтарувчилар ва сарбаландлик ноорасини чалувчилар қандай кишиларки, улар халқнинг тинчлигини ва осойишталигини ўйлайдилар ва кеча-кундуз шу ҳақда фикр қиласдилар, барча кишиларни ўз ака-

¹ Ҳикматлар хазинаси. Т., 1977, 106-бет.

² Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. М. Ҳасандий таржимаси. Т., 1994, 77 б.

укаларидек кўрадилар, бироннинг дил шишасини ғазаб тоши билан синдирилмайдилар, адоват ва жафо тикинини бечоралик сахросида юрган яланоёқлар оёғи остига ташламайдилар¹.

Халқ билан ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, унга яхши кунларда ҳам, бошига мусибат тушган қоронги кунларда ҳам садоқатли бўлиб, астойдил хизмат қилиш мўмин — мусулмон фарзанди учун энг катта баҳт ҳисобланиб, келган. «Яхши ҳаёт ва узоқ яшаш учун, халқнинг дуоси ва шодлигидан яхшироқ посбон ва қўриқловчи йўқ»² дейди, Бархурдор ибн Маҳмуд.

Халқпарварлик — барча инсонларга меҳр-оқибатли бўлиш, уларни ҳурмат-иззат қилиш билан чегараландиган муносабатларгина эмас, албатта. Халқпарварлик — энг аввало ҳар бир инсон томонидан бошқаларга нафи тегадиган амалий ҳаракатдир. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, масалан, моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи ҳар бир меҳнаткаш учун халқпарварлик — бу меҳнат унумдорлигини ошириб халқимиз учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотларини сифатли ва ўз вақтида етказиб бериш демакдир.

Ёзувчилар, зиёлилар учун халқпарварлик ўз асарларида халқнинг меҳнати, ҳаёти, орзу-умидларини бадиий образларда акс эттириб, уларнинг ички дунёсими бойитиш, маънавий баркамоллиги, дунёқарашини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат, деб билмоғимиз лозим.

Олимларимиз учун халқпарварлик халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган нарсаларни ишлаб чиқаришни илмий асослаб бериш, кишиларнинг онги, илмий дунёқарашини шакллантириш демакдир.

Давлат арбоблари учун халқпарварлик — бу энг аввало ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг эҳтиёжини қондириш, барча ижтимоий кафолатларини адо этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллий тотувликни таъминлаш демакдир.

Инсонпарварлик, халқпарварлик айни вақтда ватан-парварлик ҳамдир.

¹ Ўша асар, 77-бет.

² Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. 78-бет.

ВАТАНПАРВАРЛИҚ — ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ

Ватан — сермазмун, жуда ҳам кенг тушунча. У яшаб турған үйимиздан бошланади. Халқымиз уй қурған одамни «ватанли бўлиб қолди», дейиши бежиз эмас. «Ватан остоңадан бошланади» деган ибора барча халқларда борлиги ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг халқымиз ўзи туғилган жойга жуда катта муҳаббат боғлайди. Шунинг учун ҳам улар бошқа жойларга кўчишни хоҳлашмайди. Бошқа жойларга кетганда ҳам доимо ўзи туғилган эл-юртидан алоқасини узмай, уни зиёрат қилиб туради. Бу ҳам Ватанга садоқатли бўлишнинг кўринишидир.

Ватан — инсоннинг ота-онаси, қариндош-уруглари, ўзи туғилиб ўсган жойгина эмас, балки ёшлик даврларни бошидан кечирган, югуриб-елиб ўйнаган, сайд қилган далалар, чўмилиб юрган сойлар, дарёлар, оромгоҳ боғлар, тоғлар, табиат муҳитидир. Демак, Ватанни севмак—киндиқ қони тўқилган жой табиатини севмак, унинг учун қайғуриш ҳам демакдир.

Ватан — бу биринчи мактаб, биринчи билим, орттирилган дўстлар, билим бериб вояга етказган ўқитувчилардир. Шунинг учун ҳам инсон қанча ёшга кирмасин, қаерда ишламасин биринчи мактаб, биринчи ўқитувчи, мактабдошларини ҳеч қачон ёддан чиқармайди, уларга доимо ҳурмат-иззат билан қарайди.

Ватан — бу ўсиб-улғайган маҳалла. Маҳалла ёшлик даврининг энг яхши кунлари кечган ҳозирги ҳаётida ҳам ҳамдард, ҳамнафас бўлиб келаётган қўни-қўшни, дўсту биродарлар масканидир. Маҳаллага ҳурмат, маҳалла аҳли билан доимо маслаҳатли иш қилиш, тўй-томошалар ва бошқа тадбирларни ўтказишни ҳар бир инсон ўзининг муқаддас бурчи деб билган. Ҳозир ҳам маҳалла аҳлининг роли тобора кучайиб бормоқда.

Ватан — бу оила ҳамдир. Шундай экан оиласа, киндиқ қони тўқилган жойга меҳр-муҳаббатда бўлиш айни вақтда Ватанга садоқатли бўлиш демакдир. Оила жамиятимизнинг асосини ташкил қиласиди. Оила аъзоларини, улар туғилган ва истиқомат қиласиган уй-жойни эъзозлаш айни вақтда ҳар бир оиласининг, инсоннинг шажараисини, тарихини яхши билишини тақозо этади. Ҳар бир инсон, ўз оиласи, ота-она, эл-юрт тарихини,

шажарасини яхши билдиб олиши лозим. Бунда айниқса оила, мактаб катта роль ўйнайди.

Ватан — бу ҳар бир инсон ишлаётган меҳнат жамоаси, ўқиётган билим юрти, ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамдир. Меҳнат жамоасининг инсон ҳаётида тутган ўрни катта. Чунки меҳнат жамоасида ҳар бир инсон ҳаёт мактабини ўтаб, мутахассис бўлиб етишади, маънавий камол топади, ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди, шухрат қозонади.

Ватан — бу ҳар бир кишининг яшаб турган қишлоғи, шаҳари, тумани, вилояти. Шунинг учун ҳам улар туман, шаҳар, вилоят ютуқлари билан фаҳранади, унга ўз ҳиссасини қўшишга интилади, мавжуд тарихий ёдгорликлар билан фаҳранади. Уларнинг гуллаб-яшнашига, ободонлигига кўмаклашади. Ватан — бу халқимизнинг жаннатмисол макони Ўзбекистон Республикасидир.

Она-юрт, Ватан — инсон учун олтин бешик. Инсон ана шу олтин бешикда дунёга келади, илк бор қадам ташлайди, униб-ўсади, вояга етади, эл-юрт хизматига бел боғлайди. Шунинг учун ҳам Ватан ҳар қандай инсон учун онаси каби азиз ва мукаррамдир. Ватан инсонга баҳт-иқбол берадиган муқаддас маскан бўлиб ҳисобланади.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёҳуд аҳлоқ» асарида ёзганидек, «Ватан ҳар бир кишининг туғилиб ўсан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилар. Ҳар ким туғилган, ўсан жойини жонидан ортиқ суръ. Ҳатто бу ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар айрилса ўзларидағи каби роҳатда яшамас...

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сүйганимиз каби араблар Арабистонни, қумлик иссиқ чўлларни, эскимуслар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда сурълар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди».

Ватан бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Ватан деганда ҳамиша ўзимиз туғилиб ўсан, таълим олган, вояга етган ҳеч-нече авлоду аждодларимиз яшаб ўтган, уларнинг ақлу идроклари, меҳнатлари сарф этилган муқаддас юрт кўз олдимизга келади. Ватан бу ота юрт, аждодлар маскани, эл-юрт, халқ вояга етган,

унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари чинакамига шакланиб, чуқур илдиз отиб, ўсиб камол топиб борадиган заминдир.

Ватан—муқаддас қадрият. Тараққиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик қони тўкилган жой, ҳар кимниг борлигини қадрловчи замин, маънавий камолот ва саодат майдонидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўз дард-аламини, орзу-умидларини ватан тақдирни билан боғлаб келган.

Ватан меҳрини, Ватан сеҳрини, унинг мўътабарлигини, улуғворлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Ҳақиқий баркамол инсон Ватанинг равнақи ва истикболи, эл-юртнинг озодлиги ва мустақиллиги учун ҳамма нарсани, ҳатто, ширин жонини ҳам аямайди.

Бу ҳақда мавлоно Фузулийнинг «менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлар эдим», деб айтган сўzlари ҳар бир ақли расо фуқаро учун бебаҳо ўғитдир.

Инсон учун Ватан ягонадир. Ватанинг катта-кичиги, ҳам, бой-камбағали ҳам бўлмайди. Ватан танланмайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун ҳам у пулга сотилмайди. Ватан инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Ватан ҳар бир фуқаро учун муқаддас ва бетакрордир.

Ватани севиш, она диёрининг қадрига етиш, унинг камолоти, гуллаб-яшинаши, осойишталиги учун қайфуриш ёшлигимиздан бошлаб онгимизга сингдирилишида чуқур маъно бор. Чунки ҳар қандай инсон Ватани, отабоболари ўтган муқаддас замин билан фахрланиб яшайди.

Муқаддас Ҳадиси Шарифда «Ватани севмак иймондандур» дейилган. Бу сўзда чуқур ҳикмат бор. Ватани севиш, ардоқлаш кишига куч-қувват беради, ақл-идрок ато этади, юзини ёруғ қиласи, жасоратларга чорлайди, мардликларга ундайди, одамлар, миллатлар, халқларни бирлаштиради.

Ватани севиш, Ватацим, халқим деб яшаш, она юртнинг равнақи йўлида ҳалол меҳнат қилиш, ўзини қаҳрамонликларга тайёрлаб бориш, ўзи яшаб турган заминни эъзозлаш, унинг бойлигига бойлик, гўзаллигига гўзаллик қўшиш, одамларни сева билиш демакдир.

Ватани севиш, унинг ҳар бир қарич ерини, ҳар бир сиқим тупроғини муқаддас билиб қадрлаш, кўзга

тўтиё қилиш ўзбекларга хос хусусият бўлиб, бу уларга аждодлардан мерос сифатида давом этиб, сайқал топиб келмоқда.

Ҳамид Олимжон «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» деган мақоласида бу ҳақда шундай деган эди: «Менинг халқим ўз киндигининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидай азиз кўради. Менинг халқим ўз боболари кўмилган тупроқни ўпади, шу тупроқни ҳаром, нопок қилган одамни ўлдиради. Қадим ўзбек ботирлари узоқ сафарга кетганда, бир ҳовуч ватан тупроғини доим ўз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларга ўз туғилган ерларини эслатиб турган, халқ олдида ичган қасамини ёдга солган. Ватанга бўлган муҳаббатини бир нафас ҳам унуттиргмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ унга ўз ота-онасини, қариндошларини, халқини эслатган, узоқ бўлса ҳам уни ўз ватанида, ҳис қиласидиган ва қаерда бўлмасин ўз халқи шаънига иснод келтирмасликка, ўз халқининг номуси ва содиқ ўғли бўлишга чақирган. У Ватанини қанча севса, ота-онадан, севимили ёрдан, қондош ватанидан нишона бўлган шу бир ҳовуч тупроқни ҳам шунча севган. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлганки, у сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дарёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўта олган. Шу бир ҳовуч тупроқ уни ўтдан омон сақлаган. Ўқ унинг кўкрагини тешолмаган, қилич танасини тешолмаган, олов куйдирмаган, зиндан чиритолмаган».

Ўзбеклардек ватанини севадиган, юртига боғланган халқ жаҳонда камдан-кам топилади. Ўзбек халқи қўлига қурол ушлаб Ватан ҳимояси учун душманга қарши жанг қилишни жуда яхши билади. Ватан деб ўзини ҳам ўтга, сувга мардона отади, азиз юртнинг ҳар бир қарич ери учун жон олиб жон беради.

Ўзбекистон ўзбек халқи учун ота юртдир, унинг манфаатларини ҳимоя қиласидиган жаҳондаги ягона давлатдир.

Ватанимиз Ўзбекистон учун қўлимиздан келадиган ҳар бир фойдали ишни қилиш, гуллаб-яшнаши учун ҳисса қўшиш бизларга аждодларимиздан қолган буюк фазилатдир. «Қизил империя» даврида бизга, «сенинг ватанинг СССР», «Ватан Кремлдан бошланади» деб қулоғимизга қўйишди. Ўзимизнинг ҳақиқий Ватанимиз Ўзбекистон эканлигини қалбимиздан суриб чиқаришга, ватан туйғусидан жудо бўлишимизга зўр беришди. Мил-

лийлик ва миллий мансубликка, миллий ҳис-түйғу ва миллий ғууррга сездирмасдан зарба урила бошланди. Шундай жоҳилликлар натижасида миллий мансублик ўрнига мамлақатда «Совет фуқаролиги» тарғибот, ташвиқот қилина бошланди. Она-Ватанимиз Узбекистон учун эмас, балки Совет ватани равнақи йўлида фидокорлик кўрсатиш, жон олиб, жон беришга даъват этиладиган бўлди.

Собиқ совет империяси даврида одамларда миллий манфаат, Ватанга, она заминга меҳр-муҳабbat деган ҳис-түйғулар аста-секин сўна бошлаганди. «Ватан» тушунчаси ўзининг жозибасини, таъсирчанлигини йўқотиб, мавхумликка айланиб қолганди. Қилинадиган ҳар бир ишда ва ҳаракатда миллатнинг туб манфаати, шоншарафи, миллий ўзига хослиги, ақл-идроқи ва тафаккури борлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди. Фақат бир нарса «умумсовет» манфаати кўзда тутиларди, холос. Ҳар бир миллат ва ҳалқ бир неча минг йиллар оша яшаб келаётган ўз Ватани учун қайғуришга ҳақли эмасди. Узи емаса ичмаса-да, лекин ўша «улуг Ватан» учун тинмасдан меҳнат қиласди.

Бутун бошли бир ҳалқни, энг катта ва қадимий миллатлардан бири ўзбекларни ўз она юртида чеклаб ташлашди. Унинг ҳуқуқлари чегараланди. Тили камситилди, тазийққа учради. Ўзбекларнинг ўтмиши у ёқда турсин, бугунги хизматлари ҳақида ҳам бузиб ахборот берилди. Аҳвол шу даражага бориб етган эдики, ҳатто ўзбек деган миллат, Узбекистон деб аталадиган мамлакат борлигини дунёда кўпчилик билмасди. Ал-Хоразмий, Темур, Навоий, Улуғбек, Бобур авлодларини кўпчилик танимас эди.

Яна бир муҳим масала устида фикр юритишга тўғри келади. Сталин сиёсати туфайли бир бутун Туркистонни майдалаб, «мустақил» миллий жумҳuriятларга бўлиб ташланган эди. Бу аслида узоқни кўзлаб қилинган сиёсат эди. Ана шу сиёсатнинг заминида ётган асосий мақсад, биринчидан, асрлар мобайнинда ягона бир ҳудудда яшаган, чегара нималигини билмаган, оға-ини, қуда-анда бўлиб келишган, ўзбек, тоҷик, туркман, қозоқ, қирғиз ҳалқарини бир-биридан бутунлай ажратиб ташлаш, Туркистонни марказнинг хом ашё базаси сифатидаги ҳолатини чоризм мустамлакачилиги давридагидан ҳам мустаҳкамроқ қилиб қўйишдан иборат эди. Иккинчидан, тили, дини, маданияти, тарихи, урф-одат-

лари бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган катта бир халқни беш миллатга ажратиб ташлашдан кўзда тутилган муддао мазкур халқларни миллий ўзлигини англашдан, ўтмиш тарихидан, миллий ифтихоридан жудо қилиб, оломонга айлантириш бўлса, учинчидан, зарурият туғилиб қолса қачонлардир, улар ўртасига нифоқ солиш, гиж-гижлатиш, орани бузиб, бемалол ҳукмронлик қилавериш эди. Ягона бир бутун улуғ ва қудратли Туркистонни парчалаб юборишдан, миллий жумҳуриятларга «мустақиллик» беришдан марказнинг муддаоси нимадан иборатлигини туб моҳиятини тўла тушуниб етган, бунинг оқибатида жуда даҳшатли ва фожиали бўлишини англаб етган элимизнинг илмли, зукко кишилари, маърифатчилари, кўзга кўринган кишилар бирин-кетин йўқотилди, «халқ душмани»га чиқарилди, қатл ва сургун қилинди.

Муҳожирликда яшашга мажбур қилган юртдошлиримиз мол-дуиёдан эмас, балки ғариблиқдан, Ватан дийдорига интизорликда яшашдан чексиз азоб чекишган.

Инсон учун на давлат ва салтанат, на тожу тахт, њеч бир нарса Ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди. Ватандан жудолик инсон учун энг катта баҳтсизликдир. Фурбатда, ғариблиқда инсон ўзини шод, баҳтиёр ҳисоблай олмайди.

Ёд этмас эмиш кишини фурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши,
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
Фурбатда севинмас эмиш албатта киши.

Бу мисралар ўзбек шоири, Ҳиндистондек буюк мамлакатнинг подшоси бўлган Заҳирiddин Бобурнинг қалбидан афсус билан отилган нидосидир. Буюк бир давлатнинг подшоси бўлатуриб, унинг бунчалик афсус-надомат чекишига нима сабаб бўлди? Бунга сабаб юрт меҳри, Ватан ишқи эмасмикан?!

Ватандан айрилиқда яшаган, ўзининг бутун борлиғи, ғояси, тану жонини миллатига баҳш этган кишиларни шўро матбуоти, ком фирмка мафкураси ва сиёсати узоқ йиллар давомида «Ватан хоинлари», «Ватангадолар» деб бадном қилди. Уларга қарши қанчадан-қанча китоблар, мақолалар ёзилди, туҳматлар, иғволар уюштирилди.

Она — Ватан тұпроғидан бенасиб бўлиб, хорижда макон топған ватандошларимиз сүнгги нафасларигача киндиқ қонлари томган ота мерос юртлари Туркистонни соғиниб, Туркистонга сиғиниб, Туркистонга талпиниб ва топиниб яшаганлар. Ватан дийдорини қайта кўролмасдан, унинг меҳрига тўёлмасдан оламдан кўз юмгандар, «Ўзга юртларда еб-ичиш, кийиниш ва илм олишдан камчилигим бўлмаса-да,—деб ёзади Бухоро шўролар ҳокимиятининг биринчи раисларидан бўлган Усмонхўжа Пўлатхўжаевнинг фарзанди, ҳозир Германиянинг Мюнхен шаҳрида яшовчи профессор Темурхўжа, — отамдан эшитганим Туркистон деган юрга боришни қирқ уч йил кутдим. Шу тупроққа меҳр қўйдим, ҳамиша ёдимда, юрагимнинг тубида олиб юрдим. Отамнинг туйгулари, азоблари менга кўчди. Вафотидан олдин ёnlарига чақириб «Мен сенга банкда пул, шоҳона қасрлар, ҳосилдор ерлар қолдираётганим йўқ, сени суюдиган акаука ҳам қолдирмадим, фақат ҳамиша ёдингда тутишинг учун Ватан ҳасратини қолдирдим» деган эдилар. Отамнинг васиятларини эшитган онимдан бошлиб мен қайта Ватанлик бўлдим. Ватан менинг ичимда...»¹

Айтилганлардан кўриниб турганидек, Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллигини кўриш истаги ва орзуси фақат бизлардагина эмас, балки мусофири юртларда сарсон-сағардонликда юрган ватандошларимизнинг дилларида ҳам аллақачонлардан бери тўлиб-тошиб келаётган эди.

Қанчадан-қанча бобокалонларимиз, авлоду аждодларимиз зўр интизорлик билан кутган кунни — Ватанимиз озод, эркин ва мустақил бўлганини кўриш ҳар биримиз учун энг катта қувонч, буюк баҳтдир. Бунинг учун Оллоҳга минг карра шукур айтамиз. Чунки бу улуғ тарихий кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги шу тупроқда яшетган миллатдошларимиз қатори узоқ йиллар давомида она-юртидан, элидан, қариндошларидан айрилиб, мусофирилик ҳижронларини тортган муҳожир юртдошларимизни ҳам ҳаяжонга солди ва чексиз қувонтирдики, буни сўзда ифодалаб бўлмайди.

Тошкентда туғилиб, ҳозир Олмониянинг Мюнхен шаҳрида истиқомат қилувчи Мурод Аҳмедов «Халқ сўзи»

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1991 йил 23 январ.

ўрзномасига юборган хағида шундай дейди: «Ватан ягона түйфу бўлиб, унинг такорри, ўхшashi йўқdir. Олисда бўлсан ҳам охирги нафасимгача ватаним ёди билан яшайман...

«Уз уйинг ўлан тўшагинг», деган мақолнинг қадрийи ҳеч қим менчалик тушуниб етмас, десам муболага бўлmas. Шунинг учун ҳам ватанинни улуғловчи қўшиқлар кўрик-танлови баҳонасида Ўзбекистон билан хәёлан суҳбатлашдим, чоғроқ шеър ҳам ёздим:

Чаппар урган чаман
Ватан,
Бўлгин доим омон Ватан!
Киндик қоним томган
Ватан,
Кўз ёшларим юм-юм,
Софинчларим лим-лим.
Жаннатмакон юртсан
ўзинг,
Насибаси бутсан ўзинг,
Енгилмаган мардсан
ўзинг,
Кўз ёшларим юм-юм,
Софинчларим лим-лим.
Эртаю кеч ўйимдасан,
Тушимдасан, ўнгимдасан,
Кўнглимдасан,
кўнглимдасан,
Кўз ёшларим юм-юм,
Софинчларим лим-лим...»¹

Мустақилликнинг энг катта неъматларидан бири шу бўлдики, эндиликда оламлардаги миллат, Ватан ҳақидаги тушунчалар ўзининг асл маъноларига қайтмоқда. Ватан, бу энди илгаригидек сиёsat ва мафкура асосига қурилган, миллий ҳис ва идрокдан узоқ, алла-қандай мавҳум тушунча эмас. Мустақиллик туфайли биз ўзимизнинг ҳақиқий Ватанимизни топдик. Жаҳон сиёсий харитасида Ўзбекистон аталмиш мустақил давлат пайдо бўлди.

«Ватан түйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли

¹ «Халқ сўзи», 1996 йил 19 январ.

бўлиш дёмакдир. Ватанга садоқат барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ватан туйғуси — бу халқимизнинг олтин мероси, анъяналари, тили ва маданиятига ҳурмат билан қарап. Турон, Туркистон, Ўзбекистон деб аталувчи юртимизнинг тарихини муттасил ўрганиб боришдир».¹

Ватанимиз тараққиёти ва истиқболини жумҳуриятимизда яшаётган турли халқлар ва миллатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, дўстлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Халқлар дўстлиги ва қардошлиги куч-қудратимизнинг манбаи, мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг йўлларидан биридир.

Ўзбек халқининг эрки, озодлиги ва мустақиллиги, баҳт-саодати, севинчи ва қувончи жумҳуриятимизда истиқомат қилиб келаётган қозоқлар, қирғизлар, руслар, туркмандар, корейслар, татарлар, уйғурлар, қўйингки, барча халқлар ва миллатлар билан самимий дўстлик ва қардошлигидадир.

Тарих ўзбек халқининг зиммасига бугунги кунда ғоят буюк, муқаддас вазифани юклиди. Бу Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг довруғини олам узра ёйиш, шуҳратига шуҳрат қўшишдир. Ватанини бутун борлиги ила севмаган, Ватан эрки, юрт саодати учун ҳаётини тикмайдиган кишини ватанпарвар деб бўлмайди.

Ҳақиқий ватанпарварлик миллат, Ватан манфаати деб яшаш, унинг истиқболи, баҳти ва саодати йўлида меҳнат қилиш учун курашишдир. Ватан эрки ва юрт озодлиги учун ҳаётини тиккан кишини халқ ҳам, тарих ҳам асло унумтмайди. Бундайларни бемалол ҳақиқий ватанпарвар деб айтса бўлади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи, истиқололи новқирон авлод тарбияси ва таълимига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ёшлар Ватанимизнинг, мамлакатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширамиз. Бунинг учун улар зиммаларига юклатилаётган энг мураккаб ва масъулиятили вазифани бутун мөхияти ила чуқур англашлари, ҳис қилишлари, унга ўзларини ҳозирданоқ тайёрлаб боришлари лозим.

Ёшларда ўз Ватани билан фаҳрланиш туйғуси ўз ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ватанга бўлган меҳр-

¹ Ватан туйғуси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 11-бет.

муҳаббат одамнинг қалбига она сути билан бирга киради. Бу муқаддас туйғуни она алласи парвариш қиласи, ота тарбияси ва ўrnаги улғайтиради.

Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда уруш ва меҳнат фахрийларининг роли катта. «Биз яхши биламизки,—дейди И. Каримов,—ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни миллий фурур, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда, ҳар кунлик ташвишларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суяңчdir.

Бугунги кунларга етиш учун сиз, азиз қарияларимиз қанча жабру жафо чекканисиз, жасорат ва матонат кўрсатгансиз, шунинг учун ҳам, бугунги куннинг қадрига етадиганлар ҳам сиз — кўпни кўрган кексаларсиз»¹.

Фахрийларга ҳурмат-эътибор билан қараб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиб, жамоат ишларида, айниқса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш — мустақил давлатимиз томонидан қилинаётган хайрли ишлар сирасидандир.

Ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришда оила тарбияси катта ўрин тутади. Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиласдан бошланади.

Инсонда юртга, ватанга муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоя катта.

Юксак маънавият, одоб-аҳлоқ, иймон, эътиқод, инсофу диёнат, яхши хулқ-автор инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Маънавият инсонга хос хусусият бўліб, унинг жамиятдаги ҳаёти, тарбия, меҳнат, ҳаёт тажрибаси жараёнларида шаклланниб сайқал топиб, руҳий мөҳиятга айланади. Ёшларга бериладиган тарбия қанча эртароқ бошланса унинг самараси шунча кучли бўлади.

Инсон камолотида тарбиянинг аҳамияти беқиёс. Абдулла Авлоний юқорида эслатиб ўтилган асарида бу ҳақда «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё сабот ё фалокат масаласидир» деб ёзган эди. Ўлкамиз ҳалқларининг ёш авлодни тарбиялаш, маънавий камол топтириш имкониятлари битмас-туғанмасдир.

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 9 май.

Ўзбек халқида дунё тан бериб келаётган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжуд. Оила аъзоларининг барчаси тўпланмагунча овқат емай туриш, оила бошлигини одоб сақлаб кутиш, ота-онани кўрсатиш, катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр ва шафқат, уруғ-аждодларга, қўни-қўшиларга, хеш-ақраболарга, маҳалладошларга, таниш-билишларга ёрдамини аямаслик ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Ўзидан катталарни, биринчи галда кекса боболару отаёнларни, нуроний оналару бувиларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, улар учун қўлдан келган ёрдамини аямаслик ўзбек халқининг анъанавий қоидаси бўлиб, у ўзбек оиласида ёшликтан болалар онгига, қон-қонга, вужуд-вужудига сингдириб юборилади.

XI асрнинг улуғ шоири, донишманди, Юсуф Хос Ҳожиб қарияларни ҳурмат қилиш, улар ҳақида беҳуда сўз айтмаслик, улар ҳузурида одоб ва камтарлик билан сўзлаш жоизлигини ўқтириб шундай деган эди:

Улуққа етишса кичик ҳурмати,
Улуғ ҳам кичикка ҳурмат кўрсатур.

Ўзбек халқининг энг қадимий даврларидан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган ажойиб қадриятларидан яна бири — ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромлари, ҳурматларини жойига қўйишдан иборатdir.

Ота-онани қадрлаш, уларнинг тенгсиз, ўлчовсиз хизматига содик бўлиш, дуоларини олиш болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Шеърият мулкининг сultonи Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар «...учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, унинг боши учун бутун жисмингни садқа қилсанг арзийди. Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунга нур бериб турган бирисини ой, бирисини қўёй бил, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам

ҳам босма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, «кадаб» сўзидағи «дол» каби қоматингни ҳам қил»¹.

Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр-шафқат, ота-оналарга эъзоз, фарзандларга меҳр-садоқат—булар инсонни йинсон қилиб турадиган ахлоқий ва маънавий қадриятларимиздан ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республика мизинг асосий қонуни— Конституциясида одоб-аҳлоқ масаласида, хусусан фарзандларнинг жамият, оила ҳамда ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий қадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидалар давр талабига биноан белгилаб берилган. Унинг 60-моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Миллий қадриятлар хусусида Фикр юритганда яна бир муҳим масалани алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Маълумки, қадимий урф-одатларимизга кўра, ўзбек оиласида, айниқса кўп болали хонадонларда ёшлилар болалигиданоқ меҳнат қучогида тарбияланади, меҳнатда чиниқади. Оилада ота-онага ёрдам бериб мустақил меҳнат қилишга интилиб, ҳеч бир бола майиб бўлган эмас. Аксинча меҳнат қилиб бола чиниқан, мураккаб ҳаёт йўлида учраши мумкин бўлган ҳар қандай тўсиқлар ва қийинчиликларни бардош билам енгид ўтган, ота-онасининг қадрига етган, ёшлигидан кўзи пишиб, оқу қорани таниган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмуни ва моҳиятида, усул ва шаклларида жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Мактабларни миллийлаштириш бошланди. Таълим-тарбияга миллий қадриятларни жорий этиш асосий ўрин тутадиган бўлди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Ёшларда миллий ғуурни шакллантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бериладиган бўлди.

Билимни севиш ва ардоқлаш, олиму фузалоларни, устозларни ҳурмат қилиш, мардлик, одамийлик, камтарлик, адолат, ҳалоллик ва ҳақгўйлик каби инсоний фазилатларни улуғлаш борасида ҳам ибрат бўладиган ажойиб қадриятларимиз кўп.

¹ А. Навоий. Хайратул аброр. Рафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1974 йил, 55-бет.

Билим ва зековатнинг қиммати, жамият тараққиёти ва шахс маънавий-аҳлоқий камолоти учун аҳамияти шу қадар каттаки, уни таърифлашни адо қилиб бўлмайди. Билим энг катта бойлик эканлиги, дунёда ундан қадрлироқ ҳеч нарса йўқлиги тўғрисида қадимги ҳинд дostonи «Қалила ва Димна», Низомулмulkнинг «Сиёсанома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Тушнома», Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутагду билик» Аҳмад Юнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Алишер Навоийнинг «Хамса» каби жаҳонга машҳур асарларида бир-биридан муҳим, бир-биридан сермаэмун фикрлар баён этилган.

Бизнинг илм-фанимизда, маданиятимиз ва тарихимизда инсонни илм асосларини билиб олишга даъват этмаган, билимнинг хосияти ҳақида куйиб-ёниб баён этмаган биронта шоир ва ёзувчи, биронта олим уламо, биронта етук давлат арбоби бўлмаган десак, муболага эмас. Бунинг учун лоақал Муҳаммад Хоразмийнинг, Абу Наср Форобийнинг, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синонинг муборак номларини эслашнинг ўзи кифоя қиласди.

XII асрда ижод қилған донишманд шоир Аҳмад Юнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») асарида илмли билан билимсизни, олим билан жоҳилни қиёслаб баён этган қўйидаги фикри бунга мисол бўлади: «Билим тўғрисида сўзламоқдаман, сўзимни яхши тингла, билимдон кишиларга ўзингни боғла. Билим билан баҳт саодат йўллари ўрганилади, билим эгаллаб саодат йўлини топ. Билимли киши қимматли олтиндир. Жоҳил, билимсиз кишилар арзимас қалбаки (ақча) дир. Билимли билан билимсиз қачон teng бўлади? Эр киши билим ўрганиб билгувчи бўлиб қолади, билимсиз тирикликда кўргиликлар ичидаги қолади. Билимли эр ўлса ҳам оти ўлмайди, билимсиз кишининг ҳаёт чоғида ҳам унинг оти ўлиkdir».

Юсуф Хос Ҳожибининг фикрича, зековат қоронғу тундаги машъал кабидир, билим эса нур тарқатувчи ёруғлиқдир. Кимда зековат бўлса, ўша асл одам бўлади, кимда билим бўлса у мартабага эришади. Одам зековати туфайли асл аталади. Билим гавҳар каби бир ерда тўпланиб туради, у зековатнинг конидир. Мушк-анбар ва билим бир-бирига ўхшаш нарсалардир, уларни ўзидан бўлаклардан яшириб сақлаб бўлмайди. Мушк-анбарни яширсанг, унинг ҳиди ошкор қиласди, билимни

яширсанг, уни тилинг ошкор қилади. Билим ўз соҳиби-ни қашшоқ қилмайдиган битмас-туганмас бойлиkdir, ўғри ва қаллоблар уни ҳеч ўғирлаб ола олмайди.

Одамларда илму ҳунар қанча кўп бўлса, у ўзини шунча оддий, камтарин тутади. Камтарлик одамни безайди, обрўсини оширади, дўстини кўпайтиради.

Камтарлик, сермулоҳазалик, вазминлик, оғир-босиқлик сингари инсонни ахлоқий-маънавий жиҳатдан гўзал қилиб кўрсатадиган юксак фазилат ва хислатлар қишининг билимидан келиб чиқади. Буни бизнинг аждодларимиз орасида ўтган улуғ ва доно кишилар, шоир ва файласуфлар ҳам кўп таъкидлаб ўтганлар.

Ана шу ерда улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг «Маҳбуул-қулуб» асарида камтарлик, тавозеъ ҳақидағи фикрларини келтириб ўтиш жоиздир. «Тавозеъ киши ҳузурида ўзини паст тутиш, камтарлик кўрсатиш, халқ муҳаббатини ўзига тортар ва одамларни шу ишни баҷарувчи билан дўстлаштирас. Тавозеъ дўстлик чаманида тоза гуллар очар ва у чамандан ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочар...

Адабдан муҳаббатга безак ва пардоз етади, адаб тарқидан дўстликнинг равнақ ва баҳси кетади.

Тавозеъли ва одоблиларга таъзим ва ҳурмат етади ва уруғни эккан бу қимматбаҳо ҳосилни тўплаб олади».

Мустақилликнинг маънавий заминларини мустаҳкамлашда диний ғоялар ва қадриятлардан, одоб, ахлоқ борасида ислом имкониятларидан оқилона, ижодий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ислом динида нафакат миллӣ, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, ҳозир ҳам ўз қимматини тўла сақлаб қолаётган энг муҳим ахлоқий қонидалар, фалсафий фикр-мулоҳазалар беҳисобдир. Ислом одамларни динидан, миллатидан қатъий назар, ўзаро ҳурмат-иззатда бўлишга, бирбирини моддий, маънавий, руҳий қўллаб-қувватлашга ўндайди. Миллат ажратиш, бошқа миллат кишиларини камситиш ислом дини ақидаларига тамомила ёт.

Табиатга меҳр-муҳаббат, теварак-атрофни, сувони, ҳавони, тупроқни, ҳайвоноту набототни асраб-авайлаш исломнинг асосий ғояларидан биридир. Табиат неъматларини эъзозлаш, уларнинг қадрига етиш—инсоннинг бурчи. Табиий неъматларни эъзозлаш уларни асрар билан, исроф қилмаслик билан бўлади. Қуръондаги оятларда, пайғамбаримиз ҳадисларида ҳайвонот олा�-

ми, наботот олами ва атрофимизни ўраб турган бошқа нарсаларни тўла-тўкис ҳимоя қилиш, сақлаш, уларни бузмаслик, исроф қиласлик тўғрисида таълимотлар борки, улар билан танишиб, бу таълимотлар гўёки ҳозирги кунимизни кўзлаб айтилгандай эканлигига гувоҳ бўласиз.

Жамики табиий бойликлар, дов-дараҳатларни, ҳайвонот оламию сувдаги жониворларни авайлаш масаласида ислом динида баён этилган энг зарур, энг фойдали йўл-йўриқлар, бебаҳо ўгит ва ғоялар умуминсоний аҳамиятга молик қадриятлар ҳисобланади, у миллат танламайди. Ислом динида табиатни кўз қорачигидек авайлаш ҳақидаги ғоялар умумбашарий қадриятлардан бўлиб ҳисобланади. Унда алоҳида таъкидланишича, қайси бир мўмин инсон экин экса, ёки мевали дараҳт ўтказсаю улардан қушлар, одамлар ёки ҳайвонлар еса бу унинг садақа ҳукмидан бўлади. Бундан ташқари соясидан халқ фойдаланиб турган дараҳтни кесиб юборган одам дўзахга маҳкум этилади, деган фикрлар ҳам баён этилган.

«Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда бехосдан қиёмат қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз уни экиб қўяверинг». деб уқтирилганиги қанчалик муҳим ва зарурлигини айтиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

Ислом динида бирвларнинг ҳақига кўз олайтириш, ичкилиkbозлиқ, ўғрилик ва қабиҳ ишлар билан шуғулланиш, фоҳишабозлиқ қаттиқ қоралаҳади.

Дин одамларни ҳаром-ҳариш йўллардан четда юришга, инсофли, диёнатли бўлишга, ўзидан яхши из қолдиришга ундейди.

Тарбия, одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-хуқуқлари, мәҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик сингари инсоний қадриятлар кенг ташвиқ қилинади. Бунинг аксича, разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм каби разил сифатлар эса кескин қоралаҳади.

Имкони борича ва қаерда қодир бўлсанг илм ўрган, маърифатингни зиёда қил, деган ғоя ислом динининг мағиз-мағизига чуқур сингдириб юборилганигини Ҳадиси Шарифдан олинган мисоллардан кўриш мумкин. «Илмни Чин мамлакатида бўлса ҳам талаб қилинглар», «Бешикдан то тобутгача илм изла» каби чуқур маъно-

ли фикрлар мусулмонлар учун асосий қўлланма бўлган.

Ислом дини ва ахлоқи баён этилган, унинг бутун моҳияти асосига жо қилиб юборилган foя ва қоидаларни билиб олиш, уларга асосланиб иш юритиш, фаолият кўрсатиш, шахснинг маънавий камолоти, ахлоқий покланиши учун бениҳоя зарур ва муҳим.

Маънавий ва аҳлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби ноёб инсоний фазилатлар қанчалик авайлаб-асралса, ҳаётга кенг жорий этилса, инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолияти шунчалик кучайиб, такомиллашиб боради. Ана шу масалаларга алоҳида эътибор қилинмаса келажак бой берилади.

«Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда ватанга меҳр гояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосида миллий орият, миллий фурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат мана шу ҳалққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган гурур қўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажагимиз бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни қуришимиз лозим».¹

Ҳақиқий ватанпарварлик ҳалқ бошига қора булулар йиғилиб, мусибат тушган вақтларда, айниқса, намоён бўлади. Буни биз ўзбек ҳалқи 1941—1945 йилларда фашизмга қарши олиб борган мардонавор жасоратларидан, ватанга бўлган чуқур садоқатларидан яққол кўришимиз мумкин.

Уруш йилларида кўрсатган мардлиги, матонати ва қаҳрамонлиги учун Ўзбекистоннинг 120 минг ўғил-қизлари орден ва медаллар билан тақдирландилар, уларнинг 338 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин юлдузини, 53 нафари эса Шуҳрат орденйнинг ҳар уччала даражасини олишга мушарраф бўлдилар.

¹ И. Каримов. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Т., 1995, 13—14-бетлар.

Уруш йиллари фронтга Ўзбекистондан жами 1 миллион 300 мингдан зиёд офицерлар ва солдатлар жүнади. Шуларнинг 400 мингдан кўпроғи жанг майдонларида мардларча ҳалок бўлди, 130 мингдан ортиғи бедарак йўқолди.

1995 йилниң 1 январида бўлган маълумотларга кўра ҳозир Ўзбекистонда 108 минг 281 уруш қатнашчиси, 171 минг 370 уруш ортида меҳнат қилганлар, урушда ҳалок бўлганларнинг 20 минг 676 оиласи истиқомат қиласди.¹

Хукуматимиз уларга катта эътибор ва ғамхўрлик қилаёттир. Уруш қатнашчилари «Жасорат», фронт орти меҳнаткашларининг эса «Шуҳрат медаллари билан тақдирланганларидан бунинг ёрқин далилидир.

САБР-ҚАНОАТ — УЛУФ ҲИСЛАТ

Халқимизга хос яна бир ажойиб фазилат — сабр-қаноатdir. «Сабр,— Муҳаммад Жаболрудий айтганидек,— барча меҳнат ва офириликни енгиш ва чидашdir. Бечора ва почор бўлса-да, ўзини бадавлат кишидек тутиш, кўринган кимсага аҳволи ҳақида шикоят қила-вермаслик, ғамли кунда ҳам ўзини хандон ва очиқ юзли қилиб кўрсатишdir». Сабрли одам узоқ яшайди. Сабри кўпнинг дўсти қўп. Ёмон кунда сабр қилган киши яхши кунга тез етади.

Донолар дейдиларки, «Қаноат туганмас бойликdir, қаноатли киши ҳеч қачон қамбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, нарса учун одамлар олдида бош эгади. Қаноатли киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Аксинча, кишида қаноат бўлмаса, топган тутганига сабр қилмай кўпга интилса оқибат хорлик тортади.

Оталар сўзида айтилишича, қаноатли киши қийинчиликка, виждонли киши бечоралик куйига тушмайди.

Мазкур фазилатлар ота-бобларимиздан бизга ўтиб келаётган буюк ахлоқий қадриятлардир. Унга амал

¹ Қаранг: «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1995, 4-сон, 20,55-бетлар.

қилиш барчамизнинг бурчимиздир. Айниқса ҳозирги мураккаб жараёнда содир бўлаётган вақтинчалик қийинчиликларга бардош бериб, сабр-тоқат қилиб, олдимизда турган қийинчиликларни енгиги, Ватанимиз равнақи учун меҳнат қилиш катта аҳамият касб этади. Сабр-тоқат айниқса ёш авлод учун зарур. Сабр-одоб ахлоқнинг руҳий таянчларидан бири, чунки у ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради, у масъулият сезгисини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам сабрли одам жамиятда катта обрў-эътиборга эга бўлади.

Алишер Навоийнинг фикрича, «кимки сабр-қаноатни ўзига касб қилган бўлса, билки, бу уни бой қилади. Олтин, кумуш билан зеб-зийнатларни бойлик деб билса, билки ҳақиқий бойлик сабр-қаноат олтинлариdir. Қаноат олтини ҳеч қачон йўқолмайди. Ана шу олтинни қўлга киритиб шу орқали бойишга ҳаракат қил. Кулбада қаноат қўлганинг жойи иззат тахтидадир».

Сабрли киши ҳаётнинг аччиқ-чучугига бардош беради, топганига қаноат қилиб яшайди. Сабр-тоқат қанчалик оғир бўлмасин кейинроқ шодлик келтиради. Халқимиз «сабр таги—сариқ олтин» деб бежиз айтмаган. Тоқатлилик, бардошлилик, вазминлик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштирган кишилар асло хор-зор бўлмайдилар.

ЕШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР; ШАРҚОНА ОДОБ-АХЛОҚ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

Давлатимиз маданий-маънавий мустақиллигини таъминлашда ёшларни шарқона одоб-ахлоқ, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъанааларимиз асосида тарбиялаш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти жумҳуриятишимизга хорижий мамлакатларнинг сармояси, янги технологияси, замонавий бошқарув усуслари билан бир қаторда уларнинг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараши-кабиларни ҳам олиб келмоқда. Шунинг учун биз ёшларимизни миллатимизнинг иззат-нафси, ғурурига тегадиган айрим номаъқул ҳоллардан асраримиз керак. Афсуски, «санъатда ошкораликни пеш қилиб телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизлик, баъзан эса ҳатто аҳлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўри-

ниб қолди»¹. Бундан ташқари бозор муносабатларининг ривожланиши туфайли чегарамиз очилиб миңтақамизга, шу жумладан республикамизга ҳам чет эллардан сифатсиз спиртли ва бошқа ичимликлар, тамаки, турли дорилар, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилиб савдога чиқарилмоқда. Натижада биз ўз ихтиёrimiz билан чет эллардан келтирилган моддий ва маънавий афюн билан ҳалқимизни, айниқса, ёш авлодни жисмоний ва рухий жиҳатдан заҳарлантиришга имконият яратиб берарётимиз. Ахир ривожланган хорижий мамлакатларнинг ўзида ҳам сифати паст, зарарли маҳсулотларни истеъмол қилиш у ёқда турсин, уларни оммавий аҳборот во-ситалари орқали ташвиқ қилиш ҳам ман қилинган-ку!

Президентимиз ҳалқ депутатларининг Самарқанд вилоят кенгashi сессиясида сўзлаган нутқида (1995 йил 21 ноябрь) «телевидение кўпроқ чет эл видеофильмларини намойиш қилиш билан чекланиб қолмоқда» дея яна бир бор ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш зарурлигини уқтириб ўтди.

Хўш, бунинг учун нималар қилиш керак? Хориждан келтирилаётган ахлоқий ва ғоявий суст, ур-йиқит, жинсий алоқа, гиёҳвандлик, терроризмни тарфиб этувчи кино — видео маҳсулотларини савдога чиқармаслик кेरакми? Йўқ, албатта. Бозор иқтисодиёти ривожланётган экан, юқорида аталган маҳсулотлар истаймизми-истамаймизми барибир жумҳуриятимизга олиб келинаверади. Бу табиийдир. Маъмурий йўл билан буларни тўхтатиб бўлмайди. Лекин бундан мазкур жараёнга биз ҳеч қандай таъсир кўрсата олмаймиз, деган холоса чиқариш нотўғридир.

Фикримизча, чет эллардан кириб келаётган миллий урф-одат, анъаналар ва маънавиятимизга тамомила зид бўлган ахлоқий бузуқлик, ҳаёсизлик ва бемаъниликтин ёқловчи асарларга қарши ўзимизнинг кўп асрлик тарихга эга, жаҳон ҳалқлари томонидан эътироф этилган шарқона юксак маданиятимиз ва маънавиятимизни қалқон этиб қўйишимиз керак. Бунга эришиш учун ҳар бир кишида биз юксак маданият ва маънавият ворислари эканлигимиз ҳақида ва бу билан қанчалик фахрлансан арзирлик эканлиги ҳақида фикр, ҳис-туйғуларни ҳосил қилишимиз даркор. Ўзини юксак маданиятли миллатга мансуб эканлигини онгли равишда ҳис қилувчи

¹ И. Каримов. Истиқлол ва маънавият. 67-бет.

ва бу билан қонуний равища фахрланувчи инсонни ҳеч қачон ахлоқий ва ғоявий жиҳатдан паст маданиятга (у қандай шаклда намоён бўлмасин) қарам қилиб қўйиш мумкин эмас!

Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизнинг ғоявий маданий савиясини янада оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун ёшларга миллий қадриятимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни янада чуқурроқ ва тўлароқ ўзлаштириб олишга ҳар томонлама кўмаклашиш билан бир қаторда ўтмишда кенг қўлланилган сиёсий оқартув ишларини жонлантириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда, меҳнат жамоаларида шароитга қараб камида ҳар ҳафтада сиёсий ўқув ўтказишни тиклашимиз зарур, деб, ўйлаймиз. Ҳозирги вақтда жумҳуриятимиз ва жаҳон халқлари ҳаётида ўта мураккаб жараёнлар ва ҳодисалар рўй бермоқда. Улар ҳар бир кишидан ниҳоятда эҳтиёткорликни, зийраклини, хатти-ҳаракатларини пухта ўйлаб, узоқни кўриб амалга оширишни талаб этади. Бунга сиёсий ўқув орқали эришиш мумкин. Юксак маданиятли, маърифатли, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий, ғоявий-сиёсий етук инсон—давлатимиз хавфсизлигини, мустақиллигини таъминловчи куч эканлигини ҳеч ҳам эсдан чиқариб бўлмайди!

3. МАЪНАВИЙ ЕТУК, МАЪРИФАТЛИ ИНСОН—ИСТИҚЛОЛ ТАЯНЧИ

ИНСОН — ОЛАМ САИҚАЛИ

Бой ва ранг-баранг маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, барча қадриятларимиз миллатимизнинг маънавий, руҳий бойлигини ташкил этади. Уни чуқур ўзлаштириб, тушуниб, англаб олган инсон олдинга қўйган ҳар қандай мақсадга эришиши мумкин. Чунки халқимиз тарихи, унинг маданиятини яхши билган киши ҳеч қачон кўр-кўrona иш тутмайди. Аксинча тарих сабоқларидан керакли хулоса чиқариб, ҳозирги вақтда содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиб ҳаракат қиласди. Демак, жамият тараққиёти инсоннинг маданий-маънавий савияси, унинг дунёқараши, фоллиги билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ма-

сала ҳеч-қачон файласуфлар диққат-эътиборидан четда қолган эмас. Айниқса, инсоннинг ички дунёси, кайфиятлари, қизиқишилари, руҳий изтироблари масаласи Шарқ файласуфларини азал-азалдан қизиқтирган ва ташвишга солған.

Дунёning олий мавжудоти, дуру гавҳари ҳисобланган одамзот ҳақида Қуръони Қарим ва Ҳадиси Шарифда ҳам қимматбаҳо фикрлар айтилган.

Қуръонда биз инсон зотини мукаррам қилиб яратдик ва ер юзида, сувда пок нарсалардан ризқлантиридик, ерда, сувда юрадиган қилиб, вақтларини яратиб бердик ва ўзимиз ҳам қилган кўпгина нарсаларимиздан афзал қилиб қўйдик, деган оят бор. Шу оятга биноан, Оллоҳнинг бутун оламни яратишдан мақсади Инсон бўлиб, у ҳамма мавжудот ичидаги тенги йўқдир, энг афзалидир.

Қуръон таълимотига биноан инсон Оллоҳнинг ер юзидағи халифаси, яъни ўринбосаридир. Бу инсонни жуда улуғлайдиган мартабадир. Бундан ташқари яширии хазина бўлган Оллоҳ Таоло илму ҳикматининг бир қисмини инсон қалбига жойлаган. Яъни инсон «яширии хазина»ни сақловчи хазинабондир.

Бутун борлиқнинг кўрки ва шарафи бўлган инсонда одамийликнинг ҳамма ажойиб жиҳатлари мавжуд. Инсон бошқа жамики нарсалардан мумтози, ҳамма маҳлуқотлардан энг улуғидир.

Инсон улкан иззат ва ҳурматга лойиқдир.. Навоий ўзининг «Вақфия» асарида, «Бутун осмон ва осмондаги жами нарсалар, бутун ер юзи ва ер юзидағи жами нарсалар, ҳамма денгизлар ва унда мавжуд бўлган ҳамма нарсалар, ҳамма мамлакатлар ва уларда бор жами неъматлар — бари энг яхши нарсалар инсон учун, унинг баҳт-саодати учун яратилган, буларнинг жами инсонга хизмат қилмоғи керак», деб ёзган эди.

Инсон дунёда мураккаб, олий мавжудот, табиатнинг юксак маҳсули — ҳаёт гулидир. Демак, оламда инсондан қудратли, унинг олдига тушадиган, ундан муҳимроқ салоҳият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Инсоннинг буюк ва бебаҳолиги ақл-идрок ва тафаккурға эга бўлганлигидадир. Ақл-идрок соҳиби бўлганлиги учун у реал дунёни бошқаради.

Инсонда, буюк мутафаккирларимиз таъкидлаганидек, бебаҳо марварид — ақлзаковат мавжуд.

Унда табиат ва жамиятнинг сир-асрорларини билиш қобилияти жамулжамдир.

XV аср нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бири бўлган Маҳдуми Аъзамнинг инсон ва унинг ақл-идрок, ахлоқий қиёфаси Яратганинг энг муқаддас кашфиётидир, деган ақидага риоя қилганлиги ҳақида олдинги бобларда келтирилган маълумотларни яна бир карра эслаш ўринилидир.

Фалсафа фани инсонларнинг маънавий дунёси, унинг қизиқишилари, эътиқоди, тушунчалари минг йиллар мобайнида шаклланади, онгда мустаҳкамланиб боради, деб кўрсатади. Шунга кўра, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатлардаги туб ўзгаришларнинг акси бўлган инсон онгидаги ўзгаришлар бирмунча мураккаброқ бўлиб, таълим вақтида юз беради. Объектив оламда содир бўлган ёки бўлаётган ҳодисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, они, фикри шаклланади. Инсон руҳий дунёсини ўзгаришиш йўлида бўлган зўрликлар, тазиқлар сўзсиз равишда ички, яширин қарами-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Инсоннинг қизиқишилари, талаб ва эҳтиёжлари, шахсий манфаатларини зарурӣ равишда эътиборга олмасдан, уларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўрмасдан туриб одамларнинг куч-қудрати ва имкониятларидан унумли, оқилона фойдаланиб бўлмайди. Ҳар қандай жамият одамларининг, оддий кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш масаласи бўйича амалий тадбирларни кўрган тақдирда энг мураккаб муаммоларни бемалол ҳал қила олади. Жамият манфаати билан алоҳида инсон ва алоҳида шахс манфаати ўртасида қарами-қаршилик юзага келиб, инсон ва унинг манфаатлари эътибордан четда қолиб кетгудек бўлса, жамият тараққиётини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Улкан ижтимоий тарихий вазифаларни ҳал этишда интизом, принципиаллик, талабчанлик муҳим аҳамият касб этади. Бироқ одамларга қўйиладиган талабчанлик ва қатъий интизом уларга кўрсатиладиган меҳр-шафқат ва эътибор билан қўшиб олиб борилиши керак. Йнсонларни юқоридан бериладиган қарорлар ва кўрсатмаларни шунчаки ижро этувчи иродасиз ва туйғусиз темир роботлар, деб тушунмаслик лозим. Ҳар бир

инсбнда ор-номус, нафсоният, ғуур мавжуд. Агар талабчанлик фавқулодда дағал, айрим ҳолларда қўполлиқ билан бирлашиб кишиларнинг нафсониятини ерга урадиган, унинг мақсад ва ниятлари, талаб-эҳтиёжларини рӯёбга чиқишига йўл қўйилмайдиган даражада бўлса, бу ишончсизликка, умидсизликка олиб келади, инсоннинг ижодий фаолиятини; мустақиллигини сусайтиради. Бундан жамият, халқ, миллат катта зарар кўради.

Инсон бор экан унинг шахсий манфаатлари ҳам албатта мавжуд бўлади. Ҳар бир инсон жамиятдаги бошқа одамлар билан бирга умумий бўлган манфаатларга эгадир ва айни замонда, унинг ўта шахсий, фақат ўзигагина хос бўлган талаб—истаклари, қизиқишлиари ҳам бор.

Жаҳон фалсафасининг таркибий қисми бўлган Шарқ фалсафасида инсонда икки қарама-қарши асос, модда (жисм) ва руҳ мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида мутаносиб бўлиши, бири устиворлик қилиб бошқаси орқада қолиб кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилиб моддийлик руҳдан устун келиб, руҳ жисм қулига айланиб, унга хизмат қилгудек бўлса, унда амалий фаолиятда салбий ҳолатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейиннга суреб ташланади. Аксинча, руҳий, маънавий томонлари тараққий этган инсонларда ақлу заковат, инсофу диённат, одобу аҳлоқ, илму маърифат устун бўлиб, молдунёга берилиш, ҳайвоний нафсларга қул бўлиш сингари хато ва нуқсонлардан холи бўлади. Руҳий, маънавий жиҳат инсонни инсон қиласидиган, унинг ҳаётини гўзаллаштирадиган омиллардир.

Маънан, руҳан, ахлоқан камол топган инсон нафси ёнг қулига айланиб қолмайди, таъмагирлик қilmайди, еб-ичишни, бойлик тўплашни ҳётнинг мазмуни, яшашдан мақсад деб тушунмайди. Бундай инсон олам ёир-асрорларидан хабардор бўлади, ўзи ва ўзгларни ҳурмат қиласиди, қадрлайди, ўзлигини англаб етади; миллий тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари; қадрятларини юксак даражада эъзозлайди, улар билан фахрланади. Руҳий, маънавий бойлик инсонни беҳад гўзаллаштиради ва айни пайтда уни ёмон хислатлардан қутқаради, нотўғри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлайди, адолат учун курашиш йўлида камарбаста бўлишга даъват этади.

Инсон вужуди, амалий фаолиятида руҳий, маънавий томонлар кейинга сурин ташланиб, бемаъни ҳислар ва нафсга берилиш ғолиблиқ қиласа унда инсон нафс тузогига илинган, нафси эса унинг энг хатарли душманни, ичидаги ғанимига айланган бўлади. Агар нафс тўхтовсиз ривожланиб бораверса, унга вақтида қаршилик қилинмаса у кишини кундан-кунга тўғри йўлдан оздиради, расвои жаҳон қилади. Хожа Аҳмад Яссавий таъбирича, «нафс йўлига кирган киши расво бўлур, йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур. Етса, турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур.»

Нафсга эрк берган киши, ислом фалсафасида қайд этилишича, беҳисоб азоб-уқубат, кулфатларга гирифткор бўлади. Нафсга эрк бериб, мол-дунё тўплашга берилиб кетган, ўзгаларни ўйламайдиган, бошқалар ташвиши билан куйиб-ёнмайдиган одам одамийликдан чиқади, эл-юрт эътиборидан четда қолади. Нафс ҳоким бўлган кўнгиллардан руҳ, маънавият чекинади. Бу кўнгил ҳеч кимга яхшилик келтирмайди. Барча разилликлару зўравонликлар, барча инсофисизликлар, макруҳийлалар ва оқибатсизликлар нафс туфайлидир, нафс бандаси бўлиб қолишнинг оқибатидир. Нафс ҳийлаорликнинг, шайтонликнинг, учига чиқсан маккорликнинг асосидир.¹

Одамнинг қорнини озиқ-овқат билан, уст-бошини кийим-кечак билан таъминлаш мумкину, аммо нафсига эрк берган очофат кишининг кўзини мол-дунёга ҳечам тўйдирив бўлмайди. Муҳаммад пайғамбаримиз ҳадисларида бу ҳақда жуда кўп бебаҳо фикрлар баён этилган. Унда айтилишича, «Инсонга бир водий тўла молу дунё берилса, у иккинчи водийнинг ҳам берилишини хоҳлайди. Иккىнчисидан кейин учинчисини ва ҳоказо, унинг нафси тўймайди. Инсониятнинг кўзини фақат тупроқ, қабр тупроғи тўйдиради. Банданинг молу дунёга қўйган ҳирси икки оч бўрининг қўй подасига қилган тажовузидан зарарлироқдир. Зоро, бу билан ўз дини, имонига путур етказади.

Инсонни маънавий, ахлоқий жиҳатдан безайдиган ажойиб фазилатлардан бири ҳалол, покиза яшаш, бирорларнинг ҳақига заррача бўлса-да хиёнат қилмасликдир. Туркистон мулкининг шайху Машойихи Хожа

¹ Қаранг: З. Жўраев. Инсон — барчанинг сарвари Т., «Ўзбекистон», 1991, 22—23-бетлар.

Аҳмад Яссавий эътиқодида, «ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасдан». Ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, факат ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилиш, ҳаром-харишдан жирканиш, ҳаромхўрликни гуноҳи азим ва ахлоқсизлик деб баҳолаш яссавийликнинг муҳим ғояларидан бўлиб ҳисобланади. Шарқнинг буюк файласуфлари, биринчи навбатда диний алломалар, шайхлар, сўфийлар ҳалол еб-ичиб, покиза яшашни тарғиботташвиқот этибгина қолмасдан, бу масалада ўзлари шахсан намуна ҳам бўлганлар. Илмий ва диний алломалар таъмани ёқтирганлар, кўплари ҳатто шоҳу амирлар туҳфасини ҳам қабул қилмаганлар ва баъзи амалдорларнинг мол-мулкини ҳаром деб эълон қилганлар. Қўлидан иш келадиган ҳар бир олиму фузало, сўфию шайх фойдали меҳнат билан шуғулланган, факат ўз меҳнати билан топилган нонни ҳалол, деб билишган. Масалан, Аҳмад Яссавий дехқон ўтган, Шайх Иброҳим Ажарий гишт терувчи бўлган, Шайх Банон ҳаммоллик қилган, Шайх Абулҳасан дурадгорлик билан шуғулланган, Баҳовуддин Нақшбанд кимхобга гул нақшлаган, унинг пири Сайд Кулол куловчилик қилган ва пахса урган. Шайхлар ва уламолар атрофидаги дарвешлар ҳам биргалашиб қўргон қурганлар, вақф ерларни ишлаганлар, боғдорчилик, чўпонлик билан шуғулланганлар. Уларнинг ҳаммаси тасаввуф фалсафасининг «луқма ҳалол» қоидасига қатъий амал қилганлар.

Фалсафа борлиқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, кишиларда олам ҳақида яхлит илмий тасаввур, дунёқараш ҳосил қиласди. Фалсафий дунёқараш кишиларга инсонни қуршаб турган моддий оламда рўй берадиган хилма-хил ҳодиса ва жараёнлар моҳиятини билиб олишда катта ёрдам беради. Фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон ўзига ишониб топширилган вазифага кўр-кўрона эмас, балки онгли ва ижодий ёндашади, ақл-идрок асосида иш кўради, жамият, ҳалқ ва миллат олдидаги бурчи ва маеъулияти нимадан иборатлигини чуқур ҳис этади, ўтмиш авлод-аждодлари билан фахрланади, миллий урф-одатлар, миллий қадриятлар, шарқона одоб-ахлоқ ва маданиятни тиклаш ва ривожлантириш ўзининг шарафли вазифаси эканлигини тушуниб етади. Фалсафий билими ва дунёқарashi ривожланган ийсон ҳеч қачон миллий манбаатлар қобигида ўралашиб

қолмайди. Миллий қадриятлар билан кифояланиб, жағон маданияти, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини ўрганишдан бутунлай воз кечиши мумкин эмас. Дунёдаги бирор халқ ўз миллий маданияти, бойликлари доирасидагина ривожлана олмайди. Миллий худбинлик йўлидан бориш ҳеч кимга наф келтирган эмас. Миллий манфаат, миллий маданият қобигида чекланиб қолган инсон ўзини ҳам, халқини ҳам тўла камол топиш имкониятидан маҳрум қиласди. Фалсафий дунёқараш ва маданиятга эга бўлган инсон миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятларни бирбиридан ажратиб ташламайди, уларни диалектик бирликда олиб қарайди. Шу сабабли ана шу бирлик, ўзаро бойиш ҳисобигагина жағон халқларининг маданиятлари, умуминсоний қадриятлар ривожланиши мумкин.

ЕТУҚ МАЪНАВИЯТ — ЮҚСАК ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТ

Фалсафа фани инсоннинг маънавиятга эга эканлигига алоҳида эътибор беради. Маънавият инсоннинг асосий фазилатларидан бўлиб ҳисобланади. Маънавият «тақдирнинг эҳсони», инсоннинг туғма хусусияти эмас. Маънавият фақат инсонга хос хусусиятдир. Маънавиятга эга бўлганлиги туфайлигина одам фарзанди инсон деган буюк ва шарафли номга муюссардидир.

Инсонни инсон қилган асосий фазилат еб-ичиши, зурриёт қолдириши, табиий эҳтиёжларини қондиришда эмас, балки меҳнат қилиш, ақл-идрок ва тафаккурға эга бўлиши, фикрлай олиши, маданият ва маънавият соҳиби бўлганлигидadir.

Сиртдан қараганда, иқтисодиёт билан маънавият ўзаро алоқаси йўқдай бўлиб кўриниши мумкин. Аслида эса бунинг тамомила тескарисидир. Жамият ҳаётида иқтисодиётсиз маънавият, маънавиятсиз иқтисодиёт йўқ.

Маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини ҳеч қачон инкор этмайди, балки бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлайди, биридан иккинчиси таъсирланади.

Инсонда маънавият асосида яшаш, фаолият қўрсатишгина эмас, балки шу билан бирга уни эгаллаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш қобилияти ва истеъоди ҳам мавжуддир. Маънавият ўз-ўзидан пай-

до бўлмайди, ривожланмайди ҳам. Президентимиз айтганидек, «маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади... Маънавият инсон қалбida камол топиши учун у қалбан ва вижданан, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»¹.

Маънавият инсоннинг ҳаётий тажрибаси асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш беради. Маънавият кишига ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқурроқ билиш ва тушуниб етишга ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун ҳам, халқ, элат ва миллат учун ҳам, жамият ва унинг тараққиёти учун ҳам ўта зарур ва муҳимдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий етук, аҳлоқан пок ва мукаммал инсонларсиз жамият ва миллат ҳам бўлмайди.

Маънавият инсонга хос бўлган ички, руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат тараққиётининг ҳам асосий омилларидан биридир. «Маънавият,— дейди юртбошимиз,— инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди»².

Шахс маънавияти миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисмидир. Шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий имконият ва шарт-шароитлар асосида шаклланади ва амалга ошади. Миллат ва мамлакатнинг маданий-маънавий тараққиёти инсон маънавий камолотига асос бўлади.

Маънавият инсонга сув ва ҳаводек зарур. Саҳрдаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар; қўни-қўшилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик— маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг.

Маънавият инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч

¹ П. А. Каримов. Истиқбол ва маънавият. Т., 1994, 9-бет.

² Уша асар, 8-бет.

масини бажарувчи қулларга айлантириб қўйган эди. Одамлар аста-секин ўзларининг талаб ва эҳтиёжла-рига кўпам мос келавермайдиган мавҳум вазифаларни амалга оширувчи қўғирчоққа айланиб боравердилар. Инсондаги ўзига хослик ташаббуси бўғилди. Асоссиз зўравонликлар, қатафонлар шароитида эса инсон маънавиятининг ботиний моҳиятини тўла ифодаламайдиган ҳолатлар — иккисизламачилик, оширибошириб мақташ, оғзаки ватанпарварлик ва инсонпарварлик, ёлғондакам фаоллик пайдо бўлди. Бора-бора одамлар юксак минбарларда оташин нутқлар сўзлаб, ишда, фаолиятда унинг аксини қиласидиган бўлдилар. Мафкуравий тазийиқ ва зўравонликлар таъсири остида меҳнаткаш инсон ўз мақсад-орзуларини, қизиқишиларини очиқ-ойдин изҳор этиш ва ҳимоя қилишдан чўчийдиган бўлиб қолди. Одамлардаги шахсий эҳтиёж туйғулари, жамиятнинг қатъий асосланмаган, омма учун тушунарсиз бўлган, умумдавлат манфаатлари гирдобида йўқ бўлиб кетди. Асосий эътибор умумхалқ, умумдавлат мулкини яратиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилдию, инсондаги шахсий манфаатлар, ҳаваслар, одамларнинг маънавий эҳтиёжлари, шаъни, фурури, қадриятлари назардан четда қолиб кетаверди. Инсонга ишлаб чиқарувчи кучларнинг бири бўлган моддий бойлик яратувчи восита деб қаралди, меҳнатига, кучига эътибор берилди, аммо унинг ўзига, маданий-маънавий эҳтиёжларига учалик аҳамият берилмади.

Тарих сабоқларидан шу нарса аниқ ва равшанки, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларига ишониб, асосий эътиборни фақат уни кўпайтиришга қаратиб, халқнинг маданиятини ривожлантириш, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришни ўйламаса, у албатта инқирозига юз тутади. Собиқ совет жамияти инқирозининг асл сабабларидан бири халқнинг маданий даражасига, моддий бойликлар яратадиган инсоннинг истаклари, маънавияти, қизиқишиларига лозим даражада эътибор берилмаганлиги бўлди.

Илгор мамлакатлар оғир ва мураккаб шароитда ҳам халқнинг билими, аҳлоқи, маънавияти, бурч ва масъулияти, иймон-эътиқодини кучайтирдилар. Бу мустақиллик йўлидан одимлаб бораётган Ўзбекистон давлати учун ҳам катта тарихий сабоқdir.

до бўлмайди, ривожланмайди ҳам. Президентимиз айтганидек, «маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади... Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданон, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»¹.

Маънавият инсоннинг ҳаётий тажрибаси асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш беради. Маънавият кишига ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқурроқ билиш ва тушуниб етишга ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун ҳам, халқ, элат ва миллат учун ҳам, жамият ва унинг тараққиёти учун ҳам ўта зарур ва муҳимдир. Маънавиятсиз инсон бўлмаганидек, маънавий етук, аҳлоқан пок ва мукаммал инсонларсиз жамият ва миллат ҳам бўлмайди.

Маънавият инсонга хос бўлган ички, руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат тараққиётининг ҳам асосий омилларидан биридир. «Маънавият, — дейди юртбошимиз, — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди»².

Шахс маънавияти миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисмидир. Шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий имконият ва шарт-шароитлар асосида шаклланади ва амалга ошади. Миллат ва мамлакатнинг маданий-маънавий тараққиёти инсон маънавий камолотига асос бўлади.

Маънавият инсонга сув ва ҳаводек зарур. Саҳрдаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқофини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруглар; қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимиизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик— маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг.

Маънавият инсонга муайян мақсад, келажакка ишонч

¹ И А: Каримов: Истиқлол ва маънавият. Т.; 1994, 9-бет:

² Уша асар, 8-бет.

масини бажарувчи қулларга айлантириб қўйган эди. Одамлар аста-секин ўзларининг талаб ва эҳтиёжла-рига кўпам мос келавермайдиган мавҳум вазифаларни амалга оширувчи қўғирчоққа айланиб бораверди-лар. Инсондаги ўзига хослик ташаббуси бўғилди. Асосиз зўравонликлар, қатағонлар шароитида эса инсон маънавиятининг ботиний моҳиятини тўла ифодаламайдиган ҳолатлар — иккюзламачилик, оширибо-тошириб мақташ, оғзаки ватанпарварлик ва инсон-парварлик, ёлғондакам фаоллик пайдо бўлди. Бора-бора одамлар юксак минбарларда оташин нутқлар сўзлаб, ишда, фаолиятда унинг аксини қиласидиган бўлдилар. Мағкуравий тазийиқ ва зўравонликлар таъсири остида меҳнаткаш инсон ўз мақсад-орзуларини, қизиқишлиарини очиқ-ойдин изҳор этиш ва ҳимоя қи-лишдан чўчидиган бўлиб қолди. Одамлардаги шахсий эҳтиёж туйғулари, жамиятнинг қатъий асосланмаган, омма учун тушунарсиз бўлган, умумдавлат манфаатлари гирдобида йўқ бўлиб кетди. Асосий эътибор умумхалқ, умумдавлат мулкини яратиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилдию, инсондаги шахсий манфаатлар, ҳаваслар, одамларнинг маънавий эҳтиёжлари, шаъни, ғуури, қадриятлари назардан четда қолиб кетаверди. Инсонга ишлаб чи-қарувчи кучларнинг бири бўлган моддий бойлик яратувчи восита деб қаралди, меҳнатига, кучига эътибор берилди, аммо унинг ўзига, маданий-маънавий эҳтиёжларига унчалик аҳамият берилмади.

Тарих сабоқларидан шу нарса аниқ ва равшанки, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларига ишониб, асосий эътиборни фақат уни кўпайтиришга қаратиб, халқнинг маданиятини ривожлантириш, инсоннинг маънавий эҳтиёжларини қондиришни ўйламаса, у албатта инқирозига юз тутади. Собиқ со-вет жамияти инқирозининг асл сабабларидан бири халқнинг маданий даражасига, моддий бойликлар яратадиган инсоннинг истаклари, маънавияти, қизиқишлиарига лозим даражада эътибор берилмаганлиги бўлди.

Илғор мамлакатлар оғир ва мураккаб шароитда ҳам халқнинг билими, аҳлоқи, маънавияти, бурч ва масъулияти, иймон-эътиқодини кучайтирдилар. Бу мустақиллиқ йўлидан одимлаб бораётган Ўзбекистон давлати учун ҳам катта тарихий сабоқдир.

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг биринчи қадамлариданоқ, инсоннинг одоб-аҳлоқи, билими, дунё-қараси, маънавияти ривожига катта аҳамият берилганини келажаги буюк эканлигига яққол далиллар. Маънавий камолот, билим, одоб-аҳлоқ, иймон-эътиқод, фалсафий дунёқараш инсон учун ҳам, жамият учун ҳам бебаҳо бойлиkdir.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар оддий инсонга хизмат қилиш, унинг кундалик тирикчилиги учун қулай шароитлар яратиб бериш жиҳатидан собиқ социалистик мамлакатлардан анча ўзиб кетишиган экан. Демак, биз капиталистик деб атаб, уни камситиб юрган мамлакатлар бизлар мақтаб, кўкларга кўтариб келган социалистик мамлакатларга нисбатан инсон баҳт-саодатига, унинг фаровонлигига яқинроқ ёндошганлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: ҳар бир мамлакатнинг ривожланганлик дарражасини унинг номига қараб эмас, балки шу мамлакатлардаги меҳнаткаш халқ аҳволи, яшаш шароитлари, тирикчилигига қараб белгилаш керак.

Ҳозирги даврда хорижий демократик мамлакатлarda инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Булар инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. Шуни эътиборга олган ҳолда бизнинг жамиятимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг XII чақириқ VII сессиясида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси» қабул қилиниши ва унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топиши бунинг яққол далилларидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўп қиррали муаммо бўлиб, ўз ичига кишиларнинг фуқаролик, шаҳсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини қамраб олади.

Кишиларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари устида сўз юритганимизда, энг аввало, шуни эътиборга олишимиз керакки, Конституцияда халқимиз тарихида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма

эркинликларининг таъминлаш йўллари, кафолатлари аниқ кўрсатиб қўйилган.

Конституция ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, деб таъкидланади. Унда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир, хотинқизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган муҳим қоидалар ҳам мавжуддир.

Айтиб ўтилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари инсон сифатида яашанинг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир. Шу нарсани афсус билан айтиш мумкинки, жаҳоннинг айрим мамлакатларида мазлум оммага мансуб бўлган шахсларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликлари чегаралаб қўйиш, поймол қилиш ҳамон давом этмоқда. Миллий, диний камситишлар, ирқчилик, баъзи бир халқлар ва мамлакатларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларини назар-писанд қиласлик, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, суверенитетига шу тарика жуда катта зарар келтириш ҳануз тутатилган эмас. Бу оддий бир камчилик эмас, балки бутун инсоният ва тарих олдидағи энг оғир жиноятдир.

Ўтмишда шўролар жамиятида ҳам кишилар Конституцияда белгилаб, қонун ўёли билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла-тўқис фойдалана олмади.

Хозирги пайтда жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, ижтимоий адолат тикланмоқда.

Жумҳуриятимизда авж олиб бораётган демократия жараёни ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва инсоният олдидағи бурчи ва мастьулияти ҳам мавжуддир. Муайян бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятнинг қонун-қоидалари, талаблари, аҳлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қиласлик, унинг муаммолари, қийинчилкларига бефарқ қарааш асло мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг конституциясида

Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг биринчи қадамлариданоқ, инсоннинг одоб-аҳлоқи, билими, дунё-қараси, маънавияти ривожига катта аҳамият берилганлиги унинг келажаги буюк эканлигига яққол далилларидир. Маънавий камолот, билим, одоб-аҳлоқ, иймон-эътиқод, фалсафий дунёқараш инсон учун ҳам, жамият учун ҳам бебаҳо бойликтадир.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар оддий инсонга хизмат қилиш, унинг кундалик тирикчилиги учун қулай шароитлар яратиб бериш жиҳатидан соғиқ социалистик мамлакатлардан анча ўзиб кетишган экан. Демак, биз капиталистик деб атаб, уни камситиб юрган мамлакатлар бизлар мақтаб, кўкларга кўтариб келган социалистик мамлакатларга нисбатан инсон баҳт-саодатига, унинг фаровонлигига яқинроқ ёндошганлар. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: ҳар бир мамлакатнинг ривожланганлик дарражасини унинг номига қараб эмас, балки шу мамлакатлардаги меҳнаткаш ҳалқ аҳволи, яшаш шароитлари, тирикчилигига қараб белгилаш керак.

Ҳозирги даврда хорижий демократик мамлакатлarda инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Булар инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳалқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. Шуни эътиборга олган ҳолда бизнинг жамияти-миэда кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг XII чақириқ VII сессиясида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси» қабул қилиниши ва унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топиши бунинг яққол далилларидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўп қиррали муаммо бўлиб, ўз ичига кишиларнинг фуқаролик, шахсий, смёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларини қамраб олади.

Кишиларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари устида сўз юритганимизда, энг аввало, шуни эътиборга олишимиз керакки, Конституцияда ҳалқимиз тарихида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилди, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма

эркинликларининг таъминлаш ўйлари, кафолатлари аниқ кўрсатиб қўйилган.

Конституция ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади, деб таъкидланади. Унда вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир, хотинқизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган муҳим қоидалар ҳам мавжуддир.

Айтиб ўтилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари инсон сифатида яшашнинг зарур шарти, табиий эҳтиёjlаридир. Шу нарсани афсус билан айтиш мумкини, жаҳоннинг айрим мамлакатларида мазлум оммага мансуб бўлган шахсларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликлари чегаралаб қўйиш, поймол қилиш ҳамон давом этмоқда. Миллий, диний камситишлар, ирқчилик, баъзи бир халқлар ва мамлакатларнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданий мерослари, миллий қадриятларини назар-писанд қилмаслик, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, суверенитетига шу тарика жуда катта зарар келтириш ҳануз тутатилган эмас. Бу оддий бир камчилик эмас, балки бутун инсоният ва тарих олдидағи энг оғир жиноятдир.

Ўтмишда шўролар жамиятида ҳам кишилар Конституцияда белгилаб, қонун ўёли билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўла-тўқис фойдалана олмади.

Ҳозирги пайтда жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилиб, ижтимоний адолат тикланмоқда.

Жумхуриятимизда авж олиб бораётган демократия жараёни ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқари унинг жамият ва инсоният олдидағи бурчи ва масъулияти ҳам мавжуддир. Муайян бир жамиядда яшаб туриб, шу жамиятнинг қонун-қоидалари, талаблари, аҳлоқий, ҳуқуқий нормаларига амал қилмаслик, унинг муаммолари, қийинчиликларига бефарқ қараш асло мумкин эмас. Ҳар бир мамлакатнинг конституциясида

белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, унинг тарихий, маънавий меросини авайлаб-асраш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ва бошқа шу кабилар шахснинг бурчи ва масъулиятидан иборат.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ, Башарият манфаатларига тўла тааллуқли бўлган бурчлари ва масъулиятлари ҳам бўлади. Буларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий, тарихий ёдгорликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш сингари бурчлар киради.

БУНДЕДКОР ИНСОН—ТАРАҚҚИЁТ ДАРҒАСИ

Жамият тараққиёти қуйи босқичлардан юқори босқичга, ўтмишдан келажакка томон ривожланиб борган сари ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётда халқ оммасининг роли, ғайрати, уюшқоқлиги ортиб ва чуқурлашиб, инсон амалий фаолияти жадаллашиб боради. Бу умуминсониятга хос қонуниятдир. Ана шу қонуният заминида ижтимоий тараққиётда кенг халқ оммасининг тарихий жараёнларида аҳамияти ортади. Ижтимоий ўзгаришлар меҳнаткашлар оммасининг туб манфаатлари, ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига мос келса, бунга одамлар олдиндан ишбонч ҳосил қиласа, бундай пайтларда улар рўй берадётган чуқур тарихий ўзгаришларга бефарқ қарамайди, оддий томошабин бўлиб турмайди, балки ўзини мўъжизакор куч сифатида кўрсатади, барча қобилият, талант ва истеъдодини ишга солади.

Тарихий мақсадлар кўлами кенг, инсон шахси баркамол бўлса, фаол меҳнат қиласа, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса, жумҳуриятимиз шу қадар тез ривожланади ва мустаҳкамланади. Инсоннинг ижоди, ташаббуси жамиятимизнинг кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбаидир.

Ҳар бир жамият ўзига муносиб бўлган инсон, шахси юзага келтиранидек, инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айни пайтда атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш, уни ўзлаштириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамият-

Ҳозирги долзарб вазифаларни амалга оширишнинг зарур шартларидан яна бири инсоннинг руҳиятини ўзгартиришдан иборатdir. Инсоннинг онгини, ижтимоий руҳиятини декрет чиқариш йўли билан ҳам, буйруқ бериш асосида ҳам ўзгартириб, қайта қуриб бўлмайди. Кишилар онгида ўтмишда рўй берган хато ва камчиликлар таъсири остида шаклланган эски қарашлар, тасаввурлар, тушунчаларни бартараф этиш, тарбиявий ишларни мунтазам равишда олиб боришини, барча салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатишини, ижтимоийadolatни сўзда эмас, амалда қарор топтиришни тақозо этади. Аввало кишиларнинг моддий ҳаёт шароитларини яхшиламасдан туриб уларнинг онгини ўзгартириб бўлмайди.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, янгичасига фикрлаш ва ишлаш истаги ҳамда маҳорати ҳосил қилинмаса, иқтисодиётда, бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бир нарсани ўзгартириш амримаҳолдир. «Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. Биринчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилиятимиз ва ишбилармонлигимизга суюниб ўз куч ва имкониятларимизни тўғри тақсимлаб янги ҳаёт қуришимиз, ҳақиқий келажак учун курашишимиз лозим», дейди Президентимиз.

Ҳозирги даврнинг ажойиб неъматларидан бири демократия, ижтимоийadolatning asta-sekin тикланишидир. Демократия яратиб берган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун оддий истакдан ташқари юксак сиёсий маданият, вазминлик, маънавий поклик, соф виждон, узоқни кўзлаб иш қила билиш қобилияти ҳам керак.

Демократия ҳар ким билган ишини қиласи, оғзига келганини гапиради, дегани эмас. Бундай ҳолларда бебошлиқ, олдини олиб бўлмайдиган тўс-тўполонлар кучайиб кетади. Оқилона, интизом, ҳалол меҳнат, ақлийдрок билан иш юритилган тақдирдагина чин демократияни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврдаги асосий вазифа — жумҳуриятимизда мавжуд бўлган оғир шароитдан чиқиши ўйларини биргаликда излашдир. Бу ўринда жумҳуриятимизда шошмашошарликка йўл қўймай, сабр-тоқат билан иш кўриб, ўлкамиз иқтисо-

¹ И. А. Каримов. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. 13-бет.

белгилаб қўйилган қонунларга амал қилиш, унинг тарихий, маънавий меросини авайлаб-асраш, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ва бошқа шу кабилар шахснинг бурчи ва масъулиятидан иборат.

Ҳар бир шахснинг умумхалқ, Башарият манфаатларига тўла тааллукли бўлган бурчлари ва масъулиятлари ҳам бўлади. Буларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларини қўриқлаш, маданий, тарихий ёдгорликларни сақлаш тўғрисида фамхўрлик қилиш, бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмақлашиш сингари бурчлар киради.

БУНЕДКОР ИНСОН—ТАРАҚҚИЁТ ДАРҒАСИ

Жамият тараққиёти қўйи босқичлардан юқори босқичга, ўтмишдан келажакка томон ривожланиб борган сари ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётда халқ оммасининг роли, гайрати, уюшқоқлиги ортиб ва чуқурлашиб, инсон амалий фаолияти жадаллашиб боради. Бу умуминсониятга хос қонуниятдир. Ана шу қонуният заминидаги ижтимоий тараққиётда кенг халқ оммасининг тарихий жараёнларида аҳамияти ортади. Ижтимоий ўзгаришлар меҳнаткашлар оммасининг туб манфаатлари, ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига мос келса, бунга одамлар олдиндан ишонч ҳосил қилса, бундай пайтларда улар рўй берадиган чуқур тарихий ўзгаришларга бефарқ қарамайди, оддий томошабин бўлиб турмайди, балки ўзини мўъжизакор куч сифатида кўрсатади, барча қобилият, талант ва истеъодини ишга солади.

Тарихий мақсадлар кўлами кенг, инсон шахси баркамол бўлса, фаол меҳнат қилса, ижтимоий-сиёсий ишларда фаол иштирок этса, жумҳуриятимиз шу қадар тез ривожланади ва мустаҳкамланади. Инсоннинг ижоди, ташаббуси жамиятимизнинг кучи ва ҳаётийлигининг энг муҳим манбайдир.

Ҳар бир жамият ўзига муносиб бўлган инсон, шахси юзага келтирганидек, инсон ҳам шу жамиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига бефарқ қарамайди. Шахс айни пайтда атроф-муҳитга таъсир кўрсатади, уни ўзлаштириш қобилиятига ҳам эга. Унинг жамият-

Ҳозирги долзарб вазифаларни амалга оширишнинг зарур шартларидан яна бири инсоннинг руҳиятини ўзгартиришдан иборатdir. Инсоннинг онгини, ижтимоий руҳиятини декрет чиқариш йўли билан ҳам, буйруқ бериш асосида ҳам ўзгартириб, қайта қуриб бўлмайди. Кишилар онгига ўтмишда рўй берган хато ва камчиликлар таъсири остида шаклланган эски қарашлар, тасаввурлар, тушунчаларни бартараф этиш, тарбиявий ишларни мунтазам равишда олиб бориши, барча салбий ҳодисаларни таг-томири билан тугатишни, ижтимоий адолатни сўзда эмас, амалда қарор топтиришни тақозо этади. Аввало кишиларнинг моддий ҳаёт шароитларини яхшиламасдан туриб уларнинг онгини ўзгартириб бўлмайди.

Инсон руҳияти қайта қурилмаса, янгичасига фикрлаш ва ишлаш истаги ҳамда маҳорати ҳосил қилинмаса, иқтисодиётда, бошқарувда, тарбияда, ижтимоий соҳада бир нарсани ўзгартириш амримаҳолдир. «Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. Биринчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилиятимиз ва ишбилармонлигимизга суюниб ўз куч ва имкониятларимизни тўғри тақсимлаб янги ҳаёт қуришимиз, ҳақиқий келажак учун курашишимиз лозим»¹, дейди Президентимиз.

Ҳозирги даврнинг ажойиб неъматларидан бири демократия, ижтимоий адолатнинг аста-секин тикланишидир. Демократия яратиб берган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш учун оддий истакдан ташқари юксак сиёсий маданият, вазминлик, маънавий поклик, соф виждон, узоқни кўзлаб иш қила билиш қобилияти ҳам керак.

Демократия ҳар ким билган ишини қилади, оғзиға келганини гапиради, дегани эмас. Бундай ҳолларда бебошлиқ, олдини олиб бўлмайдиган тўс-тўполонлар кучайиб кетади. Оқилона, интизом, ҳалол меҳнат, ақлидрок билан иш юритилган тақдирдагина чин демократияни амалга ошириш мумкин. Ҳозирги даврдаги асосий вазифа — жумҳуриятимизда мавжуд бўлган оғир шароитдан чиқиш йўлларини биргаликда излашдир. Бу ўринда жумҳуриятимизда шошмашошарликка йўл қўймай, сабр-тоқат билан иш кўриб, ўлкамиз иқтисо-

¹ И. А. Каримов. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. 13-бет.

дий ва сиёсий мустақиллигини пухта таъминлаш йўлларини излаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида инсоннинг бунёдкорлик фаолияти жумҳуриятимизда демократияни ривожлантириш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда кучлироқ намоён бўлмоқда. Биз ҳозир шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият қурмоқдамиз. Ўзбек халқи одил жамият хусусида жуда қадимий анъаналарга эга. Ўз давлати тизимини «куч адолатдадир» шиори остида тузган Амир Темур тарихи бунга ёрқин мисолдир. Оврупанинг бирон бир давлатида ҳали конституция ҳақида оддий тушунча ҳам бўлмаган даврларда Амир Темур ўз давлатини конституцион қонунлар мажмуаси — «Тузуклари» асосида адолат йўли билан бошқарган эди.

Инсоннинг бунёдкорлик фаолияти негизида барпо этилаётган адолатли демократик жамиятнинг асосий хусусиятлари, моҳияти нимадан иборат? Адолатли жамиятнинг биринчи талаби аҳоли турли табакаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир. Иккинчи талабга кўра, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг таъминланган ҳолда кадрларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш лозим. Учинчиси, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушкини олишга имкон яратишдан иборатдир. Тўртинчи талаби, айримларнинг бошқалар меҳнатининг роҳатига шерик бўлишга йўл қўймаслиkdir.

Адолат бу тенглик ва озодлик, ҳақиқатва қонуннинг устуворлиги, имон, инсоф, маърифат тантанаси, порахўрлик, нонкўрлик, контрабанда, ахлоқсизлиқка мутлақо йўл қўймаслик, уларни томири билан суғуриб ташлаш, айримларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетиши, бошқаларнинг ўта камбағаллашишига асло йўл бермаслиkdir.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи анжуманида 1995 йил 23 февралда қилган маърузасида айтилишича: «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабат-

навият, узоқни кўра билиш ва донолик ғоявий, маданий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан фойдалана билиш зарур.

Жамиятимиз кишилари ўтмишда демократия ва ошкораликдан тўла баҳраманд бўла олмаган эдилар. Шунинг учун ҳам мустақиллик яратиб берган имкониятлар билан улардан омманинг оқилона фойдаланиши ўртасида муайян зиддиятлар келиб чиққанлиги кўзга ташланяпти. Бундай зиддиятларни айрим раҳбарлардан тортиб меҳнаткашларнинг муайян қатламларига ча кўриш мумкин. Баъзи раҳбарлар фикрлаш, ҳаракат қилишнинг эскириб кетган қолипларидан ҳамон қутилмаяптилар. Ҳозир барча хўжалик ва ташкйлотлар ҳамда фуқароларга эркинлик берилган бўлса да, айрим раҳбарлар ўз қарамоғидаги кишиларнинг кундалик фаолиятини назорат остига олиб, уларнинг ишларига қўпол равишда аралashiб, турли-туман кўрсатма ва топшириқлар бериш, буйруқбозлик ва мажлисбозлик каби услубларга амал қилиб келишмоқда.

Ижроия ҳокимиятининг роли кундан-кунга ортиб бораётган ҳозирги пайтда жойларда ўз-ўзини бошқариш усулини кенг жорий этиш билан бир қаторда, барча бошқарув органларидан тартиб-интизомни сақлашни талаб қилиш ҳам катта аҳамият касб этади. Чўники жойларда интизом бўшашиб кетиши оқибатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар, фармойишлар баъзан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмай қолаяпти. Ижроия ҳокимиятининг кучи интизомга қатъий риоя этишини таъминлашдадир. Интизом ўйқ жойда ҳокимият ҳам бўлмайди. Бу тарих тажрибасида синалган ҳақиқатдир.

Давлат ҳокимиятининг яна бир томонини суд ҳокимияти ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Маълумки, ҳуқуқий давлатни шакллантириб, уни янада ривожлантиришда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари кенг жамоатчилик ёрдамига суюниб иш олиб боришлиари лозим.

Ҳуқуқ-тартибот органларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга кўмак ҳам бериш керак. Уларнинг меҳ-

дий ва сиёсий мустақиллигини пухта таъминлаш йўларини излаш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини яхшилаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида инсоннинг бунёдкорлик фаолияти жумҳуриятимизда демократияни ривожлантириш ва ижтимоий адолатни қарор топтиришда кучлироқ намоён бўлмоқда. Биз ҳозир шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият қурмоқдамиз. Узбек халқи одил жамият хусусида жуда қадимий анъаналарга эга. Уз давлати тизимини «куч адолатдадир» шиори остида тузган Амир Темур тарихи бунга ёрқин мисолдир. Оврупанинг бирон бир давлатида ҳали конституция ҳақида оддий тушунча ҳам бўлмаган даврларда Амир Темур ўз давлатини конституцион қонунлар мажмуаси — «Тузуклари» асосида адолат йўли билан бошқарган эди.

Инсоннинг бунёдкорлик фаолияти негизида барпо этилаётган адолатли демократик жамиятнинг асосий хусусиятлари, моҳияти нимадан иборат? Адолатли жамиятнинг биринчи талаби аҳоли турли табакаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашdir. Иккинчи талабга кўра, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқлари тенг таъминланган ҳолда кадрларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш лозим. Учинчиси, барчанинг тенг фаровонлиги ни ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушкини олишга имкон яратишдан иборатdir. Тўртинчи талаби, айримларнинг бошқалар мешнатининг роҳатига шерик бўлишга йўл қўймаслиkdir.

Адолат бу тенглик ва озодлик, ҳақиқатва қонуннинг устуворлиги, имон, инсоф, маърифат тантанаси, пораҳурлик, нонкўрлик, контрабанда, ахлоқсизликка мутлақо йўл қўймаслик, уларни томири билан суғуриб ташлаш, айримларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетиши, бошқаларнинг ўта камбағаллашишига асло йўл бермаслиkdir.

Президентимизнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи анжуманида 1995 йил 23 февралда қилган маърузасида айтилишича: «Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабат-

навият, узоқни кўра билиш ва донолик ғоявий, маданий етуклик ва поклик, янгича фикрлаш имкониятларидан фойдалана билиш зарур.

Жамиятимиз кишилари ўтмишда демократия ва ошкораликдан тўла баҳраманд бўла олмаган эдилар. Шунинг учун ҳам мустақиллик яратиб берган имкониятлар билан улардан омманинг оқилона фойдаланиши ўртасида муайян зиддиятлар келиб чиққанлиги кўзга ташланяпти. Бундай зиддиятларни айрим раҳбарлардан тортиб меҳнаткашларнинг муайян қатламларига ча кўриш мумкин. Баъзи раҳбарлар фикрлаш, ҳаракат қилишнинг эскириб кетган қолипларидан ҳамон қутилмаяптилар. Ҳозир барча хўжалик ва ташкилотлар ҳамда фуқароларга эркинлик берилган бўлса да, айрим раҳбарлар ўз қарамоғидаги кишиларнинг кундалик фаолиятини назорат остига олиб, уларнинг ишларига қўпол равишда аралашиб, турли-туман кўрсатма ва топшириқлар бериш, буйруқбозлик ва мажлисбозлик каби услубларга амал қилиб келишмоқда.

Ижроия ҳокимиятининг роли кундан-кунга ортиб бораётган ҳозирги пайтда жойларда ўз-ўзини бошқариш усулини кенг жорий этиш билан бир қаторда, барча бошқарув органларидан тартиб-интизомни сақлашни талаб қилиш ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки жойларда интизом бўшашиб кетиши оқибатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар, фармойишлар баъзан ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмай қолаяпти. Ижроия ҳокимиятининг кучи интизомга қатъий риоя этишини таъминлашдадир. Интизом йўқ жойда ҳокимият ҳам бўлмайди. Бу тарих тажрибасида синалган ҳақиқатdir.

Давлат ҳокимиятининг яна бир томонини суд ҳокимияти ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Маълумки, ҳуқуқий давлатни шакллантириб, уни яна да ривожлантиришда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш катта аҳамиятга эга. Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари кенг жамоатчилик ёрдамига суюниб иш олиб боришлиари лозим.

Ҳуқуқ-тартибот органларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга кўмак ҳам бериш керак. Уларнинг меҳ-

найин қадрлаш йўли билан обрўларини ошириш ёзим. Халқ ноиблари, жамоатчилик, маҳалла қўмиталари, отахонлар жиноятчилик йўлини тўсишда ҳуқуқтартибот органларига яқиндан ёрдам беришлари даркор.

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд соҳаларига бўлинини жамиятни демократия йўналишида ривожлантиришнинг асосий гаровидир. Чунки, юқорида кўрсатилган ҳокимиятлар бир-бирининг соҳасига аралашмасдан, давлатнинг баркамоллигини таъминлайди ва кенг омма ўртасида қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига ишончни оширади.

Давлат мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омили кўп партиялиликни ривожлантиришдан иборатдир. Жамиятимизда бир неча сиёсий партиялар бўлиши табиийдир. Собиқ Совет Иттифоқи халқларининг етмиш йил ичida бошига тушган кўп кулфатларнинг сабаби ва илдизи шундаки, мамлакатда ҳамма вақт коммунистик партия танҳо ҳукмронлик қилиб келди. Уни танқид қиласидан, хатоларини фош этадиган, камчиликларини юзга соладиган бошқа биронта ҳам партия бўлган эмас. Шу сабабли коммунистик партия йўл қўйган камчилик ва хатолар ҳам кўрсатилмай, унинг фаолияти тўғри деб, маъқулланиб келинган. Оқибатда бу хатолар янада кўпайиб, жиддийлашиб, чуқурлашиб бориб, батамом ўпирилиш ва инқирозга олиб келди. Илфор мамлакатларнинг ҳаммасида бир неча сиёсий партия кураши жамият тараққиётининг жуда муҳим шартидир. Ҳаётий эҳтиёжлар талабига кўра, Ўзбекистонда ҳам бирин-кетин ҳар хил партиялар вужудга келди.

Жумҳуриятимиздаги сиёсий партиялар давлат ва жамоат ташкилотларӣ билан ҳамкорликни, мулоқотни ривожлантиришига, улар билан жисплашишга интилмоқда. Партиялар учун меҳнаткаш халқ манфаатларини, танлаб олинган демократик йўл эҳтиёжларини кўзлаб ҳаракат қилишдан бошқа мақсад йўқ.

Халқ хўжалигини барқарорлаштириш, иқтисодий тангликларни бартараф этиш, бозор муносабатларига ўтишини амалга ошириш, миллий ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, жамиятнинг барча соғлом кучларини жисплаштиришга қаратилган қатъий сиёсат келажагимиз учун жуда катта аҳамиятга эга.

Инсон манфаати, унинг баҳт-саодати, маънавият ва

инсонпарварлік қойдаларйни қарор топтириш асосида жамиятни янгилашни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Жумхуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини, ижтимоий адолатни, турмуш шароитини амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг ҳозирги даври ва келажаги учун муҳим дир.

Давлат мустақиллигининг сиёсий баркамоллигини такомиллаштиришда сиёсий партиялар сингари жамоат ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Жамоат ташкилотлари давлат ишларини бошқаришта, сиёсий, хўжалик, таълим-тарбия, иқтисодий, маданий масалаларни ҳал этишда, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда, моддий неъматларни тақсимлашда, фуқароларнинг, ёш авлоднинг сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий фаолиятини кучайтиришда, миллий ва миллатлараро муаммоларни ҳал этишда қатнашадилар. Шу тариқа уларнинг ҳаммаси жамиятимизнинг сиёсий мустақиллигига ўз ҳиссасини қўшади.

Тарихий ривожланишнинг ҳозирги туб бурилиш босқичи жумхуриятимиз сиёсий тизимини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бу мураккаб вазифани жумхуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустаҳкамлигини амалда таъминлашсан, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун курашмасдан туриб ҳал этиб бўлмайди.

Айтилганлардан аён бўлганидек, жамиятимиз олдида турган улкан вазифаларни инсонларнинг онгли, асосли ҳаётбахш ва яратувчан фаоллигисиз ҳал қилиб бўлмайди. Одамлар ҳар қандай ислоҳот, ўзгариш ва қайта қуришларнинг инсонпарварлик моҳияти, ижтимоий-иқтисодий оқибатларига тўла тушуниб, ишонч ҳосил қилганларидан сўнг уларни амалга оширишга онгли равишда киришадилар.

МИЛЛИЙ, МИНАҚАВИЙ ВА УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МУШТАРАҚЛИГИ

1. БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК—ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ЙУЛ ОЧУВЧИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҚАДРИЯТЛАР

БАРҚАРОРЛИК, ТОТУВЛИК — ТИНЧЛИКСЕVAR ДАВЛАТИМИЗНИНГ ПОЙДЕВОРИ

«Маънавий қадриятларнинг тикланиши, — дейди И. А. Каримов, — уларнинг дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мосланишини ҳам англатади.

Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу — инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир»¹.

Истиқлол туфайли жамиятимизда янги замонавий демократик давлат ва сиёсий тизим барпо этилди. Умум эътироф этилган демократик қоидалар, сўз эркинлиги, виждан ва дин эркинлиги ҳаётимизда тобора мустаҳкам қарор топиб бормоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, «бизни социалистик тузумдан кейинги бир қатор мамлакатлардан фарқлаб турган, юксак даражада ривожланган юксак маданий демократик давлатлар билан яқинлаштириб турган, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама қўшилиб кетиши учун йўл очиб бераётган нарса фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликдир»².

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфензлика таҳдид. барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 147-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, 263-бет.

Барқарорлык, тинчлик, миллатлараро тотувлик халқимизнинг буюк ижтимоий-сиёсий қадриятларини ташкил этади. Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни авайлаб сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш азалдан халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келган ва ҳозирги вақтда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш миллатимизнинг онига, қонига чуқур сингиб кетган.

Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тинчликсевар мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда тараққиётга эришишнинг ўзига хос йўлини танлаган. Шунинг учун ҳам унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрув ва эътибори тобора ортиб бормоқда. Давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, тинчликчи мустаҳкамлаш ва ҳавфсизликни таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти катта роль ўйнайди. Ўзбекистон 1992 йилнинг 2 марта бошлаб БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Мазкур халқаро ташкилот билан ҳамкорликда минтақамизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган кўпгина савобли ишлар қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида сўзлаган нутқиди Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик соҳасида БМТнинг доимий семинарини ташкил қилиш тўғрисида таклиф киритган эди. Ўзбекистон Президентининг бу ташаббуси халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди. Америка Кўшма Штатлари семинар йигилиши ўтказиш гоясини қўллаб-қувватлади ва ушбу анжуманда юксак дипломатик даражадаги вакили иштирок этиши истагини билдириди. Бундай органни ташкил қилиш гояси давлатлараро ўтказилган семинар ва конференция ҳамда МДҲ хужжатларида ҳам қайд қилинган. Хусусан бу Россия Федерацияси бош вазири В. Черномирдиннинг Ўзбекистонга ташрифи давомида, Қозогистон ва Қирғизистон эса 1995 йил апрель ойидаги Чимкентда бўлган Ўзбекистон, Қозогистон ва Қирғизистон давлат бошлиqlарининг учрашувидан кейинги коммюникларида эътироф этилди.

Семинар-йиғилишнинг мақсади ўзаро фикр алма-

шиш, ишончли миңтақавий хавфсизлик тизимини яратиши йўлларини муҳокама этиши, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, низоларнинг олдини олиш, иқтисоддаги ўзаро жипслашиш жараёнига, инсонпарварлик ва маданий соҳадаги ҳамжиҳатликларга кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, семинар-йиғилиш миңтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммоларини ҳал этиши, таҳлил қилиш, БМТ, алоҳида давлатлар ёинки бир гуруҳ давлатларга таъсирчан бўлган босқичма-босқич дипломатия учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифасини ўз олдига қўяди.

Семинар-йиғилишнинг шиори — тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик, бу барча ҳалқларга дахли бўлган олижаноб мақсаддир.

1995 йил 15—16 сентябрда мазкур семинар-кенгашнинг Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағищланган мажлиси бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда БМТ, ЕХҲҚ, Ислом Конференцияси ташкилоти делегациялари, БМТ хавфсизлик кенгашига аъзо мамлакатлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари, шунингдек, миңтақага туташ давлатлар делегациялари — жами 31 давлат, 6 ҳалқаро ташкилот иштирок этди.

БМТ Бош котибининг маҳсус вакили Маҳмуд Мистирий семинарни очар экан, Ўзбекистон ташаббуси билан ўtkazilaётган ушбу анжуман 50 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Марказий Осиё миңтақасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш ўлида муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

Президентимиз И. Каримов семинар-кенгашда сўзлаган нутқида шундай деди: «Биз мазкур семинарни миңтақавий хавфсизлик ва барқарорлик тизимини ўрнатиш ва уни амалга силжитиш ўлида, Марказий Осиё миңтақаси давлатлари ва ҳалқлари учунгина эмас, балки бу миңтақага чегарадош улкан ҳудуд учун ҳам жуда зарур бўлган ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам асосни шакллантиришда турли фикр ва ёндашувларни юзага чиқариш ва уларни бир-бирига яқинлаштиришдан манбаатдор бўлган анжуман деб баҳолаймиз»¹.

Анжуман қатнашчилари «Марказий Осиёда хавф-

¹ «Ҳалқ сўзи», 1995 йил, 16 сентябрь.

сизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент семинар-кенгаши иштироқчиларининг баёноти»ни қабул қилдилар.

Мазкур Баёнотда Марказий Осиё давлатлари минтақада вужудга келаётган вазият учун ўзларининг масъулиятини тўла ҳис қилиб, минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш жаҳон ҳамжамиятигининг муттасил ривожланишига ўзларининг колектив равишда қўшадиган муҳим ҳиссаси эканлигидан келиб чиқиб ҳаракат қилишларини эътироф этиб, шундай дейилган:

«Бой ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий ранг-баранглиги билан ажralиб турган Марказий Осиё минтақаси хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиёт минтақаси бўлиб қолиши, инсоният тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин ва лозим. Бу мақсадга фақатгина коллектив саъй-ҳаракатлар ва жаҳон ҳамжамиятигининг ҳар томонлама қўллаб-куватлаши орқалигина эришиш мумкин»¹.

Шунингдек, Баёнотда Марказий Осиё давлатлари Афғонистонда давом этаётган можаро ва Тожикистон—Афғонистон чегарасидаги вазиятдан чуқур ташвишда эканликларини изҳор қилган ҳолда, минтақавий хавфсизликни яхлитлиги ҳамда уни таъминлашдаги коллектив масъулиятни қатъий эътироф этадилар, деб ёзилган.

Баёнотда элатлараро зиддиятлар, наркобизнес, террорчилик, қуролларнинг қонунга хилоф равишда жойдан жойга кўчирилиши, инсонларнинг кўчишга мажбур бўлиши сингари хавф ва тазийкларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, янги коммуникациявий тартибни барпо этиш, ҳукумат ва ҳукуматга дахлдор бўлмаган турли органлар иштирок этиши лозим бўлган экология тизимини барпо этиш, Орол муаммосига эътиборни янада кучайтириш, Марказий Осиё давлатларининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишда ҳамкорликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни ташкил қилиш каби муҳим масалалар ўз аксини топган.

Семинар-кенгаш иштироқчилари яқдиллик билан эътироф этдиларки, Марказий Осиё давлатлари ўзла-

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 19 сентябрь.

рининг БМТ ва EXХТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича та-
лабларига содиқлигини тасдиқлайдилар, минтақада
демократиялаштириш жараёни ва камсоғли миллатлар
вакилларини ҳисобга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари
муҳофазасини таъминлашни чуқурлаштиришга ҳара-
кат қиласидилар.

Турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар делега-
циялари аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Ка-
римов ташаббуси ва БМТнинг тўла хайриҳоҳлиги би-
лан ўтган мазкур семинар-кенгаш минтақа хавфсиз-
лигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлишини
таъкидладилар.

«Ўзбекистон, — дейди Ҳиндистон Республикаси
ташқи ишлар давлат вазири Салмон Хуршид, — ҳами-
ша тинчлик ва ҳамкорлик тарафтори бўлиб келган.
Биз 1966 йилнинг бошида Ҳиндистон ва Покистон
раҳбарларининг Тошкентда учрашганликларини яхши
биламиз. Ушанда пойтахтингизда имзолангам тарихий
Тошкент Декларацияси Ҳиндистон ярим оролига тинч-
лик олиб келганди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг
тинчлик ва ҳамкорлик борасида олиб бораётган фао-
лиятини муносиб баҳолаш жоиз. Ҳозирда Ўзбекистон
ўз ташқи сиёсатини тинч-тотув яшаш, барқарорлик ва
ҳамкорлик принциплари асосида амалга ошириб, жа-
ҳон ҳамжамиятида обрў ва эътибор топмоқда»¹.

Тошкент семинар-кенгаси дунё хавфсизлиги йўли
минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши,
бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъмин-
лаш йўли билан жаҳон хавфсизлигини таъминлаш
мумкин эканлигини яққол кўрсатиб берди.

Минтақамизда барқарорлик, тинчликни таъминлаш-
га қаратилган тадбирлар ичida 1995 йили сентябрь
оида БМТ томонидан Нукус шаҳрида ўтказилган Орол
ҳавзаси минтақасининг барқарор ривожланишига ба-
ғишланган конференция ва унда қабул қилинган дек-
ларация ҳам муҳим ўрин тутишини айтиб ўтиш жониз-
дир.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ҳолид
Малик айтганидек, Марқазий Осиёда «хавфсизлик ва
ҳамкорликнинг ишончли тизимини яратишда Ўзбекис-
тон алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу минтақа аҳо-
лисининг қарийб тенг ярмини ташкил қилған мамла-

¹ «Ҳалқ сўзи», 1995 йил, 19 сентябрь.

катингиз Марказий Осиё халқлари ўртасида азалий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда, уларнинг ҳамжиҳат бўлиб яшашида, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳамда иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Сирасини айтганда, Ўзбекистоннинг бундан кейин ҳам кенг кўламли тинчлик ва ҳамкорликка оид ана шундай қудратли овози доимо янграб туришига аминмиз»¹.

1995 йилнинг октябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг эллингинчи юбилей сессиясида сўзлаган нутқида И. Каримов жаҳон давлатлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилик эътиборини яна бир бор Марказий Осида юзага келган муаммоларга қаратиб, ялпи хавфсизликка минтақаларда хавфсизликни таъминлаш орқалигина эришиш мумкин эканлигини уқтириб ўтди. Шунингдек, БМТнинг минтақавий халқаро ташкилотлар муносабатларини фаоллаштириш, тангликларнинг олдини олиш йўлида унинг минтақавий тизимларини янада ривожлантириш лозимилиги тўғрисидаги таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон минтақамизда, жумладан Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳам фойдаланувиликни қўйишади. 1995 йил 3 апрелда Ўзбекистон томонидан муҳолиф кучлар раҳбарияти билан учрашув чоғида Тожикистон халқлари конгрессини чақириш ҳақида таклиф киритилди. Бу таклиф қабул қилинди ва Тожикистондаги муҳолиф кучлар ўзаро музокараларга киришдилар.

Мазкур анжуманинг тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида барча сиёсий партиялар, жамиятдаги соғлом кучлар учун муҳим минбар бўлишига ишонч мустаҳкамланмоқда.

1995 йил 10—11 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Тожикистон Республикаси ҳукумати минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш муаммолари, Тожикистонда тезроқ тинчлик ўрнатиш мақсадида тоҷиклараро мулоқотни таъминлаш бўйича биргаликда қилинадиган ҳаракатларни муҳокама этдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш ҳакидаги меморандумда «Ўзбекистон томони БМТ ҳомийлиги остида

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 21 октябрь,

ўтган Тожикистонда тинчлик ўрнатиш ва миллий то тувиликни қарор топтиришнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги тажиклараро мuloқot доирасида имзоланган протоколни табриклайди», дейилади.

Сиёсий мuloқot, куч ишлатиш ва экстремизмдан воз кечиш, БМТ ҳомийлиги, кузатувчи мамлакатлар иштирокида ўзаро мақбул ечимларни излаш Тожикистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг ягона йўлидир. Шуни эътиборга олган ҳолда меморандумда қўйидагилар таъкидланади:

«Томонлар бундан буён ҳам минтақавий хавсизликнинг муҳим муаммолари юзасидан доимий маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётига риоя қиласидар ва халқаро ташкилотларда биргаликда ҳаракат қилишда давом этадилар.

Узбекистон Республикаси ҳукумати ва Тожикистон Республикаси ҳукумати икки давлат қардош халқлари фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам тинчлик, барқарорлик ҳамда тотувликни таъминлаш ва ошириш, яқин ҳамкорлик режаларини ҳаётга муттасил татбиқ этиш учун биргаликда ҳаракат қиласидар¹.

Узбекистон Афғонистонда ҳам тез кунларда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришнинг тарафдори. Бу борада Президентимиз И. Каримовнинг БМТнинг 48-сессиясида сўзлаган нутқида хавфсизлик кенгашининг Афғонистонга қурол-яроғ сотишини тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклифи муҳим аҳамият касб этади.

БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан бош ассамблеянинг маҳсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида И. Каримов мазкур таклифни янада илгари сурди. «Биз яна бир бор БМТ хавфсизлик кенгашига ким томонидан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиласиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик обьекти бўлмоғи лозим»².

Ҳаёт шундан далолат берадики; бугунги кунда хотинч ва фожиали минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаш ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 13 октябрь.

² «Халқ сўзи», 1995 йил, 26 октябрь.

ва барқарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам биз учун барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиб, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш ўта долзарб вазифадир.

«Биз учун ягона тўғри йўл ҳалокатли равишда ўз қобигига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукаммалликлар мавжудлигига қарамасдан, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир»¹.

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик булар давлатимизнинг янги биносини барпо қиласидиган пойдевордир. Бу бизнинг эртанги порлоқ куниизга олиб борадиган тўғри йўлдир.

«Тинчлик ва барқарорлик булар халқаро ҳамжамият билан бирлаштирувчи воситадир. Инсонпарварлик, яхшилик, софдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакатгина, халқгина бутун дунё халқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилиниши мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин»².

Маълумки, умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан, муайян минтақадаги конкрет давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва биргаликдаги ҳаракатидан бошланадиган жараёндир. Шуни эътиборга олган ҳолда, Узбекистон раҳбарияти БМТ ишлаб чиқсан қарорларга мувофиқ Афғонистондаги мажароларни бартараф этиш учун қўйидаги тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириш зарурлигини қайд этиб келмоқда. Булар:

- можарони босқичма-босқич бартараф қилиш;
- музокара жараёнда барча манфаатдор томонларнинг иштироқ этиши;
- ўзаро ён бериш ва оқилона ўзаро келишув асосида нуқтаи назарларни бир-бирига яқинлаштириш;
- бу жараёнда БМТ, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги ва фаол иштироқ этиши;

¹ Ислом Каримов. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 170—171-бетлар.

² Уша жойда.

— мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақлаб қолиши;

— қандай шаклда бўлмасин, ташқаридан тазийқ ёки аралашувга йўл қўйиб бўлмаслиги;

— Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни қатъий тақиқлаб қўйиш зарурлиги.

Афғонистон ва унинг теварагидаги вазият сўнгги вақтда, айниқса хавфли тус олмоқда. Бу ҳудудда турли сиёсий кучлар ва мамлакатлар жуғрофий-стратегик манфаатларининг ошкора тўқнашуви тобора равшан бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда Афғонистонда яхши таълим кўрган мунтазам армиялар урушмоқда, уларнинг сафларида ёлланган жангчилар кўп. Шу сабабли, Афғонистондаги уруш инсон фаолиятининг ўзига хос янги тури бўлиб қолди. Шу фаолият доирасида давлатларни вайрон қилиш бўйича «мутахассислар» вужудга келмоқда.

Афғонистон нотинчлигига қўшилиб кетган бағ-фурушлиқ, террорчилик, зўравонлик, қурол-яроғ билан савдо қилиш, афғон жамиятида тинч ҳаёт ва бунёдкорлик ҳақида тасаввурга эга бўлмаган бўтун бир авлоднинг вужудга келгани, буларнинг ҳаммаси умумжаҳон муаммосидир. «Шу боис, — дейди. И. Каримов, — можарони бартараф этишнинг асосий чораси сифатида Афғонистоннинг ўзида умуммиллий ярашув зарурлигига эътиборни қаратишгина энди етарли эмас ...

Ҳозирги пайтда Афғонистон муаммосини амалий тарзда ҳал этиш йўлларини излаш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг диққат марказида туриши, жаҳон давлатлари эътибори қаратиладиган аниқ объект бўлмоғи керак.

Бу масалалар инсониятни Босниядаги уруш ёки Араб-Исройл мўжараси каби ташвишга солиши лозим»¹.

Афғонистондаги нотинч вазият Марказий Осиёда демократия ва ислоҳотларни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам можаро авж олган жойга бевосита яқин бўлган бошқа давлатлар каби Ўзбекистон ҳам ўз хавфсизлигини таъминлашга

¹ И. Каримов. Тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик — энг эзгу мақсадимиздир. «Халқ сўзи», 1995 йил, 30-декабрь.

қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга мажбурдир.

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли янги асарида қайд этилганидек, Марказий Осиё минтақасида ҳозирги вақтда турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тўпланиб қолган. Минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва ург-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар хавфсизликка таҳдид кўрсатиб туриди. Мазкур муаммоларнинг салбий оқибатларидан холи булишда минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанатни ва барқарорликни сақлаб қолиш катта аҳамиятни касб этади. Бу эса, ўз наъбатида, ялпи хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади. Биз «янги минг йилликка йўл очиб борар эканмиз, ҳаммага дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзамиз. Хавфсизлик, барқарорлик ва событқадам ривожланиш деган сўзлар бунинг рамзиdir. Чунки, айнан ана шу тушунчалар ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир ҳалқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойdevор яратади. Сайёрамизда жўғрофий-сиёсий мувозанатнинг ажралмас шарти бўлиб қолади. Бу ҳар бир инсонга келажакка дадил ва ишонч билан қарааш ҳуқуқини беради»¹.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ОСОИШТАЛИК ВА ТИНЧЛИК ГАРОВИ

Республикамиз раҳбариятининг минтақамиизда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувликни қарор топтириш борасида фаол ҳаракат қилиб келаётгани бежиз эмас, албатта. Ҳозирги ўта мураккаб ва зиддиятли жараёнда ҳукуматимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати туфай-

¹ И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, 16-бет.

ли жамиятмиздá осойишталик, тýнчлик ва тóтувлýк фуқароларнинг кундалик турмуш тарзига айланиб кетган. Буни биз миллатлараро муносабатларни та-комилластириш соҳасида қилинаётган ҳаракатлардан яқъол кўришимиз мумкин.

Маълумки, инсоннинг бахт-саодати, келажак ҳаёти миллатлараро муносабатлар билан узвий боғлиқ. Бу айниқса, кўп миллатли давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун катта аҳамият касб этади. Ҳо-зир мамлакатимизда юздан зиёд миллат ва элат ва-киллари яшайди.

Маълумки, миллат ижтимоий этник бирликнинг мураккаб шакллари жумласига киради. Ибтидоий жа-моа тузумида одамлар миллат ва элатга эмас, балки уруғ ва қабилаларга бўлиниб яшаган, хўжалик ҳаёти ҳам қабила ва уруғ доирасидан чиқа олмаган. Ўруғнинг аъзосини бошқа кишилардан ажратиб турадиган асосий белги уларнинг келиб чиқишидаги бирлик, қон-қардошлиқ эди.

Кишилар бирлигининг уруғ ва қабилага нисбатан анча йирик, юқори, доимиyoқ шакли бўлган элатлар синфий жамиятлар маҳсули бўлиб, ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши, жамиятнинг синфларга бўлиниши, давлатнинг пайдо бўлиши билан келиб чиқди. Элатлар ҳам қон-қардошлиги, тили ва мада-нияти бир хил бўлган бир территорияда яшайдиган кишилар жамоасидан ташкил топгандир. Элат кишилар бирлигининг ўзидан олдинги шаклларига нисба-тан юқориyoқ тури бўлса-да, унинг ҳам иқтисодий замини мустаҳкам эмас эди. Феодал маҳдудлик, ўзаро урушлар натижасида мамлакатлар ва халқлар ўрта-сидаги савдо алоқалари издан чиқар, иқтисодий муно-сабатларга путур етар, маданий алоқалар, ўзаро бор-ди-келдиларга рахна солинарди.

Иқтисодий тараққиёт кишиларнинг тарихан бар-қарор бирлигини миллатнинг вужудга келиши учун асос бўлди. Гарчи ўрта асрларда турли халқлар, элат-ларда миллатнинг ташкил топиши учун тил ва ҳудудий бирлик каби шарт-шароитлар вужудга келган, маданий бирлик элементлари бирмунча ривожланган бўлса-да, иқтисодий ҳаёт бирлиги ҳали пайдо бўлган эмас эди. Мамлакатнинг ҳар хил ноҳиялари, вилоятлари, ўлкалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар мустаҳкам-

Ләнмасдан туриб кишиларнинг миллатга уюшуви мумкин эмас.

Тарих саҳнасида пайдо бўлган буржуа тузуми феодализмга хос бўлган тарқоқлик ва биқиқликка хотима берди, иқтисодий алоқаларни кенгайтириди, миллий давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлди, майдада маҳаллий бозорларни қўшиб йириклаштириб, улкан миллий бозорларга, кейинчалик жаҳон бозорига айлантириди, ишлаб чиқариш воситаларини марказлаштириди. Шу тариқа зарур бўлган иқтисодий шарт-шароит ва имкониятларни юзага келтириди. Миллат капитализм даврида вужудга келди.

Миллат кишиларнинг тарихан ташкил топған бирлиги бўлиб, у хўжалик, тил, маданият миллий руҳият хусусиятларининг ягоналиги билан ажралиб туради. Тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш, маданиятдаги умумийлик, булар миллатнинг энг муҳим белгилариdir.

Миллатнинг тил, ҳудуд, иқтисодий турмуш ва маданият жиҳатидан бирлиги ундан олдин вужудга келган уруф, қабила ва элатларнинг бирлигидан тубдан фарқ қиласди. Миллатнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлашиши элатларнинг оғзаки ижоди ва ёзма адабий тилнинг ривожланиши асосида ягона миллий тилнинг пайдо бўлишига олиб келади. Миллатнинг тарихий тараққиёт хусусиятлари, унинг иқтисодий тузуми, одат ва анъаналари, яшаш муҳити унинг маънавий қиёфасига таъсир этади. У ёки бу миллатга мансуб бўлган кишиларнинг ўзига хос миллий хусусияти ва психологияси, миллий тили ва маданияти бўлади. Тил миллатнинг энг муҳим белгиларидан биридир.

Дунёнинг турли мамлакатларида ҳозир ўзининг турмуш тарзи, тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, ривожланиш даражасига кўра бир-биридан фарқ қиласидан қарийб икки минг турли ҳалқлар ва миллатлар яшамоқда. Уларнинг қарийб 1600 таси Осиё ва Африка мамлакатларида, қарийб 100 таси ривожлангац капиталистик мамлакатларда, қарийб 250 таси собиқ социалистик мамлакатларда яшайди. Мустақил давлатлар сони ҳозир қарийб 190 тани ташкил этади. Ер юзида 100 миллиондан ортиқ кишидан ташкил топған миллатлар ҳам шунингдек, минг ва ҳатто юз кишидан иборат бўлган қабилалар ва этник гурухлар ҳам борлигини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Хозирги даврда собиқ Ӣттифоқ ҳудудида ижтимоий, миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида илгари асло кутилмаган салбий ҳодисалар, жуда ҳам ўткір ва қалтис муаммолар; кучли түқнашув ва можаролар тез-тез рўй бериб турганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида бўлиб турган кескинликлар ва зиддиятлар оддий бир англашилмовчилик натижаси эмас. Унинг муайян сабаблари бор, албатта. Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласи соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш омили уларни келтириб чиқарган, чуқурлаштириб юборган сабабларни аниқлаш ва бартарап этиш йўлларини белгилашдан, уларни янгича сиёсий ва фалсафий тафаккур асосида назарий жиҳатдан идрок этишдан иборатdir.

Миллий ва миллатлараро муносабатларга оид шундай муаммолар ва вазифалар борки, уларни илгари қўлланилган эски воситалар, усуллар билан ҳал этиб бўлмайди. Ҳаёт миллий масалага янгича ёндашишни, сийқа усуллардан қатъяян воз кечишни кун тартибиға қўймоқда.

Миллий масаланинг ҳозирги давр талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган, ижодий бойитилган энг муҳим назарий қоида ва хулосалари ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлигини ўрганиш, уларни илмий таҳлил этиш катта амалий-сиёсий ва маърифий-тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Миллий қадриятларни тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш миллий манфаатлар ва миллий қизиқишлилар билан узвий боғлиқдир. Миллий манфаат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётни ҳар томонлама, тегран қамраб олади. Бошқача айтганда, ҳаққоний миллий манфаатлар—бу муайян миллат вакилларининг талаб ва эҳтиёжлари йиғиндисидан иборатdir. Аммо миллий манфаатлар ва ишлар бошқа минтақа вакилларининг манфаатларига зид бўлмаслиги керак. Асл манфаатларни бир гурӯҳ миллий экстремистлар, миллатчилик, шовинистик, буюк давлатчилик дардига мубтало бўлган кимсалар эмас, балки меҳнаткашлар оммаси ифода этади.

Миллатлар ва миллий манфаатлар, миллий ҳисстуйғулар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам кун сайин эътибор беришни талаб қиласидиган масаладир, у

умумийлик муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида ва ижобий ҳал этиб боришни талаб этади. Миллатларнинг манфаатларига тўғри муносабатда, бўлиш ва ана шу замйнда ихтилофлар чиқарадиган ҳар қандай имкониятларга чек қўювчи шароитларни яратиб беради. Тажриба шуни кўрсатдики, турли миллатларнинг манфаатларига жиддий эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади: ўзаро ишончсизлик, ҳар қандай фисқу фасод ҳавфи йўқолади.

Баъзи ҳолларда миллий манфаатлар ғоявий-сиёсий мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилиши мүмкин. Шунинг учун ҳам кўп миллатли давлатимиз халқларининг соғлом миллий манфаатларини доимий равишда топиб, ўрганиб, уларни қондириш йўлларини изламоғимиз лозим. Лекин бир ёқлама характердаги, мамлакат бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмайдиган ўта шахсий, тор «миллий манфаатлар» атрофида ўралашиб қолиш тўғри эмас.

Бир миллатнинг манфаатлари бошқа миллат ва элатларнинг манфаатларидан, талаб ва эҳтиёжларидан ажратилмаган ҳолда ўрганилиши лозим. Жамият ҳаётини демократиялаштириш, ошкораликни чуқурлаштириш шароитида, назокатни сақлаган ҳолда, барча миллатлар ва элатларнинг ўзига хослиги-ю, манфаат, қизиқишиларини камситмасдан, доимо халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, ёшларни байналмилаллик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлларини қидирмоқ керак.

Миллий манфаатларни назар-писанд қилмаслик, чеклаб қўйиш хунук ижтимоий-сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга Тоғли Қорабоғ, Қавказорти жумҳуриятларида, Тожикистанда ва бошқа жойларда рўй берган ва бераётган кўнгилсиз воқеалар мисол бўла олади. Бу воқеалар миллий қадриятлар негизида турган муаммоларни оқилона ҳал этиш лозимлигини яна бир бор тасдиқлайди, миллатчилик ва шовинистик кайфиятлари қўзғалишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатади.

Миллий қадриятлар кенг маънода мамлакатнинг барча аҳолисини ташкил этувчи турли ижтимоий синфлар, миллатлар ва элатларнинг манфаат ва қизиқишиларини ифодалайди. Демак, ҳар бир ўлка, мухторият ёки мустақил давлат шаклидаги жумҳуриятлар тарки-

біда бир неча миллатлар ва эллатлар борки, уларнің барчасига хос бўлган, яхлит тарзда амал қиласидан манфаат ва қизиқишилар юзага келади. Умумманфаат заминида юзага келган муносабатлар асосли равишда уларнинг барчасига хос бўлган умумқадриятларнинг шаклланишига асос бўлади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, умуммиллий манфаатлар мазмун ва моҳияти жиҳатдан миллий қадриятларга қараганда кенг ва чуқурроқдир. Бундан кўриниб турибдики, ўмуммиллий манфаатлар миллий манфаатлардан фарқли? ўлароқ, алоҳида ёки бир гурӯҳдаги кишиларни эмас, балки мамлакатимиздаги барча мавжуд миллат, эләт ва ҳалқлар мақсад ва инилишларининг яхлитлиги, умумийлигини ифодалайди.

Умуммиллий манфаатлар бутун ҳолда намоён бўлса, миллий манфаатлар ана шу бутуннинг бўлаги шаклида намоён бўлади. Умумийликни алоҳидаликдан, алоҳидаликни умумийликдан ажратиб бўлмаганидек, миллий манфаатларни ҳам умуммиллий манфаатлардан ажратиб қарап мумкин эмас. Зеро, умуммиллий манфаатлар миллий манфаатларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Миллий ва умуммиллий манфаатлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Ҳақиқий байналмилал инсон бўлмоқ учун фақат ўз миллатининг манфаатинигина ўйлаш керак эмас, балки уни умуминсоний манфаатлар билан уйғун ҳолда кўра билмоқ керак.

Кўпмиллатли мамлакатимиз тараққиётининг тарихий тажрибаси умуммиллий манфаатлар билан миллий манфаатларни бир-бирига уйғунлаштиришнинг бир қанча принципларни яққол кўрсатиш имкониятини беради. Бу принциплардан энг асосийси—умумдавлат, умуммиллий манфаатларни чеклаш, камситиш эмас, балки умумиятнинг манфаатига асосланиш, озчиликнинг манфаатини кўпчилик манфаатларидан устун қўймаслик демакдир.

Ҳақиқий байналмилаллик фақат миллий, ҳудудий жумҳурият манфаатларини теран англашдангина иборат эмас, балки умуммиллий янгиланиш вазифаларини адо этиш йўлида мамлакатимиздаги барча ҳудудларнинг имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишини ҳам тақозо этади. Миллий ва умуммиллий манфаатларни якка-якка, алоҳида-алоҳида ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ

ҳолда амалға ошириш мақсадга мувофиқдир. Түрлі ҳудудларда яшаб келеттеган халқтар миллатидан қатын назар, ҳамма жойларда ва ҳамма вақт ўзларининг ранг баранг миллий эҳтиёжларини қондира олишлари даркор. Бу муносабат ҳудудий мухториятга эга бўлмаган халқларга ҳам тегишидир, уларнинг миллий манфаатларини ҳам одилона ҳимоя қилиш зарур.

Қардош жумҳуриятларда яшаеттеган миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш; уларни қондириси йўлларини излаш ҳамда мамлакатимизнинг умумий манфаатига мувофиқлаштириш ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Кенг маънодаги миллий қадриятлар асосида турувчи умуммиллий манфаатлар, юқорида таъкидлаганимиздек, шундай умуммиллий муносабатларни намоён эта-дики, буларга қўйидаги талабларни киритиш мумкин:

— мамлакатда яшовчи барча кишиларнинг, миллати ва истиқомат жойидан қатын назар тенг ҳуқуқлилиги ва эркин ривожланишини таъминлаш;

— халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий қадр-қимматни қарор топтириш;

— она тилини ва маданиятини, халқ урф-одат ва анъаналарини ривожлантириш ҳуқуқи берилиши.

— мустақил давлатлар кўп миллатли, халқларининг ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш, шу жумҳуриятлар таркибидаги ҳамма турдаги мухториятларнинг ҳам мустақиллигини амалда таъминлаш:

— камсонли халқларнинг, миллий гуруҳларнинг манфаатлари ва қизиқишлиарни ҳимоя қилиш, улар турмушининг анъанавий шаклларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, қатағонга учраган ва зўрлаб кўчирилган халқларнинг ҳуқуқларини тиклаш, зўравонлик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш;

— аҳолининг ноҳақлиқдан кўчишининг олдини олиш, қочоқлар учун ҳуқуқий мақомлар жорий этиш, уларга зарурий ёрдам бериш;

— миллий экстремизм, шовинизм, ирқчилик, дискриминациянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш;

— кўпмиллатли давлатнинг умуммиллий хавфсизлигини таъминлаш ва қўриқлаш,

Юқорида кўрсатиб ўтилган муносабатларнинг барчasi айнан ҳәйтимиз мезонидан келиб чиқаётган ҳаққоний талаблардир. Буларга ўз навбатида, эътибор

бермаслик салбий ижтимоий оқибатларга олиб келиши муқаррар. Бироқ муаммоларни ҳал қилиш жараёнида фақат муайян жумхуриятдаги у ёки бу миллат ва элатнинг талаб ва эҳтиёжларига зўр бериш, миллий маҳдудликка, худбин манфаатларга асир бўлиб қолиш ҳам ярамайди. Чунки бу ҳол муайян жумхуриятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий равнақига ҳисса қўшмайди, аксинча, салбий таъсир этади, миллий ҳис-туйғуларнинг жунбушга келишига сабаб бўлади. Миллий ва умуминсоний манфаатларнинг моҳиятини белгилаш, ҳимоя қилиш чоғида йўл қўйилган шошма-шошарлик, ўйламасдан ташланган ҳар бир қадам оғир қалб жароҳатларига олиб келиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг этник таркибида ўзбеклар устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир қаторда республикамиз ҳудудида ўз маданияти ва анъаналарига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари ҳам яшаб турибди. «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тишланишининг кучайиб бориши билан узвий биргаликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қиласиди ва республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун қулай шароитларни вужудга келтиради»¹.

Миллий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам миллий ва миллатлараро муносабатларда ижтимоий ҳаётимизнинг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй берётган ўзгаришлар, қийинчиликлар, зиддиятлар ўз аксини топмай қолмайди.

Ҳар қандай ривожланишга зиддиятлар хосдир. Бино-барин, улар миллий муносабатлар ривожи учун ҳам муқаррардир. Энг муҳими, зиддият уларни доимо юзага келтириб турадиган жиҳатларни кўра билиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида тўғри жавоб топиб бериш зарур. Афсуски, ўтмишда биз миллий сиёсатнинг улкан ютуқлари ҳақида керагидан ортиқча даражада гапирдик, аммо мазкур соҳадаги жиддий

¹ И. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 12—13-бетлар.

қамчиликлар, бузилишлар, ҳатолар, муаммолар ҳақида лом-мим демадик. Ютуқларимизга ортиқча баҳо бердик, камчиликлар, хатоликлар, жиiddий қийинчиликларни күриб-күрмасликка олдик. Реал воқееликдан анча йироқлашиб кетдик, қорани оқ қилиб тасвиrlадик, миллий масаладаги ечимларини кутаётган муаммолар, рўй берган ва газак олиб бораётган салбий ҳодисалар хусусида индамасликни, ҳамма нарсани безаб, бенуқсон қилиб тасвиrlашни ўзимиз учун одат қилиб олдик.

Миллий масалада, миллатлараро муносабатларда, иқтисод ва экологияда, тил масалаларида, паҳта якка-ҳокимилиги, ижтимоий масалалар, аҳолини озиқ-овқат, ўй-жой билан таъминлаш, тиббий хизмат кўrsatiш, миллий кадрларни ўстириш, ёш болалар ўртасида кучайиб бораётгани бевакт ўлим ва бошқа энг долзарб муаммолар ҳақида узоқ йиллар давомида индамасдан, дардимизни ичимизга ютиб келдик.

Турғунлик йилларида нашр этилган илмий ишларда, ёқланган диссертацияларда, айrim собиқ раҳбарларнинг баландпарвоз нутқларида миллий муносабатларда ҳеч қандай муаммо йўқлиги, бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ҳақида зўр бериб гапирилди, бу соҳадаги ютуқлар бир ёқлама, фақат яхши томонлардангиба баён этилди ва бўрттирилди, реал ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Айrim жумхуриятлар ва муҳтор тузилмаларнинг ҳам, миллий гуруҳларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти, эҳтиёжлари етарли равиша ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиётининг ўзи ўртага қўйган бирталай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса ижтимоий норозиликка олиб келиб, баъзан можароли тус олди. Миллий худбиник ва кибр-ҳаво, тайёрига айёрлик кайфиятлари ва маҳаллийчилик кўринишлари содир бўлиб қолди. Ўн йиллар давомида йиғилиб қолган салбий ҳодисалар узоқ вақтгача эътиборга олинмади. Бунинг натижасида шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бердики, бу нарса нафақат собиқ шўролар жамияти кишиларини, балки жаҳон ҳалқларини ҳам ташвишга сөлмоқда. Собиқ Иттифоқнинг тугаб кетиши, Грузия, Арманистон, Озарбайжонда, Чеченистонда ва бошқа жумхуриятларда рўй бериб турган воқеалар ва жараёнлар шулар жумласидандир.

Собиқ Иттифоқ ҳудудининг гоҳ у, гоҳ бу ерида рўй

бераётган бугунги ижтимоий этник можаролар бунинг яққол мисолидир.

Узоқ йиллар давомида зўр бериб айтилганидек, агар собиқ Йиттифоқда миллий масала билан боғлиқ бўлган муаммолар тўла ва узил-кесил ҳал этилганида, мингминглаб одамлар қатағонлик қурбони бўлмаганида, бошқа бир қатор хато-камчиликларга, жиноятларга йўл қўйилмаганидаги, кейинги йилларда бир қанча миңтақиларида нохуш ҳодисалар бўлмаган, қон тўкилмаган, қурбонлар берилмаган бўларди.

Нисбатан хийла жонланиб қолган миллатчилик, миллий калондимоғлиқ, миллий худбинлик, экстремизм кўринишлари, маълум маънода, айнан ўша эски хатолардан озиқланди, дейиш мумкин. Кишиларни дарғазаб қилган салбий ҳодисаларнинг туғилишига фақат шахсга сифиниш йилларида мамлакатлараро муносабатларни белгилаш, байналмилал тарбияни йўлга қўйиш чоғида рўй берган жуда катта хатолар, камчиликларгина эмас, балки кейинги йилларда миллий масалага ёндашиш борасида йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ҳам ўз татьсирини ўтказмай қолмади. Хатолар йиғилиб-йиғилиб, газак олиб, охири, юқорида айтиб ўтилган, миллий замандаги кўнгилсиз ҳодисаларга шароит яратди.

Миллий ва миллатлараро муносабатлар масаласида йўл қўйилган хато ва камчиликлар қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини, нималарда намоён бўлаётганлигини билиш, миллий масалада келажакда бундай вазиятлар такрорланишига йўл қўймаслик учун уларни келтириб чиқарган ва ривожлантириб юборган сабабларни кенг ва атрофлича идрок қилиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни эътиборга олиш керакки, миллий ва миллатлараро муносабатларга бевосита даҳлдор бўлган жуда кўплаб муаммолар бирданига, фавқулодда, бир-икки йил ичida эмас, балки узоқ йиллар мобайнода секинасталик билан пайдо бўлиб, ривожланиб, оқибатда ўта кескинлашиб кетган бир пайтда қайта қуриш бу соҳадаги қатор муаммолар ва зиддиятларни юзага қалқитиб чиқарди.

Хозирги куннинг асосий вазифаси миллий масалада ўтмишда рўй берган нуқсон ва камчиликларни санаб ўтишдангина иборат бўлмай, балки бугунги куннинг вазифалари ва келажак ҳақида илмий асосда аниқравшан, фикр юритишдир. Фақат орқага қараб олдинга

юриш мумкин эмас, шундай қилинса биринчи түсиқда-
ёқ қоқилиб қолиш мумкин. Биз турмушнинг хатолари
ҳақида кўп ўйладик, маълум чора-тадбирлар кўрдик
ҳам. Эндиги вазифа ҳозирги кун ҳақида бош-қотириш-
дир. Агар шундай қилинмаса, кўп имкониятлардан фой-
далана олмаймиз, майдა-чўйда масалалар доирасида
ўралашиб қолиб, муҳим воқеалар, вазифаларни билиш,
улардан фойдаланиш ва амалга ошириш имкониятлари-
ни қўлдан бой берамиз.

Жумхуриятимизда кейинги вақтда рўй берган тари-
хий воқеалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг
давлат мустақиллиги тўғрисида Қонун қабул қилиниши,
унинг 160 дан ортиқ хорижий мамлакатлар томонидан
тан олиниши, ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида амалга
oshiрилаётган ўзгаришлар миллий ва миллатлараро
муносабатларни такомиллаштириш учун қулай шарт-
шароитларни вужудга келтирмоқда. Шулардан тўлиқ
фойдаланган ҳолда, миллий ва миллатлараро муносабат-
лар соҳасидаги барча мавжуд камчиликларни зудлик
билақ тузатиш ҳаммамизнинг олдимиздаги долзарб ва-
зифадир.

Миллий муаммолар тўғрисида гап борганда, давлат
мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий ва
маънавий инқироздан чиқиш ҳам, миллий қадр-қиммат
қиммат ва ўзликни англашини қарор топтириш ҳам,
экология, табиатни муҳофаза қилиш ҳам, тил ва маъ-
навий меросни сақлаш ҳам ўзига хос аҳамият касб
этади. Миллий ва миллатлараро муносабатларга доир
муаммоларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ. Шунинг учун
ҳам уларни ўзаро ажратиб ҳал этиб бўлмайди. Одам-
ларнинг кайфияти, жамиятдаги маънавий-сиёсий иқлим
кўп жиҳатдан ана шу муаммоларни ижобий ҳал этиш-
га боғлиқ.

Ўз миллий давлати ҳудудларидан четда яшовчи ки-
шиларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ўтмишда из-
дан чиққанлиги миллатлараро муносабатлар чигалла-
шувининг сабабларидан биридир. У ёки бу миллатга
мансуб кишиларнинг манфаатлари камситилиши, эъти-
борга олинмаслиги миллий аламзадалик ва можаролар-
га олиб кела бошлади. Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг
олдини олиш учун ўз миллий давлати ҳудудидан ташқа-
рида яшаётган ҳар хил миллат ва элат вакилларининг
адолатли талааб ва истакларини зарурий равишда ино-
батга олиш ва қондириш лозим.

Ҳаёт миллий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятдаги вакиллигини, она тилида таълим олиш, миллий маданиятни, урф-одат, анъаналарини ривожлантириш ва бошқа ҳуқуқларини янада аниқроқ белгилаб қўйишни кун тартибига қўйди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида 1 миллиондан зиёд қозоқлар, қарийб 300 минг қрим татарлари, 500 минг корейс, 700 минг тожик яшайди. Уларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондириш учун қатор чоратадбирлар кўрилмоқда. Аҳолининг она тилида таълим олиш борасидаги эҳтиёжлари тўлароқ қондирилмоқда. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маданий ва маънавий бойликларни тақсимлаш масалаларида ижтимоий адолат принципларига асосланияпти. Миллий тилда рўзномалар, китоблар нашр этилмоқда. Кўпчилик миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, телевизион кўрсатув ва радиоэшиттиришлар кенгайтирилмоқда, миллий маданият марказлари таъсис этилмоқда. Бошқа миллатларнинг вакиллари давлат ҳокимияти, ижтимоий ишларга жалб қилинмоқда. Ўйлаймизки, бундай тадбирлар миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришда ижобий роль ўйнайди.

И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузасида «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш зарурлигини қайд қилиб, «бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим» деб кўрсатди. Бундай дастурни изчиллик билан амалга татбиқ этиш миллий ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунаштириб, жамиятимиз барқарорлигини таъминлашга катта замин бўлиши шак-шубҳасизdir.

Миллий сиёsatга тааллуқли, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, кишиларнинг миллий туйғуларига дахлдор бўлган ҳамма ишларда айниқса хушёр ва сергак бўлиш, айни ҷоқда қандай либосдалигидан қатъи назар, миллий чекланганлик ва манманлик, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига қарши кураш олиб боришини ҳеч қачон эсдан чиқариб бўлмайди.

Миллий манманлик, миллий маҳдудлик, миллий мақтанчоқлий бизнинг ғоят буюк бойлигимиз бўлган байналмилалчилик туйғуларимизга тамомила ёт. Миллий

туйғулар жуда нозикдир. Бирор миллатни ортиқча мақташ, унинг тарихи, маданиятини идеаллаштириш бошқа миллат вакилларининг миллий туйғуларига бирмунча тегиб кетади. Бу миллий туйғулар миллатчилик туйғуларига айланиб кетиши мумкин.

Миллий маданият тарихини ҳаддан ташқари идеаллаштириб юбориш ҳам ўз навбатида шовинистик кайфиятларнинг кучайишига ёрдам бериши мумкин.

Камсонли миллатлар маданиятига, миллий хусусият ва анъаналарига катта миллатларнинг ёндашувидағи буюк давлатчилик кайфиятлари миллатчилик туйғуларининг кучайишига таъсир күрсатади. У ёки бу жумхурият ҳудудида яшаётган камсонли миллатларнинг тилига, уларни ўз тилида ўқитишига, рўзнома ва китоблар нашр қилишига, иш юритишига ниҳоят даражада эҳтиёжкорлик билан ёндашиш керак. Буни эътиборга олмаслик миллий адоватга, аламзадалик ва ҳоказоларга олиб келиши турган гап.

Инсоний муносабатлар миллат танламайди. Жумхуриятимизнинг оддий меҳнаткашларига миллий манманлик мутлақо ётдир. Улар бирор миллатни кўкларга кўтаришга ҳам, одамларни миллати ёки диний эътиқодига кўра қарама-қарши қўйишига ҳам ҳеч қачон эҳтиёж сезмайдилар. Уларнинг асосий шиори ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш, атрофдагилар билан чинакам инсоний муносабат ўрнатишидан иборатдир. Оддий инсонларни миллий худбинлик каби салбий тушунчалар билан заҳарлашни, уларни беҳуда безовта қилишни асло оқлаб бўлмайди. Миллатчилик, шовинизм, миллий маҳдудлик, миллий калондимоғлик шахсни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан емиради, жамиятни иқтисодий ва ижтимоий қашшоқликка олиб келади.

Миллатчилик ва шовинистик муносабатлар натижасида, ва бошқа сабабларга кўра ҳозирги пайтда собиқ Иттифоқ жумхуриятларида турли мамлакатларга мансуб бўлган 60 миллион киши ўз ҳудудидан ташқарида яшайди. Бу нарса, албатта, қатор муаммоларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ана шу муаммоларни ҳал этишига қаратилган ишлар олиб бормоқда.

Миллий муносабатларни янада такомиллаштириш тўғрисида сўз юритилар экан, мазкур масалага тааллуқли бўлган яна бир муҳим нарсани аниқлаб олишимиз лозим. Ўтмишда миллий муносабатларга хос иккита тенденция мавжуд, уларнинг биринчиси миллат ва элат-

ларнинг гуллаб-яшнашини ташкил қилса, иккинчиси уларнинг ўзаро яқинлашувини ташкил этади, деган фикр мавжуд бўлиб, иккинчи тенденцияни биринчисига нисбатан устун деб ҳисобланарди. Бундай қарашлар кейинги пайтларда матбуотда танқид қилинмоқда. Айрим олимлар биринчи тенденцияни Марказий Осиё жумҳуриятлари учун қўллаб бўлмайди, бу республикада яшовчи халқлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши даражаси бўйича Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан икки-уч баравар орқада қолиб кетишган, шунинг учун Марказий Осиё жумҳуриятлари халқлари ўзининг амалдаги қолоқлигиги ни эндиликда бартараф этмоқдалар, холос, бинобарин уларнинг гуллаб-яшнаши ҳақида гапиришга ҳали эрта, демоқдалар.

Бошқа олимлар эса илгарилари кенг тарқалган ва етакчи тенденция деб ҳисобланган миллатлар ва элатларнинг бир-бири билан яқинлашувини шубҳа остига олмоқдалар. Чунки бундай ёндашиш пировард-оқибатда миллатлар ва уларнинг маданияти бирикиб кетади, деган эски мафкурадан келиб чиққан бўлиб, бундай қарашларнинг тўғри эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шунга кўра, миллий муносабатлардаги икки тенденция ҳақидаги масалага ҳозирги шароитни ҳисобга олиб, янгидан ёндашишимиз зарур бўлиб турибди.

Фикримизча, миллий муносабатлар ривожланишидаги тенденцияларнинг биринчиси жамиятимиздаги барча миллат ва элатларнинг эркин ва ҳар томонлама ривожланиши бўлса, иккинчисини улар ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, десак ҳақиқатга мос тушади.

Бундай ёндашиш, барча миллат ва элатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишини таъминлаш билан биргаликда улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга имконият очиб беради.

КИШИЛАРНИ ДЎСТЛИК ВА БАЙНАЛМИЛАЛ РУХДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Миллий муносабатларни янада такомиллаштиришда барча миллат ва элатлар ўртасидаги дўстликни кучайтириш, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта

аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ижобий ютуқлар, фойдали томонларни доимий равишда ўрганиш, улардан кенг ва атрофлича фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитишининг, кишиларни байналмилал руҳда тарбиялашнинг зарур йўлларидан ҳисобланади. Ҳар қандай миллий маданият жамиятимиз маънавий ҳаётининг барча ранг-баранг томонларини ва бойликларини ўзида акс эттиради ва шу тариқа янада ривожланиб, бойиб боради.

Миллий маданият умуминсоний маданиятдан ажралмасдир, унинг бир бўлгадидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг миллий маданиятини умуминсоний маданиятга қарама-қарши қилиб қўймасдан, уларни ўзаро боғлиқликда, диалектик алоқадорликда олиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Кишиларни байналмилаллик руҳида тарбиялашда, турли халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни ривожлантиришда инсон маданиятининг таркибий қисми бўлган тилларни мукаммал эгаллаб олиш катта аҳамият касб этади. Ҳозир барча жумҳуриятлар туб аҳодиси ўзларининг она тилини давлат тили деб эълон қилишди, давлат тилининг мақоми тўғрисида қонунлар қабул қилинди ва бу қонунлар амалга оширилмоқда. Бу албатта ғоят ижобий жараён. Лекин шуни очикойдин эътироф этишимиз керакки, жойларда ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш муносабати билан рус тилига бўлган қизиқиш илгариги йилларга нисбатан анча пасайиб кетмоқда.

Ҳозирги ижтимоий, илмий-техник тараққиёт жараёнида, айниқса, қанчадан-қанча миллатлар ва элатлар ягона оиласа бирлашган мамлакатимиз шароитида фақат она тилининг ўзини эмас, балки бошқа халқлар ва элатларнинг тилларини, аввало жамиятимизда миллатлараро алоқа тилига айланиб қолган рус тилини ҳам билиш шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун, миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун зарур омил эканлигини эътироф этмасдан ўтолмаймиз.

Ҳар бир тил халқнинг маънавий бойликларини чуқурроқ эгаллаб олиш учун, миллатлар ва халқларнинг ҳаёти, тарихи, маданияти ва психологиясини чуқур тушуниб олиш алоҳида аҳамиятга эга. Рус тилини

билиш ҳозирги тараққиётни чуқурроқ тушуниш учун янада кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиз.

Жаҳон миллатлари ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бошқа хорижий тилларни билиш ҳам катта аҳамият касб этиши ҳаммамизга аён.

Маълумки, ота-боболаримиз бир неча чет тилларини, жумладан, араб, форс, иброний, санскрит, лотин, юонон ва бошқа тилларни билишга интилган ва шу тилларда нодир асарлар ёзиб қолдиришган. Масалан, буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий араб, форс ва иброний тилларни мукаммал билган ва уч тилда туркий, араб, форс тилларида самарали ижод қилган. Бундай ҳолатларни Абу Али Ибн Сино, Ал Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий ва бошқаларнинг ижодидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бу соҳада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар маҳкамаси ўқувчи-стажерлар, муҳандисларга чет тилини кенг кўламда ўқитиш тизимини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид масалалар бўйича маҳсус қарор қабул қилди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ташкил қилинди. Бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда. Буларнинг ҳаммаси жумҳуриятимизнинг хорижий давлатлар билан дўстона алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имкониятини очиб беради. деб умид қиласиз.

Барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, албатта. Булар мустақилликни қўлга киритгандан кейин жамиятимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда амалга оширилган жиддий ўзгаришларнинг қонуний натижаларидир.

Энг аввало шуни эътироф этиш керакки, биз собиқ ижтимоий-сиёсий тузумдан воз кечиб, жаҳон халқларининг илфор мамлакатлари тажрибасини инобатга олиб, миллатимиз анъаналарига, миллий манфаатларимизга мувофиқ халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидаларига мос келадиган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этдик. Мазкур давлатнинг асосий мақсади фуқаролар, тинчлиги ва миллий тотувлигини, аҳолининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашдир.

«Биз умум эътироф этилган демократик қоидалар ҳамда тартибларни халқимизнинг туб ахлоқий қоида-

лари билан уйғун тарзда қовуштира оладиган давлатни бунёд этишга интиляпмиз»¹, — дейди И. Каримов.

Шунингдек, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини атрофлича ўрганиб чиқиш, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий сабоқларига таяниб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонуни) ни қабул қилдик.

Янги демократик ижтимоий-сиёсий тузум ва унинг асосий қонуни жамиятимизда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувликни таъминлаб беришнинг сиёсий негизларини яратди. Айни вақтда жамиятимизда демократик жараёнлар тобора авж олиб бормоқда. Сиёсий кўппартиявилик йўлидан дастлабки қадамлар қўйилди. Бу асосий қонун — Конституцияда мустаҳкамланган бўлиб, унинг негизида илк бор олий ҳокимият органи — Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди. Давлатни бошқариш ва жамоат ишларига фуқароларни жалб қилиш одатий ҳолга айланиб бораётир.

Халқимиз асрлар давомида маҳалла йиғинлари, оқсоқоллар кенгашлари орқали жамоатчилик фикрини аниқлашнинг ҳамда бирдамлик кўрсатишнинг ўзига хос усулларини шакллантириб келган. Маҳалла аҳли ҳамда кўпни кўрган оқсоқоллар соғлом жамоатчилик фикрига эга бўлишда энг катта куч ҳисобланади. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувига қонун асосида берилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш барқарорликни мустаҳкамлашга, давлат ишларини аҳолининг эҳтиёжлари, кайфиятлари билан мувофиқ ҳолда олиб боришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Республикамида миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғулиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини бошқаришда юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг ёрдамида ҳётга замонавий бошқариш усулларини жорий этишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Республика мизда Давлат ва жамият қурилиши академияси таъсис этилиб, у ўз ишини бошлаб юборди.

И. Каримов академиянинг очилиш маросимида сўзлаган нутқида, юксак малакали мутахассисларни тайёрлашда бошқа мамлакатлар тажрибасига суюниш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди. Чунки биз бу даражага

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 248-бет:

даги мұтәхассисларни ўқытиш учун ҳозирчә ўкув құлланмаларимизни, ѿз ўкув дастурларимизни яратиб улгурганимиз йўқ. Шунинг учун, бу ерда биринчи навбатда, бошқарув ходимларини тайёрлайдиган йирик хорижий марказларнинг тажрибаси, дастурлари ишга соли ниши даркор. Бу ўринда анчадан бүён маҳсус курслар, марказлар, маҳсус ўқытиш модулларининг кенг тармоғынг эга бўлганд Франция, Германия, АҚШ мамлакатларий, шўнингдек, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи көмиссияси каби халқаро иқтисодий ва молия ташқилотлари институтларининг тажрибасидан фойдаланишимиз зарур.

«Бугунги ҳәётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги ҳар қандай қимматли ғоялар ва фикрлар соҳиблари билан учрашиш, ҳеч муболағасиз айтиш мумкини, нафақат академия тингловчилари учун, балки унинг ўқитувчилари учун ҳам бутун бир мактаб бўлиши мукаррар...

Биз хорижий меҳмонларга, Европа ва Америка олимлари ҳамда амалиётчиларга катта умид билдирамиз. Ўзбекистондаги ижтимоий ва давлат қурилишининг барча соҳалари бўйича ўзларининг қизиқарли ғоялари ва тавсияномаларини академия билан баҳам кўришни хоҳлаган Германия, АҚШ, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар билан ҳозирдаёқ келишувлар мавжудлиги бизни қувонтиради ва бу таклифларни миннатдорлик билан қабул қиласиз»¹.

Миллий қадриятларимизниң миңтақавий ва умуминсоний қадриятлар билан янада яқинлашувида давлатлараро, парламентлараро учрашувлар катта аҳамият касб этди. Шуни эътиборга олган ҳолда, жумхуриятимиз раҳбарияти бу масалага ҳам ижобий ёндашиб келмоқда.

1995 йил 9—13 октябрда Бухарест (Руминия) Парламентлараро Иттифоқнинг 94-конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси парламент делегацияси иштирок этди. Коференцияда Ўзбекистон делегациясининг раҳбари, Олий Мажлис Раиси Э.Халилов нутқ сўзлади.

Жамиятимизда барқарорлик, тинчликни таъминлашда жиноятчиликка, қонунбузарликка қарши олиб борилаётган ишлар қўл келмоқда. Кейинги йилларда рес-

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил 4 октябрь.

публикации изда уюшган жиноятчиликка, иқтисодий қўпурвчиликка, давлат, жамоат ва хусусий мулкни муҳофаза қилишда, порахўрликка қарши кескин курашлар олиб бориляпти. Натижада, жумҳуриятимизда ҳуқуқий вазият анча яхшиланиб бормоқда. Буни бошқа мамлакатлар раҳбарлари ҳам эътироф этмоқда.

АҚШ ва Ўзбекистон Қуролли Қучлари амалга оширайтган машқлар ва бошқа муносабатлар ҳам иккى давлат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий алоқаларни мувофиқлаштиришда муайян роль ўйнамоқда.

Юқорида юритилган мулоҳазалардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун зарур бўлган ижтимоий-сиёсий замин вужудга келди ва у ўз самарасини бермоқда.

Барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувликнинг моддий асосини иқтисодий ислоҳотлар туфайли юзага келаётган ижобий жараёнлар ташкил қиласди. Давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини барпо этиш, агарар муносабатларнинг янги турини шакллантириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимини тамомила тугатиш, нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш — фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ана шулар жумласига киради.

Тўғри, айрим ҳолларда юқорида кўрсатилган жараёнлар маълум сабабларга кўра фуқаролар ўртасида муайян зиддиятларни ҳам туғдирмоқда. Лекин булар эски иқтисодий тузумдан янгисига ўтиш жараёнида келиб чиқаётган вақтинчалик зиддиятлардир. Умуман олганда, жумҳуриятимизда муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар фуқаролар ўртасида осойишталиқ, тинчлик ва тотувликни таъминлашга асос бўлиб келмоқда.

Барқарорлик, тинчлик, миллий тотувликнинг маданий асосини миллий-маънавий қадриятларимиз, миллий урф-одат ва анъаналарнинг тикланиши, миллий онгимизнинг ўсиши, фуқаролар маънавий камолотининг юксалиб бориши кабилар ташкил этади. Истиқлол туфайли мафкуравий ақидалардан халос бўлиш натижасида ўз мамлакатимиз, ўз халқимиз тарихини чуқурроқ билишга, кўплаб асрлар мобайнида яратиб келинган маънавий

қадриятлардан тұла баҳраманд бўлишга, она тілміз гўзаллиги ва улуғворлигини тушунишга мұяссар бўлдик. «Маънавий камолотнинг юксалиб бориши ҳәётий қадриятларни, ижтимоий тараққиётнинг мазмуни ва мақсадларини ислоҳ қилиш ва янгилашнинг барча жараёнларини баҳолашга янгича ёндошиш имконини берди»¹.

Халқимиз азалдан орзу қилиб келган барқарорлик, тинчлик, тотувлик каби қадриятларга эришган эканмиз, әндиликда бизнинг олдимизда турган долзарб вазифа—ана шу олий ижтимоий-сиёсий қадриятларни қўлдан бермай, авайлаб-асраб, кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб сақлаб қолиш устида доимий изчил равишда бош қотирмоғимиз лозим. Бунга Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсон,—ёшидан, миллатидан қатъи назар, ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Бунинг учун Президентимиз атрофида жипсласиб, халқ билан бамаслаҳат, ҳамнафас, бир танбир жон бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб мустақилликни янад мустаҳкамлашимиз даркор. Шундагина биз ўз мақсадимизга етамиз.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, агар ҳар бир оиласда, меҳнат жамоаларида, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятда осойишталиқ, тинчлик бўлса, мамлакатимизда ҳам барқарорлик, тинчлик, тотувлик бўлади. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталиқ бўлса, бу минтақамиздаги барқарорлик, тинчликка гаров бўлади. Минтақамизда тинчлик бўлса, жаҳон ҳамжамиятида ҳам тинчлик, осойишталиқ, барқарорлик юзага келади.

Яна шуни эслатиб ўтиш жоизки, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлашда меҳнат жамоаларининг, туман, шаҳар, вилоят раҳбарлари катта роль ўйнайди. Донишманд раҳбар атрофидаги инсонларга доимо ғамхўрлик қилиб, иш жойларида яхши муҳит яратиб беради ва шундай йўл билан янги ютуқларни қўлга киритишга мұяссар бўлади. Мансабдор шахслар шуни яхши билишлари керакки, улар эгаллаб турган лавозим, мансаб ҳалққа хизмат қилиш учун, уларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириб, ҳозирги мураккаб вақтда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун берилган.

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик — мустақилликнинг туфайли қўлга киритилган энг катта ютуғимиздир. Шун-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш йўлида, 265-бет:

дай экан, бугунги кунда үларни қадрлаш, авайлаб-асраш, ҳимоя қилиш барчамизнинг энг долзарб, энг олижаноб вазифамиз бўлиб қолмоғи керак.

«Бизнинг анъанавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимишининг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир»,¹—дейди И. А. Каримов:

2. ТАБИЙ, МОДДИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ҚЎШИШДАГИ АҲАМИЯТИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ— ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА КИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маълумки, жаҳон хўжалигига киришда бозор иқтиносидиётини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, ҳозирги вақтда бозор иқтиносидиёти талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган давлатлараро иқтисадий муносабатларни йўлга қўйиш катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейин илфор давлатларнинг тажрибасини, шунингдек, республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини, халқимизнинг ақл-заковати, урф одат, анъаналари, турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда миллатимизга хос иқтисадий ислоҳотлар йўли белгилаб олинди.

«Биз танлаб олган йўл,— дейди И. Каримов,— ижтимоий йўналтирилган бозор иқтиносидиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносабиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятининг ривожланишини, маънавий, ахлоқий қадриятларининг қайта тикланишини таъминлайди»².

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, 151-бет.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисадий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Т., 1995, 9-бет.

Ушбу йўлни амалга оширишда Президентимиз И. Каримов асарларида атрофлича илмий ишлаб чиқилган бешта муҳим ва машҳур тамойил асос қилиб олиниди. Давлат 1) иқтисодиётни мафкурадан батамом ҳоли қилиш; 2) мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур; 3) бутун янгиланиш ва тараққиёт жарабёни қонунларга асосланмоғи зарур; 4) фуқароларни ҳимоялашга қаратилган кучли чоратадбирларни амалга ошириш; 5) бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Шуни фурур билан қайд этишимиз жоизки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотлар концепцияси изчил равишда ҳаётга татбиқ этилиши мажиҳасида Ўзбекистон учун иқтисодий ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди. Республикализмин жаҳон миқёсидаги нуфузи кундан-кунга ошиб бормоқда.

Жамиятимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, мамлакатимиз унинг жуда катта табиий бойликлари, ноёб миллий-маданий мероси ва сиёсий барқарорлик дунёning барча минтақаларидаги давлат арбобларини, ишбилармонларни ўлкамизга тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Жамиятимизни тубдан янгилашга қаратилган ислоҳотлар концепцияси миллый манфаатларимиздан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта, илмий ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам республикализда ўтказилаётган ислоҳотлар турли давлат раҳбарлари, сиёsatшунослари томонидан юксак баҳоланмоқда. Мана бир мисол: Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ фавқулодда ва муҳтор элчиси Укэру Магасаки «Шукан пост» журналининг 1995 йил 2 июнь сонидә мазкур журналинг мухбири Такемура билан сұхбатида шундай дейди: «Агар ҳозир жаҳондаги Президент ёки Баш Вазир лавозимидағи раҳбарлар ўртасида уларнинг иқтисодий сиёsat юргазиши иқтидори бўйича мусобақа уюштирилса, Президент И. Каримов энг юқори ўринлардан бирини эгаллаган бўларди, дейман. Жаноб Каримов ўз мамлакати иқтисодиётини ипидан игнасигача пухта биладиган жаҳондаги энг билимдон раҳбарлардан биридир»¹.

Дарҳақиқат И. Каримов ҳаётнинг барча аччиқ-чу-

¹ «Халқ сўзи», 1995, 22 июнь

чугуни бошидан кечирган, буюк давлат арбоби ва сиёсатчи. Шунингдек, у Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, ҳозирги даврдаги энг обрўли иқтисодчи олим. Унинг асарларида баён этилган таклиф-мулоҳазаларнинг барчаси иқтисод фанининг тараққиётидаги катта илмий янгиликдир.

Бизнинг ҳозирги бурчимиз—И. Каримов асарларидағи янгича ғояларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, халқ ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш. Чунки, ҳар қандай янги ғоя омманинг онгига сингса, ҳаётда чуқур илдиз отсагина, реал воқеликка, катта ижтимоий кучга айланади.

Жамиятимизда амалга оширилаётган изчил туб иқтисодий ўзгаришлар биз танлаб олган йўлимининг түғри эканлигидан далолат беради. Республикамиз бозор муносабатларини қарор топтирган ҳолда иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил қадам ташламоқда.

Ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизда кўзга кўринарли ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айни кунда дастлабки йилларда юзага келган ишлаб чиқариш суръатлари пасайишининг олдини олиш билан бир қаторда, айрим соҳаларда ўсиш, юксалиш бошланди. 1995 йилда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари — нефть ва газ саноати, электр энергияси, машинасозлик ва кимё саноати корхоналари анча барқарор ишлади. Металлургия саноатида, қишлоқ хўжалиги саноати комплексида, енгил ва мебель саноатида ва бошқа бир неча тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ижобий силжишлар кўзга ташланди. 1995 йилда нефть ва газ конденсатларини қазиб олиш қарийб 1,5 баробар ортди. Минерал ўғитлар, тракторлар, газламалар ва бошқа бир қатор буюмлар ишлаб чиқаришда ҳам сезиларли даражада ўсишга эришдик. Қишлоқ хўжалиги, айниқса ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида ҳам катта қадам ташланди. Экин майдонларининг таркибий тузилиши ўзгартирилиб ғалла майдонларининг улуши 40 фоизга етказилди. Бу эса 1995 йили 3,3 миллион тонна ғалла тайёрлаш имкониятини очиб берди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. 1995 йили республикамизда 32 минг кичик корхона мавжуд бўлиб, улар халқ хўжали-

гининг 22 соҳасида фаолият кўрсатди. Давлат тасаррӯ-
фига кирмайдиган секторнинг иқтисодиётдаги улуси
кескин ошиб бораётир. **Мазкур имкониятларимиздан**
самарали фойдаланиш, устувор саноат тармоқларини
ривожлантириш асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон табиий ресурсларга ниҳоят даражада бой,
нисбатан юқори иқтисодий ва ишлаб чиқариш-техника
қудратига эга. Жумҳурият корхоналарида, илмий ҳамда
илмий-ишлаб чиқариш, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа
ташкилотларда асосан юқори малакали, билимдон мут-
тахассислар меҳнат қиласиди.

Мана шундай қудратга эга бўлган меҳнаткаш хал-
қимиз ўтмишда анча ночор кун кечириб келди. Бунинг
сабаби шундаки, республика иқтисодиёти сабиқ СССР
ягона иқтисодий тармоғининг ажралмас қисми деб ҳи-
собланиб фақат хом ашё етказиб берадиган ўлкага
айланиб қолган эди. Халқимиз эҳтиёжларини қондириш
учун зарур бўлган истеъмол моллари бошқа республи-
калардан келтириб берилади. Натижада республикамиз
Марказга тўлиқ қарам бўлиб қолган эди.

Ҳаёт шуни кўрсатдики, фақат хом ашё етиширувчи
ва сотувчининг косаси оқармайди, у сурункали ночорлик-
ка гирифтор бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, рес-
публикамиз ўзининг барча имкониятлари ва резервла-
рини тўғри ҳисобга олиб чиқиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий
ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини
берувчи тузилmani вужудга келтиришни, ўзимизнинг
мустақил иқтисодий системамизни яратишни асосий
мақсад қилиб қўйди.

Эндиликда табиий қадриятларимиздан аёвсиз фой-
даланишга, атроф-муҳитга зиён етказилишига йўл қўй-
маслик, Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама—
хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика
ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобла-
нади.

«Халқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини бар-
тараф этиш,— дейди И. Қаримов,— республикамиз иқ-
тисодиётининг барқарор ва жўшқин ривожланишини
таъминлаш имконини беради, иш билан таъминланма-
ган ишли кучларини ишлаб чиқаришга жалб этишга,
кадрларнинг касбкорлик саводини оширишга, маҳсулот-
ларни келтириш ва четга чиқаришни мутаносибласти-
ришга кўмаклашади, энг асосийси—Ўзбекистоннинг

мустақиллиги, унинг халқи турмуш даражасининг ўсиши учун ишончли кафолатлар яратади»¹.

Мазкур сиёсатни амалга ошириш ниятида ҳозирги кунда ҳукуматимиз республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, импорт ҳажмларини камайтириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга қаратилган сиёсатни мунтазам равишда амалга оширмоқда. Эндиликда биз хориждан келадиган сармояларга қарам бўлиб ўтирмасдан ўзички имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётни ривожлантиришимиз даркор.

Шунингдек, ҳозир ўстуворлик тармоқларини, яъни нефть ва газ саноати, электрэнергетика, машинасозлик, ва кимё саноатини тезкорлик билан ривожлантирилиб, тармоқлар ва минтақалараро номутаносиблигни қисқартиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Табиий, моддий қадриятларимиздан унумли фойдаланишда мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш катта аҳамият касб этади. Шуни эътиборга олган ҳолда республикамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, уни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда мулк эгаси ҳисснётини тарбиялашга қаратилган ишлар ривож топмоқда. Бунда ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қўл келаётир. «Хусусий тадбиркорлик ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Бизнес фонд» амалий алоқалар маркази, «Мадад» сұғурта жамиятининг тузилиши кичик тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш катта аҳамият касб этади. Бунда иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий-структуравий ўзгаришлар қўл келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тарақкий қилдириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бу соҳада ҳам кейинги вақтда анча ижобий ўзга-

¹ Ислом Қаримов. Ўзбекистон миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993, 73-бет.

ришлар содир бўлмоқда. Биринчидан, ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча ишчи кучларини бошқа соҳаларга жалб этишга ҳаракат қилаётган бўлса, иккинчидан, қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш ва кенг жорий этиш, кичик ва ўртача корхоналарни қуриш, янги иш жойларини яратиш ишлари авж олиб бормоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш тармогини кенг ривожлантириш, кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш— иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўtkазишининг асосий гарови бўлиб турибди.

Шунингдек, «буғунги кунда макроиқтисодиётни барқарорлаштириш билан бир қаторда миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг жорий ва тўла алмашадиган бўлишига эришиш... бизнинг асосий вазифамиздир»¹. Бу борада, биринчидан, аҳолининг эҳтиёжларини қондиралигиган ва хориждан келтирилаётган моллар билан ракобат қила оладиган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришимиз керак бўлса, иккинчидан, экспорт қилинадиган молларни кўпайтириб, валюта заҳираларини тўлдиришга, учинчидан, ёнилғи-энергия манбаларини, кўпгина ускуна ва озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олишни камайтириш, уларни ўзимизда ишлаб чиқаришини таъминлашга асосий эътибор қаратилмори лозим.

Юқорида айтилган ва бошқа қилаётган ишлар иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан янгилаб, унинг самарадорлигини ошириб, халқимиз турмуш тарзини янада юксалтиришга кенг имконият очиб беради. Президентимиз таъкидлаганидек, «Тузилмаларни қайтадан янгиламасдан туриб, ўз иқтисодиётимиз ва ишлаб чиқариш кучларимизга суюнмасдан туриб, биз иқтисодий мустақилликка эрища олмаймиз, меҳнатнинг халқаро тақсимотидаги ўз муносиб ўрнимизга, бинобарин, халқимизнинг муносиб турмуши учун зарур шарт-шароитга эга бўла олмаймиз»².

Шунга ҳам алоҳида эътибор бериш керакки, янги иқтисодий тузилмаларни жорий этишда тижорат банклари тизими, сугурта компаниялари, аудиторлик хизматлари, замонавий коммуникацияларнинг зарур тизимларини жадаллик билан шакллантириш муҳим ўрин ту-

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 22 декабрь.

² Уша жойда.

тади. Мазкур масалаларни ҳал қилишда ҳам давлатимизнинг ўзи бош-қош бўлмоқда.

Республикамида ўтказилаётган ислоҳотлар—бу авваламбор институцион ислоҳотлар, яъни эски, мустабид иқтисодиётнинг қотиб қолган, ғоят марказлаштирилган тизимини янги, эркин бошқарувга кўчириш, рағбатлантириш ва жонлантирувчи тизимга айлантириш пойдевори ҳисобланади. «Шу ўзгаришларни нуфузли ҳалқаро ташкилотлар тайёрлаган маҳсус дастур асосида ўтказиш, замонавий услуг ва компьютерлар тизимини жорий қилиш, ёш, истеъдодли мутахассисларимизни жадал суръатлар билан хорижий мамлакатларда ўқитиб-тарбиялаш диққат-эътиборимиз марказида турмоги керак»¹, дейди Президентимиз.

МИЛЛИЙ ВА МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИШДА ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Минтақавий ва жаҳон иқтисодиётига қўшилишда давлатлараро муносабатларни, жумладан, Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, табиий, моддий қадриятларимизни бирга баҳам кўриш катта аҳамият касб этади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил қилувчи мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш—Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик гоясини қўллаб-қувватлади, унинг ташкилотчилари таркибига кирди, барча қатнашчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон МДҲ-даги шериклари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек, тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш тарафдоридир.

Ана шунга қатъий амал қилиб, Республикамиз ўзимизга ёндош бўлган Марказий Осиё давлатлари билан

¹ «Ҳалқ сўзи», 1995 йил, 24 февраль.

иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш соҳасида кўп ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё республикаларининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа жиҳатлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш. Уларнинг ҳозирги кундаги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик муаммолари кўп жиҳатдан бир хилдир. Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири билан туташиб кетган ва улар бир-бирига ўзининг таъсирини ўтказиб турибди.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳалда, республикамиз Президенти И. Каримовнинг Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев билан 1994 йилнинг 10 январида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзоланганди. Кейинчалик мазкур Шартномани Қирғизистон Президенти А. Акаев ҳам имзолади.

Ҳозирги кунда юқорида кўрсатилган уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисидаги шартнома ҳам ўз самарасини бера бошлади. Алмати шаҳрида мазкур битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларидан иборат Давлатлараро ижроия қўмитаси тузилди. Тошкентда минтақа банк Маркази ўз ишини бошлаб юборди. Уч давлатнинг иқтисодиётида уйғунлаштиришига қаратилган дастурлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда коммуникацияларни қуриш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. Ўзбекистон — Қозоғистон — Қирғизистон иқтисодий ҳамкорлиги қўшма лойиҳаси очиқ ва муитазам равишда аниқ гоялар билан тўлиб бормоқда.

1995 йилнинг декабрида Жамбул учрашуви бўлиб ўтди. Унда интеграция жараёнларининг боришини тартибга соладиган умумий Марказий Осиё органларини — жумладан, Бош вазирлар кенгаши, каби — барпо этиш тўғрисида қатъий келишиб олинди. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон БМТнинг заҳира кучлари сифатида умумий тинчликни сақловчи батальонни тузиш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Жамбул учрашуви Марказий Осиёдаги уч республиканинг давлатлараро муносабатлари ҳамжиҳатлигини янада кучайтирди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мадани-маънавий алоқалар қанчалик чуқур ва тез мустаҳкамланса мазкур мамлакатлар-

да ислоҳотлар шунчалик тез амалга ошади, ҳалқлари-
мизнинг фаровон яшашига кенг имкониятлар очилади.
Марказий Осиё республикалари яхлит энергетика, транс-
порт, ирригация тармоқлари, сув ва газ таъминоти ти-
зимидан биргаликда фойдаланиш имкониятига эга. Шу-
нингдек, улар минерал ҳом ашё ресурсларини ва қишлоқ
хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида мин-
тақавий кооперацияни йўлга қўйишдан, Орол бўйидаги
экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол
денгизини қутқариш каби тадбирларни биргаликда
амалга оширишдан манфаатлидирлар.

Марказий Осиё республикалари беҳисоб табиий бой-
лика эга. Биз бу бойликни биргаликда ўзлаштириши-
миз, иқтисодий, маънавий ва йонсоний салоҳиятларимиз-
ни янаям жипслаштириш йўлидан боришимиз мақсадга
мувофиқдир. «Энг аввало, иқтисодий мустақиллигимиз
ни таъминлайдиган саноатнинг бутун негизини ривож-
лантириш, бой ҳом ашё, моддий ресурсларимиз асосида
тайёр маҳсулот олишга қаратилган юксак технологик
лойиҳаларни, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳот-
ларни амалга ошириш — мамлакатларимиз олдида тур-
ган муҳим вазифадир»¹.

Марказий Ўрта Осиё мустақил давлатларининг са-
марали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар, аввало
мусулмон Шарқи мамлакатлари — Туркия, Эрон, Поки-
стон, Саудия Арабистони ва бошқалар билан ўзаро
муносабатларини чуқурлаштиришга қулай замин яра-
тилмоқда.

Ашгабат учрашувида Марказий Осиё республикалари
билан Эрон, Покистон, Туркия давлатлари Трансосиё
темир йўл магистралини биргаликда қуриш тўғрисида
аҳдлашиб олдилар. Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбе-
кистоннинг жаҳон океанига, ҳалқаро савдо марказлари-
га чиқиши йўлини очади, ташқи иқтисодий фаолият йў-
налишларини танлашда ҳаракат эркинлигини анча оши-
ради.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги дои-
расида Россия, Украина, Беларусь, Молдова ва бошқа
мамлакатлар билан, жумладан Болтиқбўйи республи-
калари билан икки томонлама ташқи сиёсий, савдо-
иқтисодий, фан ва техника соҳаларига оид шартнома-

¹ Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., 1997, 33-бет.

лар ва битимларни имзолади ва уларни изчил равиша бажариб келмоқда.

МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги қўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

Ўзбекистон МДҲдаги давлатлар, аввало Россия билан ўзаро манфаатли сиёсатни изчил амалга оширмоқда. Бунга 1995 йилнинг июль ойида Президентимиз И. Каримов билан В. С. Черномирдин томонидан имзолangan ҳужжатлар яққол далил бўла олади. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг тузиљганлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қиласи, ҳар иккала мўстақил давлат халқларининг туб манфаатларига мос келади.

ЖАҲОН ҲУЖАЛИГИГА ҚЎШИЛИШДА ТАБИИЙ МОДДИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ ВОСИТАЧИЛИК РОЛИ

Жаҳон ҳамжамиятига қўшилишда миллий ва умуминсоний қадриятларимизни бир-бирига яқинлаштиришда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш катта ўрин тутади. Президентимиз таъкидлаганидек, «биз турли мамлакатлар иқтисодиётини ўзига хос тараққиётини катта диққат-эътибор билан ўрганамиз, жаҳон амалиёти ва жаҳон тараққиётида тўпланган энг яхши тажрибаларни ўзимизда қўлланишни ор билмаймиз, аксинча, бундай йўналишни ҳар жиҳатдан рағбатлантирамиз».

Шу маънода, ўзимиз танлаган йўлнинг энг аввалдаёқ АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция каби иқтисодий жиҳатдан ривож топган мамлакатлар тажрибасига мурожаат этганимиз, бошқа давлатлар тажрибасини ҳам ўзлаштирганимиз бежиз эмас.

Айни шу мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, биз давлатчилигимиз қаддини тиклаш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш имконини берадиган йўлни топдик»¹.

Биз бундан кейин ҳам хорижий мамлакатларда давлатчилик, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида рўй берা-

¹ Ислом Каримов. «Халқ сўзи», 1995 йил 4 октябрь.

ётган янги ижобий ўзгаришларни құнт билан ўрганамиз ва бундан ўзимизга керакли хulosалар чиқарамиз.

Жумхуриятимизда янги муассасаларни барпо этиш борасида хорижий сармояларни жалб этиш учун зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек хорижий сармоялар учун имтиёзли солиқ жорий этилган.

Узбекистон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Йиндонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам шундай битимлар тузишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Узбекистон ҳукумати Қанада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Швецариянинг банклари ва фирмалар билан 1,5 миллиард АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимларга амал қилмоқда.

1994 йил мобайнида республикага 640 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион доллар аниқ объектларни кредитлашга расмийлаштирилди. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хотразм вилоятида шакар заводи қурила бошлади. Американинг «Ньюмонт Майнинг» компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган қўшма корхона иншоотлари фаолият кўрсатмоқда.

Хорижий ҳамкорлик иштироки билан республика мизда «Ўздэуавто» ва «Ўздэуэлектроникс» (Корея Республикаси), «Ўзиталмотор» (Италия), «ЎзБАТ» (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари, Хоразм ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (Германиянинг «Мерседес Бенц» фирмаси билан биргаликда), тўқимачилик корхоналари ва бошқа қўшма ишлаб чиқариш иншоотларини барпо этишга оид лойиҳалар амалга оширила бошлади. Германия ва Корея Республикалари нинг фирмалари иштирокида республиканинг телефон тармоғини замонавий усулда янгилашга киришилди.

Юқорида айтилган ишларнинг ҳаммаси жумхуриятимизда очиқ иқтисодиётни вужудга келтириб, жаҳон иқтисодий ҳамкорлигига қўшилишда катта аҳамият касб этиши шак-шубҳасизdir.

«Биз белгилаб олган ва ўтказаётган ислоҳотлар йўли етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, жаҳон жамоатчилиги, жаҳондаги иқтисодий ривожланган энг йирик мамлакатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу танлаган йўлимиз тўғрилигига, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделини амалга оширишимиздаги муваффақиятга ишонч уйғотмоқда»¹.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи сиёсатни ўз манфаатларини кўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга амал қилиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама **халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятига қатнашмоқда**. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, (ХВФ) Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иктисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади.

Ўз навбатида кўпгина халқаро ташкилотлар — БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиши ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикамиизда ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Масалан, Халқаро Валюта Фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам ўзгаришлар дастури ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдорида дастлабки маблағ ажратилди.

Шунингдек, Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонга миллий валютамизни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгарти-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида, 266-бет.

риш ва корхоналар даражасида ислоҳотларни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келган нодавлат тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш учун 160 миллион АҚШ доллари миқдорида тикланиш қарзи бериш тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

ХВФ Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қанча лойиҳалар, шунингдек иқтисодиётнинг энг манфатли соҳаларидағи лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти тизимиға қўшилишига иқтисодий замин яратмоқда.

Жумҳурятимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун жамиятимизда мақбул ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий капитал иштирокида автомобил, рангли металлар, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар бунёд қилинмоқда, коммуникация ва алоқа тизимлари қайта қўрилмоқда, янгидан барпо этилмоқда. «Бу маблағлар иқтисодиётимиз тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳамда республикамизнинг келажагини юксак баҳолаган хорижий сармоялар ва сармоя ажратадиган давлатлар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётимизга ҳар йили тахминан бир ярим миллиард доллардан ортиқ сармоя сарфлаш истагини билдиришмоқда.

Бизнинг вазифамиз — иқтисодиётимизга қўшилган ҳар бир сўм ёки доллар сезиларли даражада рақобатга бардошли маҳсулот ва моддий неъматга айланишига эришишдан иборат»¹.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ТСББ) да кузатувчи мақомини олди. Ҳозир унга аъзо бўлиб қўшилиш тўғрисида иш олиб борилмоқда. Агар бу масала ҳам ижобий ҳал қилинса, республикамиз мазкур битимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлмиш 111 та мамлакат билан савдо-

¹ И. Каримов: Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. «Халқ сўзи», 1995 йил 4 октябрь.

сотиқ қилиш имкониятларига эга бўлади. Бу ҳам бўлса Ўзбекистонни Жаҳон иқтисодиётига қўшишга катта имкониятлар очиб беради.

Халқаро Иқтисодий ташкилотлар ва қарз берувчи 21 та мамлакат томонидан Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993—1994 йилларнинг ўзида салкам 74 миллион АҚШ долларига teng бўлди.

Ташқи алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилиш, бошқариш тизимини ўзгартириш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий негизларини барпо қилиш соҳаларида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Натижада 1994 йилда хорижий мамлакатларга 1 миллиардан ортиқ АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Уларнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея, Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга юборилмоқда.

Республикамизда хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 1450 тадан ошди, нуқул хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда дунёнинг 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларининг 116 та ваколатхонаси ишлаб турибди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки дунёнинг 80 та йирик банкида вакиллик ҳисобини очган.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон очиқ иқтисодиётини вужудга келтириш соҳасида қилаётган ишларнинг самрасидир. Ўз навбатида мазкур хатти-ҳаракатлар республикамиз табиий, моддий қадриятларидан самарали фойдаланиб жаҳон иқтисодиётига киришга қулай имкониятларни вужудга келтирмоқда.

Жаҳон иқтисодиётига қўшилишда айниқса 1996 йили содир бўлган воқеалар катта аҳамиятга моликдир. Бу борада биринчи навбатда «Ипак йўли»нинг тикланишида катта роль ўйновчи Машҳад — Сарахс—Тажан темир йўлининг очилишини эътиборга олмоғимиз лозим. Маълумки, 1991 йили декабрида Марказий Осиё давлатларининг Ашғабат учрашувида Тажан—Сарахс темир йўлини биргаликда қуриш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ана шу қарор асосида ўзбекистонлик йўлсозлар ҳам бу муҳим қурилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. 1996 йили майида мазкур темир йўл ишга тушди. Туркманистон ва Эрон темир йўли

(узунлиги 300 км,) Сарахс шаҳрида бир бири билан туташди. МДҲ мамлакатлари, Марказий Осиё республикалари темир йўл воситасида Форс кўрфази билан боғландилар. Айни пайтда Транс Осиё—Пекин—Стамбул йўналиши пайдо бўлди. У Урумчи, Дўстлик, Алмати, Тошкент, Чоржуй, Сарахс, Машҳад ва Техрон шаҳарларидан ўтади.

Янги йўлнинг очилиши энг аввало Марказий Осиё республикалари учун муҳим аҳамиятга эга. Бу мамлакатларда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар бозор муносабатларининг шаклланиши кенг савдо алоқаларини тақозо этади. Дастребки пайтда йилига бир миллион тонна юкни ўтказадиган халқаро Сарахс станцияси кейинчалик 5 миллион тонна юкни жўнатиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек Машҳад—Сарахс—Тажан йўлининг очилиши тантаналари бўлиб ўтган учрашувларда Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасида темир йўл фаолиятини мувофиқлаштириш ҳақида шартнома ҳамда транзит юк ташишни тартибга солиш соҳасида ҳамкорлик бўйича битим имзоланди. Эндиликда Ўзбекистон Қора дengиз портлари орқали хорижий савдо миқёсини янада кенгайтириш имкониятига эга бўлмоқда.

1996 йил 14 май куни Ашғабат шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқларининг IV-чи учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, ЭКО, Туркия, Эрон ва Покистон томонидан 1985 йилда таъсис этилган. Ундан мақсад миңтаقا давлатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий алоқалар соҳасидаги қийинчиликларни бартараф этиш, биринчи навбатда, йўллар барпо этиш эди. 1992 йилда бу ташкилотга бошқа Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам аъзо бўлди.

ЭКО 1995 йилда миңтаقا давлатлари транспорт алоқасини ривожлантириш ўн йиллигини эълон қилган эди. Ана шу режа асосида ЭКО аъзо мамлакатларни бир-бири билан боғлайдиган ўнлаб йўллар лойиҳалаштирилмоқда. Ўзбекистон бу лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Натижада Ўзбекистон Афғонистон ва Покистон ҳудудидан ўтадиган яқин йўл орқали очиқ дengизга чиқиш ва савдо-сотиқ қилиш имкониятига эга бўлди.

1996 йилнинг июнф ойида Латвия Республикаси би-

лан имзоланган битимга биноан Ўзбекистон ўз юклари ни Болтиқ денгизи орқали Европа мамлакатларига чиқариш имкониятларини қўлга киритди. Президентимизнинг Грузия, Озарбайжон, Руминияга қилган ташрифи жараёнида имзоланган ҳужжатлар ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасизdir.

1996 йилнинг 20—23 июнида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Италияга ташриф буюриб, Европа билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекди.

Европа ҳамжамияти комиссияси Президенти Жак Сантен мазкур битимни имзолаш маросимида сўзлаган нутқида, битим Марказий Осиёда муҳим барқарорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатларнинг янги миқёсларини белгилаб бериши, сиёсий мулоқатлар, ҳар томонлама фикр алмашишларни фаоллаштиришга имкон яратиши, бугунги кунда анча паст даражада турган савдони ривожлантириш ва сармоя ҳажмини ошириш учун мақбул ҳуқуқий асосни барпо этиши хусусида тўхталиб, таъкидлаган эдикি, «битим иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги алоқаларимизни ривожлантиришга кўмаклашадиган ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очиб беради. Бу биз учун ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва унинг турли-туман шаклларини тошиш борасида биргаликда амалга оширадиган ишларимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади»¹.

И. Каримов мазкур битимни юксак баҳолаб, шундай деди: «Мен ҳамкорлигимиз Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар очиб беришга қодир эканига тўла аминман. Ҳамкорлигимизнинг мақсади битта—Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатdir»².

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига, унинг иқтисодий хўжаликларига қўшилишида Президентимиз И. Каримовнинг 1996 йил 23—28 июнида АҚШга қилган амалий ташрифи, АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви, АҚШнинг ишбилармонлари, компания

¹ «Халқ сўзи», 1996 йил, 2 июль.

² Уша жойда.

ва фирмалари билан тузган шартномалар катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 200 га яқин АҚШ компания ва фирмалари фаолият кўрсатаяпти. Улар орасида «Каргил интерпрайзес», «Интерконсептс», «Байтмал инжинеринг», «Аиг трайдинг групп», «ФМС корпорейшн», «Жи-Эй-Ви», «Проктр энд гембл», «Агротек», «Ньюмонт майнинг» каби фирма ва компаниялар бор.

Ташриф чоғида АҚШ ишбилармонлари билан бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, ОПИК, «Ирон ойл энд газ компани» ўртасида Бухоро вилоятида газ конларини ўзлаштириш бўйича суғурта кафолатлари ҳақида имзоланган протокол Америка хусусий сармояларни қўллаб-куватлаш корпорациясининг бу мақсадлар учун 400 миллион доллар ажратишини кўзда тутади.

«Ўзбекнефтгаз», ОПИК ва «Тексако» компанияси ўртасида имзоланган ҳужжат эса Фарғонада мойлаш материаллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш, уни суғурталаш хусусидадир.

АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги (АСТА) директори Жозеф Грандмейсон Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида биргаликда авиатехника ишлаб чиқариш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш учун 1 миллион доллар грант бегараз маблағ ажратиш ҳақидаги ҳужжатга ҳамда АСТА билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида ўзаро фойдали сармоя имкониятлари ҳақидаги англашмалар меморандумига имзо чекди.

Шунингдек, «Кейс» компанияси билан Ўзбекистон банклари ассоцияси ўртасида «Ўзкейсагролизинг» қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига лизинг хизмати кўрсатиш бўйича қўшма корхона тузиш ҳақидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки билан «Банк оғ Америка» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳам имзоланди.

Тенинси штати губернатори билан учрашув чоғида Ўзбекистон, Америка техника институти ва жанубий штатлар энергетика кенгashi ўртасида англашмалар протоколи имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон давлат автомобилларини сиқилган газда ишлашга мослаштирадиган «Газмоторс» қўшма корхонасини, мамлакатимиз ҳудудида 400 га яқин газ қўйиш станциялари тар-

МОРИНИ яратадиган «Газкомпрессор» қўшма корхонасини тузишни кўзда тутади. Мана шу икки лойиҳа бўйича Ўзбекистон иқтисодиётига 102 миллион доллар сармоя киритилиши режалаштирилган. Бу ўз навбатида мамлакатимизда энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга, атроф-муҳит тозалигини таъминлашга имкон яратади.

Хьюстонлик ишбилармонлар билан «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона таъсис этиш ҳақидаги шартнома, шунингдек «Ўзбекнефтгаз» билан «Инрон ойл энд газ» корпорацияси ўртасида газ конларини қидириб топиш ва қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузиш шартлари ҳақидаги шартнома имзоланди.

Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан «Ньюмонт майнинг» корпорацияси ўртасида мамлакатимиз шарқида олтин конларини қидириш ва тадқиқ этиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси «Ньюмонт майнинг» корпорацияси ва «Мицуи» корпорацияси ўртасида «Қизилолмасой» ва «Кўчбулоқ» конларини биргалиқда қазиб тўғрисидаги битим имзоланди.

Шуни ғуур билан айтиш мумкинки, жумҳуриятимизда (изчил равишда) ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда эришилган дастлабки муваффақиятлар мамлакатимиз билан жаҳондаги турли давлатлар, жумладан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида айтилганлардан яққол кўриниб турибдики, давлатимизнинг бой табиий, иқтисодий қадриятлари жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг муҳим воситасидир. Табиий бойликларимизни авайлаб асрар, улардан оқилона фойдаланиш — миллий истиқболимиз ва истиқболимизнинг иқтисодий асосини ташкил этади.

ИҚТИСОДИЁТ ВА СИЁСАТНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим хусусияти иқтисодиётнинг мафкурадан батомом холи равишда ривожланишидир. «Иқтисодиёт,— деб ёзади И. Каримов, — сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Айнан иқтисо-

диёт, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги сиёсатимизнинг асосий мазмунидир»¹.

Мазкур тамойил иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг назарий асоси сифатида бежиз эътироф қилинганийўқ. Маълумки, эски маъмурий-буйруқбозлик тузуми ҳукмронлик қилиб турган вақтларда, КПСС мафкурасининг бевосита таъсири остида жамиятимизда «сиёсат иқтисодиётга нисбатан устивор роль ўйнайди, чунки унинг мавжудлиги, ривожланишини истиқболи сиёсий ҳокимият томонидан белгиланади», деган сохта фоя кенг илдиз отиб келган эди. Натижада жамиятда вужудга келган барча иқтисодий муаммолар, уларнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, КПСС МҚнинг Сиёсий бюроси, съезд ва пленумлар томонидан берилган кўрсатмаларга мувофиқ ҳал қилинарди. Иқтисодий тараққиётнинг объектив қонунларини назар-писанд қилмасдан, фақатгина сиёсий эҳтиёжлар, қизиқишилардан келиб чиқиб қабул қилинган КПСС ҳужжатларига мувофиқ халқимиз миллий даромадининг салмоқли қисми чет эллардаги сиёсий партиялар, миллий ҳаракатлар, социалистик мамлакатларга байналмилал ёрдам сифатида ажратилиб бериларди. Натижада қанчадан-қанча маблағларимиз шамолдек кўкка учиб кетарди.

Ички сиёсат юритишида ҳам мана шундай аҳвол кўзга ташланарди. Ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши, уларнинг ривожланиши, хом ашёлар билан таъминланиши, ишлаб чиқилган маҳсулотларни қаерда, ким ва қанча истеъмол қилиши, уларнинг нарх-наволари ҳам сиёсий кўрсатмалар асосида қатъий равища белгилаб қўйиларди. Хўжалик ишларини мана шундай усулда олиб бориш иқтисодий жиҳатдан фойдалими ёки зарарлими—буниг сиёсат юритувчи раҳбарлар учун аҳамиятий йўқ эди.

Иқтисодиёт қонунлари билан ҳисоблашмай юргизилган сиёсат оқибатида ижтимоий зиддиятларни кескинлаштириб жамиятда иқтисодий ва сиёсий инқироз вужудга келди.

Мана шундай аҳвол собиқ СССРнинг барча республикаларида содир бўлганидек, бизнинг жумҳуриятимизни ҳам четлаб ўтмади. Жамиятимиз иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб, республикамиз асосан хом ашё

¹ И. Қаримов, Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. «Халқ сўзи», 1995 йил 4 октябрь.

етказиб берадиган ўлкага айланиб қолгани ҳаммамизга маълум. Энг ачинарлиси шундаки, заҳматкаш халқимизнинг меҳнат ва кўп мاشаққатлар билан етиширилган хом ашёлари Россия ва бошқа республикаларга арzon нарх билан олиб кетиларди, у ерда қайта ишлов берилиб тайёр истеъмол моллари ишлаб чиқиларди ва уларнинг муайян қисми қиммат баҳода республикамизга сотиларди. Бунга пахта хом ашёсидан Россия, Болтиқбўйи республикаларида қайта ишлаб чиқилган кийим-кечак, пахта ёғи, шрот ва бошқа истеъмол моллари мисол бўла олади.

Худди шунингдек, қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари, жумладан, полиз ва сабзавот, узум, мевалар ҳам арzon нархда марказнинг кўрсатмаси билан Москва, Сибирь ва бошқа жойларга олиб кетиларди. Маҳаллий аҳолининг мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари эса Венгрия, Болгария ва бошқа чет мамлакатлардан олиб келинган консервалар, вино, мева ҳисобидан қондириларди.

Республикада чиқариладиган газ, қимматбаҳо қазилмалар, уран рудалари ҳам Россияга хом ашё тарзида олиб кетиларди. Ўз навбатида республикамизнинг иссиқлик энергияси, ёқилғи ва бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёжлари Сибирь ва бошқа жойлардан қиммат баҳода келтирилган кўмир ҳисобидан таъминланарди. Республикализ хом ашёси талон-торож қилиниб, ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ҳисобидан олинган соф даромад бошқаларнинг хамёнига тушарди.

Мазкур истеъмол молларини республикамизнинг ўзида ишлаб чиқса бўларди, бунга барча имкониятлар мавжуд эди. Зоро, жумҳуриятимиз бой хом ашёга эга, малакали ва заҳматкаш ишчиларимиз бор. Нега шундай қилинмади? Гап шундаки, марказдаги сиёsatчиларни Ўзбекистон халқининг фаровон яшashi қизиқтирмас эди, улар жамиятимиз иқтисодиётини ўз қўлида жиловлаб, ўлкамизнинг бойлигидан истаганча фойдаланиб, халқимизни батамом марказга қарам қилиб қўйишдан манфатдор эди. Бунга ҳукмрон сиёсий тузум ва сиёsatчилар астойдия хизмат қилиб келишиди.

Истиқолол шарофати билан бундай адолатсизликка чек қўйилди. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятимиз бундан бўён сиёsat ва сиёsatчиларнинг иқтисодиётга қўпол равишда аралашишига йўл қўймайди. «Ички иқтисодий стратегия, — дейди И. Каримов, — ҳар

қандай сиёсий мафкура таъсиридан бутунлай холи бўлиши керак. Утган йиллар иқтисодиёти ўта сиёсийлаштириб юборилган эди. Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнкуравий манфаатларнинг устун келиши собиқ Йттироқ халқ хўжалигини парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатдан қолоқлигига олиб келди. **Иқтисодиёт фақат унга хос бўлган ички қонуниятлар асосида ривожланмоғи даркор.** Бизнинг вазифамиз уларни яхши тушуниб этишдан ва ўз халқимиз манфаатлари йўлида моҳирона қўллашдан иборатдир¹.

Нафақат сиёсат, балки давлатнинг ҳам хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш — бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг хусусиятидир. Буни биз қанча тез англаб етсак, ислоҳотлар шунча тез амалга ошади.

Замонавий иқтисодиёт ишларини юритиш буйруқбозлик билан ўз ҳукмини ўтказиш, тазиқ қилиш каби усулларга тамомила зиддир. Иқтисодиёт ўз ички қонуниятларига эга, ана шу қонуниятларни чуқур билиб олиб, ўз хатти-ҳаракатларимизни шуларга мос равишда қилсаккина олдимизга қўйган мақсадларга эришишимиз мумкин. Акс ҳолда иқтисодиёт соҳасида ижобий ўзгаришларнинг юзага келиши амри маҳолдир.

Бозор иқтисодиётига хос қонуниятларни ўрганишда иқтисодий ўқувни таъсис этиш, маркетинг, аудит, банк, молия ишларини юритиш муаммоларига бағишлиланган ҳар хил семинарлар, симпозиум, кенгашлар ўтказиш мувофиқдир. Кейинги йилларда мана шу масалаларга республикамиз раҳбарияти катта аҳамият беряпти. Ривожланган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда мазкур йўналиш бўйича турли хил ишлар қилиниб, мулк эгаларининг иқтисодий савиялари кундан кунга ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизнинг юксалишига ижобий ҳисса қўшмоқда.

Иқтисодиёт билан сиёсатнинг алоқадорлиги устида гап кетганда шуни эсдан чиқармаслик керакки, сиёсат кўпқиррали тушунча бўлиб, у иқтисодиёт билан бевосита ва билвосита боғланган бўлади. Иқтисодиёт билан бевосита боғланган сиёсатнинг ички мазмуни тўла-тўқис

¹ И. Каримов: Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1993, 63—64-бетлар.

иқтисодиёт талаблари, эҳтиёжлари, қонуниятлари билан белгиланади. Республика мизда шиддат билан рўй берайтган иқтисодий ислоҳотлар, кўп укладли иқтисодиётга ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб уни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга имконият ва имтиёзлар яратиб бериш, кичик технологияни жорий этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифати ҳамда рақобат бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш мақсадида иқтисодиётда таркибий-структуравий ўзгаришларни амалга ошириш, қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий қилдириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, шу билан бир қаторда миллӣ валютани мустаҳкамлаш, унинг жорий тўла алмашадиган бўлишига эришиш, банк, молия, кредит тизимларини таомиллаштириш, уларни жаҳон талаблар даражасига кўтариш, тўловларни тартибга солиш, устувор тармоқларни тезкорлик билан ривожлантириш, импорт ҳажмларини камайтириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш кабилар ҳозирги кунда ҳукуматимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Бундан яқъол кўриниб турибдики, иқтисодиёт сиёсатнинг мазмунини белгилайди ва унга нисбатан устувор туради. Мана шу маънода иқтисодиёт мафкурадан батамом холи бўлиши керак, деган фоянинг ҳозирги кунда кенг илдиз отгани бежиз эмас.

Лекин сиёсат иқтисодиёт билан чегараланиб қолмайди, у давлат, сиёсий партиялар, сиёсий ташкилотларнинг кўпкіррали фаолиятининг мажмуи, йигиндисидан иборат бўлган хатти-ҳаракатдир. Шундай экан, сиёсат иқтисодиётга оид масалалар билан чекланмайди. Масалан, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, миллӣ ва миллатлараро муносабатларни таомиллаштириш, таълим-тарбия масалалари, миллӣ меросимиз, тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, маънавият ва ҳалолийликни тиклаш, ўзбек тилининг давлат тили мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, республика ҳудудида яшовчи барча ҳалқларнинг маданияти ва тилларини ҳурматлаш, ҳурфикрлик, виждан ва дин эркин-

лиги қоидаларини қарор топтириш, ижтимоий адолатни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижоднинг барча турларини ривожлантириш, фуқаролар тинчлиги ва ҳуқуқ тартиботини қарор топтириш кабилар давлатимизнинг ижтимоий, маънавий соҳадаги ички сиёсатини ташкил этади.

Шунингдек, ўзининг миллий давлат манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ҳалқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, ядрорий қурол минтақа бўлиб қолиш, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, биринчи бўлиб ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларга риоя қилиш, республиканинг ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатиш, ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари устуворлигини тан олиш кабилар эса — Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини амалга оширишда асосий негиз қилиб олинган.

Демак, мафкура ва унинг шакли бўлмиш сиёсат жамиятнинг устқурмаси сифатида базис — иқтисодиёт билан ҳам бевосита, ҳам билвосита боғлангандир.

Жамиятимизнинг иқтисодий тараққиётига тегишли муаммолар сиёсат билан бевосита боғлиқ бўлса, унинг бошқа соҳаларига (ижтимоий, маънавий ва ҳоказолар) оид бўлган сиёсат иқтисодиёт билан билвосита боғлиқдир.

Иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш керак деган ғоя, иқтисодиётга бевосита тааллуқли бўлган сиёсатгагина дахллидир. Иқтисодиётдан бошқа соҳаларга тегишли бўлган сиёсат мафкуранинг ифодаси сифатида нисбий мустақилликка эга. Шунинг учун ҳам уни бевосита иқтисодиётга боғлаб тавсифлаш нотўғридир. Акс ҳолда иқтисодий детерменизмга, яъни ижтимоий ҳодисаларнинг асосини бирдан-бир иқтисодиёт ташкил этади, деб жамият тараққиётини бир томонлама тушунтиришга олиб келадиган хатоларга йўл очилиши ҳеч гап эмас.

3. МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ МИНТАҚАВИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР БИЛАН МУШТАРАҚЛИГИ

РАНГ-БАРАНГ МАДАНИЯТИМИЗ — ХАЛҚИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС РУҲИЙ БОЙЛИГИ

Ўзбек халқининг маданияти жуда қадимий бўлиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади. Бу маданият жаҳон маданиятидан четда юзага келган ва ривожланган эмас. Зеро, ҳар қандай халқ маданияти ўз мамлакати доирасида, тор миллий биқиқликда эмас, балки бошқа халқлар маданияти билан алоқада, боғлиқликда, ўзаро таъсир ва акс таъсир этиш асосида ривожланади.

Ўзбек халқи маданияти ҳам фақат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсирида ўсди, ривожланди. Унга хитой, эрон, араб, юон, рус, қадимги дунё ҳамда Рим даври маданияти жаҳондаги бошқа маданиятлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Ўз навбатида, ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар маданиятининг юксалишига, умумжаҳон маданити тараққиётiga фаол таъсир кўрсатди. Маданиятимиз буюк намояндлари Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Ӯлуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг дурдона асарлари жаҳон маданиятининг ажралмас қисми эканлиги бунга мисол бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти ривожланиши бир текисда амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юксак чўққиларга кўтарилиган Уйғониш даври ҳам, аксинча буюк Уйғониш давридан кейин маълум объектив ва субъектив омиллар таъсирида нисбий тушкунлик даврлари ҳам бўлган. Маданий тараққиётдаги нетекисликнинг—баъзан жуда катта тезлик билан беҳад илгарилааб кетишининг, гоҳида эса сустлашиб, секинлашиб, турғунликка учраб қолишнинг асосий сабабини ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий муносабатлар моҳияти ва хусусияти, ички ва ташқи омиллари таъсиридан қидиришга тўғри келади. Инсоният тараққиёти узлуксиз ва бир текис олға боравермайди. Тарихда баъзан турғунлик, эришилган ютуқлардан чекиниш, баъзи соҳаларда депсиниш ҳоллари ҳам бўлиб туради.

Ўзбек халқи жаҳон моддий ва маънавий бойликларини яратиш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган халқларданdir. У ўзининг тафаккур қуввати, қобилияти ва истеъоди билан Марказий Осиё фан ва маданиятининг, адабиёт ва санъатининг, ахлоқий ва фалсафий гояларининг вужудга келиши ва ривожида катта ўрин тутади. Шу билан бирга у тарихнинг ҳақиқий ижодкори сифатида жамиятнинг маданий, маънавий тараққиётига кенг имкониятлар очиб берган.

Эртаклар, ривоятлар ва достонларни ўқир эканмиз, халқда воқеаларни олдиндан кўра билувчи ажойиб тафаккур, қобилият ва истеъодднинг битмас-туғаннамас эканлигини, у ҳеч қачон умидсиз, орзу-ниятсиз яшамаганлигини, ҳар доим келажак томон интилганлигини англаб оламиз. Ҳар қандай эртак ва афсонанинг замирига халқнинг муайян мақсадва ниятлари, жисмоний меҳнатни, енгиллаштириш ва турмуш шароитларини яхшилашга бўлган интилишлари мазмунан сингдирилган бўлади. Ўлар халқ оммасининг талаби ва эҳтиёжлари асосида вужудга келиш билан бир қаторда, ўз навбатида кишиларнинг маънавий, ақлий тараққиётига туртки вазифасини ҳам ўтаган, меҳнатни севишга ўргатган, иш ўнумини оширишга, табиатнинг заарали кучларига таъсир этишда кишиларга ёрдам берган.

Ўзбеклар ўзининг ақлни лол қолдирадиган ажойиб амалий санъати, юксак бадиий дид ва маҳорат билан ишланган ҳунармандчилик буюмлари билан қадим замонлардан ҳозиргacha дунё халқлари ўртасида шоншуҳрат-қозониб келмоқда. Ҳунармандчилик бизнинг халқимиз учун авлод-аждодлардан сақланиб қелаётган мерос, бебаҳо қадриятдир.

Ўзбек халқи амалий санъати, ҳунармандчилиги илдизлари узоқ ўтмишга бориб тулашади.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудидаги Шош, Чагониён, Мароканд, Урганч, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларининг қадимги ўрнида олиб борилган қазув тадқиқотлар отабоболаримиз яратган ҳунармандчиликнинг ўлмас обидаларини кашф этди. Ёзма манбалар қадимий марказий Осиё аҳолисининг конларда ишлаганини, мис ва темирдан турли хил ҳарбий ва меҳнат қуроллари ясаганликларини, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ва бошқа ишлар билан шуғулланганини кўрсатади.

Юнон тарихчиси Геродот «Тарих» асарида Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марфиёна, Парфия давлатларининг

милоддан аввалги VI асрдаги маданияти ҳақида кенг маълумот берган.

Ўрта Осиёга ташриф буюрган XIV аср машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута Хоразм, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари бозорларидағи ҳунармандчилик расталари ўзининг хилма-хиллиги, файзи билан диққатга сазоворлигини алоҳида таъкидлаган.

Халқ даҳосининг маҳсули бўлган ҳунармандчилик ва амалий санъатининг турлари ниҳоятда хилма-хилдир. Уларнинг ҳаммаси халқнинг қундалик турмуш талаб ва эҳтиёжлари асосида юзага келган ва ривожланган.

Аждодларимиз ўтмиш даврлардан бошлаб нақошлиқ, ўймакорликни, тўқувчилик, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, мискарлик, сартарошлиқ, кулолчилик, мусиқа асбобларини ясаш ва бошқа соҳаларда катта маҳорат кўрсатгандир. Фақат ёғочга эмас, шунингдек, мармартошга, металларга ўта нозик ва гўзал нақш солишлари, гилам ва матоларга ранг-баранг гуллар туширишларига қараб, ота-боболаримизнинг маҳоратлари ва дидларига қойил қоламиз.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Наманганд, Қўқон ва Тошкентдаги халқ усталари ганч ўймакорлиги соҳасида катта шон-шуҳратга эга бўлганлар. Бу санъат намуналарини қадимий бинолар, муҳташам саройлар, аркларнинг ички ва ташки безакларида, девор пештоқларидағи ўсимлик ва ҳайвонларнинг тасвирларида, ложувард кошинларда кўриш мумкин. Ўймакор усталар фақат ганчга ўйма нақшлар бериш билан чекланиб қолмай, балки жимжимадор панжаралар ва гўзал нақшин гулдонлар ҳам ясай билганлар.

Заргарлик санъати Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хива ва Бухорода айниқса машҳур бўлган. XX аср бошларида биргина Бухоронинг ўзида 400 га яқин заргар бўлиб, улар асосан Тоқи заргардонда ишлашган ва савдо қилишган. Бухоролик заргарлар қадимги тақинчоқлар, исирға, узук ва билакузук тайёрлашда ранг-баранг товланувчи моддалар: олтин, ёқут, марварид, феруза, ложувард, ҳақиқдан кўпроқ фойдаланганлар.

Ота-боболаримиз томонидан яратилиб, жаҳон узра довруқ таратиб, бизнинг давримизгача етиб келган ўзига хос ва такрорланмас амалий санъатлардан яна бири тўқимачилик ва каштацилиkdir.

Илм-фан ва маданиятнинг қадимий бешикларидан ҳисобланган Бухоронинг зардўзлик санъати бутун жа-

ҳонга машхур бўлган. Матоларни турли-туман рангда қойилмақом қилиб безаш ва гул босишда, зардўзи, каштачиликда, матоларга тилла суви юритилган ипакдан зеб беришда унча-мунча одам Бухоро зардўзларига ва усталарига тенглаша олмаган.

Ўзбекистон гиламчилик соҳасида ҳам анъаналарга бой ўлкадир. Чўғдек қип-қизил гиламлар нақшларининг гулдорлиги, ва фоятда нағислиги билан бир-биридан қолишмайдиган самарқандча ва буҳороча, хевача ва туркманча, эроний, афғоний, уйғурча ва хитойча гиламлар халқ оммаси амалий фаолиятининг маҳсулси сифатида ҳозиргacha ҳам ўзининг шон-шуҳрати ва қимматини сақлаб келмоқда.

Бадиий каштачилик ўзбеклар орасида азалдан кенг тарқалган ва севимли касб-ҳунар ҳисобланган. Ўзбек оилаларида, айниқса хотин-қизлар ўртасида бу касбни билмайдиган, севиб ардоқламайдиган киши топилмаган дейиш мумкин. Ўзбек каштачилари томонидан юксак бадиий дид билан тикилган палак, чойшаб, гулкўрпа, парда, белбоғ ва бошқа ажойиб буюмлар майший турмушимиизни ҳали-замон безаб, гўзаллаштириб келмоқда.

Мусиқа санъати энг қадимий ва шу билан бирга ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган, унинг турмушига чуқур сингиб келган соҳалардан биридир. Мусиқа кишиларнинг ҳис-туйғуларини, фикрларини ва кайфиятларини ўзига хос тарзда ифода этади.

Мусиқанинг таъсир кучи шу қадар каттаки, унинг ёрдамида беморларни даволаш мумкинлигини фан аллақачон исботлаган. Абу Али ибн Сино мусиқанинг таъсир кучига катта аҳамият бериб, айрим руҳий касалликларни куйлар воситаси билан даволаш мумкин, деган фикрни илгари сурган эди.

Айтишларича, буюк файласуф олим Абу Наср Фаробий мусиқа илмида ҳам тенгиз бўлган. У ўзининг асарларида мусиқа назарияси, оҳангларининг турлари, келиб чиқиши сабаблари, кишиларга маънавий-руҳий таъсири ҳақида қимматли фикрлар айтган. Фаробий мусиқа илмида фақат назариётчи бўлиб қолмай, амалиётчи ҳам бўлган. Унинг ўзи таниқли машшоқ, ажойиб созанда ва бастакор, янги мусиқа асбобининг ихтироиси сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

Мусиқанинг ажойиб сеҳрли кучи, мўъжизакор таъсири, инсон маънавий камолотидаги аҳамияти ҳақида фикр юритиб, Фаробий «Илмларнинг келиб чиқиши

тўғрисида» деган машҳур асарида шундай дейди: «Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар хулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган хулқни мукаммал қиласи ва мувозанатда бўлган одамлар хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалиdir, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларининг тартибга солиниши ва ўз субстанциясига мослаштирилиши орқали соғаяди»¹.

Мусиқа санъати кишига юксак туйғулар, завқшавқ, бутун бир foялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жиҳатдан бой, соғ ва баркамол қиласи. Мусиқа туфайли инсон ўзида янги, илгари сезилмаган кучлар топади, ҳаётни ўзгача тус ва бўёқларда кўради. Мусиқа инсонни ҳаётни севишга даъват этади, Ватан келажаги учун курашга ундаиди.

Мусиқа сингари қўшиқ ҳам ўзбек халқи ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Халқ оғзаки ижодининг бу муҳим шаклини келтириб чиқарган, ривожлантирган, такомиллаштирган сабаблар ичida энг биринчиси ва белгиловчиси — меҳнат, инсоннинг амалий фаолиятидир. Кўй ва қўшиқ инсоннинг доимий ҳамроҳи, унинг шодмон ва қайғули онларидаги йўлдошидир.

Ўзбек халқ поэзияси, халқ қўшиқлари унинг ижодкори тарихи билан, меҳнати билан узвий боғлиқдир. Поэзияда ҳам, қўшиқда ҳам халқнинг рӯҳияти, инсон туйғулари, пок севгиси, орзу армонлари билан бирга иҷтимоий аҳволи мужассамлашган бўлади. Шунинг учун халқнинг тарихини унинг поэзия ва қўшиқлари билан, қўшиқларини эса тарихи билан боғлаб тушунтириш мумкин. Халқ оғзаки ижодини, қўшиқларини билмай туриб, меҳнаткаш халқнинг чинакам тарихини, миллий зийнатининг шаклланишини билиш мумкин эмас.

Дунёда қўшиқ айтмайдиган, қўшиқдан завқланмайдиган, рақс ва лапарларни, дилбар кўйларни ёқтирамайдиган биронта ҳам халқ бўлмаса керак. Ўзбеклар ҳам шулар жумласига киради.

Ўзбек халқи азалдан шўх рақслар, мафтункор куй ва сермазмун қўшиқларни жон-дилидан севади. Шод-

¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993, 176-бет.

ликда ҳам, қийинчиликда ҳам унга мурожаат қиласи, ундан завқ-шавқ олади, ором ва таскин топади.

Махмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида қайд қилиб ўтилган меҳнат қўшиқлари, ўроқчи, хирмон қўшиқлари, ов қўшиқлари, қаҳрамонлик, жанг қўшиқлари, мавсум ва маросим қўшиқлари, ишқий қўшиқлар — буларнинг ҳаммаси минг йиллар давомида ҳалқ кўнглидаги ҳасрат ва шодликнинг йўлдоши бўлиб келган.

Ота-боболаримиз тўй-томушаларда, ҳалқ йигинларида, маросимлар, сайллар ва байрамларда ҳалқ шоирлари, бахшиларнинг ширадор овози, дўмбира ва қўбизидан таралган сеҳрли куй оҳанги, қизиқчилар, дорбозлар, қўғирчоқбозлар томошаси, хонанда ва раққосалар санъатидан, ўйин-кулгусидан беҳисоб завқ-шавқ олишган.

Мусиқа ва қўшиқнинг инсон ҳаётида бу қадар кенг ўрин олиши, такомиллашиб, мазмунан бойиб ва чуқурлашиб боришининг сабаблари бор. Чунки қўшиқ инсонни қийинчиликларни енгишга, руҳан тетик бўлишга, дўстларга вафо кўрсатишга, душманларга нисбатан шафқатсизликка ундаиди. Киндик қони тўкилган она-Ватанин севишга, ундан фахрланишга даъват, муҳаббат, фахр-ифтихорнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам маълум даражада унга боғлиқ.

Халқимизнинг қадимий ва бой тарихини, босиб ўтган узоқ тарихий тараққиёт йўлини, ўй-фикрлари, орзу-интилишларини, аждодларнинг бошидан кечирган нонаю-фифони, кўз ёши, қисқаси юрагидаги дарди, ғаму ҳасратини унинг яратган қўшиғи, ижро этган рақси, куй-оҳанги, мусиқасига қараб билиш мумкин. Ана шу маънода қўшиқ ва мусиқа ҳалқнинг ўтмиш ҳаёти, тарихи, унинг характер хусусиятлари, кайфият ва орзу-умидларини билиб олишнинг муҳим соҳасидир.

Ҳалқ амалий санъати, улар яратган ва яратиб келаётган жамики миллий ўзбек буюмлари маданият ва маънавиятнинг битмас-туганмас манбалари бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳалқ амалий санъати миллий қадриятларимизнинг ноёб қисмидир.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҚЎШУВЧИ ВОСИТА

Маданиятнинг барча турлари, урф-одат ва анъана-ларнинг мажмуасидан ташкил топган миллий қадрият жаҳон ҳалқларини бир-бирига яқинлаштиришда, улар-

нинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Маълумки, ҳар бир миллат ва элат, катта-кичиклигидан қатъий назар, ўзига хос миллий маданиятга, маънавиятга эга. Қўп асрлар давомида шаклланиб, мазкур ҳалқнинг руҳий бойлигини, унинг урфодатлари, анъаналарини мужассамлаштирган маънавият айни вақтда умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисмини ташкил этади ва шу тариқа у жаҳондаги барча ҳалқларнинг маънавий бойлиги ҳам бўлиб ҳисобланади. Ўксак миллий маданият, маънавият ҳамма вақт жаҳон ҳалқларини бир-бирига яқинлаштирувчи восита бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда. «Юксак маънавийлик,— дейди И. Каримов,— туб ва муқаррар ўзгаришларнинг, чинакам демократияни қарор топтириш ҳамда бозор иқтисодиётига маърифатли ўйл билан кириб боришининг асосидир»¹.

Истиқлол туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда туб сифат ўзгаришлари вужудга келмоқда. Эски мағкурадан ҳолос бўлиш натижасида ўз мамлакатимиз, ҳалқимиз тарихини чуқурроқ билиш, асрлар мобайнида яратиб келинган маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлиш, она тилимиз гўзаллигини ва улуғворлигини тушуниш имкониятига эга бўлдик ва бу миллий қайта тикланиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Маънавий камолотнинг юксалиб бориши ҳаётий қадриятларни, ижтимоий тараққиётнинг мазмуни ва мақсадларини, ислоҳ қилиш ва янгилашнинг барча жараёнларини баҳолашга янгича ёндошиш имконини берди.

«Мамлакатда умумиллий ақлий ва маданий макон вужудга келтирилмоқда. У қудратли жозиба кучига эга бўлиб, юртимизда яшаётган, янги уйимизни барпо этаётган барча кишиларни ирқи, миллати, диний эътиқоди билан ўзига мафтун қилмоқда»².

Президентимиз таъкидлаганидек, биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланимиз. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо ҳалқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

Ўзбекистон аҳолиси, барча фуқароларнинг битмас-туғанмас, кўпқиррали ва бой маънавий ва ахлоқий улуг-

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, йўлида. 266-бет.

² Ўша асар, 150-бет.

ворлигини бутун дунё кўриб турибди. Шунинг учун ҳам хорижликлар бизга тенглик назари билан қараб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдиримоқдалар.

Халқимизнинг маданияти, тили, тарихи, урф-одат ва анъаналари, бой меъморчилик санъати жаҳон халқла-рида зўр қизиқиш уйғотмоқда. Бунга далил сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И Қаримовга мустақиллик байрами муносабати билан АҚШнинг бир гуруҳ олимлари ва талабалари томонидан юборилган қўйидаги табрикномани ҳавола қилишимиз мумкин.

«Ҳурматли Президент,

Вашингтон университети Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзги программаси профессор ва талабалари Сизни, Сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистоннинг улуғ байрами — Мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан чин кўнгилдан табрик этадилар.

Биз бир гуруҳ америкаликлар ўзбек тили ва маданиятини зўр қизиқиши билан ўқиб-ўргандик. Тарихингиз ва адабиётингиз ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийдек буюк зотлар ўзбек ҳамда дунё тарихида қандай рол ўйнаганларини билиб олдик.

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги ипак эмас, пахта эмас, тилло эмас. Бу — Ўзбекистоннинг халқи. Ўзбек халқи албатта буюк давлатини қуради. Худо куч-қувват берсин!

...Биз Сизларнинг дўстингиз бўлиш учун ўзбек тилига меҳр қўйдик. Америка Кўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик, бир-бирини англаш, тушуниш даражаси, юксак бўдишини истаймиз. Шунда биз тинчлик, дўстлик ва тараққиётда ёрқинроқ келажакни бирга қуриб оламиз.

Улуғ ўзбек халқига яхши кунлар йўлдош бўлсин! Плза СИРТАУТС

Вашингтон университети профессори, программа раиси Лора АДАМС,

Берклидаги Калифорния университети аспиранти Рич ХАВКИНС ва бошқалар.

1995 й., 15 август. Америка Кўшма Штатлари, Вашингтон штати, Сиэтл шаҳри¹.

¹ «Халқ сўзи», 23 август 1995 йил.

Миллий маданият, маънавиятимизни миңтақавий ва умўминсоний қадриятлар билан яқинлаштириш, жаҳон халқлари билан маданий алоқаларимизни мустаҳкамлаш ва янада тараққий эттириш — ҳукуматимиз сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади. Бу борада олиб борилаётган хатти-ҳаракатлар ўзининг сермазмунлиги ва кўпқирралиги билан кўзга ташланади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси нуфузли халқаро ва миңтақавий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашиб, шулар орқали жаҳон халқларига миллий маданиятимиз, маънавиятимизни таништиришга мусассар бўлмоқда. Бунга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият билан шуғулланадиган органи (ЮНЕСКО) билан маданий алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасида қилинаётган ишлар ёрқин мисол бўла олади.

ЮНЕСКОнинг асосий вазифаси — БМТ низомида эълон қилинган ирқи, жинси, тил ва динидан қатъи назар, барча халқлар учун таълим, фан ва маданият йўли билан, адолат, қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумий ҳурмат-эҳтиромни таъминлаш учун халқларнинг ҳамкорлигига кўмаклашишдир. Бугунги кунда 183 давлат ЮНЕСКОнинг аъзосидир.

Ҳали мамлакатимиз давлат мустақилигига эришмасдан туриб, ЮНЕСКО Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарап эди. Буюк аждодларимиз, қомусий олимлар Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллиги, Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги, Тошкент шаҳри барпо этилганлигининг 2000 йиллиги, ЮНЕСКО ҳомийлигига нишонланган эди. Бироқ, мустақил ташқи сиёсатга эга бўлмаганимиз учун биз жаҳон майдонида халқимизнинг ўта бой маданиятини муносаб тарзда намойиш қила олмас эдик. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО аъзолигига қабул қилинишига бағишлиланган расмий маросим бўлди. Уша пайтдаёқ ЮНЕСКО дастурига буюк ҳамюртимиз Муҳаммад Тарагай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини байрам қилишни киритиш таклиф этилди. ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор Ўзбекистоннинг бой маданий салоҳиятини очишга қаратилган ва бошқа таклифларини тўла қўллаб-қувватлади.

1994 йил октябрда Парижда—Улуғбек ҳафталиги

кatta тантана билан ўтди. Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорлик шаҳарлари Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилди. ЮНЕСКО кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларимизнинг меъморий мажмуаларини қайта тиклаш бўйича халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиш ишлари бошланди. Шунингдек, «Ипак йўли»ни ўрганишда интеллектуал ҳамкорлик учун бу соҳада фаолият юритадиган ташкилотлар тармоғини ташкил этишни теззатиш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда ЮНЕСКО бош конференцияси қарорига биноан Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институт манзили қилиб Амир Темурнинг қудратли давлати пойтахти бўлган Самарқанд шаҳри танланди. 1994 йил 26 август куни ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ҷоғида эса институт тантанали равишда очилди.

Мазкур институт ЮНЕСКО тасарруфидаги халқаро илмий марказ бўлиб, уни Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Россия, Тоҷикистон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Эрон, Хитой, Жанубий Корея сингари мамлакатлар биргаликда таъсис этишган. Шундай экан, унинг фаолияти ҳам ана шу давлатлардаги тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда олиб борилади. Институт юқорида аталган мамлакатлар моддий ва маънавий месросини, тарихи, санъати, археологияси, этнографияси, адабиёти, географияси ҳамда бошқа соҳаларни тадқиқ этиш; уларнинг инсоният ривожига қўшган ҳиссасини тарғиб қилишда муҳим омил бўлиши шубҳасизdir.

Ҳозирги кунда ЮНЕСКО Марказий Осиё маданияти тараққиётини ўрганиш, тиклаш ва кенг оммалаштиришга катта аҳамият бермоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Жаҳон давлатлари эътироф этганидек, Марказий Осиё минтақаси халқлари асрлардан бери жаҳон маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келганлар. Уларнинг фан, хўжалик фаолияти ва санъатда эришган ютуқлари бутун инсониятнинг бойлигига айланган. Қадим қадим замонларда улар мураккаб ирригацион тизим ва иншоотлар барпо этишни, саҳроларда бўстонлар яратишни ўрганганд. Ҳозиргача мислсиз бўлиб қолган меъморлик намуналари уларнинг меҳнати билан қад кўтарған. Уларнинг тафаккури билан математика, астрономия, тиббиёт, муҳандислик илмида мукаммал кашфиётлар яратилган.

Бизнинг миллий маданиятимиз минтақавий ва умум-инсоний қадриялар билан туташиб кетган. Шунинг учун ҳам Узбекистон Республикаси фан, адабиёт ва санъат арбобларининг маънавий маданият, фан соҳасидаги ишлари жаҳон халқлари томонидан ҳозирги кунда ҳам тан олиниб юксак баҳоланмоқда.

1995 йил август ойида Тошкент давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси Раҳмонберди Мұхаммаджонов урдушуносликни ривожлантиришда қўшган ҳиссаси, шунингдек, Узбекистон ва Покистон халқлари ўртасидағи, маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Покистон Ислом Республикаси Президентининг фармонига биноан «Шарафли меҳнати учун» нишони билан мукофотланди. 8 август куни Исломободда мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди¹.

1995 йили Термиз шаҳри яқинидаги «Учқизил» сувомбори соҳилида жойлашган А. Н. Семашко номли Саломатликни тиклаш ва тиббий давлат институтининг раҳбари—профессор Зокиржон Зуннуновнинг «Иссик-қўруқ иқлимда юрак-қон-томир системасининг адаптив ва қоадатив ўзгаришлари ва уларни табиий ўсууллар билан мӯвофиқлаштириш» мавзусидаги илмий иши Нью-Йорк Фанлар академияси олимлари томонидан юксак баҳоланди ва унга «Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзоси фахрий унвони» берилди². Узбекистон Фанлар академиясиниг мухбир аъзоси С. Азимжоновга Хиндистон Республикасининг «Жавоҳарлаъл Неру номли дўстлик мукофоти» берилди.

Академик Г. Пугаченкова ва профессор Ф. Судаймоновлар Франция Республикаси Академиясининг Падъма орденига сазовор бўлдилар.

Таникли ўзбек физик олими Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Беруний номидаги республика давлат мукофотининг совриндори, физика-математика фанлари доктори, профессор Раҳим Бекжоновнинг ядро физикаси борасида олиб бораётган тадқиқотлари чет элларда ҳам маълум. У ана шундай садоҳияти туфайли 1995 йили Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзолигига сайданди.

Мавжуд маълумотларга кўра, ҳозирнинг ўзида юздан ортиқ Узбекистон олимларига хорижий мамлакат-

¹ Қаранг: «Халқ сўзи», 1995 йил, 11 август.

² Қаранг: «Халқ сўзи», 1995 йил, 12 сентябрь.

Ләр фанлар ақадемиясінінг ағзолиғига қабул қилинішлари түфрисіда таклифлар юборилган.

МИЛЛИЙ ВА МИНТАҚАВИЙ МАҢНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМІЗНИНГ БИРЛІГІ

Истиқолол туфайли мінтақамыздаги туркій тілда сұзловчи халқлар ўртасидаги іқтисодий, маңнавиіт-маданий алоқаларимиз ҳам мустаҳкамлânмоқда. Минг йиллар давоміда бир илдіздан баҳра олган халқларымиз брасидә эски мағкура туфайли қўйилган сунъий түсиқ барбод бўлди. Тарихни, ўзликни англаш мавриди келди. Туркій тилли давлатлар раҳбарларининг илгари Анқара ва Истанбулда ўтган олий даражадаги учрашувлари, Анқара баённомаси ҳамда Истанбул декларацияси ача шу мақсадни амалга ошириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни, маңнавиий уйғунликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлган эди. 1995 йил 28 август куни Бишкекда туркій тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учинчи учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув Бишкек декларациясини имзолаш билан якунланди. Мажлисда халқаро ва мінтақавиий масалалар бўйича фикр алмашиш, іқтисодий ҳамкорликни қенгайтириш, маданий-маңнавиий алоқаларни ривожлантириш ҳамда гиёхвандликка қарши кураїни кучайтириш қаби масалалар муҳокама қилинди.

Бишкек учрашувида Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирзэл, Туркменистон Президенти Сафармурод Ниёзов, Узбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозогистон Президенти Нурсултон Назарбоевлар иштироқ этишли.

Президентимиз И. Каримов «Туркійзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кўзланган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиласиз?» деб савол қўйди ва унга жавобан шундай деди: «Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам иккى томонлама инсонпарварлик, маңнавиий-маданий алоқаларини ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва іқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўтқазилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, мінтақавиий миқёсда ҳам кўтариб чиққаң инсон

омили масалалариниң ҳал әтиш үчүн күч-ғайратларниң жипелаштиришдан иборатдир».¹

Туркійзабон давлатлар бошлиқларининг 1996 йил октябрда бўлиб ўтган Тошкент учрашувида ҳам дўстлик ва биродарлик руҳи устун бўлди. Айниқса бу учрашувнинг Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналари кунларида ўтганлиги унга алоҳида файз ва маъно бағишилади.

Минтақамиз халқларини маънавий жиҳатдан янада жипелаштиришда анъанавий тарзда республикаларо кунларнинг ўтказилиши катта аҳамият касб этади.

Маълумки, 1994 йил 23 майда Ўзбекистонда Қозогистон кунлари очилди. Бу бежиз эмас, албатта. Қадимдан бир маънавий-руҳий иқлимдан нафас олиб келган халқларимиз тарихининг, айниқса, бугунги масъулияти даврда ақл, заковат ва шижаот, дунёвий салоҳият ва миллий гурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлироқ бўлишлари лозимлигини ҳайётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «қозоқ ва ўзбек халқлари тарихнинг барча давларида бирга бўлган, ёнма-ён қадам ташлаб, турмушнинг бор шодлигу гамини бирга баҳам кўрган. Асрлар ўтган, ижтимоий тузумлар ўзгарган бутун-бутун салтанатлар вужудга келган ва емирилиб кетган, ҳукмдорлар ўзгарган, бироқ қозоқ билан ўзбекнинг қардошлиги ва дўстлиги барқарорлигича қолган. Янглишмасам, қозоқ халқининг «девор бузилар— пойдевор қолар, беклар кетар — халқ қолар» деган доно мақоли бор.

Ҳозир дўстлигимиз, қардошлигимизнинг янги даври юз очди. Мустақил миллат, ўз мустақил ватанининг эгаси бўлган халқларимиз янги тарихни бошлади. Бу тарих — эрк тарихи, балоғатга етиш, иқтисодий ва маънавий қад ростлаш, жаҳон ҳамдўстлигига ўз номи ва нуфузини барқарор этиш тарихи бўлажак»².

1995 йил май ойида Алматида Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди. Бир гуруҳ фан, адабиёт ва санъат арбоблари Қозогистон Республикаси Президентицинг фармонига мувофиқ юксак мукофот ва унвонларга сазовор бўлдилар. Жумладан, «Ялла» ансамблининг раҳбари Фаррух

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 29 август.

² И. Каримов. Истиқлол ва маънавият. 138 бет.

Зокировга «Қозғистонда хизмат күрсатған маданият арбоби» деган юксак унвон берилди.

Марказий Осиё фан, адабиёт ва санъат арбоблари күшни республикаларнинг юксак мукофоти билан тақдирланмоқда. Бу эса ўз навбатида қардош ҳалқларимизнинг маънавий жипсланишига замин яратмоқда. 1995 йил 31 августда таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов Президентимиз қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордені билан тақдирланди. Ўз навбатида Ўзбекистон ёзувчиси Носир Фозилов 1995 йил Қозғистон Президентининг мукофотига сазовор бўлди. Буларнинг ҳаммаси Туркистон ҳалқларининг янада маънавий яқинлашуви ифодаси эканлиги шакшубҳасизdir.

Ўзбек болалар адабиётининг таниқли вакили Турсунбой Адашбоев кўп йиллардан бўён қирғиз адабиёти на муналарини ўзбек тилига таржима қилиб келади. Қондош ва жондош қирғиз элининг Тўқтағул, С. Эралиев, С. Жусуев каби шоирларининг шеърий тўпламлари, Ж. Мавлонов, Т. Қосимбеков ҳамда Ш. Абдурамонов сингари таниқли ёзувчиларнинг насрый асарлари шулар жумласидандир. Т. Адашбоев, «Манас» юбилейи арафасида мазкур достонининг насрый баёнини ўзбек тилига ўгирди ва у 20 минг нусхада «Чўлпон» нашриётида чоп этилди.

1995 йил сентябрь ойида Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев ўзбек шоири Турсунбой Адашбоевни ««Манас» достонининг минг йиллиги» эсадлик медали билан тақдирлади.

Марказий Осиё республикаларининг маънавий жипслашувида Ўрта Осиё Фанлар академиясиning таъсис этилганлиги ҳам катта роль ўйнашини алоҳида қайд этиб ўтмоғимиз лозим. Мазкур академия Марказий Осиё мамлакатларининг олдида турган минтақавий муаммоларнинг илмий асосларини ишлаб чиқишида катта аҳамият касб этади. Орол муаммоси, минтақамизда ягона иқтисадий ҳудудни таъсис этиш йўллари, бой миллий маданиятимизни янада равиақ топтириб, ҳалқимизни маънавий жипслаштириш, савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда, жаҳон ҳалқларининг ўзаро маънавий алоқаларини ривожлантиришда инсониятни қизиқтира-

диган мавзулар бўйича турли ҳалқаро анжуманлар, семинар, конгресс, конференцияларни изчил равишда ўтказиб туриш катта аҳамиятга эгадир. 1995 йил 15—16 сентябрда Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича ҳалқаро семинар кенгашини ўтказди.

18—19 сентябр кунлари Нукус шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигидаги Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишлиланган ҳалқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда АҚШ, Австралия, Австрия, Англия, Белгия, Данія, Италия, Канада, Кения, Россия, Туркия, Малайзия, Франция, Финляндия, Швеция, Япония, Кувайт, Афғонистон, Ҳиндистон каби кўплаб давлатлар вакиллари, нуғузли ҳалқаро ташкилотлар мутахассислари, хорижий эксперталар, шунингдек, Марказий Осиё минтақаси вакиллари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси доимий вакили Холид Малик анжуман аҳлини қутлаб, Ўзбекистон ҳукумати, хусусан мамлакат Президенти Ислом Қаримовнинг Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда изчил ташабbusларини юксак баҳолади.

Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва ҳалқаро ташкилотлар Нукус декларациясини қабул қилишди. «Биз,— дейилади мазкур ҳужжатда,— минтақада ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик асосида тўла ҳамкорлик қилиш бўйича олган мажбуриятларимизни ва бундан бўён ҳам Орол денгизи ҳавзасида экологик буҳрон ҳамда унинг инсонга таъсири оқибатларини бартараф этиш йўлида ишлаш қатъиятимизни маълум қиласмиз. Биз шунингдек, ҳалқаро ҳамжамиятга, бутун дунё давлатлари ҳукуматлари ва ҳалқларига бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизда ёрдам беришини сўраб мурожаат қиласмиз.

Биз барқарор ривожланиш принципларига содиқ эканимизни баён қиласмиз ҳамда бунинг учун қуйидагилар зарур деб ҳисоблаймиз:

— барқарор ривожланишнинг асоси сифатида сув, ер ва биологик ресурсларнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиш;

— қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мукаммал ва илмий асосланган тизимиға ўтиш;

— сув ресурсларидан фойдаланишинг иқтисодий усулларини ишлаб чиқиш воситаси орқали суфориш са- марадорлигини ошириш, суфориш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда мукаммал технологияларни қўллаш;

— ер ва сув ресурсларидан фойдаланишинг узоқ муддатли шаклларини рағбатлантириш йўли билан бар- қарор ривожланиш принциплари асосида Орол буҳро- нини ҳал этиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва дас- турларни кенгайтириш ҳамда амалга ошириш;

— инсонлар саломатлигини яхшилашга, турмуш да- ражасини кўтариш ва маданий меросини сақлаб қолиши- га қаратилган ташаббусларга кўмаклашиш йўли билан инсонлар турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, айни пайтда келажак авлодлар учун муно- сиб ҳаёт йўлларини таъминлаш;

— атроф-муҳит, асосан сув ресурлари ҳолати усти- дан минтақавий назорат тизимини барпо этиш;

— атроф-муҳитни мониторинг қилиш бўйича ахбо- ротлар алмашиш тизимини барпо этиш;

— экологик стандартлар ва улар билан боғлиқ қо- нунчиликни уйғунлаштириш йўли билан минтақа табиий ресурсларини комплекс бошқариш тизимини такомил- лаштириш.

Бундан ташқари, биз Орол денгизи ҳавзасини барқа- рор ривожлантириш бўйича халқаро конвенция ташкил этилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Сувдан ҳамкорлик- да фойдаланиш ва экология стандартларини унифика- ция қилиш ҳамда бу борадаги қонунчилик мазкур кон- венция устувор мавқени эгаллаши лозим. Шу муносабат билан биз ЕМТ агентликлари, энг аввало унинг та- раққиёт дастурига мурожаат қилиб, шу хил конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишида кўмак беришни сўрай- миз¹.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Ма- лик конференциянинг икки кунлик ишини хulosалар экан, унда қимматли таклифлар ўртага ташланганини таъкидлади. Орол бўйича Марказий Осиё давлатлараро Кенгаши, Оролни қутқазиш халқаро жамғармаси, БМТ

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 21 сентябрь.

тараққиёт дастури, ЮНЕП, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар кўмагида қилинаётган сайъ-ҳаракатларнинг янада самарали бўлишида ушбу таклифлар муҳим ўрин тутиши шак-шубҳасиздир.

1995 йил 2—3 октябрда Тошкентда «Германия ва Ўзбекистон: тарихий, сиёсий ва стратегик жиҳатдан қиёслаш муаммолари» мавзууда халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуман Конрад Аденауэр номидаги Жамғарма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамкорлигига ўtkазилди.

1995 йил 10 октябрда Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти EXХТТнинг атроф муҳитни тиклаш бўйича халқаро семинари бўлиб ўтди. Семинарда Германия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Турция каби EXХТга аъзо ўнлаб давлатлар, Марказий Осиё республикалари ва бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Семинарни EXХТнинг Бош котиби доктор Вильгельм Хойнк очиб, мазкур семинар EXХТга аъзо давлатларнинг эътиборини Марказий Осиёдаги экология масалаларига, хусусан, бутун жаҳон учун хавф туғдираётган Орол денгизи муаммосига жалб этишга ҳамкорликда фалокатнинг олдини олиш йўлларини қидиришга қаратилган, деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Атроф-муҳитни қайта тиклаш» мавзусидаги халқаро семинар қатнашчиларига юборган табрикномасида шундай дейилади: «Биз мазкур семинар эзгу мақсад — минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол фожиаси туфайли издан чиққан атроф-муҳитни тиклаш механизмларини ишлаб чиқиш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида муҳим қадам бўлишига умид боғлаймиз...»

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва унинг Бош котиби жаноб Вильгельм Хойнкнинг Тошкентда минтақавий бюро очиши хусусидаги қарорини қутлайман. Биз бу бюро билан мустаҳкам ҳамкорликни Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик, барқарорлик ва осойишталикини таъминлашнинг яна бир кафолати деб биламиз»¹.

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 11 октябрь.

Миллий, миңтақавий ва умуминсоний маънавий қадриятларининг уйғунлашишида, санъат, адабиёт арбобларининг ўзаро учрашувлари, турли фестиваллар ўтказиши катта аҳамият касб этади. Тошкент азалдан маданият ўчоғи бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб келмоқда.

Миллий ва миңтақавий қадриятларимизнинг янада уйғунлашишида Президентимиз И. Каримов ташаббуси билан «Туркистон—умумий уйимиз» шиори остида кенг авж олиб бораётган оммавий ҳаракат ҳам муҳим восита бўлмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари Туркистонни ўзларининг муқаддас ватани деб билганлар. Собиқ Шўролар ҳукуматининг миллий чегаралаш сиёсати туфайли миллатчилик, маҳаллийчилик иллатлари пайдо бўлиб, бир ота-онадан тарқалган халқлар бир-биридан сунъий равишда ажратиб ташланди. Ана шу маънода ҳам Ислом Каримовнинг «Туркистон—умумий уйимиз» фоясини барча Марказий Осиё халқлари, қозоқ, қирғиз, тоҷик, туркман, ўзбеклар қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Мазкур масала бўйича Марказий Осиё давлатларининг бир груп зиёлилари томонидан қабул қилинган мурожаатномада шундай дейилади:

«Биз Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари ҳар бир халқнинг анъанавий маданий қадриятларини сақлаб қолишининг яхлит жараёни асосида халқларимизни бир-бирига маънавий жиҳатдан яқинлаштиришдек олижаноб мақсадни кўзлаб, ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» миңтақа ҳаракатини тузиш ташаббусини кўтармоқдамиз.

Бу ҳаракат доимий ҳамкорликни назарда тутиб, Туркистоннинг қайта тикланиши ва санъат, адабиёт ва илм-фанни ўзаро бойитиши мақсадида, жаҳон ҳамжамиятининг инсонпарварлик ҳамда маънавий равнақ ғояларига, шунингдек Туркистон миңтақаси маданий тараққиётининг янги ресурслари ва имкониятларидан фойдаланишга фаолроқ кўмаклашиш учун, миллий оммавий аҳборот воситалари ҳамкорлиги мақсадларини кўзлаб бир-бирига яқинлашишнинг янги тарихий тажрибасини фаол ўзлаштиришга ёрдам беради.

Биз давлатларимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миңтақада ҳам, жаҳон ҳамжамиятида ҳам интеграция жараёнларини тезлаштириш, қадимий халқларимизнинг

асрий ижтимоий қадриятларини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни жуда қадрлаймиз. Ҳаракат шу олижаноб мақсадларга эришишга фаол кўмаклашади деб ўйлаймиз»¹.

1995 йили 21 ноябрда Тошкентда Марказий Осиёда истиқомат қилаётган қардош халқлар вакилларининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда анжуман қатнашчилари минтақа илмий-адабий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси»ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Атоқли адаб Чингиз Айтматов ассамблея президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчisi Одил Ёқубов биринчи вице-президент этиб сайланди. Шундай қилиб, Марказий Осиёда минтақа маданияти ва санъати ривожига ҳисса қўшиш учун бел боғлаган янги бир тузилма — ҳукуматга алоқадор бўлмаган ташкилот дунёга келди.

Марказий Осиё давлатларида яшовчи ҳар бир кишининг ҳозирги кундаги долзарб вазифаси «Туркистон—умумий уйимиз» ғоясини кундалик амалий ишлар билан ҳаётимизга татбиқ этишдан иборатdir. Айниқса, бу борада таълим-тарбия билан шуғулланадиган профессор-ўқитувчилар, зиёлилар, илмий ҳодимлар жонбозлик қилишлари лозим.

Маълумки, Туркистон халқларининг кўп асрлик тарихи, бой маданияти, ранг-баранг урф-одат ва анъана-лари бир-бири билан чамбарча сабабланиб кетганд. Шунга қарамасдан, ҳанузгача мазкур ҳудудда яшовчи халқлар тарихи алоҳида-алоҳида ўқитилиб келинмоқда. Ўзбекистонда, масалан, Ўзбекистон тарихи, Қозогистонда—Қозогистон тарихи, Қирғизистонда—Қирғизистон тарихи ва ҳоказо. Ахир Туркистон заминида яшовчи қондош халқларнинг асли бир тарихини алоҳида-алоҳида ўқитиш чоризм ва большевизм мустамлакачилари сиёсати туфайли вужудга келган бўлиб, бу йўлни давом эттириш уларни бирлаштириш ўрнига, аксинча бир-бираидан айриб, янада узоқлаштириб юборади-ку!

Фикримизча, ҳозир Туркистон халқлари тарихи номли янги курсни жорий этиб, уни минтақамиздаги барча республикаларда яхлит фан сифатида мактабларда, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўтишни таъмин-

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 9 сентябрь.

лаш вақти келди. Истиқлол тұфайли вужудға келган барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, зудлик билан мазкур курс бүйічә яхлит дарслик тайёрлаб, ёш авлодлар онгига «Туркистан—умумий үйимиз» гоясини сингдириш устида бош қотирмоғимиз лозим.

Худди шунингдек, фалсафа тарихи, маданиятшунослық, одобнома, диншунослик курслари бүйічә яхлит дарсліклар тайёрлаб үқұвчилар онгига Туркистан халқлари тарихи ва маданияттіннег бирлигі ҳақида тасаввур ҳосил қылсақ, мақсадға мувофиқ бўлади, деб үйлаймиз. Нима учун азалдан биргаликда яшаб келган халқлар фалсафаси, маданияти, диний әзтиқоди, ахлоқ-одоби тўғрисидаги фанларни миллий чегара доирасидангина келиб чиқиб яратишимиз керак. Ахир масалага бундай ёндашиш ёшларимиз онгї, тафаккурини, уларнинг маданияти, дунёқарашини кенгайтириш ўрнига, аксинча торайтириб, маънавий-қашшоқликка олиб келиши мумкин-ку!

Эндиликда илмий ишлар режаларини ҳам «Туркистан—умумий үйимиз» гояси асосида қайта кўриб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритишимиз зарур. Фикримизча, олимларимиз ҳозирги вақтда Марказий Осиёда ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш йўллари, Орол муаммолари, табиатни мұҳофаза қилиш, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, миңтақада интеграцияни чуқурлаштириш масалаларига, шунингдек, халқларимизни қизиқтираётган бошқа ҳаётий муаммоларга эътиборларини кучайтиришлари керак.

Илгари Ўзбекистон Фанлар академиясига бўйсунадиган Ўрта Осиё ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш муаммолари билан шуғулланадиган мустақил институт мавжуд эди. Ҳозир мазкур институт тарқатиб юборилган. Ҳолбуки, Туркистан заминидаги республикаларни қизиқтирадиган иқтисодий муаммоларни илмий тадқиқ этиш устида бош қотирадиган марказ керак эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Мазкур масалалар қанчалиқ тезроқ ҳал қилинса, «Туркистан — умумий үйимиз» шиори шунчалик тез илдиз отади ва келгуси ишларимизга пухта замин яратилади.

Жаҳон халқларининг миллий, миңтақавий ва умуминсоний маданиятини уйғуллаштиришда миллий маданият марказлари катта иш қилмоқдалар. Айни вақтда улар Ўзбекистонга нисбатан умумхалқ ватанпарварлик

муносабатида бўлишнинг мустаҳкамланишига кўмаклашмоқдалар.

Миллий, минтақавий ва умуминсоний маданиятни янада жисплаштиришда спортнинг роли катта. Мустақиллик туфайли республикамизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Юзлаб спорт мажмуи ва стадионлар қайтадан тикланиб, таъмирланди, янги иншоотлар барпо этилди, халқаро андозалар талабига жавоб берадиган тенис кортлари фойдаланишга топширилди.

Кейинги йилларда Узбекистон жуда кўп халқаро мусобақалар ташкилотчиси бўлди. Бунга мисол сифатида мамлакатимиз мустақиллиги кунининг тўрт йиллиги олдидан бошланган «Президент кубоги» халқаро тенис турнири ва мустақиллик байрами тантаналарининг узвий давоми бўлган биринчи Марказий Осиё ўйинларининг юқори даражада уюштирилиши ва ўтказилишини эслаб ўтиш жоиз. Биринчи Марказий Осиё ўйинлари «Туркистон—умумий уйимиз» шиори остида ўтди.

Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч таъкидлаганидек, бу ўйинлар Олимпия ҳаракатини ривожлантиришда Қозогистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчиларининг хизмати эътироф этилишидир. «Биринчи Марказий Осиё ўйинлари, — дейди у, — ҳалол ва очиқ курашда ғолиб деган номни қўлга киритган янги истеъодли спортчиларни рўёбга чиқарибгина қолмай, шу билан бирга, умумий хонадонимиз — Туркистонда дўстлик ва тотувликда яшаётган Марказий Осиё халқлари ўртасидаги қардошлиқ ва бирликни мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашди»¹.

1995 йили 1—8 октябрда Тошкентда бокс бўйича ўн саккизинчи Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

1996 йил Американинг Атланта шаҳрида ўтказилган Олимпиада ўйинларида тарихда биринчи марта Мустақил Ўзбекистон давлати байроби ҳам кўтарилиди.

Буларнинг ҳаммаси миллий, минтақавий, ва умуминсоний маънавий қадриятларимизнинг бир-бiri билан чамбарчас боғланиб кетганлигидан далолат беради.

Минтақамизда яшовчи халқларнинг бой маънавий маданиятини хорижий мамлакатлар сайёҳлари билан

¹ «Халқ сўзи», 1995 йил, 9 сентябрь.

таништиришда туризм катта аҳамият касб этади. Маълумки, сайёхлик халқларни бирлаштирадиган муҳим воситадир. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари каби сайёхликда ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётир. Бу борада мамлакатимиз раҳбарияти Жаҳон сайёхлик ташкилоти, БМТ ҳамда ЮНЕСКО билан ҳамкорликни янада кенгайтироқда. Бунга «Ўзбектуризм» томонидан 1995 йил «Ипак йўли бўйлаб сайёхлик» халқаро ярмаркасининг ўтказилиши, ««Буюк ипак йўли» тарихи, унинг давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда тутган ўрни» ҳақидаги семинарлар мисол бўла олади.

Жаҳон мамлакатлари ва жамоатчилиги замонавий фан ва техника ютуқлари асосида мутахассисларни тайёрлашда ҳамкорлик қилмоқда. Бунга хорижий мамлакатлар томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун таъсис этилган нуфузли стипендиялар ёрқин мисол бўла олади.

Яқинда республикамиз олий ўқув юртларининг бир қанча аспирант ва талабалари Япониянинг «Фукусима—Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлиги уюшмаси ташкил этган истеъоддли ёшларни қўллаб-қувватлаш маҳсус жамғармаси стипендиантини бўлишди.

«Маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равшан ютуқларни, шубҳасиз, жамиятни янгилаш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни илк босқичининг жуда катта муваффақияти деб ҳисобламоқ керак,—дейди И. Каримов.—Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги, қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олга силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир»¹.

Истиқлол турли маданиятларнинг баҳамжиҳат алоқаси ва бир-биридан ўзаро баҳраманд бўлиши имкониятини яратиб берди. Биз тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз учун ҳам ва бутун дунё учун ҳам қайта тиклаяпмиз.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. 139—140-бетлар.

ХОТІМÀ

Маълум бўлдики, қадриятлар ўз мөҳиятига кўра хиљма-хилдир. Улар орасида табиний, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Бироқ, шундай бўлса-да, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, унинг ҳаёти, ҳуқуки ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Инсон қадр-қимматини, шарафини улуғлаш—жамиятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилидир. Буни биз кундалик ҳётимизда кўриб, билиб турибмиз.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир миллат ва элат сингари ўзбек халқининг ҳам ўзига яраша ажойиб моддий, маънавий, тарихий қадриятлари бор. Уларни оқи-лони ва холисона ўрганиш маънавий юксалишнинг омилидир. Тажриба шуни кўрсатадики, инсоний ва миллий қадриятларга ёндашишда ноилмий ва нообъектив йўлдан бориш фалокатли салбий оқибатларга олиб кела-ди. Миллий маданият ва анъаналарга, миллий қадриятларга ҳурмат билан қарав миллиатнинг ўзига нисбатан эъзозли муносабатнинг, Ватанга садоқатнинг мустаҳкам гаровидир.

Миллий қадриятларни юксалтириш борасида барча соғлом кучлар билан ҳамкорликни кучайтириш, катта аҳамият касб этади. Халқимизнинг урф-одат, анъана-ларини тиклашда диний арбоблар, руҳонийлар, маҳалла ва гузарларнинг оқсоқоллари яқиндан ёрдам бераптилар. Уларнинг ташаббуси ва фаол иштироки билан вайрон, ҳаробаларга айланган масжидлар қайта тикланяпти, янгилари қўрилиб, ишга тушириляпти. Наврўз, ҳайит, сингари байрамларнинг тикланиши ва бошқа ҳайрли ишларда ҳам уларнинг қалмоқли улуси бор. Бундай ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиришимиз, такомиллаштиришимиз зарур.

Миллий қадриятларнинг тикланиши туфайли бугун жонажон Ватанимизнинг «ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланяпти. Истиқлол бёрган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло, янгишмаган, бўламиз»¹.

Эндиликда халқимизнинг онгода кескин ўзгаришлар рўй бермоқда, улар ўз қадр-қимматларини теранроқ

¹ И. Каримов. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Ташкент. «Ўзбекистон», 1993, 4-бет.

аңглай бошлайпти, бунинг натижасида Ватан, ватан дошлар түйғуси, эски мафкуравий қобиқлардан халос бўлиб, ўзининг асл қиёфасини топмоқда.

Халқимизнинг бой тарихий маданияти, урф-одат ва анъаналарини чуқур билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, уларни муттасил ошириб боришга интилиш мамлакатимиздаги барча элат ва миллатларнинг келажаги буюк давлатни барпо қилишдек муazzам мақсад йўлида жипслашшига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди.

Миллий қадриятларни такомиллаштириш кишиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этади. Жаҳон тажрибаси шундан далилат берадики, мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз доирасида чегараланиб қолмасдан, бошقا халқлар томонидан тўпланган қадриятлардан оқилона фойдаланган тақдирдагина тараққиёт йўлига туша олади. Буни биз Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётидан ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Турон замин халқлари қадим замонлардан узоқ ва яқин эллар, мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, маданий алоқа боғлаб яшаганлар. Бунига Осиёning қаъридан Яқин Шарққа, Оврупога ва Африкага олиб борадиган буюк Ипак йўли мисол бўла олади. Бутун маданий оламга таниқли олим ва мутафаккирларни, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари шаҳарларнинг яратувчиларини, буюк империяларни қура олган саркардларни етиштирган она заминимизнинг довруғи асрлар давомида жаҳон халқларининг эътиборини тортиб келган. Бизнинг халқимиз азалдан ота юртига чуқур меҳр қўйиб, уни яшнатиш пайда бўлишган. Шунинг учун ҳам улар томонидан яратилган осориатиқалар ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳамон инсониятнинг ақлини лол қолдириб келмоқда.

Бугунги кунда ҳам ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда, нимаики янги ва илфор жиҳатлар бўлса шунга дадиллик билан интилоқда. Бунда айниқса мусулмон халқлар томонидан тўпланган тажрибалар ва қадриятлар қўл келмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан узвий боғланган бўлиб, улар бир-бирига таъсир этади, бири иккинчисини тўлдиради, мазмунан бойитади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар қотиб қолгани, ҳеч қачон ўзгармайдиган нарсалар эмас. Аксинча, жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда рўй берётган ўзгаришлар таъсирида миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳам доимо ривожланиб, ўзгариб, янгиланиб туради. Натижада муайян бир вақтда сунъий ва мажбурий равишда халқимиз ҳаётига киритилган айрим қадриятлар аста-секин аҳамиятини йўқотиб, барҳам топиб кетиши мумкин. Шунинг билан бир қаторда халқимизнинг минг йиллар мобайнида қадрланаб келинган, аммо файриинсоний мафкура туфайли унтутилиб кетган байрамлари, анъаналари қайтадан ўз қаддини кўтариши мумкин. Шунингдек, турли халқлар ўртасида ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан муносабатларининг тикланиши ва ривожланиши туфайли ҳар хил миллат ва элатларнинг қадриятлари бир-бирига таъсир кўрсатиб, бойиб бориши ҳам табиийдир. Айрим ҳолларда эса янги қадриятлар шаклланиб, турмушга сингиб кетиши ҳам кутилади.

Ҳар бир инсоннинг келажак ҳаёти, унинг баҳт-саодати қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб вазиятда миллий ва умуминсоний қадриятларни янада яқинлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Бунда мамлакатлар, халқлар ўртасида савдо-иқтисодий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш катта ўрин тутишини эътибордан сўқит қилиш мумкин эмас.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни ўйғунлаштиришда осоиышталиқ, барқарорлик каби ижтимоий-сиёсий қадриятларнинг аҳамияти бекиёсdir. Бу соҳада ҳам жумҳуриятимизда кўпгина хайрли ишлар қилинмоқда. Натижада Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, республикада ва минтақада тинчлик ва осоиышталикини сақлаш, ҳар бир хонадоннинг тотувлигини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни бир меъёрда ушлаб туриш ва халқ хўжалиги мураккаб вазиятга тушиб қолган ҳозирги пайтда аҳоли турмуш шароитини мувофиқлаштириб туришдаги доно сиёсати ва тадбиркорлиги жаҳон халқлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Қадриятлар жамиятимизнинг чексиз ва туганмас бойлигидир. Уни авайлаб сақлаш ва оқилона ривожлантириш — ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

МУНДАРЫ ЖА

Муқаддима

3

I — боб

Қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётидаги роли

8

1. Қадриятларнинг моҳияти, асосий турлари ва жамиятдаги ўрни

34

2. Мустамлақачилик Қадриятларнинг қадрсизланиши

3

3. Мустағиллик қадриятларга янгича ғидашув даври.

53

II — боб

Буюк ажоддаримиз мероси—халқимиз маънавий

юксалишининг құдратлы манбай

10

1. Шарқ цивилизацияси — илк маданий-маънавий қад-

85

риятлар белгигі

108

2. Маданий-маънавий қадриятларимизининг буюк сиймолари

3. Миллий маданий қадриятлар—жамиятимиз маънавий

1

покланишининг замини

182

III — боб

Миллий-маънавий қадриятларимизининг тарбиявий аҳамияти

19

1. Қадриятлар — халқимиз миллий оғиги ва миллитің ифти-

хорининг ўсиши омили.

191

2. Қадриятлар — инсоннинг маънавий-ахлоқий, барқамол-

212

лиги негизи.

291

3. Маънавий етүк, мәърифатли инсон — иштіқол таянчи

IV — боб

Миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг

муштарақлиги

259

1. Барқарорлик, тиңчлик, миллатлараро тутувлик — жаҳон

хамжамиятига йўл очувчи шактимоний-сиёсий қадриятлар.

288

2. Табиий, моддий қадриятларимизининг жаҳон иқтисодиётiga

қўшилишдаги аҳамияти.

288

3. Миллий маданиятнинг минтақавий ва умуминсоний қад-

333

Хотима

Жондор Туланов

ФИЛОСОФИЯ ЦЕННОСТЕЙ

На узбекском языке

Издательство «Узбекистон»—1998. 700129, Ташкент, Нағби, 30.

Расмлар муҳаррири Т. Қаноатов

Техн мұхаррир М: Ҳўжамқулов

Мусаҳҳиҳ М: Йўлдоцева

Теришга берилди 31.07.97. Бөснинг руҳсат этилди. 03.12.97. Қоғоз формати
84x180_{1/3}. Юқори босма усулида босилди. Шартли босма тобок. 17,64.

Нашр табориги 19,43. Тифажи 6000. Буюртма № 143.

Баҳоси шартнома асосида.

«Узбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоний, 30. Нашр. № 274—96 г.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент ки-
тоб-журнал фабрикасида чоп этилди. 700194, Тошкент, Муродов кўчаси, 1.